

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ва ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**СОТИБ-АЛДИЕВ Абдукодир Абдушокирович
МАМУРОВ Улуғбек Ибрагимович**

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

5141200 – Чақириққача ҳарбий таълим бакаравр йўналиши

ТОШКЕНТ - 2007 й

АННОТАЦИЯ

Ушбу қўлланма олий ўқув юртлари ҳарбий факультет ва ҳарбий кафедралари ўқув дастури доирасида тайёрланган. У ўз ичига ҳарбий хизматчи шахсларнинг ватанпарварлик руҳида бағишланган мавзуларни ўз ичига олади.

Қўлланмада ҳарбий жамоада ватанпарварлик тарбияси хусусиятларини ўргатишга имкон қадар ёрдам берувчи восита сифатида қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари ҳарбий факультетлари ва ҳарбий кафедралари учун ўқув қўлланмаси сифатида тасдиқланган.

ВОЕННО-ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ

Настоящее учебное пособие подготовлено в соответствии с учебной программой военных факультетов высших образовательных учреждений Республики по направлению «Допризывное военное образование». Учебное пособие включает в себе обучения и анализ воинского коллектива по патриотическому воспитанию личного состава.

Настоящее учебное пособие рекомендовано Министерством обороны и Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан для военных факультетов высших образовательных учреждений.

Масъул муҳаррирлар:

полковник И.М.Икромов – Тошкент давлат педагогика университети «Чақирикқача ҳарбий ва жимоний тайёргарлик» факультети бошлиғи;

капитан А.Ю.Сотволдиев – Тошкент давлат педагогика университети «Чақирикқача ҳарбий ва жимоний тайёргарлик» факультети катта ўқитувчиси;

Такризчилар:

подполковник А. Исмаилов – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳарбий кафедраси бошлиғи;

педагогика фанлари номзоди К.М. Маҳкамжонов – Тошкент давлат педагогика университети «Чақирикқача ҳарбий ва жимоний тайёргарлик» факультети профессори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил ...-даги буйруғига асосан нашрга рухсат берилган.

*«Биз замонавий, профессионал асосидаги армияни барпо этишда, авваламбор, миллати, тили ва динидан қатъий назар, шу юртнинг сувини ичиб, тўзини татиған, шу заминда тарбия топған, вояга етған ватанпарвар фуқароларимизга таянамиз».*¹

И.А.Каримов

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси тинчлик сиёсатини олиб бориш билан бирга ўз зиммасига фуқаролар ҳавфсизлиги, тинчлик ва барқарорлигини таъминлаш вазифаларини олади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига кўра мудофаага нисбатан ҳеч ким даҳл қилолмайдиған ҳуқуқни амалга оширмоқда, ақлий етарлилик даражасида давлат ҳарбий ва мудофаа қудратини таъминламоқда.

Ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш учун тайёрлаш Давлат миқёсидаги вазифа. Шу вазифани ҳал қилишда чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик, жумладан фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарлик ўқув дастуридаги мажбурий фан бўлиб, умумтаълим ўқув муассасаларида, ўрта махсус ва ўрта касб – ҳунар таълими муассасаларида чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчилари томонидан битириш йили арафасида курслардан ёки синфлардан бошлаб ўтилиши Ўзбекистон Республикаси „Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида“ги қонунининг 13 – моддасига белгилаб берилған. Ушбу масаланинг муҳимлиги эътиборга олинған ҳолда Олий таълим билим юртларидаги „Чакирикқача ҳарбий таълим“ йўналиши, яъни бўлажак „Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик“ ўқитувчиларини тайёрлашдаги асосий фанлардан бири ҳисобланған „Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси“ фани киритилған.

Ёшлар – Ватанимизнинг, миллатимизнинг келажагидир. Ватанимиз тақдирини уларга ишониб топширар эканмиз, аввало улар зиммаларига юклатилаётған мураккаб ва масъулиятли вазифани бутун моҳияти ила чуқур англашлари, унга ўзларини ҳиссаларини қўшишлари лозим. Зеро, Ватанни севиш, унга меҳр-муҳаббат қўйиш бевосита ҳар кимнинг шу юрт равнақи йўлида амалга ошираётған бунёдкорона ишлари билан белгиланади.

Миллий ўзликни англашнинг ривожланишида миллий ватанпарварлик ғоялари билан суғорилған, теран фикрловчи ёшларни тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун Ватан ҳимоясига тайёрланаётған ёшларимизнинг ҳар бири юксак ватанпарварлик руҳида тарбияланиши шарт. Ватанпарварлик – юксак инсоний фазилат ҳисобланади. Ватанпарварлик

¹ «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва оёйишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолатидир» 25-бет И.А.Каримов «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент 2003 й.

комилликнинг энг ёрқин жиҳатларидан биридир. Шунинг учун ҳам Ҳадиси Шарифда «**Ватанни севмоқ - иймондандур**» деб даъват қилинади.

Ваҳоланки, ўтмишда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқнинг бугунги авлодлари, ўз меросларининг жаҳон халқлари томонидан эътироф этилишини таъкидлаб ўтиш жоиздир, зеро уларда бу каби ҳис – туйғулар миллий ғурур ҳамда руҳий баркамолликка етаклайди, миллий ўзлигини англашга интилишини кучайтиради.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жисмоний тарбия билан ўзвий боғлиқ суратда олиб борилганидагина яхши натижа беради. Шунинг учун ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини жисмоний тарбиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Совуққа ва иссиққа бардошли бўлиш, касалликларга тезда берилмаслик, қийинчиликларни енгиш, иродалилиқ, сабот – матонатлик, тез ва чаққон ҳаракат қила билиш каби Ватан мудофаачисига хос фазилатларни талаба – ёшлар ва ўқитувчиларда ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спорт ўинларининг роли бениҳоят каттадир.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни Ватан мудофаасига жисмонан ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш зарурлиги ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Умумтаълим ўқув муассасаларида, ўрта махсус ва ўрта касб – ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларни, шу жумладан олий таълим даргоҳларида таълим олаётган талаба – ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тайёрлаш эндиликда таълим – тарбия ишларининг барча тизимлари орқали амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, Ватанга нисбатан чинакам садоқат уни ҳимоя қилишга ҳам қодир бўлишни талаб этади. Ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш барча турдаги фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларининг асосий ўрин эгаллаши даркордир.

I-боб

1. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мазмун моҳияти.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни.

Талаба – ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг назарий ва амалий билимларига эга бўлиши, уларни ҳар тарафлама ҳарбий хизматга тайёрлаш ва Мустақил Ўзбекистон равнақини ҳимоя қилиш бўйича ўз бурчини адо этиш – ўқув юртлари педагогик жамоаларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Уни муваффақиятли ҳал этишда "Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси" фани ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида ўқувчиларни хизмат қилишга маънавий – сиёсий, психологик ва жисмоний жиҳатдан тайёрлашнинг ташкили, мазмуни, шакллари ва услубларини ташкил қилади.

"Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси" фанининг асосий вазифалари қуйидагилар:

Биринчидан, ўқув юртларида ўрганиладиган бошқа фанлар билан боғланган ҳолда талабаларни миллий ватанпарварлик руҳида ўз Ватани ҳимоясига қўлида қуrol билан чиқишга доим тайёр бўлишга тарбиялаш;

Иккинчидан, талабаларда педагогик хислатларни ривожлантириш, янги жамиятнинг фаол, онгли қурувчилари, миллий мустақиллик ғояларига садоқатли, меҳнаткаш, жасоратли ва ўз Ватани учун ҳаётини берадиган инсонларни етиштириш;

Учинчидан, талабаларни "Ҳарбий ватанпарварлик тарбия" масалари бўйича назарий ва амалий билимлари билан қуrolлантириш, уларда ўрта ўқув муассасалар, лицейлар, коллежлардаги «Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисига хос бўлган лавозимда ўқув-тарбиявий ишнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши бўйича кўникма ва қобилияларини шакллантириш.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича масалалар бошланғич ҳарбий тайёргарлик фани ўрганиш натижасида талабалар қуйидагиларни билиши керак:

- ўрта махсус ва касб – ҳунар таълим ўқув юртларидаги „Ёшларнинг чакириққа қадар бошланғич тайёргарлиги" машғулотлари давомида ва дарсдан ташқари тадбирлар, шакл ва методлари, муҳофаа ва спорт ишларини ташкил

² «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч» 134 – бет. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент 2001 й.

қилиш ва ўтказиш методикасини;

- "Ватанпарвар", "Саломатлик" нормалари ва "Шунқорлар" ҳарбий спорт ўйинини ташкил қилиш ва ўтказишни, ўқув-дала машғулотларини ўтказиш, „Ёшларнинг чақириққа қадар бошланғич тайёргарлиги“ фанининг тугашига бағишланган байрамларни ўтказишни.

"Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси" фанини ўрганиш натижасида талабалар қуйидагиларни бажара олиши зарур:

- ўқувчилар ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича ўрта махсус таълим ўқув юртларидаги тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш, яъни ҳалқимиз жанговар ва меҳнат шухратиغا сазовор бўлган жойларига сафарлар уюштириш;

- уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил қилиш, Қуролли Кучлар аскарлари билан учрашувлар ўтказиш;

- ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича назарий конференциялар ўтказиш, ҳарбий Олий билим юртларида ўқиш учун номзодлар танлаш ва тайёрлаш;

- ҳарбий иш асосларини ўрганиш учун ҳарбий тўғараклар ташкил қилиш.

Мазкур фанни ўрганиш жараёнида ҳар бир талаба мустақил равишда ҳарбий ватанпарварлик мавзусида 4-5 маъруза тайёрлаши (доклад, реферат) шарт.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси – ёшлар тарбиясининг самарадорлигига қандай эришилади.

Мамлакатимиз муҳофаасини мустаҳкамлаш масалаларини муваффақиятли ҳал этиш ёшлар тарбияси, сиёсий онги, меҳнат фаолияти ва илмий-техника ривожланиши тезлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Тарбиялаш - бу инсонларни жамият учун жисмоний - ақлий меҳнатга ёки бошқа фойдали фаолиятга йўналтириш, шу билан бирга кўп қиррали ижтимоий вазифаларни бажаришга тайёрлашнинг объектив асосланган жараёнлардан иборат. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг методологияси ва илмий асослари инсоният омилига нисбатан қўлланилади. Бу тушунчага инсоннинг ғоявий-сиёсий, маънавий жисмоний ва бошқа фазилатлари йиғиндиси киради.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг назарий ва амалий асосларида Ўзбекистон Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ватанпарварлик ва мустақил Ватан ҳимояси ҳақида ғоялари, Олий Мажлис қонун ва қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлигининг буйруқ ва кўрсатмалари, ҳарбий педагогика ва психология, ҳарбий фанлар ва бошқа қоида ҳамда меъёрий ҳужжатлар ўрин олган.

Ватан ҳимояси ҳақидаги асосий ҳужжат давлатимизнинг „Мудофаа тўғрисида“ги Қонунида акс этган. Ушбу Қонун муҳофаани ташкил этишнинг

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларни бошқаришнинг ҳукукий асосларини белгилаб, мамлакат мудофаасини таъминлашда давлат органларининг ваколатларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар иштирокини аниқлаб беради.

„Мудофаа тўғрисида“ги Қонунида алоҳида мамлакат мудофааси хусусиятига эга бўлиб, Қуролли Кучларни тажавўзкорликларни бартараф этиш ва қайтаришга тайёрлаш, Ватан ҳимояси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фикрлар тизимини ташкил этади. Ҳарбий хавф потенциал манбалари мавжуд экан Ўзбекистон зарурий етарлилик даражасида давлат мудофаа қудратини мустаҳкамлаши зарур.

Хавф-хатар туғилиши мумкин бўлган сабаблар:

1. Дунёнинг турли минтақаларида қуролланган гуруҳларнинг бир жойга тўпланишининг юқори даражаси;
2. Дунё бўйича сиёсий вазиятнинг кучайиши;
3. Алоҳида давлатлар ва давлат блокларининг ўз сиёсатларини куч билан ҳал қилиши;
4. Баъзи давлатларнинг бошқа мамлакатлар чегараси яқинида ўз қуролли кучлари гуруҳларини кучайтиришга интилиши;
5. Чегарадош мамлакатларда юзага келган сиёсий аҳволнинг ўзгарувчанлиги ва уларнинг кучайиши имконияти мавжудлиги;
6. Баъзи бир Давлатларнинг Марказий Осиё минтақасидаги малакатларга ўз таъсирини кучайтиришга интилиши;
7. Сиёсий экстремист гуруҳлар, ноқонуний-ҳарбий уюшмалар томонидан ташкил қилинган террористик актлар. Шу билан бирга миллатлар орасида бузғунчилик сиёсатнинг олиб борилиш фаолияти.

Халқнинг тинч ҳаёти ва мамлакат ҳавфсизлиги кафолати, мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйган ёш мамлакат мустақилигини куриқлайдиган Қуролли Кучларимизнинг тарихий вазифаси.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52 - моддасида ёзилган: Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчидир. Шунинг учун 30 август 1995 йилда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган ҳарбий Доктрина иқтисод, минтақа ва аҳолини мудофаа, қилишга тайёрлашнинг асосий йўналишларини аниқлайди.

Жумладан аҳолининг ҳарбий тайёргарлиги:

- 1) Ўқув муассасалар ва бошқа ўқув юртлари, "Ватанпарвар" Мудофаага кўмаклашувчи ташкилот (МКТ) ўқув тўғаракларида, чақириқча ва чақириқ ёшидаги ёшларнинг ҳарбий тайёргарлик тизимида;
- 2) Қуролли Кучларда шахсий таркибнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташи давомида;
- 3) Ҳарбий лицейлар, Республика фуқаролик олий ўқув юртларининг

ҳарбий факултет ва кафедраларида;

4) Қуролли Кучларга тегишли бўлган махсус тўзилмаларда.

Мамлакат фуқароларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш таълим-тарбия тизимининг барча шаклларида олиб борилади.

Ватан, ерга бўлган муҳаббат – халқимиз қалбига сингиб кетган, азалий миллий хусусиятга эга бўлган хислатдир. И.А.Каримов айтиб ўтганларидек: "Маънавият соҳасида энг асосий вазифамиз инсоний қадриятларимизни асраш ва ривожлантириш, болаларимизни озод демократик Ўзбекистоннинг комил ўғил- қизлари қилиб тарбиялашдир".

Тарбиянинг сиёсий, ғоявий, эътиқодий, эстетик ва бошқа турлари ҳар бир Ўзбекистонликда янги жамиятнинг баркамол авлоди, юқори маънавий - сиёсий хислатларни шакллантириш билан бир қаторда унда мамлакат сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш борасидаги энг долзарб вазифалардан бири эканлигини англатишдир.

Давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг методлари ва шакллари ёрдамида инсон онгига ҳар қандай тажовўзкорликларга қаршилик кўрсатишда доимий тайёрликни шакллантириш, ўз Ватани ҳимояси учун шахсий жавобгарлик ҳиссиёти руҳида тарбиялашдир.

Талаба - ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида педагогика ва психология қоидаларидан кенг фойдаланиланиш катта аҳамият касб этади.

Ҳарбий таълимини мураккаб ижтимоий-педагогик жараён бўлиб, унда асосан қуйидагиларини англаш лозим: талаба – ёшларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш; уларда ўз Ватанининг қуролли ҳимоячиси учун зарур шахсий хислатларни тарбиялаш; комил инсон сифатида ривожлантириш, юзага келган турли вазифаларни ҳал қилишга ижодий ёндашиш малакаларини ривожлантириш ва улар олдида турган вазифаларни бажаришга ва ҳар хил вазиятда муваффақиятли ҳаракат қилишга руҳий тайёрликни шакллантириш. Ваҳоланки, "Ватан ҳисси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, пок ва улуғ" – деб таъкидлаган И.А.Каримов.

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтган: "Фан - бу дунё бойлиги. Билим – инсоннинг олий ва муқаддас ютуғи. Зеро билиш кўзгу каби, бизга дунёга қарашимизни, интилишларимизни кўрсатади. Қилич каби ақлимизни, фикримизни ўткирлайди".

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И.А.Каримов таълим-тарбия санъатини эгаллаш муҳимлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган, "Ҳар бир қатлам касб ва психологияси хусусиятлари, ўзига хос белгиларини тушуна олишга сабр-тоқат ва эҳтиёткорона ёндашиши керак". "Болаларимизни ватанпарварлик руҳида, уларни меҳрли, ростгўй, виждонли қилиб тарбиялашимиз керак".

Ахлоқийлик - аввалам бор бу виждон, виждонийлик ҳисси. Бу- ишонч ва ҳақиқатгўйликдир. Аждодларимиз инсонни ахлоқий баҳолаш мезонлар мажмуини ишлаб чиққан, замонавий тил билан айтганда, "Шарқий ахлоқ

кодексини” яратган. Инсон қалбида нонни ҳалол топмаётганлар, инсофсизлик, виждонсизликка нисбатан қаршилик туғилиши лозим. Фақат бундай инсон ўз сўзида туради, бошқа кимса ҳаққига кўз алартирмайди, Ватани ва халқи ҳимояси учун ўз жонини аямайди ва аксинча, каззоб маҳмадонада бўлиб, ватанпарварлик ҳисси бўлмайди. Ҳар қандай ёвўз иш, худбинлик, юзқоралик – Ватанга нисбатан хоинликдир.

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, муайян жамиятда яшовчи кишилар амал қилиши зарур бўлган хатти-ҳаракат қоидалари йиғиндисидир. Ахлоқ одамларни бир-бирига, жамиятга, давлатга, халқ мулкига, оилага, Ватанга, она-юртга бўлган муносабатларни муайян тартибга соладиган хатти-ҳаракат қоидалари тизимида намоён бўлади.

Ахлоқ – бу жамоатчилик томонидан қабул қилинган, инсонларнинг жамиятда, оилада, меҳнатда, бир-бирларига муносабатда ва ўз-ўзларига муносабатдаги хулқ – атворида қўйиладиган талаблар, меъёрлар ва қоидаларнинг йиғиндиси.

Демократик жамиятни қурувчиси жамият бахт – саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиши, ижтимоий бурчини юксак даражада англаши, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ҳалоллик, ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик ва камтарлик керак, деб таъкидланган. Ҳарбий ватанпарвар талаба – ёшларларимиз, бир ёқдан, фидокорона таълим – тарбия ва чуқур билим савияларини ошириш билан нималарга қодир эканини кўрсатсалар, шунингдек хулқ – атвор, ахлоқлари, маънавий гўзалликлари билан намоёниш қилишлари катта аҳамият касб этади.

Айни замонда меҳнат ва ижод майдонининг энг оғир соҳаларида жонбозлик, ватанпарварлик, одамийлик фазилатини кўрсатиб жамият ҳурмати ва муҳаббатининг қайноқ илҳом манбаи бўлиб қолмоқдалар. Чунки, бизнинг олдимизда ўтмишнинг асоратларидан озод бўлган, ўзининг мустақил фикрига эга, ўз миллати ва Ватан манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатишга қодир бўлган баркамол ворисларни тарбиялаб етказиш вазифаси турибди.

Ҳарбий ватанпарвалик тарбиясини ташкил қилиш учун тинч ва жанговар вазиятдаги ҳарбий хизмат шароитларида билишларнинг психологик фаолиятини ўрганувчи ҳарбий психология ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳарбий психология Ватанимиз ҳимояси учун ўз бурчини бажаришга ёшларни психологик тайёрлаш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқади.

Психологик фан инсон шахсиёти, ички маънавий дунёси, ўзини тутиш омиллари, бир-биридан хусусияти, қизиқишлари билан фарқланадиган кишилар билан ҳарбий ватанпарвалик тарбиясини тўғри ташкил қилишни яхши тушунишга ёрдам беради.

Тарбиячиларнинг психологик фанни яхши билиши, уларга касбий танлов ва юқори синф ўқувчиларини ҳарбий ўқув юртларига кириш ва Ўзбекистон Республикаси турли фаолиятдаги ва Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлаш масалаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Ёшларнинг ҳарбий ватанпарвалик тарбияси, шунингдек замонавий уруш

хусусияти, қуролланган жанг восита ва шакллари, қонунийлиги, жанговар ҳаракатлар шароитларини очиб берадиган ҳарбий фан бўлиб, қоида ва ҳулосларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади. Ҳарбий фан ҳар бир киши қандай маънавий-сиёсий, психологик ва жанговар ҳислатларга эга бўлиши, Ватан ҳимоячиси мажбуриятини муваффақиятли бажарини учун унга қандай билим, кўникмалар зурурлиги ҳақидаги саволларга жавоб беради.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбия илмий асослари, Ватан ҳимоясига ёшларнинг маънавий сиёсий ва жисмоний тайёргарлиги бўйича амалий фаолиятнинг мазмуни, ташкили, шакл ва методларини аниқловчи бошланғич низомлар, асос солувчи қоидалар, талабларини билдирадиган принципларда тадбиқ қилинади ҳамда аниқлаштирилади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси принциплари ўз моҳиятига кўра объективдир. Улар ҳақиқий ҳолат, реал алоқа ва мунасабатлари акси, мамлакат мудофаасига халқни тайёрлаш бўйича давлат ва ижтимоий ташкилотларни илмий асосланган, мақсадга йўналтирилган фаолият ифодасидир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси илмийлик ва объективлик принциплари.

Далиллар, жараён ва воқеаларни таҳлил қилишга қатъиян объектив ёндашиш ва уларни ҳар тарафлама кўриб чиқишни талаб этади. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жанговар, фаол, ҳужум қила оладиган хусусиятга эга бўлиши, Ватан ҳимоясига мамлакат ёшларни тайёрлашдаги камчиликларни оча олиши ва уларни бартараф этишга чоралар қабул қилиш керак.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида барча ҳақиқий ҳолларини вақт давомида ривожланиши ва ўзгариши сифатида кўриб чиқишни кўзда тутадиган **аниқ – тарихий ёндашиш принципи** жуда катта аҳамиятга эга.

Бу принцип аввалом бор аниқ–тарихий вазиятдаги ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мазмуни, шакл ва услубларининг мувофиқлигини назарда тутди.

Аниқ–тарихий ёндашиш принципи шунингдек халқ, Қуролли Кучларнинг қаҳрамонона тарихи асосида инсон тарбияси билан чамбарачас боғлиқ бўлган ҳарбий-ватанпарварлик ишида намоён бўлади. Шунга кўра ҳақиқатни ўзгартирмаган ҳолда тарихий воқеаларни объектив ёритиш катта аҳамиятга эга.

Ҳарбий ватанпарварлик ишларининг муҳим принципларидан бири – ватанпарварлик ва байналминал тарбия бирлигидир. Барча тарбиячилар фаолиятида ватанпарварлик ва байналминал вазифалар органик ўзаро боғланганлиги ва ўзаро шартланганлиги жангчи шахсини шакллантирадиган, доимий равишда нима учун у қўлига қурол олгани ва ҳимоя қилаётганини эслатиб турадиган қудратли омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбия принципларидан бири ёшларнинг турли гуруҳига фарқли ёндашишида мужассамлашган. Бу принцип ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг манфаатлари ва ўзига хос хусусиятлари, кўп миллатли давлатимиз турли миллат ва халқлари урф – одатлари ва миллий

анъаналарини ҳисобга олган ҳолда қуриш кераклигини талаб этади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси самарадорлиги аниқ вазифалар, мазмун, шакл, услуб ва воситалар, ўзига хос маълум вазифаларни ҳал этадиган турли давлат ва ижтимоий органлар, ташкилот ва муассасаларни ўз ичига оладиган мавжуд маълум бир тизим орқали амалга оширилади.

Бу тизим умумий хусусиятга эга, яъни ёшларга ватанпарварлик онгини шакллантириш, жамиятимизнинг барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг вазифаси ҳисобланади. Иккинчидан, у ўзлуксиз, инсон ҳаётининг барча босқичларида яхлит фаолият ҳисобланиб, учинчидан, зеро армия ва халқ ажралмас бирликка асосланганлигидадир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг асосий вазифалари ва йўналишлари.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг бош вазифаси мустақил, ўз йўлидан ривожланаётган Ватанимиз учун, ғурур, Қуrolли Кучларга нисбатан муҳаббат, жанговар ва меҳнат урф – одатларимизга садоқат, ҳарбий меҳнатга ҳурмат ҳиссини ҳар тарафлама ривожлантириш, озодлик ва мустақиллигимизни, қўлимиздаги қуrol билан муҳофаза қилишга доимий тайёриликни шакллантириш, ўз фуқаролик бурчини адо этишдир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ёшларда ҳарбий хизматга қизиқишни ривожлантириш, ҳарбий касбларни эгалаш, ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафида хизматга тайёрлашга ёрдам беришни кўзда тутди.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мақсади Ватанни ҳимоя қилиш учун тайёриликни таъминлайдиган фикр, ишончини, дунё қарашни шакллантириш, унга бор кучни, керак бўлса ҳаётини ҳам бериш. Бўлажак жангчиларнинг маънавий – руҳий, ахлоқий – интизомий, жанговар хислатларини тарбиялашни тарбиялашдан иборат.

Ҳарбий – техник тайёргарлик бўлиб, уларда қуйидаги жанговар хислатлар шаклланади: ҳарбий билим, жанговар маҳорат, интизомлилик ва ташкилийлик, жанговар биродарлик ҳарбий қасамёд ва низомлар талабларини, командир ва бошлиқлар буйруқ ва кўрсатмаларини сўзсиз бажариш. Бу ерда бошланғич ҳарбий тайёргарлик, мудофаа – оммавий ишлари катта ўрин тутди.

Республикамизда ҳарбий тайёргарликка ҳар доим катта эътибор берилган, 1918 йилдан бошлаб мамлакатда ҳарбий ўрта ўқув юрти, яъни ҳозирги Тошкент Олий Умумқўшин Қўмондонлик билим юрти фаолият кўрсатмоқда, у минглаб юқори малакали офицер кадрларни тайёрлади, 50 га яқин битирувчилари қаҳрамонлик унвонига лойиқ бўлди.

Аҳолини ҳарбий ўқитишга "Армия, авиация ва флотга ёрдам кўрсатишнинг кўнгилли жамияти" (ДОСААФ), ҳозирда "Ватанпарвар" мудофаага кўмаклашувчи ташкилот (МКТ) катта ва беҳисоб ҳисса қўшди.

Уруш йиларида бу ташкилот 27000 пулемётчи, 3340 мерган ўқ отувчи, 4551 отлик, 22400 Ворошилов мерганлари, 22000 ўқчи, 3000 автомобиль ва

мотоцикл ҳайдовчилари, 3078 тиббий ҳамшира, 2000 алоқачи, 4 та авиация дивизияси учун учувчи, штурман, ўқчи – радистларни тайёрлади.

1934 йилдан бошлаб Тошкент авиаклуби иш бошлади, унинг 10 та битирувчиси Иккинчи Жаҳон урушида қаҳрамон бўлди.

Республика ДОСААФи Ўрта Осиё республикалари ҳудудларида шакллланган ўн минглаб ватанпарварларни тайёрлади.

Меҳнаткашлар, ёшлар ҳарбий тайёргарлиги замонавий шароитларда мамлакат мудофаа қудратини бошқариш бўйича давлат фаолиятида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги кунда Тошкент, Чирчиқ, Самарканд, Жиззах шаҳарларида олий ҳарбий билим юртлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг „Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясини ташкил этиш тўғрисида“ги 1994 йил 15 июлдаги қарорига кўра ташкил этилган Қуролли Кучлар Академияси офицер кадрларни тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш бўйича етакчи таълим муассасаси бўлиб, Мудофаа вазирлиги ҳарбий таълим муассасаларининг зарурий илмий – методик ва ахборот – таҳлилий маркази ҳисобланади.

Қўшинлар қуролланишида ракета қуроли, автоматлаштирилган бошқурув тизимлари, замонавий алоқа восита радиолокацион мосламалар, автоматика ва телемеханика турли қурилмалари мавжуд. Самолет, жанговар техника ва Қуролли Кучларнинг пиёда ва бошқа турлари қуролланиш жанговар имкониятлари анчага кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси очилишида И.А.Каримов шундай деган эди: "Ишни шундай қўйиш керакки, кадрлар тайёргарлиги энг замонавий талабларга жавоб берсин, ҳарбий фан охириги ютуқлари, Иккинчи Жаҳон уруши ва ундан кейинги урушлар, хусусан Афғон урушидаги жанговар ҳаракатларни олиб бориш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўтказилсин"

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг навбатдаги йўналиши ёшларнинг жисмоний тарбиясини ташкил этади. Бу жисмоний чидамлилиқ, оғир жисмоний вазифаларни кундалиқ ҳарбий хизмат ҳамда жанговар шароитда кўтара олиш қобилиятларини шакллантиради.

Жисмоний ўқув-нафақат ўз – ўзидан муҳим бўлган тетиклик ва оптимизм манбаси, балки Ватан меҳнати ва ҳимоясига тайёрлик, бўш вақтдан унумли фойдаланиш шаклидир.

Мактаб йиллари – бутун умрга пойдевор, яъни соғлиқ асосларини сингдирувчи пайтдир. Ҳаракат, гимнастика, спорт ўйинлари ёшларнинг ижобий хислатларини шакллантиради. Мардлик, ирода, қийинчиликларни бартароф эта олиш каби хисларни тарбиялайди. Болаликда йўл қўйилган жисмоний тарбиядаги камчиликлар, мураккаб ва баъзида эса умуман катта ёшда тўлдириб бўлмайдиган жараёндир.

Замонавий ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги замонавий ишлаб чиқариш ҳамда Қуролли Кучлар сафида хизматга бўлган талабларга тўлақонли жавоб

бермайди. Бу ўз ўрнида ёшларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий – маънавий ва рухий ҳолатлари билан боғлиқ бўлган касаллигидан халқ хўжалик соҳалари ҳам катта зарар кўрмоқда.

Статистика кўрсатадики, ёшлар ичида ортиқча оғирликка эга, касалликларга мойил бўлган гавда ва таянч – ҳаракатлантирувчи аппаратда нуқсонлари бўлган ёшлар фоизи катта, мутахассислар фикрича, қолоқ ўқувчилар ичидаги 58% дангасалик ёки яхши ривожланмаганлик сабаблига кўра эмас, балки жисмоний нуқсон ва камчиликлар деб ўз тенгдошларидан орқада қолади.

Туман, шаҳар маданий-оқартув ва спорт муассасаларидан яхши фойдаланиш, турли спорт тўғарак ва секциялари фаолияти ошириш жисмоний тарбия машғулотлари сифатлироқ ўтказиш мақсадага мувофиқ.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ҳарбий ватанпарварлик тарбия фанининг ёшлар тарбиясидаги ўрни?
2. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фанининг асосий вазифаси нималардан иборат?
3. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фанини ўрганиш жараёнида талаба нималарни бажара олиши зарур керак?
4. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фанини ўрганиш жараёнида талаба нималарни билиши керак?
5. Тарбиялаш деганда нимани тушунасиз?
6. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фанини ўрганиш жараёнида ҳар бир талаба нечатагача маъруза тайёрлаши лозим ва унинг моҳияти?
7. Давлат мудофаасида хавф-хатар туғилиши мумкин бўлган сабаблар?
8. Аҳолининг ҳарбий тайёргарлиги қаерларда олиб борилади?
9. Ёшларни тарбиялашда: «Болаларимизни ватанпарварлик руҳида, меҳрли, ростгўй, виждонли қилиб тарбиялашимиз керак» деб ким айтган.
10. Ахлоқ деганда нимани тушунасиз?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Педагог – муаллим, ўқитувчи; Ҳарбий потенциал – имкониятлар; Ҳарбий блоклар – ҳарбий иттифоқлар; Террорист – терорчи, сиёсий қотил; Экстремист – сиёсатга қарши чиқувчи кўпурувчи куч; Доктрина – ҳарбий сиёсий ҳужжат; Обьектив фикр – фикрни беғараз ифода этиш; МКТ – мудофаага кўмаклашувчи ташкилот; Статистика – маълум бир йўналиш ёки соҳани миқдорий жиҳатидан ўрганадиган орган.

2. Олий ва ўрта махсус таълим масканларида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил қилиш ва ўтказиш.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкиллаштириш ва ўтказиш.

Олий ва ўрта махсус таълим юртларидаги ҳарбий ватанпарварлик тарбияси - давлатимиз фаолиятининг муҳим соҳаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: „Она – еримиз, Ватанга бўлган муҳаббат, олижаноб туйғулар халқимиз қон қонига сингиб кетган миллий характерининг азалий фазилатларидандир. Бу қадрли инсоний фазилатларни асраб – авайлаш ва такомиллаштириш, болаларимизни мустақил ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари қилиб тарбиялашимизнинг асосий йўналишлари бўлиб қолиши керак”.

Ҳозирги пайтда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни ва жараёни Республикаимизнинг ўқув муассаса таълим тизими билан янгилалиши, мамлакат ижтимоий – иқтисодий ривожланиши жадаллашуви, Ватан ҳимоясидаги инсоний омиллар ўрнининг ўсиб бориши ва жанговар меҳнат ташкилидаги кескин ўзгаришлари билан юзага келган анъаналар билан бойиши керак.

Ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлашнинг қайта кўрилиши ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мазмуний ва ташкилий – услубий томонларидан тўлароқ фойдаланишни талаб қилади. Тарбиявий тадбирлар самарадорлиги тахлили, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг амалиёти билан берилган ва текширилган анъанавий шаклларни танлаш ва мустахкамлаш, ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш вазифаларини замонавий шароитларда янада тўла тадбиқ қиладиган янги шакллари қидириш зарур.

Ватан ҳимоясига тайёрликни махсус оммавий муҳофаа иш, ҳарбий спорт ўйинлари ва бошқа ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг шубҳасиз муҳим шакллари натижаси сифатида кўриб чиқиш керак эмас.

У ўқувчи шахсиёти ҳар тарафлама ривожланиши қонунга мувофиқ натижаси, у томонидан ижтимоий маданият барча бойликларининг ўзлаштирилишидир, соғлом инсон ҳақида гапирганимизда нафақат жисмоний соғлиқни, балки мустахкам маънавий, одоб - ахлоқ нормаларга эга бўлган, энг яхши умуминсоний намуналар руҳида тарбияланган инсонни кўзда тутамиз.

Ҳарбий ватанпарварлик онгининг барча қадрли ва интеллектуал томонларининг шаклланишида таълимга катта ўрин ажратилади. Бироқ бу назарий хулоса фанлар асосларини ўқитадиган ўқитувчилар иши амалиётида тўла тадбиқ қилинмайди.

Умум таълим фанлари ўқитувчилари ҳарбий ватанпарварлик тарбияси вазифалари ва шу вазифаларни ҳал этилишдаги улар томонидан ўқитилаётган

фанлар имкониятига юзаки қарайди. Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш педагогик жамоа билан «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси, ўқишдан ташқари муҳофаа - оммавий тадбирлар, "Ватанпарвар" МКЖ ташкилотчилари фаолиятининг тор мутахассислик соҳаси сифатида кўриб чиқилади.

Лекин шунга кўра ўқувчи ўқув фаолияти давомида ҳарбий соҳа ҳаёти билан яқиндан таништирилмаса, тинчликни мустаҳкамлаш, мамлакат муҳофаа қудратини кучайтириш каби олий мақсадлари билан руҳлантирилмаса, уларни кичик "тадбирлар" воситалари орқали тушуниш ва тўлдириш самара бермаслиги мумкин, фақатгина кенг доирада фикр юритадиган инсонгина бугун етук ватанпарвар фуқаро бўлиб етишиши мумкин.

Мазкур мавзунини ўрганишда, яъни кўлида қурол билан ўз Ватани ҳимоясига тайёр бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялашда таълим масканлари педагогик жамоасининг фаолияти бекиёслини кўрсатишдир.

Ўқув юртларида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

- Ҳалқига садоқат, Ватан тарихига ва анъаналарига чуқур ҳурматда бўлишни шакллантириш;
- Президент Фармонлари, Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қонун ва қарорларини сўзсиз бажариш лозимлиги руҳида тарбиялаш;
- Ўзбекистон халқлари жанговар ватанпарварлик анъаналарини тарғибот қилиш, ёшларда ҳарбий хизматга ва армияга муҳаббат, юксак маънавий - жанговар хислатлар, ҳарбий Қасамёд ва ҳарбий Низомларни бажаришда шахсий жавобгарлик ҳамда жасурлик, интизомлилик, зукколик, ўз Ватани ҳимоясига доимо тайёр бўлишни тарбиялаш.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг асосий мазмуни:

- Ватанини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституцион бурчини тушунтириш;
- Ўзбекистон Республика муҳофаасини келгусида кучайтириш масалалари бўйича ҳукумат қарорлари билан танишиш;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари билан ҳал қилинадиган масалалар ва уларнинг вазифаси ва хусусиятларини тушунтириш;
- Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғриси"ги қонуни, ҳарбий Қасамёд ва ҳарбий Низомларнинг асосий талабларини ўрганиш ва ўзлаштириш;
- ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш;
- аждодлар мероси, буюк ва жасур ота - боболаримизнинг жанговар анъана удумларини тарғибот қилиш.

Ўрта махсус таълим юртларидаги ватанпарварлик тарбияси жараёни -

етакчи вазифани бажаради, бўлажак Ватан ҳимоячисининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади, чунки ўқув фанларининг мазмунида халқимизнинг муҳим маънавий, ахлоқий, маданий анъаналари ифодаланган. Лекин бу жараёнга ватанпарварлик тарбиясининг алоҳида таркибий қисмлари билан чегараланиш етарли эмас. У Ватан ҳимоясига тайёр бўлиш, барча таркибий қисмлари ҳолатига ҳар тарафлама фаол амалий таъсир кўрсатиши ва бу тайёрликни ўсмир ҳаётининг энг муҳим томони сифатида англаб тушунишига кўмаклашиши даркор.

Ватан ҳимояси асосларининг ўзлаштиришини таъминлайдиган билимлар тизими билан ватанпарвар ёшларни қуроллантириш зарур, чунки Ватан ҳимоясининг матонатли ва жасур ҳимоячи сифатида шаклланишидаги таълим жараёни муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўқувчилар нафақат ҳарбий билимлар, балки биринчи қараганда армия, ҳарбий қурилиш, уруш ва тинчлик муаммоларига бевосита муносабатда бўладиган мезонлар билан танишадилар. Турли фанлар (тарих физика, математика ва б.) йиғиндисидан келиб чиқиб, улар Ватан ҳимочисига зарурий билим ва куникмалар ҳақидаги пойдеворий тушунчалар ҳосил қиладилар.

Ўрта махсус таълим муассасаларида «Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни Мудофаа доктринаси, Ҳарбий Қасамёд, ҳарбий Низомлар, қонунлар ва умумий таълим фанлари ҳамда ҳарбий фаолиятнинг асосий қоидаларини очиб берадиган махсус фанлар (ёшларни чакириққақа қадар бошланғич тайёрлаш, фуқаро ҳимояси) ташкил қилади. Ўқув юртларида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси барча бўғинларда амалга оширилиши керак.

Маънавий-сиёсий ва психологик фазилатларни шакллантиришга қаратилган йўналишлар.

Маънавий-сиёсий фазилатлар.

Ҳар қандай тажовўзкорликларни қайтара оладиган, Ватанимиз ҳарбий қудрати ҳар бир одам меҳнати билан яратилиши ва ўзининг келгуси ривожланиши учун чуқур билимларни талаб қилиши, ижодий фаолият, юқори иш қобилиятлиги, ташкилотчилик ва интизомлиликка ёрдам беришига ўқувчининг ишончи;

Халқнинг жанговар ва меҳнат анъаналарини эмоционал қабул қилиш;

Ўқувчиларда фуқаролик ва ҳарбий бурчнинг бажарилишини тартибга соладиган умумлаштирилган Ватан ҳимоячиси намунасининг мавжудлиги;

Ижтимоий ҳиссиётларнинг мавжудлиги (бурч, ватанпарварлик, душманга нафрат, Ватан ҳимояси учун шахсий масъулият, юқори хушёрлик);

"Ватанпарвар", "Ватан", "Ҳарбий бурч", "Мардлик", „Қаҳрамонлик", "Жасурлик", "Ботирлик" ва бошқа тушунча ва мезонларни чуқур ўзлаштириш.

Психологик хислатлар.

Иродавий (қатъийлик, ботирлик, мардлик, мақсад сари эришувчанлик, турли хавф-хатарга қарши бормоқ ва жонини фидо қилмоқ), эмоционал (Ватанга муҳаббат, душманга нафрат ва б.), ижтимоий – психологик (жамоатчилик, биродарлик, ўзаро ёрдам, ўзаро бир – бирини қутқариш) хислатларини ривожлантириш;

Ядро уруши хусусияти, янги қурол кучи, зарарлантирувчи омиллардан ҳимояланишнинг турли воситалари самарадорлигини билиш, реал жанговар вазиятда дуч келиши мумкин бўлган синовларни англаб етиш;

Ҳарбий фаолият ва жанговар жамоа шарт-шароитларига мослашиш;

Ўзини тутишни назорат қила олиш, ҳар хил салбий ҳис – туйғуларга йўл қўймаслик (кўркув, ўзини йўқотиб қўйиш, тахлика) ва бошқа жиҳатларини кучайтириш (Ватанга муҳаббат, бурч, душманга нафрат) қобилияти.

Ҳарбий-техник йўналиш.

Мудофаа доктринасининг хусусияти, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг келгуси техник жихозланиши бўйича давлат ва ҳукумат тадбирлари, янги техниканинг инсонга бўлган талабларини билиш;

Ёшларни чақириққақа қадар бошланғич тайёрлаш, фуқаролик ҳимояси фанлари бўйича олган билим, қобилият ва кўникмаларнинг мавжудлиги (тактик, ўқ отиш, саф тайёргарлиги, ҳарбий топография);

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар қурилиши ҳақидаги билимлар (ЎзР ҚК Низомларининг тарихи, мазмуни), техника ва қуролга қизиқиш, уларнинг юқори мустаҳкамлигига қатъий ишончнинг мавжудлиги;

Муайян бир ҳарбий мутахассисликни муваффақиятли эгаллаш учун зарурий ҳарбий техник қобилият ва кўникмалар;

Муайян бир ҳарбий – амалий соҳадаги фаолият тажрибасининг мавжудлиги (автомобиль, мотоцикл, трактор ҳайдаш, отиш қуролидан ўқ отиш, парашютдан сакраш ва ҳ.з.)

Жисмоний тарбия, жисмоний хислатларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Умумий жисмоний хислатлар: куч, тезлик, эпчиллик ва чидамлилиқ - Ватан ҳимояси вазифаларини бажариш билан бевосита боғлиқ бўлган хислатлардир.

Махсус жисмоний хислатлар: чайқалишга, тоғ касалликларига нисбатан бардошлилик, иссиқ иқлим ва чекланган сув миқдори шароитларидаги ҳаракатлар.

Юқорида кўрсатилган қобилият ва хислатлар ёшларнинг Ватан ҳимоясига тайёрлигини шаклланишининг кўсаткичлари ҳамда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ва уларни амалга ошириш воситаларини қидириш соҳасидаги вазифаларни қўйиш илмий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ватан ҳимоясига тайёрлигининг мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари.

Ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш – инсон бутун ҳаёти давомида амалга ошириладиган ўзоқ жараёндир. Ватанпарварлик тарбияси оиладан бошланади ва бошланғич синфлардан бошлаб ўқув юртида давом эттирилиши лозим.

Кичик ёшдаги I-IV синф ўқувчилар.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда Ватан ҳимоясига тайёрликни шакллантириш жараёни уларда мавжуд чекланган ҳаёт тажрибаси, олинган билимлар хусусияти ва ҳажми, таълим – тарбиянинг умумий вазифаларини ҳисобга олган ҳолда курилади. Бу даврда унинг самардорлиги аввалам бор ўқув, умумгаълим вазифаларни бажариш билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, аскарга бўлган ҳурмат ва муҳаббат бу ёшда армия, аскарлар жасорати, Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ҳақидаги билимлар асосида шаклланади.

Кичик ёшдаги ўқувчилар турли кўшинлар, ҳарбий техника, ўқ отиш қуролининг турларига қизиқади. Бунда тарбиячилар замонавий жанговар ҳаракатларда ғалабага эришиш учун кўшин турлари орасидаги боғлиқликни ўқувчиларга кўрсатиб бериши лозим. Бу ишни амалга оширишда ўқувчиларнинг самолёт, вертолёт, кема ва сув ости кемалари, аскарлар, замбараклар тасвирланган расмлари жуда катта ёрдам беради.

Кичик мактаб ёшида ватанпарварлик хусусиятига эга бўлган ўйинлар фаолияти катта аҳалиятга эга. Бола ўйин қоидаларини эгаллаган ҳолда сардор, старшина, разведкачи, алоқачи, сигнал берувчилар ролини бажаришни яхши кўради. Бундай, ташкил қилинган ва ўз-ўзидан юзага келадиган, ўйинлар катта аҳамиятга эга. Ўқитувчи бунда нафақат ўйиндаги, балки бўлажак жангчи мажбуриятларини бажариш учун муҳимлигини таъкидлаган ҳолда кундалик ҳаётдаги интизом, тартиб ва тарбия ҳақида ҳам қайғуриши керак.

Ўсмирлар V-VIII синф ўқувчилари.

Уларнинг психологик ривожланиш хусусиятлари ҳарбий ватанпарварлик тарбияси учун яхши замин яратади. Уларда далил, ҳозирги шароит ҳодисаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, атроф – муҳит, ахлоқий талаблар ва баҳоланишга мустақил қарашларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи юзага келади.

Ўсмирларнинг Ватан ҳимоясига тайёрлигини шакллантириш бир қатор объектив ва субъектив сабабларга боғлиқ. Объектив шартлар ичида энг эътиборга сазовор жараён ўқувчиларнинг ўқув муассаса ва ундан ташқарида ташкил қилинадиган ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фаолиятининг ҳар хил турларида иштироки ҳисобланади.

Бўлажак Ватан ҳимоячиси шахсини шакллантириш ҳозирги ижтимоий аҳвол ҳодисаларига шахсий муносабатни ифодалашда, Янги тушунчалар билан фиклаш қобилиятига эга бўлишга ёрдам берадиган турли фанларнинг мақсад

моҳиятини ўрганишни бошлайдилар.

Бу ёш учун энг керакли фанлар - гуманитар, табиий, математика фанлари, жисмоний тарбия. Ўқувчилар бу даврда "ҳарбий" тушунчалар маъносини янада чуқур англаб етади. "Ватан ҳимояси", "Ҳарбий низомлар" ва б; давлатимиз иқтисодий қудрати ва унинг Қуролли Кучлар қудрати тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати эканлигини тушуна бошлайди.

Ватанпарварлик ҳиссиётлари ўсмирларда қаҳрамонликка интилиш, жасорат кўрсатиш истаги, тенгдошлари жамоасида ўз ўрнига эга бўлиш, улар ҳурматига сазовар бўлиши, ўзига юқори эътибор ва талабчанлик, катта ижтимоий фаоллик каби янги ҳис – туйғуларни шаклланишига кўра ривожланади.

Айнан шу ёшда мактаб ўқувчилари айниқса ботирлик, куч, ирода, мардлик, дўстликка ва ўртоқларга садоқатни қадрлайди. Бу уларга Ватан ҳимояси муқаддас бурч, аҳамиятга молик хусусиятини англаб етишга имкон беради.

Ҳарбий ватанпарварлик онги нафақат дарслар ёки ижтимоий топшириқларни бажаришда, балки реал ижтимоий аҳвол таъсирида ҳам шаклланади.

Катта ёшдаги (X-XI синф) ўқувчилари.

Ушбу ёшда инсоннинг илмий дунёқараши, интеллектуал ва жисмоний ривожлантириши, унинг касб танлашда ўз ўрнини топиш жараёнларининг шаклланиш даври. Бу ёшдаги ўқувчиларнинг фикрлаши янада етуклашади, чуқур умумлаштиришларга, тартиб ва қобилятга эга бўлади.

Ватан ҳимоясига тайёрлаш, шунингдек ўз – ўзини англаш, ўзини тарбиялаш ҳам содир бўлади. Улар Ватан ҳимоячиси ҳақида тўла тасаввурга эга бўладилар. Бу нафақат Иккинчи Жаҳон уруши қаҳрамони ёки фахрийси, байналминалчи, балки мустақил Ўзбекистон ҳимоячисининг энг яхши ҳислатлари хос бўлган замондошларимиз ҳақидаги қаҳрамонликлар, уларнинг юксак марраларни забт этишлари ва халқимиз меҳнатини ишончли ҳимоя қилиш каби тушунчалар чуқур тасаввурли из қолдиради. Бироқ ҳисобга олиш керакки, бу юксак намуналар фақат ўқувчиларнинг ишлари ва ҳаракатларида ўрнини топсагина, эътиборга сазовар бўлади. Шунинг учун ўқув – тарбиявий жараёнда ўқувчиларга нафақат ўтган уруш воқеалари, халқнинг фронт ва фронт ортидаги оммавий жасорати ҳақида билимлар бериш, балки уларда Ватан ҳимоясига тайёрлаш ижтимоий дунёқарашларни шакллантириш лозим.

Ўқув муассасани тугатгач кўпгина ўсмир йигитлар ҳарбий кийим кийишини била туриб, бу даврда уларда жангчига муҳаббат ва ҳурматни тарбиялаш, ҳарбий меҳнатнинг асл чиройини очиб бериш муҳим.

Таълим муассасаларида фанларнинг ҳарбий ватанпарварлик

тарбиясидаги ўрни.

Айтиб ўтилганларни эътиборга олиб, ўқув муассасаларда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш учун ўқув фанлари имкониятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

Тарих. Ўқувчиларда тарих фанини ўрганиш жараёнида ижтимоий ривожланиш қонуниятларининг бошланғич тушунча ва дунёқариши шаклланади, ўқувчилар ижтимоий ривожланишнинг шарт шароитлари, иқтисодий тўзумнинг ривожланиши, жанг хусусиятлари ва ҳарбий хизматнинг ривожланиши ҳамда ушбу фаолият билан боғлиқлиги ҳақида дастлабки билимларни олади.

Тарих фан дастури ўқувчиларни ҳарбий хавф - хатар давримиз ҳақиқати эканлиги ҳақидаги илк билимлар билан қуроллантиради.

"Бизни ўраб турган нотинч дунёда дўстлар ҳамда Ўзбекистонни ўз таъсири соҳасига жалб қилмоқчи бўлганлар етарли. Бунда улар барча оммабоп, шу қаторда ҳарбий бўлган услубларни қўллаши мумкин, шунинг учун биз ҳаракатчан, яхши ўрганилган ва жиҳозланган, чегарамиз, мустақиллигимиз ҳимоясини таъмин қила оладиган армияга эга бўлишимиз керак" деб таъкидлаган эди мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов. Тарих дарсларида бутун дунёда тинчликни сақлаш, барча мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш, давлатимиз ташқи сиёсати моҳияти ва хусусиятини очиқ беришдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ўрни катталигини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчилар тарихий материални таҳлил қилиш ва умумлаштиришга ўрганишлари, алоҳида воқеа ва далиллар моҳияти ва аҳамиятини аниқлашлари, ўтиш ва ҳозирги ижтимоий ҳолатларни таққослаш ва баҳолаш учун назарий билимларни тадбиқ қилишлари керак.

Ўқувчиларда тарихий жараёнга алоқадорлик ҳиссиётини уйғотиш, атрофда содир бўлаётган воқеаларга масъулият сезиш катта ўрин тутди. Бунинг учун эса таълим жараёнида нафақат ўтмишдаги буюк кишилар, балки Ватанимиз оддий меҳнаткашлари ҳамда унинг ҳимоячилари ҳаёти ва фаолиятини очиқ бериш зурур. Ўқувчиларни шундай вазиятларга қўйиш керакки, бунда улар ўрганилаётган тарихий воқеаларни ҳаёлан ўз иштироки билан солиштира олсин, шу йўл билан ўзини, Ватан ҳимоясига тайёрлигини баҳоласин.

Адабиётни ўрганиш ўқувчиларни Ватан ҳимоясининг минг йиллик анъаналари ҳақидаги фикрларга эга бўлиб, унинг мустақиллиги учун курашган тарихий аждодларимиз қаҳрамонлари билан фахрланиш ҳиссиётини уйғотади, мустақилликни ҳимоя қилишга чақиради, душманга бўлган нафрат ҳиссиётини уйғалишига тарбиялайди. Адабиёт курси Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Заҳириддин Бобур, Имом Ал Бухорий, Боҳовуддин Нақшбанд, Ҳожи Аҳмад Яссавий ва бошқа ўзбек халқининг буюк ва машҳур аждодлари ижодий мероси ва ҳаётий жасоратларини билиб олишга муваффақ бўлади.

Буюк Турон замини халқларининг ўз мустақиллиги учун олиб борган қаҳрамонона курашига бағишланган адабий асарлар ўқувчиларга жанрларнинг юзага келиши, Ватан учун аجدодларимиз кўрсатган қаҳрамонана жасоратлари борасидаги ғоят улкан, бебаҳо маънавий, маданий мерос ва кадриятларнинг моҳиятини тушунишига ёрдам беради.

Адабиёт ўқитувчиси ёшларга ҳақиқатгуй, ёмонлик ва зўрликка қарши курашиш хислатларини ривожлантириш, қаҳрамонона ўтмиш воқеалари билан яқинлашишга ёрдам бериш, ҳаётан ўзини адабий қаҳрамонлар ўрнига қўйиш, ҳаётий тажриба камчилигини тўлдириш, ҳаётий фаолият йўналиши, кўрсатма ва далиллари, мамлакат гуллаб яшнаши ва уни тажовўзкорликдан ҳимоя қилишга тайёрлашдек муҳим руҳий – маънавий онгини шакллантириши лозим.

Математика ўқитувчиси жангни олиб бориш, жанговар маҳорат замонавий воситаларини эгаллаш учун математик билимларнинг зарурлиги ва бўлажак Ватан ҳимоячиси учун айниқса муҳимлигини уқтириш. Математикани ўрганишда ҳарбий фаолият учун муҳим бўлган жанговар масъулият, ички интизом ва ташкилийликни шакллантиришга ёрдам беради.

Физикани ўрганиш жараёнида ўқувчилар ҳарбий техниканинг физик асосларини (балистика, локация, оптика, ўқ отиш қуроли механикаси) ўзлаштиради. У ёки бу ҳарбий техник қурилма (ракета учиши, самолёт йўналиши) самарадорлиги ҳисоби, таҳлили, баҳосини талаб қиладиган ҳарбий техник мазмунли масалаларни ечиш қабилиятига эга бўлади, ҳарбий касбий ҳаракатларга яқинлаштирилган вазиятда назарий билимларни тадбиқ этишга ўрганадилар.

Химия дарсида ўсмир ва қизлар кимёвий қуролдан ҳимояланиш асослари, бу йўналишдаги фан ютуқлари билан танишади, ҳамда одам, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик сув, уй ва бошқа нарсаларни заҳарли кимёвий моддалардан ҳимоя қилиш мақсадида кўникмалар оладилар.

Биологик фанларни ўрганиб, ўқувчилар Ўзбекистон флораси бир қатор ўсимликларнинг дориворлик хусусиятлари, улардан касаллар ва ярадорларни қутқаришда, халқ тиббиётида фойдаланилишини билиб оладилар.

География ўқувчиларни Ватан ҳудуди ва табиат бийликлари, мамлакатда амалга оширилаётган табиат янгиланишлари ҳақидаги билимлар билан қуроллантиради. Ўқувчилар табиий муҳитдаги асл ҳолига келмайдиган ўзгаришларни (улардан бири ҳарбий ҳаракатлар) юзага келтириш омиллари, воситалари билан танишадилар.

Физик - географик фанлар ядро, кимёвий ва бактериологик қуролни тадбиқ қилиш бутун тирик мавжудот ўлимига олиб келиши, ландшафтни ўзгартириши мумкин. Физик география ўқувчиларга муайян бир ҳудуд ҳажми ва табиий шароитлари ҳақида маълумотлар беради. Мавжуд маълумотлардан келиб чиқиб, ўқувчилар ҳимоя ва ниқобловчи хусусиятлар ҳақида ҳулоса қилишлари мумкин.

Физик - географик фанлар ўқувчиларда кўз билан чамалаш, аниқлик,

кўриш хотираси қаби хислатларни ривожлантиришга ёрдам беради. Таълим жараёнида ўқувчилар жойни аниқлаш, йўналишларни топиш, азимут бўйича ҳаракатланиш ва нишонгача бўлган масафани аниқлаш, топографик харитани ўқиш ва унга объектларни киритишга ўрганади.

Бугунги кунда ўрта махсус таълим муассаларида „Ёшларни чақириққақа қадар бошланғич тайёрлаш“ курсига катта эътибор берилмоқда, бунда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар тўзилиши, мақсади ва вазифаси ҳамда тактик, ўқ очиш, саф тайёргарлиги, ҳарбий топография ва фуқаролик ҳимоя бўйича билимларга эга бўлмоқдалар.

Бўлажак Ватан ҳимоячилари ҳарбий Қасамёд, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар низомлари талабларини тушуниб оладилар, ҳарбий қисм қуролланиши ва ҳарбий техникаси, шахсий таркиб жойлашуви ва ҳаёти билан танишадилар; ёш аскарлар тайёрлаш доирасидаги керакли амалий кўникмаларни эгаллайди.

Ҳарбий хизматга ўсмир - ёшларни маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тайёрлаш борасидаги вазифаларни ҳал этишда асосан, ҳалқимиз мустақиллиги, миллий озодлиги кураши, қаҳрамонлик йилномаси, ҳалқ ва унинг Қуролли Кучлар шуҳратига сазовар бўлган жанговар ва меҳнат анъаналари билан таништиришни кўзда тутди.

Таҷриба кўрсатадики, бундай ютуқлар, Ватаннинг қаҳрамонона ўтмиши ҳақидаги ҳикоялар ўқувчиларда ватанпарварлик ҳиссиётларини ривожлантириш, уларнинг фикрлари, қилган ишлари ва ҳаракатларига фаол таъсир қилади. Ҳар бир «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси ватанпарварликнинг янги идрок манбаалари дунёсига ёшларни олиб кетадиган шундай муҳитни дарсда яратиш керак.

Машғулотларнинг қатъий ва аниқ ташкил этилиши ўқувчиларни тартиб ва интизомига ўргатади, ижрочилик ва ташкилотчилик томонларини ишлаб чиқади. Ёшларни Қуролли Кучлар хизматида тайёрлаш тизимида жисмоний тарбия муҳим ўрин эгаллайди. Бу тушунарли, зеро жанговар ҳаёт қийинчиликларидан ўтиш, жисмонан жуда яхши ривожланган, матонатли, мустаҳкам асабга эга бўлган одамнинг турли шароитларда ҳаракат қилиши лозимдир.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун соғлом, жисмонан чиниққан йигитлар керак, онгли, маънавий - сиёсий маънода мустаҳкам жангчилар даркор.

Ҳарбий ватанпаварлик тарбияси ўз ўрнида албатта жисмоний тарбияга катта таъсир кўрсатади. Жисмоний тарбия етарли даражада ёшлар маънавий ривожланиши, унда юқори маънавий хислатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Жисмоний чиниқиш жараёнида йигитлар амалда қийинчиликларни енгишга, чидамли, ботир ва қатъий бўлишга ўрганади. Спорт билан шуғулланиб, йигитлар ўзида мардлик, ботирлик, ирода, қатъийлик, ўз кучига

ишонччи ишлаб чиқади – бу хислатлар Ватаннинг моҳир ҳимоячиси учун жуда зарур. Ўқув жараёни бўлажак Ватан ҳимоячиси учун зарур бўлган хислатларни шакллантиришда катта ўрин тутади.

Муайян тарихий ёндошиш принципи барча ҳозирги аҳвол, ҳодисаларини вақтида ривожланувчи ва ўзгарувчи ҳодисалар сифатида кўриб чиқишни кўзда тутади. Бу принцип аввалом бор муайян бир тарихий вазиятда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси шакл ва услублари мазмуни тўғри келишни назарда тутади. ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ўқувчиларни халқ ва Қуролли Кучларнинг қаҳрамонана тарихи, ажойиб анъаналарида тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра ҳақиқат бўзилишига йўл қўймайдиган тарихий воқеаларни объектив ўзлаштириш катта аҳамиятга эга бўлади.

Мустақил давлат қурилиши амалиёти, халқаро вазият, давлат ташқи сиёсий фаолияти билан боғлиқ бўлган принцип.

Бу принцип жамиятимиз янгилалиши учун меҳнаткашларимиз кураши, халқимиз ҳар бир тарихий босқичда ҳал қилаётган масалаларига бўйсунилини билдиради. Шунинг учун доимий равишда ёшларга жамиятимиз такомиллашуви вазифаларини тушунтириш, иқтисод, маданият, халқ фаровонлигини оширишдаги ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш, жамиятимиз ҳаёти барча томонлари катта қурилиши йўллари кўриб чиқиш жуда муҳим.

Ватанпарварлик тарбияси принципи. Бу принцип кўп миллатли давлатимиз, қуролланган ҳимоячилари, уларнинг ғоявий етуқлиги, маънавий руҳини мустаҳкамлалиши учун катта аҳамиятга эга.

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси, барча тарбиячилар фаолиятидаги ватанпарварлик вазифаларининг жангчи шахсиётини шакллантирувчи, нима учун қўлига қурол олиб, ҳимоя қилаётганини мунтазам эслатиб турувчи қудратли омил бўлиб хизмат қилади. Иккинчи жаҳон уруши, Афғонистон уруши, қардош Тожикистонга тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ бўлган ёрдамни кўрсатиш халқимизнинг бу принципга риоя қилиши яққол мисоллар бўла олади.

Ёшлар турли гуруҳларига фарқий ёнданиш принципи.

Бу принцип кўп тилли халқимиз турли миллат ва халқлари ўзига хос хусусиятларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳарбий ватанпарварлик ишини қуришни талаб қилади. Мана шунинг учун ёшлар турли гуруҳининг миллий, ёш, ижтимоий ва техник, касбий хусусиятлари, уларнинг умумтаълим ва маданий даражаси, талаблари ва кайфиятини ўрганиш жуда муҳим. Бунда ҳарбий ватанпарварлик иши муваффақиятининг муҳим шартларидан бири мужассамлашган. Баъзи бир ёшларга фикрларидаги қарама – қаршилиқ, тез хулоса чиқаришлиқ, ўз кучини баҳолаб юборишга мойиллик, манманлик, ўринсиз ҳатти - ҳаракатларга хос жангчини эътиборга олиш зарур.

Замонавий ёшлар олдинги авлоддан Ватани озодлиги ва мустақиллиги учун кураш олиб бормагани билан фарқ қилишини эътиборга олмаслик мумкин эмас. Ёшларимиз маънавий қиёфасидаги камчиликлари билан қатъий ва

сердиққат тарбиявий ишларни олиб бориш зарур. **"Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, биз уларни ўзимиз тарбия қиламиз. Чунки у мустақил Ватанимиз, халқимиз келажаги учун меҳнат қилади, деб таъкидлаган эди"** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов (вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги нутқидан 16.02.99й.).

Мамлакат мудофаасига маҳнаткашларни тайёрлаш билан шуғулланадиган барча муассаса, ташкилотлар фаолиятининг доимий ўзаро мувофиқлиги принципи. Ўқув юрти «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси ҳокимият, мудофаа ишлари бўлимлари, Фавқулотда вазиятлар бошқармаси ва туман штаби, "Ватанпарвар" туман кўмитаси, ҳарбий қисм ва бўлинмалар, маҳалла кўмиталари билан доимий алоқада бўлиши шарт.

Машғулот ва дарсдан ташқари вақтда ўқувчилар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг шакл ва услубларини кўриб чиқамиз.

Мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари, буюк Амир Темур ва бошқа саркардалар жанговар мероси ютуқлари ҳақидаги маъруза, суҳбатлар тайёрлаш ва ўтказиш.

1. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар.
2. Ўзбекистонлик жангчилар, мактаб битирувчилари бўлган жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари билан учрашувлар.
3. Эътиборга сазовор саналарга бағишланган кечалар.
4. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мавзу бўйича конференциялар ўтказиш.
5. Ҳарбий қисм ва ҳарбий ўқув юртларига экскурсиялар.
6. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мавзусига оид кинофильм, телекўрсатувлар кўриш ва уларни жамоада муҳокама қилиш.
7. Китобхонликни жамоада муҳокама қилиш, қаҳрамонлари, ёзувчилар ва олимлар билан учрашиш.
8. Музей, мемориал комплексларга бориш, урушда ҳалок бўлган жангчилар биродарлик қабрини зиёрат қилиш.
9. Халқ жанговар ва меҳнат шон – шуҳрати жойларига сафарлар уюштириш.
10. Турли ҳарбий спорт мусобақалари ва ўйинларида қатнашиш
11. Ҳарбий техник тўғараклар ишида қатнашиш.
12. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусига бағишланган энг яхши иншо, ҳикоя, расмлар кўргазмаси, кўрикларини ташкил қилиш.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг қайси бир шакли ўтказилмасин, унинг мазмундорлиги, тарбиявий мақсадига эришувчанлик муҳим.

Аждодларимиз жанговар анъаналари, буюк соҳибқирон Амир Темур жанговар мероси, Ўзбекистонлик жангчилар жанговар ва ижтимоий сиёсий ютуқлари, ҳарбий қасамёд ва ҳарбий бурч, ҳарбий касб ҳақидаги маърузаларни «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси ўзи ўқиши ёки бунинг

учун ҳарбий қисм офицерлари, захира ва резервдаги офицерлар, шунингдек, тарихчи ўқитувчиларни ва ота – оналарни, собиқ ҳарбий хизматчиларни таклиф этиши мумкин.

Дарсдан ташқари ишларнинг самарали ўтказилиш бўйича ойда бир марта эътиборга сазовар саналар, мамлакат армияси ҳаётидаги буюк ҳодисаларга бағишланган ҳарбий ўқув ва ҳарбий ватанпарварлик кинофильмларни кўрсатишда намоён этиш керак бўлади. Бунда ҳар бир фильмни кириш сўзи билан бошлаш мақсадга мувофиқ, бу ўқувчиларга ғоя ва образларни знада ёрқинроқ тушуниб олишга ёрдам беради. Фильмлар бошланишдан олдин кириш сўзлари учун ўқитувчи ва ўқувчиларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув юртида ҳарбий иш асослари бўйича тўғаракларни ташкил қилиш ўқувчиларни ҳарбий иш асосларини ўрганишга жалб қилиш мақсадини қўйяди. Тўғарак йўналишини танлаганда моддий база ва мутахассислар ҳамда ўқувчилар қизиқишлари ва талабларидан келиб чиқиш керак.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда ҳарбий амалий спорт турлари бўйича мусобақалар муҳим ўрин тутди. Уларни «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси ва жисмоний тарбия ўқитувчиси ташкил қилади, уларга қуйидаги турлар киради: ўқ отиш, ҳарбийлаштирилган кросс, граната отиш, тўсиқлардан ўтиш, сув тўсиғидан ўтиш, ўзоқлик ва аниқликка граната отиш, оғир тош кўтариш ва ҳоказо. Бу ва бошқа мусобақалар турли бирикмаларда ишлатилиши мумкин.

„Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” курсини тугатишда, одатда май ойида, ўқув юрти директори раҳбарлигида ҳарбий спорт байрами ўтказилади. Байрам режаси бир ой олдин тўзилади. Байрамда тўғаракларга раҳбарлик қилиш учун «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси, оталикка олган ҳарбий қисм офицер ва сержантлари, захирадаги офицерлар таклиф қилинади.

Тажриба кўрсатадики, ўқув юртларида, одатда, ўқ отиш, ҳарбий техник, ҳарбий тарихий, топографик, умумҳарбий тайёргарлик бўйича тўғарак ташкил қилинади.

Байрамга қатнашиш учун ўқув юртининг барча ўқувчилари, ўқитувчилари, уруш фахрийлари, ҳарбий қисм ва ҳарбий ўқув юртлари вакиллари жалб этилади.

Байрам тантанали равишда очилиб, ҳарбий иш бўйича ўқувчилар таълими натижалари ҳақидаги ўқув юрти директори буйруғи ўқилади, сўнг „Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” дастури машқлари, усуллари ва ҳаракатлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Байрам мусобақа ғолибларини тақдирлаш билан якунланади, “Саломатлик” ЖСК норма ва талабларини топширишга ўқувчиларни тайёрлаш иши «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси ва жисмоний тарбия ўқитувчиси билан амалга оширилади. «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси шахсан ўзи машқ қилишларни ташкил қилади ва гаранаталарни ўзоқликка ва аниқликка отиш ва

ўқотиш нормативларини машқ қилдиртиради ва қабул қилади.

Ҳарбий ўйинлар ўқувчилар учун ҳарбий ватанпарварлик тарбияси шаклларида бири ҳисобланади. Яхши ташкил қилинган ўйин жараёнида ўқувчилар ниқобланиш услублари, сигнализация, алоқа воситалари, махсус ҳарбий атамалар билан танишади, масофалар аниқлайди, азимут бўйича юради, график ҳужжатлар тўзади, компасдан фойдаланишга ўрганади, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ишлаб чиқади.

Ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида ижтимоий ташкилотлар ва оиланинг ўрни.

“Халқ ва жамият, оила ва маҳалла каби барқорлик ишончли анъанавий таянчи соҳибидир” деб ёзади И.А.Каримов “Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура” китобида. “Айнан улар менталитетимиз” суянчи, оила ва маҳалла аҳолига ҳозирги ўтиш давридаги кўпгина муаммаларни ҳал этишга имкон беради. Ҳеч ким ва ҳеч нарса пок ва ҳақиқатпарвар шахсни тарбиялаш, она тилини тиклашида оила билан тенг кела олмайди....”

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида оиланинг ўрни катта. Ўқувчиларнинг қариндошлари бўлган уруш қатнашчилари, армия ва флот фахрийлари таржимаи ҳоллари билан таништириш, давлат мукофотларига тўғри муносабатини шакллантириш керак. Ўқув муассаса педагогик жамоаси ўқувчиларнинг ўйин тарзидаги ҳарбий фаолиятни ташкил қилишда ҳамда ўзоқ масофаларга болалар билан пиёда ўтишлар (масалан, кўзикорин териш учун), ўрим пайтида ёки балиқ овлашга борганда ота оналарни жалб қилиш керак. Бунда болаларни жойни аниқлаш, тўсиқлардан ўтиш ва бошқага ўргатиш лозим. Ўқитувчилар барча юзага келадиган саволлар бўйича ота оналарга маслаҳат бериши мумкин.

Оилавий тарбия ўсиб келаётган авлодда Ватанга муҳаббат ҳиссини ривожлантириш, унинг ҳимоя, ҳарбий жасорат, ҳарбий касбга муҳаббат аҳамияти ҳақида тўғри тушунча шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Оиладаги Ватан учун курашларда ҳалок бўлган қариндошлар хотирасига бўлган анъаналарга ҳурмат, уларнинг жанговар мукофотлари, сурат ва эсдаликларини авайлаб асрашнинг аҳамияти катта.

Ватанимиз қаҳрамонона тарихи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар жанговар йўли, армия ва флотдаги хизмати, жанговар ҳаракатлардаги шахсий қатнашуви ҳақидаги ота боболар ҳикоялари болаларга катта тарбиявий таъсир кўрсатади, ота боболари қайси йилларда, фронтда ва қайси мамлакат ва шаҳарларнинг озодлиги учун курашган, байналминал бурчини бажариб, ота ва катта акаларнинг Афғонистонда қандай жанг қилгани, қандай орден ва медаллар билан тақдирлангани ҳақида болаларнинг билиши жуда муҳим.

Болаларда ватанпарварлик адабиёти ва ёдномалар, Қуролли Кучларимиз жанговар йўли, халқимиз қаҳрамонлик жасоратлари, қаҳрамон ҳимоячиларнинг бугунчи жанговар ва ижтимоий сиёсий тайёргарлиги ҳақидаги кинофильм,

кўрсатувларга қизиқишни ривожлантирадиган оилалар тўғри йўлдан боради.

“Ватанпарвар” МКЖ қўмитаси ўқув юртда ўқувчиларни мудофаа оммавий ишга фаол жалб қилишни таъминлайди, ҳарбий ва ҳарбий техник билимларнинг кенг тарғибот ишини олиб борди, чақириқча тайёргарлик, ўйинларини ўтказишда ёрдам кўрсатади, мудофаа оммавий тадбирларни ўтказиш учун ўқув моддий базани яратиш ва мустаҳкамлаш ташаббускори ҳисобланиди.

“Ватанпарвар” МКЖ бошланғич ташкилоти раиси этиб одатда ўқув юрти «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси сайланади. У синф раҳбарлари, ўқитувчиларга ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича ишни ташкил қилишда методик ёрдам кўрсатади, фан ўқитувчилари методик бирлашмалари иштироки орқали ўқув жараёнида жамият мудофааси тажрибасини тадбиқ этади.

Таълим масканлари миқёсидаги “Ватанпарвар” МКЖ бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда қуйидаги ишларни ташкиллаштириш мумкин:

“Ватанпарвар” МКЖ бошланғич ташкилот раиси «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси билан йилида икки – уч марта қуйидаги масалалар бўйича кенгаш йиғилишлари ўтказиш: “Ватан ҳимоячиси” байрами, “Ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича иш ҳолати”, “Наврўз байрамига тайёргарлик ҳақида”, “Хотира ва кадрлаш байрамига тайёргарлик ҳақида”, “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрами ҳақида”, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига, яъни ҳарбий хизматга тайёрлиги бўйича бошланғич ташкилот иши ҳақида”. Шу жумладан байналминал жангчилар, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил қилиш. Ватан ҳимоячиси кунига бағишланган пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича мусобақа ўтказиш мумкин.

Мудофаа оммавий иш ойлигини ибратли ўтишида бадий фильмларнинг мавзуга оид кўрсатилиши, ҳарбий амалий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Синфларда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ватан ҳимояси”, “Қуролли Кучларда хизмат қилиш - Республика ҳар бир фуқаросининг бурчи”, “Амир Темур – буюк саркарда ва давлат арбоби” мавзусида суҳбатлар ўтказиш. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ва ўқ отиш бўйича 10-11 синфларда орасида мусобақа ўтказиш, “14-январ – Ватан ҳимоячиси кунига бағишланган пневматик милтиқдан ўқ отиш мусобақаси ўтказиш, ўқувчиларнинг “Шунқорлар” ҳарбий спорт ўйинида қатнашишлари катта аҳамият касб этади.

Ўқув юрти директори, «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» фани ўқитувчиси ва ўқитувчиларнинг ўқувчилар ватанпарварлик тарбиясини ташкил қилиш ва ўтказишдаги ўрни ва мажбурияти.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳар қандай мураккаб тизим каби бошқарувга мухтож. Бошқариш функциялари кўп маъноли, лекин асосийси, унинг негизида ҳарбий ватанпарварлик ишларини ташкил қилиш ва

ўқувчиларнинг бўлажак ҳарбий хизматга муносабати натижалари даражаси, уларнинг Ватан ҳимоясига тайёргарлигини ва уни такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилишни ўрганиш ётади.

Ўқув муассаса директорининг вазифалари:

1. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига умумий раҳбарлик қилиш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой жойига қўйиш;

2. Ҳарбий ватанпарварлик ишлари ҳолатини таҳлил қилиш, уни режалаштириш, режаларни жамоат, ўқув муассасадан ташқари ташкилотлар, таянч корхоналари билан мослаштириб олиш;

3. Ҳарбий ватанпарварлик фаолияти, ўқитувчилар, синфдан ва ўқув муассасадан ташқари ишлар ташкилотчилари, «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг ташаббускорона қарорларини илгари суриш;

4. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишларининг бориши юзасидан ўқув муассаса ички ҳисоби ва назоратини олиб бориш;

5. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил қилиш учун зарурий, ижтимоий ва маънавий психологик шароитларни яратиш.

Бундан ташқари директор ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича жамоат кенгаши раиси ҳамдир.

Синф раҳбари:

1. Синф жамоасининг мақсадга йўналтирилган ҳарбий ватанпарварлик фаолиятига раҳбарлик қилади;

2. Ушбу синф билан шуғулланадиган ўқитувчилар ва тарбиячилар, мактабдан ташқари муассасалар ва ота оналарнинг ўқувчиларда Ватан ҳимоясига тайёргарликни шакллантириш бўйича тегишли ишларини режалаштиради ва мувофиқлаштиради.

3. Ўқувчиларда ҳарбий ватанпарварлик онгининг ривожланиши, бўлажак Ватан ҳимоячиларига зарур бўлган маҳорат ва кўникманинг шаклланиши устидан мунтазам психологик педагогик назорат олиб боради.

4. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жараёнини мувофиқлаштиради, бу фаолиятга тарбиячи ва жамоатчиларни ҳам жалб қилади.

Ўқитувчилар:

1. Ўқув тарбия жараёнининг ҳарбий ватанпарварлик йўналишини, бўлажак жангчининг шахсий буюм ва анжомлари билан шакллантиришни таъминлайдилар;

2. Дарснинг тарбия мақсадларига мунтазам равишда ҳарбий ватанпарварлик томонларини киритиб боради, тегишли материаллар, шунингдек уни баён қилиш методларини белгилайдилар.

3. Ўқувчиларнинг кўнгилли жамияти бошланғич ташкилотлари (табиатни муҳофаза қилиш, маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, Ватанпарвар ва бошқалар)га педагогик раҳбарлик қилади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбия учун тури услубдаги дарсликлар билан

кўллайдилар.

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси:

1. Синфдан ва ўқув муассасадан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси билан биргаликда ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси тадбирларини режалаштиришда қатнашади, синф раҳбарлари ва жамоат ташкилотларига ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлашда методик ва амалий ёрдам беради;

2. Ўқув жараёни пайтида ўсмирларни чақириққача тайёргарлиги бўйича дарс беради ва дарсдан ташқари вақтда факултатив дарс олиб боради, ўқув юрти директори ёрдами билан бунинг учун зарурий ўқув жиҳозлар базасини яратади;

3. Умумий таълим фанлари билан чақириққача тайёргарликнинг фанлараро алоқасини таъминлайди;

4. Ҳарбий ватанпарварлик бўйича етакчиларини тайёрлашга раҳбарлик қилади;

5. Ёш аримиячилар мактаби, ҳарбий техника тўғараклари ишларини ташкил қилади;

6. Ҳарбий спорт байрамларига тайёргарлик, сафда юриш ва кўшиқлар кўриги, ўқувчиларнинг ёш армия мутахассислиги бўйича ҳарбий спорт ўйинлари, мусобақалари ўтказишга раҳбарлик қилади, бу ишни ташкил қилиш учун ўқитувчиларни, ота оналарни, таянч корхоналар жамоа аъзоларини жалб қилади.

Шахсан бир иккита мудофаа тўғаракларида юқори синф (курс)ларни қатнаштириб дарс ўтади;

7. Жисмоний тарбия ўқитувчиси билан биргаликда ўқувчиларни “Саломатлик” меъёрларини топширишга тайёрлашни ташкил қилади;

8. “Ватанпарвар” бошланғич жамиятига ёрдам қилади;

9. Туман мудофаа ишлари бўлими (МИБ), “Ватанпарвар” туман кўмитаси, ҳарбий қисм ва бўлинмалар билан доимий иш алоқасини ушлаб турадилар;

10. Ҳарбий мутахассисликлар бўйича касбга йўналтириш ишларини бошқаради, ҳарбий хизматга ўқувчиларнинг мойиллиги ривожланишини рағбатлантиради, ёшларга уларни ҳарбий ўқув юртларига ўқишга киришга тайёрланишига ёрдам беради.

11. Ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик тарбияси сифатларини бажаришда оталиқ ташкилотлар, ҳарбий қисмлари жамоат ташкилотларининг ёрдамларидан фойдаланади.

Ишнинг жамоа шакллари шахсий шакллари билан уйғунлашган бўлиши керак. Улар биринчи навбатда ҳарбий касбга қизиқиш билдирган ўқувчилар билан ўтказилади.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ўқув юртларида ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади?

2. Соғлом инсон тарбияси деганда нимани тушунаси?
3. Маънавий-сиёсий фазилатларни шакиллантиришга қаратилган фазилатлар?
4. Психологик хислатлар нималардан иборат?
5. Умумий жисмоний хислатлар нималардан иборат?
6. Кичик ёшдаги ўқувчиларни Ватан ҳимоясига тайёргарликни шакиллантиришда қандай тарбиялаш лозим?
7. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларни Ватан ҳимоясига тайёргарликни шакиллантиришда қандай тарбиялаш лозим?
8. Катта ёшдаги ўқувчиларни Ватан ҳимоясига тайёргарликни шакиллантиришда қандай тарбиялаш лозим?
9. Ёшларни ҳарбий ватанпарлик руҳида тарбиялашда ўқув фанларнинг моҳияти?
10. Ўқув юртларида ёшларни ҳарбий ватанпарлик руҳида тарбиялашнинг «Чақирувга қадар бошлагич тайёргарлик» ўқитувчисининг вазифаси?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Интеллектуал – ақлий, маънавий заковат; МКЖ – мудофаага кўмаклашувчи жамият; Эмоционал ҳолат – руҳий ҳолат; тактика – жанг олиб бориш санъати; радиолокация – радио тўлқин воситалар.

3. Ўрта ўқув юртларида ва мудофаа спорт соғломлаштириш лагерларида оммавий мудофаа ишларини ташкил этиш ва олиб бориш

а. Мудофаа спорт соғломлаштириш лагерларида оммавий мудофаа ишларини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Президентга И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" китобида бизни ўраб турган нотинч дунёда дўстлар ҳам, Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига тортмоқчи бўлганлар ҳам борлигини, бунда улар исталган, жумладан, ҳарбий методларни ҳам қўллаши мумкинлигини, шу боис биз барқарор, яхши тайёрланган ва қуролланган, сарҳадларимизнинг, мустақиллигимизнинг ҳимоясини таъминлай оладиган армияга эга бўлмоғимиз кераклигини айтади. Бунта эса ягона давлат сиёсатини олиб бориш, иқтисодий, сиёсий, ташкилий, ҳарбий, ҳуқуқий ва бошқа характердаги тадбирларни амалга ошириш билан эришилади.

Мамлакатимиз мудофаа кудратини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири Ўзбекистон ёшларининг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ажралмас қисми бўлган мудофаа-оммавий ва спорт ишларини тубдан яхшилашдир. Бу иш ёшларда юксак маънавий-сиёсий ва жанговар сифатларни шакллантириш,

уларнинг ҳарбий билим ва малакаларни эгаллашларини таъминловчи давлат ва ижтимоий ташкилотлар тадбирлари тизимидан иборат.

Бу каби муҳим вазифани ҳал этилиши мазкур жараёнда ўқув муассасалари педагогик жамоасидан ташқари "Ватанпарвар" МКТ, мудофаа ишлари бўлимлари, "Камолот" ёшлар ташкилоти, барча манфаатдор идоралар, шунингдек, ота-оналарнинг фаол иштирокини талаб қилинади.

б. Мудофаа оммавий ишлар мақсади, вазифалари, йўналганлиги. Иш усул ва шакллари.

Мудофаа — оммавий ишлар-ёшларни ватанпарварлик, Ўзбекистон Қуролли Кучларига муҳаббат ва ҳурмат, юксак огоҳлик ва мустақил Ўзбекистоннинг Қуролли ҳимоячиси бўлишга доимий тайёргарлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар тизимидир.

Мудофаа оммавий ишлар вазифаси - оммада ҳарбий ва ҳарбий-техник билимларни, спортнинг ҳарбий-техник турларини кенг тарғиб этиш, ёшларни ҳарбий хизматга ҳар томонлама тайёрлаш.

Мудофаа-оммавий ишларининг шакл ва услублари турлича бўлиши мумкин. Уларни танлашга ижодий ёндашиш мумкин. Бу ерда танқид, маъмуриятчилик, бир хилликка йўл қўшиб бўлмайди, бир хил, лекин турли ёшдаги ўқувчилар билан ўтказиладиган машғулот шакли, мазмунига кўра ва ўтказиш услубига кўра жиддий равишда фарқ қилиши керак.

Тажрибалар кўрсатадики, мудофаа-оммавий ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари муваффақияти, энг аввало, ўтказиладиган тадбирларнинг юксак маънавий-сиёсий, ижтимоий фойдали йўналишига боғлиқ. Мудофаа-оммавий ишларнинг самарадор шаклини туғри танлаш ҳам аҳамиятга эга. Мудофаа-оммавий ишлар ҳафталиги ва ойлиги, Қуролли Кучлар турли саналарга бағишлаб уруш ва армия фахрийлари билан учрашувлар, ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги тематик кеча ва китобхонлик конференциялари; кинофестиваллар; кино-тарихи каби тадбирлар ҳаёт синовидан ўтган ва ўзини тўла оқлаган.

Ўқувчилар жанговар ва меҳнат шон-шухрати жойларига ёшларнинг республика сафари дастури бўйича тадбирлар, Хотира вахтаси, " Иккинчи Жаҳон уруши йилномаси" қидирув экспедицияларида фаол иштирок этади. Улар "Ватанпарвар" ва "Шунқорлар" дастури бўйича ҳарбий-спорт ўйинларини тайёрлаш ва ўтказишга ўз хиссасини қўшади.

Сафарлар ва ҳарбий-спорт ўйинлари таълим муассасалари жамоаси иштирокида нафақат ҳарбий ватанпарварлик тарбияси оммавий амалий шакли, балки ҳарбий ва ҳарбий-техник билимлар, ёшларни жисмонан чиниқтириш, ҳарбий хизматга ўсмирларни тайёрлаш мактабига айланди.

Ўқитувчилар, таълим муассасалари "Ватанпарвар" МКТ қўмиталари ёшларни отиш тирларни қуриш ва жиҳозлаш, тўсиқли йўлақлар ва бошқа оддий

спорт иншоотларини яратишга жалб этмоқдалар, ёшлар томонидан ҳарбий-техник ихтисосликларни эгалланиши учун шароитлар яратмоқдалар.

Ўрта таълим муассасаларидаги мудофаа-оммавий ишлар, қай шаклда олиб борилмасин, энг аввало тарбиявий характер касб этади. Тарбия жараёнининг негизини ўсмирларни Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлар сафидаги хизматга тайёрлик, кичик ёшдаги ўғил болаларда эса армия, унинг анъаналари ва шу қабиларга ҳурмат ҳиссини тарбиялашдан иборат.

Мудофаа оммавий характеридаги ҳар қандай тадбир ўзида таълим элементларини мужассамлаштирмоғи керак. Масалан, "Моҳир мерган", "Ёш ўқчи", "Снайпер", "Ёш техник" каби тўғаракларни ташкил этиш бирдан-бир мақсад эмас. Ўсмирни олишга ўргатар экан, тарбиячи бунинг ними учун кераклигини, яъни зарур бўлганда Ватан манфаатларини қўлда қурул билан ҳимоя қилиш, бунинг учун эса, жангчи аниқ олиши, душманни қийратиши зарурлигини тушунтириш лозим.

Тарбия — узок ва мураккаб жараён. Уни фақат тўғараклар иши доирасида ҳал этиб бўлмайди, албатта тарбия элементи барча машғулотларга сингдирилиши, бироқ мудофаа-оммавий характеридаги тадбирларда унга биринчи даражали аҳмият берилиши лозим, зеро бу ўринда тарбияланувчига таъсир олиш учун кенг фаолият майдони очилади.

Ҳар қандай мудофаа-оммавий тадбирга якун ясар экан, "тарбия мақсадига қандай эришилди?" ва "машғулот ўқувчи қалбида қандай из қолдирди" деган саволларга жавоб бўлмоғи керак. Албатта, биргина тўғаракдаги машғулоти билан бу масалалар комплексини ҳал этиб бўлмайди, ўз олдига бундай мақсад қўйиш ҳам нотўғри, лекин барча ижобий ҳолатларни мисқоллаб тўлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, тарбия жараёнига тадбиқ, олиш зарур.

Яхши йўлга қўйилган иш нафақат машғулотларда эгалланган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш ва амалда қўллаш, балки ўсмирларда юксак маънавий-ахлоқий ва жанговар сифатларни шакллантиришга кўмаклашади. Ҳарбий раҳбар бу ишни ЧХТ бўлимлари бўйича олиб бориш ва ташкил олиш учун бевосита жавобгар. У ҳақиқий тарбиячи, етакчи бўлиши, болалар ва педагогик жамоа орасида ҳурматга эга бўлиши зарур. Фақат шундагина у ўқувчилар билан мулоқот ўрната олади.

Синфдан ташқари барча мудофаа-оммавий ишлар ўқув йили бошланишга қадар режалаштирилади. У бутун педагогик жамоа, "Ватанпарвар" қўмитасининг фаол иштирокида амалга оширилади. Бу иш мазмуни ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ва мудофаа оммавий ишлар комплекс режасида акс этади. У синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси томонидан тузилади ва директор томонидан тасдиқланади, педагогик кенгашда муҳокама қилинади.

в. Ҳарбий иш асослари бўйича тўғараклар ташкил олишда ҳарбий раҳбарнинг мажбуриятлари ва роли, иш методлари ҳамда шакллари.

Ҳарбий-техник тўғарак ўсмирларида техникага ҳарбий мавзуда тадқиқот ишларини, лойиҳалаштириш, техник воситаларига хизмат кўрсатиш ва шу кабилар қизиқиш уйғотади, яъни Қуролли Кучлар сафига мутахассислар тайёрлаш учун имконият яратади. Таълим муассасаларида радио хаваскорликни лойиҳалаштириш, картинг, ёш автомоделчи, мотоспортнинг бошланғич шакллари, ҳарбий-амалий учкураш ва бошқа ҳарбий-техник спорт турлари бўйича тўғараклар ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим, зеро улар ўқувчилардан маълум техник билим, малака ва жисмоний тайёргарликни талаб қилади. Бу тўғараклар учун моддий-техник маблағлар ва имконият яратилишига эришмоқ зарур.

Ҳарбий раҳбар, "Ватанпарвар" МКТ қўмитаси у ёки бу тўғаракни ташкил этишда ташуббускор бўлиши лозим. Тўғаракларга иштирок этишни истаган ўқувчилар 10 тадан гуруҳ бўлиб, тўғаракни ташкил этилади. Бироқ ёдда тутиш лозимки "Ватанпарвар" МКТ қўмитаси ҳатто имконият мавжуд бўлганида ҳам таълим муассасаси қарори ва иштирокисиз ҳеч бир тўғаракни ташкил эта олмайди, зеро у маъмурий функцияларга эга эмас. "Ватанпарвар" МКТ қўмиталари мустақил эмас. балки маъмурият ёрдамчиси сифатида фаолият кўрастади. Шу боис тўғараклар "Ватанпарвар" МКТ эмас, мактаб тўғараклари деб юритилади. Бу билан тўғаракларнинг таълим муассасасига ҳукукий қарашлиги таъкидлангандай бўлади.

Ҳарбий раҳбар ўқ отиш ва ҳарбий техник тўғараклар ишини ташкил қилади ва йўналтиради, машғулотларни олиб бориш учун фан (кўпроқ меҳнат ва физика) ўқитувчилари, ота-оналар, муҳандислар, техниклар, ҳарбий офицер ва сержантлари, тўғаракларда узоқ йиллар муваффақиятли иштирок этиб келган юқори сннф ўқувчиларини жалб қилади ва ўзи, албатта, бир ёки бир неча тўғарак машғулотларини олиб боради таълим муассасаларида, айниқса, ўқ отиш, техник моделлаштириш, автмотоспорт, радио иши каби тўғараклар катта қизиқиш уйғотади. Бу тўғараклар ҳарбий қисмлар томонидан моддий ёрдам яхши ташкил этилган, моддий базани яратиш ва таъминлашда нафақат бошланғич, балки туман ва "Ватанпарвар" МКТ қўмитаси фаол қатнашган таълим муассасаларида кўпроқ фаолият юритади. Кўплаб "Ватанпарвар" МКТ бошланғич ташкилотларида ўқувчиларни тайёрлаш дастурлари тўғараклар учун тузилган. Улар асосида таълим ва мактабдан ташқари муассасалар учун муҳофа-спорт тўғараклари намунавий дастурлари ётади. Масалан: "Ёш ўқчи" тўғарагига 10-13 ёшдаги ўқувчилар қабул қилиниб, дастурга мувофиқ улар 10-12 кишилиқ ўқув гуруҳларга бирлаштирилади.

Машғулотлар олиб бориш учун жамоатчи инструктор ўқторлар ва мураббийлар, захирадаги офицер ва сержантлар, разрядли ўқчилар, ҳарбий раҳбарлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари жалб этилади. Бунинг учун улар ўқ отишга ўргатиш методикаси ва ўқ отиш техникаси бўйича семинарларда тайёргарликлар ўтказилади. Барча ўқув отишлари инструктор (мураббий)лар раҳбарлигида дастурга қатъий мувофиқ тарзда ва хавфсизлик чораларига амал

қилиниб ўтказилади. Ўқ отиш пневматик милтиқдан олиб борилади. 14 ёш ва ундан катта ўқувчилар "Моҳир мерган" тўғарагида шуғулланишлари мумкин. Асосан, кичик калибрли милтиқдан отилади. Таълим тўғарак аъзоси мусобақаларда "Саломатлик" жисмоний тарбия соғломлаштириш комплекси меъёрларини бажарганида тугалланган ҳисобланади.

Мусобақа ўтказиш учун камида уч кишилик ҳакамлар ҳайъати тузилади, унинг таркибида тегишли тоифага эга бўлган ҳакам киритилиши шарт. Таълим муассасаларида шунингдек, 4 йиллик дастур бўйича шуғулланган разрядчи-спортчилар тайёрлаш тўғараклари ташкил қилиниши мумкин. Бу тўғаракларда шуғулланишни истовчилар ота-оналари таълим муассасаси директори ва врач руҳсатига (ёзма розилигига) эга бўлиши шарт. Тўғарак аъзоси амалий отишга фақат курул билан муомала қилишни ўрганган, "Отишлар даврида тир ва отиш жойларида ўзини тутиш йуриқномаси"ни ўзлаштиргач ва дафтарга бу йуриқномасини билиши тўғрисида шахсан имзо чеккач қўйилади. Ўз навбатида ўқитувчи бу йуриқномани ўтказганини имзоси билан тасдиқлайди.

Таълимнинг биринчи йилида ўсмирлар разрядлари бўйича спортчилар тайёрланади. Иккинчи йили — III разряд; учинчи йили — II разряд; тўртинчи йили — I разряд спортчилари тайёрлаш амалга оширилади. Ўқув йили охирида (биринчи йил мустасно) "тир ва отиш жойларида ўзини тутиш йуриқномаси"си бўйича яхши билимни намоёниш этган ва III - спорт разрядига эга бўлган спортчиларга "Спорт бўйича ҳакам" унвони берилиши мумкин.

Бу унвонга даъвогар ўқувчилар бутун назарий кўрикни: кичик калибрли милтиқнинг тузилиши; аниқ ўқ отиш техникаси асослари; мусобақа қоидаларини билишлари, шунингдек мураббий кўрсатган мавзулардан бири бўйича назарий машғулот ўтказа олиши керак. Тўғаракларнинг намунавий дастурлари ўқувчиларни ҳар томонлама тайёрлаш мақсадини кўзда тутаяди, назарий тайёргарликдан ташқари. Техник, жисмоний, психологик ва тактик тайёргарликни қамраб олади. Тўғаракларда таълим жараёнида тарбиявий вазифалар ҳам ҳал этилади. Тўғарак раҳбари қатнашчиларда меҳнатга ҳалол муносабатни тарбиялайди, уларда уюшқоқлик ва интизом, катталарга ҳурматни шакллантиради. Тўғаракда тарбиявий ишлар муваффақиятининг зарурий шarti, машғулотларни аниқ ташкил этиш, раҳбарнинг юқори талабчанлиги, машғулотлар, таълим муассасаси ва ҳаётда ўзини тутиш меъёрларига амал қилишдир.

Тўғарак раҳбари ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича ўзлаштиришнинг мунтазам кузатиб бориши, синф раҳбари ва ота-оналари билан мулоқотда бўлиши зарур. Намунавий дастурлар шунингдек радиоспорт, ёш ўт учирувчилар, ёш кинологлар тўғараклари учун ҳам тузилган. Мудофаа ва ҳарбий-техник тўғараклар ишини тегишли ўқув фанлари дастурини ўрганиш билан боғлаш, ўқувчиларга улар билган тайёрланаётган моделлар тузилиши ва ишлаши, кичик ўлчамли машиналар, радиоасбоблар тузилиши асосида ётган қонунларни эслатиб бориш зарур. Тўғарак аъзолари амалий ишларини ҳарбий

иш билан боғлаб, у ёки бу илмий қонун ва қонуниятлар ҳарбий техникада қачон ва қандай қўлланишини кўрсатиб бориш лозим. Ҳар қандай тўғарак бўлғуси жангчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун кенг имкониятларга эга. Машҳур кишилар ҳаёти Широқ, Спитамен, Абруй, Мўканна каби озодлик учун курашган курашчилар, Амир Темур, Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби саркардалар, II - жаҳон урушининг Ўзбекистонлик қаҳрамонлари жасоратлари ёшларда олдларидаги мақсадга эришиш йулида сабоқ ва қатъият, фуқаролик бурчи — Ватан ҳимоясига интилишнинг ёрқин мисоллар бўла олади.

Тўғарак ишларини ташкил этаётиб ёдда тутиш зарурки, унинг муваффақияти амалий йўналганлик ва натижалик, шуғулланувчиларга. у ёки бу ҳарбий мутахассислик бўйича турли билим, малака ва кўникмаларни эгаллашда кўмаклашувчи турли методлар билан шуғулланади. Ҳар йили тўғарак ишларига якун ясаиб, ўқувчилар техник ижодкорлиги кўрғазмалари ташкил этилади, уларнинг айрим ишлари намойиш қилинади.

Шундай қилиб, тўғаракларнинг асосий вазифаларини таърифлаш мумкин:

а) "Ватанпарвар" МКТ аъзолари тўғарак қатнашчиларнинг муҳофаа-оммавий ишларда фаол иштирокини таъминлаш, уларни ватанпарварлик, ҳалқаро тотувлик, Ватан ҳимоясига доимий тайёргарлик, ЎР ҚКга муҳаббат руҳида тарбиялаш; ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини олиб бориш;

б) Ҳалқ қаҳрамонлик анъаналарини кенг тарғиб қилиш "Ватанпарвар" МКТ мақсадлари, вазифалари, фаолиятини тушунтириш, давлат муҳофаа қобилятини мустаҳкамлашга заруратини тушунтириш;

в) Ёшларни ЎР ҚК бугунги ҳолати, кўшин турлари; автомобиль, мотоцикл, радиостанция қурилиши ва вазифаси, электр-радиотехника, моделлаш ва лойиҳалаштириш асослари билан таништириш;

Тўғарак машғулотлари дарсдан бўш пайтларда "Ватанпарвар" МКТ тасдиқлаган дастурлар бўйича ҳавфсизлик қоидаларига амал қилиб олиб борилади. Ҳавфсизлик чораларига ўқ отиш мусобақалари ва турли отишларни ўтказишда катта эътибор берилади. Отиш пайтида ҳавфсизлик уни аниқ ташкил қилиш, йўриқномаларга қатъий амал қилиш ҳисобига таъминланади.

Қуролни ўқлашга факат отиш жойида "Ўт оч" сигналидан сўнг рухсат этилади. Ўқлашдан аввал стволда бегона нарсалар йўқлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Ўқ отиш отувчи томонидан мустақил ёки буйруқ бўйича отиш майдонида одамлар, ҳайвонлар, машиналар; отиш райони узра пастлаб учаётган самолёт ва вертолётлар пайдо бўлаганида; отиш оқибатида ёнгин чиққанида, отувчи мўлжални йўқотган тўхтатилиши шарт. Отишни тўхтатиш учун махсус (Отбой) сигнали берилади ва қизил байроқ ўрнига оқ байроқ қадалади ёки "тўхта, отиш тугатилсин" буйруғи берилади.

Қатъиян таъқиқланади:

а) Қуролни ўт оч сигнали ва отиш раҳбари буйруғисиз ўқлаш;

б) Қуролни одамлар, ён атроф ва отиш жойи ичига, ўқланган-ўқланмаганидан қатъий назар қаратиш;

в) Носоз қуролдан, носоз ўқ-дори ва пана жойда оқ байроқ кўтарилганда ўт очиш ва уни давом эттириш;

г) Ўқланган қуролни қаерда бўлмасин қолдириш ёки бошқа шахсга раҳбар буйруғисиз бериш.

г. Ҳарбий оталиқ ишларини ташкил қилиш. Мудофаа спорт соғломлаштириш лагерларидаги ўқув дала йиғинлари даврида ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил қилиш.

Ўқув юртларида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳолатларини баҳолаш.

Ҳарбий қисмнинг оталиқ ишини ташкил қилиш ўқув юрти директори ва «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг ўқувчилар чақириққача ҳарбий тайёргарлиги даражаси ва самарадорлигини ошириш мақсадидаги муҳим вазифасидир.

Оталиқга олган ҳарбий қисмлар ўқув юртига ҳарбий хоналарни жиҳозлашга, ўқ отиш мосламалари, спорт майдончалари ва стадионлар, тўсиқли йўлакчаларини қуришга, «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисига методика бўйича ёрдам берадилар. Ҳарбий техника тўғарагига, секциялар, музейлар ва жанговар шон – шухрати хоналарини ташкил қилиш, “Шунқорлар” ҳарбий спорт ўйини ва ҳарбий спорт байрамларини ўтказишда раҳбарлик қиладилар.

Муддатлар чегараланганлиги сабабли, ўқув юртида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг барча шакллари ва методларини МССЛ да қўллаб бўлмайди. Бу даврда ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича кинофильмлар кўрсатиш, ЖСМ нормалари ва талабларини топшириш шакллари қўлланиши мумкин.

“Шунқорлар” ҳарбий ўйинларини ўтказиш, ҳарбий қисмлар, ҳарбий ўқув юртларига бориш, шунингдек ўтмишдаги жанговар анъаналар, улуғ соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Бобур, Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликнинг жанговар мерослари, Ўзбекистонлик жангчиларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги муваффақиятлари, ҳарбий Қасамёд ва жангчилик бурчи ҳамда бошқалар тўғрисида, маърузалар ўтказилиши лозим.

Ўқув юртидаги ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳолатини баҳолаш.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси тизимининг самарадорлигини баҳолаш методикаси деб, илмий методлар ва усуллари йиғиндисида айтилади. Улар ёрдамида тарбия жараёни олдига қўйилган мақсад ва масалаларга эришилганлик даражасини билдирадиган ишончли объектив ахборот олиш мумкин.

Ўқувчилар билим даражасини ўрганиб, улар шароити чуқурлиги ва тўлиқлигига, ҳамда билимларни маслакка, айланиши даражасига эътибор бериш

керак. Биринчи ҳолда ўқувчи олинган билимларини муайян вазиятни таҳлил қилиш ва ўзгаришларини олдида айтиб беришга тадбиқ қилиш қобилиятларини аниқлаш лозим. Иккинчидан, ўқувчилар ижтимоий жиҳатдан ўзини тутишига эътибор бериш керак, яъни ҳарбий ватанпарварлик ишида, бу соҳанинг ташвиқот ва тарғибот фаолиятида қатнашиши, ҳарбий кўникма ва қобилиятларга эга бўлиши лозим.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий – мудофаа ишларни ташкиллаштиришда кимлар фаол иштирок этишда керак?
2. Оммавий – мудофаа ишларнинг вазифаси нимадан иборат?
3. Оммавий – мудофаа ишларнинг олиб борилиши қандай характерни касб этиши керак?
4. Оммавий – мудофаа характеридаги тадбирлар қандай элементларни мужассамлаштирмоғи керак?
5. Оммавий – мудофаа характерида эга бўлган тадбирлар қандай саволларга жавоб бермоғи лозим?
6. «Ёш ўқчи» тўғарагига неча ёшдан ўқувчилар қабул қилинади?
7. «Моҳир мерган» тўғарагига неча ёшдан ўқувчилар қабул қилинади?
8. Кимга «Спорт бўйича ҳакам» унвони берилади?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Тематик мавзу – замонавий мавзулар ҳақидаги ҳикоялар; Конференция – тантанали мажлис, илмий анжуман; Кинофестиваль – кинофильмлар халқаро конкурси; Элемент – таркибий қисм; Снайпер – мерган; Комплекс – маълум бир қурилиш мажмуаси.

4. Ўрта таълим муассасларида ва мудофаа – спорт соғломлаштириш лагерларида ҳарбий – ватанпарварлик ва мудофаа - оммавий ишларни режалаштириш.

Ҳарбий ватанпарварлик ва мудофаа-оммавий ишларини режалаштиришга бўлган асосий талаблар.

Чақириққача ҳарбий тайёргарлик ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимининг асосий қисми ҳисобланади.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қисқа вақт ичида асосан ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ташкилий–ҳуқуқий базаси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,

"Мудофаа тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

"Умумҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғриси"даги қонунлари, "Ҳарбий Доктрина", ҳарбий Қасамёд, ҳарбий қисм Жанговар Байроғи ҳақида Низомлар, Умумҳарбий Низомлар республика вазирликлари ва бошқармаларининг норматив қоидалари ишлаб чиқилди.

Ўрта таълим муассасаларида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда марказий шахс – бу «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси ҳисобланади. Ҳозирги кунда республикада 7000 дан ортиқ «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси фаолият кўрсатмоқда (1999 йилда 7131 киши).

Уларнинг ҳаммаси ҳам ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга эмас. Ҳар йили ўқув юртларига ёш педагоглар – «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси Тошкент Давлат Педагогика Университети, Бухоро ва Фарғона Давлат Университетлари "Чақирикқача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия" факультети битирувчиларидир.

Тажрибалар кўрсатишича янги «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчилари чақирикқача ҳарбий тайёргарлик ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини режалаштиришда кўпроқ қийинчиликларга учрайдилар.

Ўқув юрти «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси ўқув тарбия жараёнини режалаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Маҳорат билан ўз вақтида режалаштириш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Мудофаа Вазирлиги ва Халқ таълими Вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилишга ёшларни тайёрлаш масалалари «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг асосий бошқарув ҳужжатлари талабларини чуқур билишига асосланади.

Барча ҳарбий ватанпарварлик ва синфдан ташқари мудофаа-оммавий ишлари педагогик жамоа ва "Ватанпарвар" МКЖ бошланғич ташкилотининг фаол иштирокида режалаштирилади.

Ҳарбий ватанпарварлик, оммавий – мудофаа ишлари умумий режаси синфдан ва ўқув муассасадан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси (директор ўринбосари) томонидан ишлаб чиқилади ва ўқув юрти директори томонидан тасдиқланади. «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси умумий режага киритилиши учун ўз таклифларини беради, Умумий режада қуйидаги тадбирлар ўз аксини топиши керак:

1. Бўлим сардорлари билан мушғулот.
2. «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» дастури бўйича ўқувчилар учун гуруҳ ва индивидуал маслаҳатлар.
3. Ўқувчилар томонидан "Саломатлик" комплекси ҳамда кичик калибрли (пневматик) милтиқдан отиш бўйича нормаларни иши.
4. Катта синф ўқувчиларини "Шунқорлар" ҳарбий спорт ўйинларида иштирок этишга тайёрлаш.
5. Ҳарбий қисм ва ҳарбий ўқув юртларига экскурсиялар.

6. Ўқув муассаса битирувчиси бўлган ҳарбийлар, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочилари билан учарашув ўтказиш.
7. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги кинофильмларни намойиш этиш.
8. Ҳарбий – оталиқ ишларини ташкил этиш.
9. Ҳарбий касб танлаш бўйича тадбирлар ўтказиш.
10. Ўқув муассаса битирувчиларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилишга тантанали кўзатиш.
11. Чақириқча тайёргарлик курсини якунлашга бағишланган ҳарбий-спорт байрами ўтказиш.
12. Оммавий мудофаа ишлари тўғрақларини ташкил этиш ва унинг фаолияти.
13. Чақириқча ҳарбий тайёргарлик моддий базасини мукаммаллаштириш бўйича ишлар.

б. Ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий – мудофаа ишлари режасини амалга ошириш бўйича ўқув юрти педагогик жамоаси ва «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси вазифалари.

Мисол тариқасида биринчи синфдан бошлаб ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий - мудофаа ишлари умумий режа асосида қандай олиб борилиши кўриб чиқамиз, I-IV синф ўқувчилари учун режада танишув мазмунидаги тадбирлар кўзда тутилган, булар "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари", "Байналминалчи жангчилар, улар ким?" деган мавзуда суҳбатлар ўтказиш, бадиий адабиётлар ўқиш.

Қуролли Кучлар, буюк тарихий шахсларга бағишланган спектакл, кинофильм, телекўрсатув, видеофильмлар томоша қилиб, муҳокама қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига бағишланган кўргазма, викториналар, коллекциялар тўплаш.

Қуролли Кучлар жангчиларига бағишланган энг яхши расм ва энг яхши шеър ўқиш конкурсларини ўтказиш.

Қаҳрамонлар номи берилган кўчаларга саёҳатлар, ёдгорликларга гуллар қўйиш, фахрийларни табриклаш.

Оммавий – мудофаа ойлиги кунларида Фуқаро ҳимояси бўйича виториналар, "Ҳаво тревогаси" сигналлари бўйича машғулотлар ўтказиш.

Кўриниб турибдики, I-IV синф ўқувчилари билан ўтказиладиган тадбирлар ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳақида бошланғич билимлар беришга, болаларга оддий ҳарбий кўникмалар сингдиришга имкон беради.

V-VI синф ўқувчилари билан ўтказиладиган тадбирлар анча мураккаброк хусусиятга эга, уларга қуйидагилар киради:

- Уруш ва меҳнат қаҳрамонлари ҳақида материаллар излаш бўйича топшириқларни бажариш учун изқуварлик ҳаракатида иштирок этиш;
- Ногиронлар, фахрийлар, ҳарбий хизматчилар оилаларига ёрдам

бериш;

- ☐ I-IV синф ўқувчиларига ҳарбий ватанпарварлик тадбирларини ўтказишда ёрдам кўрсатиш;

- ☐ Давлатимиз ва Қуролли Кучлар тарихий саналарига бағишланган тантанали саф тортиш;

- ☐ Қаҳрамонлик дарслари;

- ☐ Ногиронлар, фахрийлар, ҳарбий хизматчилар оилаларига ёрдам кўрсатиш бўйича фахрийлар олдида ахборот (ҳисобот) бериш;

- ☐ "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари - Ватан ҳимоясида" мавзусида газета, жангавор варақа, фотогазеталар чиқариш;

- ☐ Ватан ва Қуролли Кучлар ҳақида энг яхши қўшиқ кўрик танлови;

- ☐ Ҳарбийлаштирилган ўйинлар;

- ☐ Оммавий - мудофаа ишлари ойлиги кунларида саф тортиш ва қўшиқ кўриги;

- ☐ Ҳарбий - техник тўғараклар ишларида иштирок этиш;

Шундай қилиб, V-VI синф ўқувчилари кичик ўртоқларига оталиқ қила бошлайдилар, натижада уларнинг масъулиятлилиги ортади.

VII-IX ўқувчилари режасига қуйидаги тадбирлар киритилади:

- ☐ "Ватанпарвар" МКЖга аъзо бўлиш, оммавий - мудофаа ишларида фаол иштирок этиш;

- ☐ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Ватан ҳимояси тугрисида мавзусидаги тадбирларда иштирок этиш;

- ☐ "Ўзбекистон - Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун курашларда" ижодий ишлар кўргазмаларида иштирок этиш;

- ☐ Ҳарбий - ватанпарварлик мавзусида ижтимоий - сиёсий маърузалар ўтказиш;

- ☐ "Ёш ўқчи" тўғарагида иштирок этиш;

- ☐ "Саломатлик" комплекси нормаларини топшириш;

- ☐ "Ватанпарвар" МКЖ мактаби спорт секциялари, оммавий-мудофаа тўғаракларида ишлаш;

- ☐ Спортнинг ҳарбий спорт турлари мусобақларда иштирок этиш;

IX-XI синф ўқувчилари билан ўтказиладиган тадбирларга қуйидагилар киради;

- ☐ Ўзбекистон халқи ва Қуроли Кучлар жанговар анъаналарини чуқур ўрганиш;

- ☐ Бўлажак жангчи клубида ишлаш;

- ☐ Маърузачилар гуруҳлари ишларида иштирок этиш;

- ☐ "Ватанпарвар" МКЖ бошланғич ташкилоти ишларида фаол иштирок этиш;

- ☐ Ватанпарварлик қўшиқлари кўрик – танлови ўтказиш;

- ☐ "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинларида иштирок этиш;
- ☐ Ҳарбий қисмларда бўлиш ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва турмуш шароити ва ҳарбий техника билан танишиш;
- ☐ Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича олимпиядаларда иштирок этиш;
- ☐ Ҳарбий ўқув юрти курсантлари билан ўқувчилар учрашувини ўтказиш;
- ☐ Ҳалок бўлган қаҳрамонлар ёдгорликларига гулчамбарлар қўйиш;
- ☐ "Моҳир ўқчи" ва ўқчи даражасига тайёрловчи тўғаракларида иштирок этиш;
- ☐ Ҳарбий амалий спорт турлари бўйича туман, шаҳар мусобақларида иштирок этиш;
- ☐ "Ватанпарвар" комплекси нормативлари бўйича синфлар ўртасида мусобақа ўтказиш;
- ☐ Оммавий мудофаа ишлари ойлигида иштирок этиш;
- ☐ «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» бўйича туман кўрик танловида иштирок этиш;

Бу асосий тадбирлар рўйхати орқали ўқувчилар босқичма-босқич ҳарбий маҳорат сирларини эгаллаётганларини кўзатиш мумкин.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ва оммавий - мудофаа ишлари комплекс режасига мувофиқ ўқув юрти "Ватанпарвар" МКЖ бошланғич ташкилоти иш режалари тўзилади. Умумий режа тадбирлари синф раҳбарлари тарбиявий иш режаларида ҳам ўз аксини топади. Ҳарбий ватанпарварлик ишлари ва ёшларни ҳарбий хизматига тайёрлаш билан боғлиқ масалалар кўп ҳолда педагогик кенгашда кўриб чиқилади.

Кўрсатиб ўтилган барча тадбирларни амалга оширишда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисига катта ўрин ажратилади. Ҳарбий ватанпарварлик тадбирларини ўтказиш унинг иштирокисиз ўтмайди.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш масалалари борасида бутун ўқув муассаса жамоаси уринишларининг якуний мақсади ҳаммадан ҳам «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисига яхши тушунарли. «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг санъати ҳам бўлажак Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш учун ўқув юртида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишдан иборатдир.

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий - мудофаа ишларини олиб боришда ўқув юрти синф раҳбарлари ва жамоа ташкилотларга методик ва амалий ёрдам кўрсатади, катта синф ўқувчиларидан оммавий - мудофаа ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари фаолларини тайёрлаш, ўқ олиш ва техник тўғараклар ишига раҳбарлик қилади, мудофаа ишлари бўлими, "Ватанпарвар" МКЖ қўмитаси, оталиққа олган ҳарбий қисм билан доимий ва ишга оид алоқаларни ушлаб туради.

в. Мудофаа спорт соғломлаштириш лагерларида (МССЛ) ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий мудофаа ишлари бўйича ўтказиладиган тадбирлар мазмуни ва йўналиши. «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» бўйича машғулотларни сифатли ўтказишда лагер бошлиғи, унинг тарбиявий ишлар бўйича муовини, взвод, гуруҳ ва "Ватанпарвар" МКЖ бошланғич кўмитаси сардорларининг мажбурияти.

Мудофаа спорт соғломлаштириш лагерларида (МССЛ) ҳарбий ватанпарварлик ишларини олиб боришдан мақсад ўқувчиларда Ватанга садоқат, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва суверенитети билан фахрланиш, уни ҳимоя қилишга доим тайёр туришни тарбиялаш. Лагерда ўқувчилар билан ҳарбий ватанпарварлик ишларида асосий эътибор ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ижтимоий – иқтисодий инфорацион суҳбатлар, уруш фахрийлари билан учрашув, оталиқ ҳарбий қисми жангчилари билан танишув, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Ўзбекистон халқи жанговар ва меҳнат анъаналарини ташвиқот қилувчи тематик учрашувлар, савол – жавоб кечаларига қаратилади.

Ёдгорликлар, биродарлик қабристони ва Ватан озодлиги учун курашда ҳалок бўлганлар хотираси учун ўрнатилган ҳайкаллар, ёнига бориб хотирага олиш, музей, ҳарбий қисмларга боришни ташкил этиш.

Мудофаа – спорт соғломлаштириш лагерлари куйидаги мақсадларни ҳам ўз ичиги олади:

- соғлиқни мустаҳкамлаш, ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси меҳнати ва мудофаасига ҳар тарафлама тайёрлаш;

- ёшлар жисмоний тарбиясини яхшилаш, "Саломатлик" ва "Ватанпарвар" комплекси нормативлари ҳамда жисмоний тайёргарлик назорат нормативларини яхши тайёрлаш ва топшириш.

МССЛда 5 кунлик йиғинларга мўлжалланган ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий -спорт ишлари режасини кўриб чиқамиз:

вариант тариқасида:

«Тасдиқлайман»

Мудофаа спорт соғломлаштириш лагери
бошлиғи

А. Саломов

« » апрел 2007 й.

Режа:

Ўтказиладиган вақти	Тадбирлар	Маъсул шахс	Ўтказиладиган жойи	Изоҳ
1-кун				
7.10-7.30	Эрталабки жисмоний бадан тарбия 1-комплекс	Жисмоний маданият раҳбари	Спорт майдони	

8.00-8.30	Иқтисодий-сиёсий маълумот «Ўзбекистон Республикаси мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва 5 кунлик йиғинларда ўқувчилар вазифалари»	Тарбиявий ишлар бўйича лагер бошлиғи ёрдамчиси	Клуб	
18.20-19.50	а) гуруҳларда жанговар варақалар чиқариш; б) спорт тадбирлари: 1. «Саломатлик» тўплами нормаларини топшириш; 2. 1000 метрга кросс.	Редакторлар Гуруҳ сардори ёрдамчилари	Спорт майдончаси	
22.40-22.50	Кунга якун яшаш	Гуруҳ сардорлари	Кечки назоратда	
2-кун				
7.10-7.30	Эрталабки бадан тарбия	Гуруҳ командири	Спорт майдончаси	
18.20-19.50	а) гуруҳларда жанговар варақалар чиқариш; б) спорт тадбирлари: 1. «Саломатлик» тўплами нормаларини топшириш; 2. Граната улоқтириш.	Редакторлар Гуруҳ сардори ёрдамчилари	Спорт майдончаси	
20.40-21.40	Уруш ва меҳнат фахрийлари, оталиқ ҳарбий қисм ва ҳарбий ижтимоий-сиёсий тайёргарликдаги намунали аскарлар билан учрашув.	Лагер бошлиғи	Клуб	
22.40-22.50	2-кунга якун яшаш	Гуруҳ сардорлари	Кечки назоратда	
3-кун				
7.10-7.30	Эрталабки бадан тарбия	Гуруҳ командири	Спорт майдончаси	
8.00-8.30	«Ўзбекистон Республикасидаги халқаро вазият ҳақида»	Маърузачи	Клуб	

	ижтимоий-сиёсий суҳбат			
18.00-19.50	а) гуруҳларда жанговар варақалар чиқариш; б) спорт тадбирлари; гуруҳда ўқ отиш мусобақаси	Редакторлар Гуруҳ командири	Спорт майдончаси	
21.40-22.40	Саф тортиб, кўшиқ айтиш.	Тарбиявий ишлар бўйича лагер бошлигининг ёрдамчиси.	Саф майдончаси	
22.40-22.50	3-кунга якун яшаш	Гуруҳ сардорлари	Кечки назоратда	
4-кун				
7.10-7.30	Эрталабки бадан тарбия	Гуруҳ командири	Спорт майдончаси	
18.20-19.50	а) гуруҳларда жанговар варақалар чиқариш; б) спорт тадбирлари: 1. «Саломатлик» тўплами нормаларини топшириш; 2. Граната улоқтириш.	Редакторлар Жисмоний тарбия раҳбари	Спорт майдончаси	
21.40-22.40	Саф тортиб, кўшиқ айтиш	Тарбиявий ишлар бўйича лагер бошлигининг ёрдамчиси.	Саф майдончаси	
22.40-22.50	4-кунга якун яшаш	Гуруҳ сардорлари	Кечки назоратда	
5-кун				
7.10-7.30	Эрталабки бадан тарбия	Гуруҳ командири	Спорт майдончаси	
8.00-8.30	«Маҳаллий урушлар, унинг сабаблари» ижтимоий-сиёсий суҳбат	Тарбиявий ишлар бўйича лагер бошлигининг ёрдамчиси.	Клуб	
17.25-18.00	Иғин давомида ўқиш якунлари бўйича	Лагер бошлиғи	Клуб	

	умумий йиғилиш			
18.20-19.50	а) гуруҳларда жанговар варақалар чиқариш; б) спорт тадбирлари: 1. «Саломатлик» тўплами нормаларини топшириш; 2. Турника тортилиш мусобақаси.	Редакторлар Жисмоний тарбия раҳбари	Спорт майдончаси	
20.40-21.40	Дам олиш кечаси, бадий ҳаваскорлик концерти	Тарбиявий ишлар бўйича лагер бошлиғининг ёрдамчиси.	Клуб	

Тарбиявий ишлар бўйича лагер бошлиғининг
ёрдамчиси
О.Акрамов

Лагер мансабдор шахслари ҳарбий хизматга тайёрлаш учун керакли шароитлар яратиб бериш бўйича вазифаларига энг аввал ўқувчилар ва атрофдагилар соғлиги учун ҳафсизлик чоралари билан таъминлаш киради.

Бу шароитлар ўқ отиш бўйича дарслар, "Саломатлик" тўплами нормаларини топшириш ва Ўзбекистон халқи жанговар ва меҳнат шон - шухрати жойларига юришлар ташкил этишга ҳам тегишли.

Лагер бошлиғи, взвод ва гуруҳ сардорлари тактика бўйича дала машғулотлари ва ўқ отиш машғулотини ташкил этишда ҳавфсизлик масалаларига катта эътибор бериши лозим.

Дала машғулотлари ўтказиш вақтида жойларда портловчи моддалар сақланиб қолиши мумкинлиги туфайли тасодифий ҳолатлар таъсири кучаяди.

Булар ҳаммаси маълум даражада жароҳат олиш ва касалланишларга сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари дала машғулотларида ҳавфли ҳайвонлар, хусусан, судралиб юрувчиларга тўкнаш келиб қолишни ҳам ҳисобга олиш керак, машғулотлар раҳбари ҳарбий машғулот ва ўқ отишдан аввал ҳавфсизлик чораларига риоя қилиш тўғрисида кўрсатмалар бериб ўтиши шарт.

Биз ўқув юртлари ва МССЛда ҳарбий ватанпарварлик оммавий – мудофаа ишларини режалаштириш бўйича баъзи бир масалаларни кўриб чикдик, кўриб турибмизни, комплекс режа нафақат «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» курсини ўрганаётган 10-11 синф ўқувчилари ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, балки 1 - синфдан бошлаб бутун ўқувчилар жамоаси тарбиясини ўз ичига олади. Шундай қилиб, ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбияси – биз оилада бошланадиган, ўқув юртида, сўнг армияда давом

этадиган ўзлуксиз жараёндир.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий – мудофаа ишларни режалаштиришга бўлган асосий талаблар?
2. Ўқув юртларда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳолатини баҳолаш?
3. Мудофаа соғломлаштириш лагерларида, ўқув дала йиғинлари даврида ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил қилиш?
4. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, оммавий – мудофаа ишларни умумий режасини таҳлил қилиш?
5. Оммавий – мудофаа ишларни режасини амалга оширишда «Чақирувга қадар бошлагич тайёргарлик» ўқитувчисининг вазифалари?
6. Ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий – мудофаа ишларни комплекс режасига мувофиқ ўқув юрти «Ватапарвар» МКЖ бошлиғи ташкилотчининг ўрни?
7. Мудофаа спорт соғломлаштириш лагерларида (МССЛ) ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ва оммавий – мудофаа ишлари бўйича ўтказиладиган тадбирлар мазмуни ва йўналишлари?
8. Ўқувчиларни тарбиялашда ўзбек халқининг жанговар ва меҳнат анъаналарининг ўрни?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Лагерь – йиғин ўтказиладиган жой; Норматив – режага солинган дастур; Байналминал – бошқа мамлакатларда ҳарбий хизматни ўтаганлар; Викторина – савол-жавоб ўйини; Коллекция – маълум бир нарсалар ёки буюмлар йиғиндиси; МССЛ – мудофаа спорт соғломлаштириш лагери.

5. Ўқувчиларни халқ меҳнати ва жанговар анъаналарига таяниб, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

а. Анъаналар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. Ўқувчиларни тарбиялашда ўзбек халқининг жанговар ва меҳнат анъаналарининг ўрни.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари халқнинг ажралмас қисмидир. Кўп асрлик тарихимиз давомида юзага келган, энг яхши жанговар ва меҳнат анъаналаримиз ўзининг бой маънавий кучини йўқотгани йўқ. Унинг маънавий имкониятлари жуда ҳам юқоридир, ҳамда ҳозиргача қадрланиб келинмоқда. У чуқур манбаларга эга.

Бўйин эгмас Сўғдиёна ва Бактрия, Мароқанда ва Хоразмшоҳ, халқ озодлиги учун чўлдаги Широқнинг жасорати (эрамиздан аввалги I аср, Доро I) ва Спитамен кўзғолони (324 – 327 эрамиздан аввалги йиллар) йўлбошчилари А.Македонский, Абруй (VI аср 80 - йиллари Туркистонга қарши), Муқанна

(VIII аср 70 йил арабларга қарши) лар унугилмас жасорат кўрсатганлар.

Улуғ саркардалар Амир Темур (1336 - 1405) ва унинг авлодлари. Бобур (буюк мўғиллар сулоласининг асосчиси XV – XVI аср) – буларнинг ҳаммаси тарихдан бизгача етиб келган ҳамда маънавий мерос бўлиб қолган миллий қадриятларимиз, яъни маънавий – маърифий бойлигимиздир. Улуғ аждодларимиз Беруний (олим 973 –1050й), Ал - Хоразмий (математик, географ, тарихчи 780 - 847 й), Ибн - Сино (Авиценна, медицина, асгрономия, геология 980 - 1037 й), имом Бухорий, Ахмад Яссавий, Улугбек (асрология мактаби, давлат арбоби 1394 - 1449 й) каби олимларимизнинг хотираси бир умр мангу бўлиб, инсонлар қалбидан ижобий ўринларни эгаллаб қолгандир.

Иккинчи Жахон уруши фронтларида Ўзбекистонлик жангчилар улуғ аждодларимиз анъаналарига муносиб тарзда мардлик кўрсатдилар.

Масалан булардан Собир Рахимов, Ахмаджон Қурбонов, Тоштемир Рустамов, Қудрат Суюнов, Елена Стемпковская. Вольдемар Маяпидни ва бошқа кўпгина жангчиларимиз ва бошқалар она Ватанимизни ҳимоя қилиб қаҳрамонлик кўрсатдилар.

120 мингдан кўпроқ юртдошларимиз орден ва медаллар билан мукофотланганлар. Улардан 300 дан кўпроги Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган номга, 58 жангчи эса 3 - даражали шухрат орденига сазовор бўлганлар.

Жанг майдонларида ўз Ватани учун жон бериб, қаҳрамонларча ҳимоя қилган, мамлакат ичкарасида талабга ўз меҳнати билан ҳисса қўшганликларини ҳар доим хотирамизда сақлаймиз. "Ер юзида ҳаёг эканмиз қаҳрамонларимиз мардликлари, уларнинг хотараси олдида бош эгамиз". И.А.Каримов. Олий Мажлис 2 - сессия 3 май 1998 й.

Ёшларни халқимизнинг жанговар ва меҳнат анъаналарига таянган ҳолда тарбиялаш - ўқув юртимиз олиб борадиган ишларнинг бир йўналишидир.

Анъана - бу авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эътиборга лойиқ, мавжуд ижгимоий, иқтисодий муносабат, жамиятнинг ижтимоий - сиёсий тизими билан боғлиқ. Инсонлар онгида маълум бир давр ичида сингиб кетган ва уларнинг ҳаётда доим учраб турадиган ишлаб чиқариш усул ва услублари ҳамда устун турувчи сиёсий онглари кундан кунга ривожланиб бормоқда. Қисқа қилиб айтганда анъана - бу бир авлоддан иккинчи авлодга ўтган аввалги авлоддан мерос бўлиб қолган миллий ва умуминсоний қадриятларимиздан биридир. Ўзбек халқининг анъаналарига Ўзбекистонга, унинг ерига, табиати, инсонларига бўлган муҳаббат, Ватанимиз анъаналари, маданияти, тарихини билишга интилиш. Республикамиз эришган ютуқлари ва қудратидан фахрланиш ва бошқалар киради. Ёшларга тарбия беришда авлод - аждодларимиз тўплаган тажрибаларига асосланган ҳолда иш олиб борилади.

Анъаналар халқнинг аниқ тарихий асоси билан белгиланади, уларни ўз - ўзидан бир халқдан олиб иккинчи халққа сингдириб бўлмайди. Ҳар бир халқнинг, бир миллатнинг ўз анъаналари мавжуддир. Уларнинг баъзиларида умумийлик ҳам бўлиши мумкин. Масалан: Жанговар анъаналар кўп давлатлар

армияларида ҳарбий билимни эгаллаш, ўз касбини севиш каби меҳнат анъаналаридан иборатдир.

Шундай анъаналари ҳам борки, улар фақатгина шу халққа, миллат ёки минтақага мансубдир.

Мисолдаги ўзбек анъана ва одатларида халқ қалби ва табиати ўзининг сўнмас аксини топади: меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, меҳрибонлик, катталарга ҳурмат, болажонлик, табиатни севиш ва дўстлик.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг барча қадриятлари қайта тикланди. Шу сабабли ҳам ёшларимиз ўзлари истиқомат қилаётган юртнинг анъана ҳамда одатларини билишлари шарт. Мисол учун, ўзбекларнинг меҳмондўстлиги асосида инсонни чуқур ҳурмат қилиш ётибди. Уйга меҳмон келса, мезбон уйдаги бор нарсани аямайди, меҳмонлик ҳурматини бажо келтиришликни ўзининг бурчи деб билади. Ана шу фикрларга далил сифатида қуйидаги бир неча ўзбек халқ мақолларини келтиришимиз мумкин. Масалан: «Меҳмон отангдек улуғ», «Уйингда меҳмон бўлса, сен мушукни ҳам ҳайдама, меҳмон буни ўз шаънига айтилаяпти деб тушунтириш мумкин», «Уйингда нонинг бўлмаса, уни ширин сўз алмаштирсин», «Меҳмонни кетмасин десанг, ошни олиб келмай тур». Чунки Ўзбекистонда ошдан олдин туриш беҳурматлиги ҳаммага маълум.

Меҳмондўстлик анъаналари - бу жамиятнинг умумий бир хусусиятидир. Бунга Иккинчи Жаҳон уруши даврида душман босиб олган ерлардан кўчириб келтирилган оилаларга кўрсатилган ёрдамни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Минглаб инсонлар бу ерда ўз тинчлигини топди, купчилик учун Ўзбекистон уларга Ватан бўлиб қолди. Ўзбек оилаларида ота-оналарини йўқотган болалар гарбиялана бошладилар. Пойтахтимизнинг халқлар дўстлиги майдонида темирчи Шомахмуд ота ва унинг хотини Баҳри аяга ёдгорлик ҳайкали ўрнатилган.

Ушбу ватанпарвар инсонлар 14 турли миллат болаларини фарзанд қилиб олиб, ўз бағриларида тарбияладилар.

Ўзбекистон юрти яъни халқи нонни жуда ҳам эъзозлайди ва қадрлайди. Ёшу қари ерга нон тушса дарҳол олиб, уни кўзига суртади.

Ўзбекларнинг ҳашарларичи Ўзбекистонда қадимдан ерни суғориб деҳқончилик қилинади, инсонлар чўлга қарши бирлашиб меҳнат қиладилар. чунки қумли чўлни якка бўлиб енгиб бўлмайди. Табиат қийинчиликларига қарши бирлашиб курашишни халқда жамоатчилик бўлиб, бир - бирига ўзаро ёрдам бериш кенг тус олган анъаналаридан биридир.

Ҳашар - бу жамоатчилик ишида ихтиёрий иштирок этишдек ажойиб анъана бўлиб, уй қуриш ва ҳосилни йиғиб олишда, бегараз ёрдам беришдан иборат. 1939 йили пахтани суғориш учун сув танқислиги сабабли 160 минг кўнгиллилар ҳашарда иштирок этиб, 45 кунда 270 км.лик катта Фарғона каналини барпо этдилар

Минтақамиз анъаналарига мисол қилиб Наврўз байрамини кўрсатиш

мумкин. Наврӯз - шарқ мамлакатларида баҳорги дала ишлари бошланиш давридир. Кўпгина ғарб давлатлари эса янги йил арафасида Рождество байрамини нишонлайдилар. Булар ҳам халқларнинг турли анъана ва одатлардан биридир.

Юзага келган ва жамиятда мустаҳкам ўрин олган анъаналар энг аввал жамиятимиз ва мавжуд тўзумга сабаб бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки ибтидоий жамоа тузумида ҳозирги даврдан фарқли ўз анъаналари ҳам турли халқларда бир хил бўлмаган. Улар халқнинг маданияти, унинг ўтмиши билан, жамият муносабатларидаги ижтимоий шарт - шароитлари билан боғлиқдир. Анъаналар ўз - ўзидан юзага келмайди, уларда доимий тус олган одатлар мустаҳкамланиб қолади, яъни улар маълум асослар негазида юзага келади.

Анъана - бу ўтмиш ва ҳозирги даврни келажак билан боғловчи бир қисмидир, Айнан улар ёрдамида ушбу тизим ижтимоий - сиёсий муносабатларини талаб этадиган керакли сифат ва тажрибаларни янги авлодга етказишни амалга оширилади.

б. Анъаналар бир қатор аҳамияти ва аломатлари.

1. Умумийлик. Анъаналар ўзининг тўғрилилик ва кераклиги билан рағбатланиб ва қўллаб - қувватлашлари, унинг ёзилмаган ахлоқий қонун қоидалари сифатида тан олишга имкон беради.

2. Мустаҳкамлик. Анъаналар юзага келиб ва ривожланиб вақти келиб мустаҳкам жамият одатига айланади. Шундай қилиб улар ўқув, меҳнат ва ҳарбий жамоаларни жипслаштиради, Бу эса шахсни тарбиялаш жараёнини айтирли даражада енгиллаштиради.

3. Ҳаётийлик. Анъана - бу ўйлаб топилган тизим эмас балки ҳаётий жараён, ҳақиқат, инсонларнинг ҳаракат ва ишончида ўз аксини топган, кўпгана анъаналар ташқи кўринишдан ёрқин ва тантанаворли, чиройи билан қамраб олинган. Улар кўпинча безаклар, хаяжонли - завқли ҳамда таъсирли маросим сифатида ўтказилади.

4. Абадийлик. Гўзал, бой ижтимоий кадриятларни, анъаналарни, ўзининг қадимий мазмунини йўқотган ёки ўзгарган ҳолда ҳам давом этиши яъни хотирада сақланиши, ўтмиш қаҳрамонликларини абадий асраш- абадийлик дейилади.

5. Ворислик. Бизнинг анъаналаримизда ҳар бир ватанпарвар учун кадрли бўлган туйғуларни давом эттириш. Мустақил Ўзбекистон Республикасида янги жамият куршида янгича анъаналарни шакллантириш. Бунда улуғ халқимиз, унинг ёш авлодлари тарих билан доимий равишда ҳаётий алоқани ҳис қилиши, ўз муқаддас анъаналарини бутунги кунда давом эттирилиши, ушбу анъаналар халқимизнинг фахри ва шуҳрати эканлигини тўлиқ ҳис қилиб, англаб етмоқликлари зарурдир.

в. Жанговар ва меҳнат анъаналари асосида тарбиялашнинг шакл ва

усуллари. Ёшларда Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучларига бўлган муҳаббат(хурмат)ни тарбиялаш.

Армия ва флотларда жангчиларни жангта қорловчи, ҳарбий хизматни ўташда пайдо бўлувчи ва авлоддан авлодга ўзатиловчи жанговар анъаналар асосида Ватанга бўлган муҳаббат, уни ҳимоя қилишга доимий тайёргарлик. Ҳарбий Қасамёдга, жанговар байроққа, жанговар дўстликка содиқлик, командирни ҳурмат қилиш, уни жангда ҳимоя қилиш, жангда зийраклик ва душманларга бешафқат бўлиш ғоялари ётади.

Ватанга садоқат – тарихий анъана бўлиб, ҳар бир ижтимоий этник формаларда жамият онгида яшаган. Тарихий номлар бўлишида Тумарис (Қир II), Широқ, Спитамен, Муқанна, Амир Темурларни келтириш мумкин.

Тошкент, Фарғона, Жиззах кўзғолонлари Ўзбекистонликларнинг иккинчи Жаҳон уруши фронтларида фашистларга қарши жангларда қаҳрамонликлар кўрсатиши, далалар, завод - фабрикадаги қаҳрамонликлари. Инсонларнинг ўзи ночор бўлсаларда эвакуация қилинганларни ўз оиласига қабул қилиши; ўзлари оч бўлсада охириги тишлам нонларини дўстона бўлиб ейишлари- Ўзбекистон яна бир бор халқпарвар эканлигидан далолат беради.

Фронтда ва фронт орқасида жасорат ҳамда мардликлари учун минглаб ватандошларимиз орден, медаллар билан тақдирланадилар. Мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб давлатимизнинг шу каби анъаналари янги мазмунга эга бўлган ҳолда қайта тикланди. Давлатимиз ўз Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга бўлди. Мустақилликка эришиш билан халқимиз аввал эга бўлган анъаналарини миллий қадрият сифатида тиклай бориши ҳам муқаддас ишдир.

«Ерга, Ватанга муҳаббат - муқаддас туйғулардир - улар халқимиз миллий характерининг муҳим хусусиятидир» деб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис I сессиясида халқимизнинг юксак туйғулари ҳақида алоҳида сўзлаб ўтди.

г. Жанговар байроққа ва ҳарбий Қасамёдга содиқлик содиқлик

Қадимдан жанговар байроқ жангчиларини жангта қорловчи рамз сифатида қўйилган. Қадимда байроқ ўзун ёғоч учига ўт боғламидан иборат бўлган ёки отнинг ёли учига боғланган. Кейинроқ эса уни матонинг бир бўлагига алмаштирилган.

Қадимдан байроқ жанговар рамзга айланган. Жанговар Байроқ остида жанговар қасамёд қабул қилинган. Жанговар Байроққа содиқлик улуғ анъанадир. У қадим манбааларга эга. Байроқ- муқаддасдир.

Уруш йилларида уни кўз қорачигидек, энг улуғ, қимматбаҳо мулкдек авайлаб - асрашган. Қурулди Кучларнинг жанговар Байроғи Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмлари ҳолатини кўрсатади.

Ҳарбий қисмнинг жанговар байроғи шон - шухратининг рамзидир..

Ҳарбий Қасамёдни янги таҳририда шундай дейилади:

Мен, Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучлари сафига кирар эканман,

халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан. Мен Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, командирлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий низомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиламан.

Сўнгги нафасим қолгунча она-Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққат ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аجدодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истикболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан.

Агар мен ушбу тантанали қасамёдимни бўзсам, қонунларда белгиланган жазога ва халқнинг нафратига мубтало бўлай.

Ҳарбий қасамёд давлат миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. У Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан (ҳозирги даврда Олий Мажлис) 1992 йил 3 июлда тасдиқланган ва қонун кучига эга, Унда Қуролли Кучлар жангчиларига Президент, ҳукумат ва халқ талаблари баён этилган. Унда Қуролли Кучларда хизмат қилишнинг асосий мажбуриятлари белгилаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги жангчининг Ватан ҳимояси учун эгаллаши шарт бўлган асосий сифатлари белгилаб қўйилган

Қасамёдни қабул қилиш юқори даражада ватанпарварлик ҳужжати. Қасамёдни жангчи ўз имзоси билан мустаҳкамлайди. Жангчи ҳаёти ва хизматида Қасамёд бўзилмас қонун бўлиб ҳисобланади. Аскар учун Қасамёд муқаддасдир. Қасамёдни ёд олган жангчи ёш жангчи курсини ўтаганидан сўнг қабул қилади. Ушбу қасамёдни қабул қилиш куни - дам олиш куни бўлиб, ҳарбий қисм учун бу катта бир тантана яъни байрамдир.

Улуғ аجدодларимиз бизнинг ота - боболаримиз тажрибасидан маълумки, берилган сўзга содиқлик ҳақиқий эркаклар Ватанпарварлар учун ўзига хос бўлган хусусиятларидан биридир.

д. Жанговар дўстлик ва командирга ҳурмат ва уни жангда ҳимоя қилиш.

Бу жанговар анъаналаридан бири бўлиб бизга қадим асрлардан етиб келган. У мустақиллик учун кураш майдонларида туғилди ва мустаҳкамланди. Ватанни миллий манфаати учун хизмат қилди. Дўстлик ва ўзаро ёрдам олдиндан юқори баҳоланган. Буюк саркарда Амир Темур ўз жангчиларига «ўзинг қурбон бўлсанг ҳам, дўстингни асра», - деб кўрсатма берган. Бу чакирик ўша даврда ҳам, юзлаб йиллардан сўнг ҳам шиор бўлиб, Ватан ҳимоячиларини руҳлантиради.

Ўз таналари билан душман ўқидан дўстларини ҳимоя қилган Тоштемир Рустамов, Туйчи Эрийгитов каби юзлаб аскарлар ўз шахсий шухратини ўйламай

Ватан учун жон фидо қилганлар. Душман танки остига граната ташланганда, учувчилар хаво хужумига ўтганда ўзларининг шахсий манфаатларини яъни шухратни ўйламаганлар дўстларига ёрдамга келиш, уларга ҳар қандай шароитда ўз жонларини аямаган ҳолда ёрдам қўлини чўзиш ҳам йиллардан йилларга ўтиб, ҳозиргача сақланиб келаётган анъанадир. Бу анъана ҳозирда маънавий жихатдан бойиб, янги mano касб этмокда. Оддий аскар Ўрмонов навбатчи бўлиб турганида ўз дўстларининг ҳаётини сақлаб қолишга муяссар бўлган. Аммо ўзи қурбон бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг содиқ ўғлонлари бўлмиш командирлар халқимизнинг муносиб ҳимоячиларидир. Улар армия ва халқимиз фахридирлар. Аскар ва матросларимизнинг бир - бирларига ҳамда хизматдош бўлинмаларда командирларнинг аҳамияти каттадир. Уларнинг ҳар бири учун она-Ватан. Ота-халқдир. Офицерлар халқ мухаббагига сазовордирлар. Биз ҳозирга қадар Собир Рахимовнинг жанговар ишларини фахр билан тилга оламиз. Улар шахсида халқимизнинг энг яхши анъаналари давом эттирилади. Бундай инсонлар юқори даражада ватанпарварлик, қалб кенглиги, мард ва исталган вазиятларда инсонларга муҳаббат ва қўл остидагиларга юксак талабчанлик ва бошқа ҳислатларига эгадирлар. Панфилов дивизиясининг қаҳрамонлиги, Тошкент ҳарбий ўқув юртининг битирувчилари бўлмиш 180 нафар офицерлар қаҳрамонликлари ҳаммага аён. Дивизия полковниги Гурьев аскарларга қарата «Нега сиз ўзингизнинг ҳаётингизни хавф остида қолдириб, мени снарядлар портлашидан сақлаб қолдингиз» - деб сўраганида аскарлар «Онаси асалари оиласи - оила эмас» - деб жавоб берадилар.

е. Юқори даражада зийраклик душманга қарши аёвсиз нафрат.

1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга суиқасд уюштиришга уриниш бўлди. Шаҳарнинг 6 жойида портлаш юз берди. «Террористларнинг мақсади тинчликни бўзиш, аҳоли юрагига дахшат ва кўркун солиш, сиёсатимиз, олиб бораётган ишларимизга бўлган ишончни йўқотиш, шу билан бирга Ўзбекистон халқини ўз танлаган йўлидан қайтаршп эди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти бизнинг ватандошларни шу воқеадан зарур бў хулосаларни чиқариб, янада хушёр ҳамда зийракроқ бўлишга чақирди. Бугунги кунга келиб армиянинг жанговар анъаналари ҳам ўз ифодасини топмокда. У жангчиларимиз ишларини, маросим ва одатлари, хулқ - атвори меъёрларида давом этмокда. Жанговар анъаналар фақатгина жангчилар дунёкарашинг бир бўлаги бўлибгана қолмай, ҳарбий музейлар кўргазмалари, шон- шухрат бурчаклари. (хоналари), ҳарбий қисм тарихи, мемориалларда давом этиб келмокда.

Бугунги кунда янги - янги анъаналар ҳам вужудга келмокда. Улар маросимлар, қисм кунларининг нишонланиши, ўқиш аълочиларига жанговар техника ва қуролларнинг топширилиши ҳамда бошқалардир. Ёшлар сиёсий

жиҳатдан ҳам зийрак бўлишга тайёрланадилар ва она Ватанимизни ҳимоя қилишга, жанговар анъаналарини давом эттиришга ўрганиб борадилар. Ўзбекистонда меҳнат анъаналари сафида танланган касбига меҳр қўйиш, меҳнатга маъсулиятли муносабатда бўлиш, ўз ишини аъло даражада билим, юқори даражада ўз касбини эгаллаш, ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулотининг сифатлилигини таъминлаш ва бошқалар бор. Ота - ҳимоя боболаримизнинг бизга мерос бўлиб қолган анъаналарни давом эттириш билан бирга ёшларимиз уларга янгича мазмун киритиб бормоқдалар. Чунки ҳеч бир фарзанд фақатгина ота - бобосининг аниқ нусхасигана бўла олмайди. Ёш авлод ўз аجدодлари тўпланган қадриятсиз ўз ишини давом эттира олмайди.

Ўтмиш тажрибаларини билиш ҳеч - ёш авлодни олдинга ҳаракат қилишга ундайди.

Жанговар ва меҳнат анъаналарининг тарбиявий таъсири, уларнинг ишончли мисоллари билан тасдиқланади. Улар ёшларни аввалги авлод йўлидан боришга ундайди. Уларнинг қилган шонли ишларини давом эттиришга чорлайди.

Инсонлар тинч меҳнат қилишлари учун ҳимояда туришлари шарт. Анъаналаримизга ишонч пайдо бўлиши ҳам катта аҳамият касб этади. Ўтмишнинг шон - шуҳратини билишда, ҳаётий ва ижтимоий тажрибага эга бўлмаган ёшларга Ўзбекистоннинг шонли ўтмиши ҳақида тўғри таассуротга эга бўлишга ёрдам беради. Ўтмишдаги қийинчиликлар ёшларда Ватанга садоқатли бўлиш, унинг ҳарбий қудратини мустаҳкамлашда ўз иродаси ва куч - қувватини аямасликка қарата тарбиялайди.

к. Ҳарбий ва меҳнат анъаналари асосида тарбиялашнинг шакли ва усуллари. Ёшларда Ўзбекистон Қуролли Кучларга бўлган меҳр — муҳаббатни уйғотиш.

Ёшларни ҳарбий ва меҳнат анъаналари асосида тўғри тарбиялашнинг шакли ва усуллари турлича бўлиши мумкин. Шакл ва усулнинг турлича бўлиши билан бирга умумийлик ҳам бор. Улар ичида энг кўп яъни кенг тарқалганлари қуйидагилардан иборатдир:

1). Армияга бағишланган шонли саналарга таълуқли турли кечаларни ўтказиш;

2). Ҳарбий ва меҳнат шон - шуҳратига сазовор бўлган жойларга саёҳатлар уюштириш;

3). Ҳарбий қисм, мемориаллар ҳамда биродарлик қабрларини зиёрат қилиш;

4). Кинофильмлар намоиш этиш ва уларни таҳлил қилиш;

5). Жамоатчилик тарзида бадий китобларни таҳлил қилиш;

6). Ҳарбий спорт ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш;

7). Уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан турли учрашувлар ўтказиш;

- 8). Музей, театр ва кинога маданий саёҳат қилиш;
- 9), Ўзбекистон Қуролли кучларининг тарихини ўрганиш;
- 10). Уруш ва меҳнат фахрийларини оталиққа олиш ҳамда ногирон инсонларга ёрдам кўрсатиш.

Кечалар одатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига ёки Қуролли Кучларни Ватанни ҳимоя қилиш қунига бағишланган ҳолда ойлик, ҳафталиклар ҳарбий оммавий тарзда тўзилади. Шунингдек, ёшларни армия хизматида жўнатишда, ҳарбий ўқув юртини тугатишда, ҳарбий спорт ўйинларининг чемпионлари шарафига бағишланган кечалар ўтказилади.

«Хотирасиз келажак йўқ» - дейди Президентимиз Ислам Каримов, «Ким ўзининг авлод аجدодларини хотираламас экан, у инсон деб аталиши мумкин эмас», - деган фикрларини билдирадилар.

Ўқувчиларни тарбиялаш шаклининг энг самаралиси, жанговар анъаналар ҳақидаги, ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги фильмларни кўриш яхши натижа беради. Ҳозирги даврда ўқувчилар орасида «Шунқорлар» ҳарбий ватанпарварлик ўйини - Мудофаа вазирлиги, «Қамолот», «Нуроний» жамғармалари билан биргаликда ўтказилмоқда. «Амир Темур авлодлари» ҳарбий спорт ўйинлари турли ҳарбий лицейлар ўртасида кенг тарқалган. Тарихни чуқур ўрганиш мақсадида музей ва ҳар хил ёдгорликларни зиёрат қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ёш авлод фахр билан Амир Темур хайкалини томоша қилар экан унинг «Қуч адолатдадир» деган шиорини ёд оладилар.

Шундай анъаналаримизнинг ўтказилиши ёшларимизни бизнинг миллий ҳамда умуминсоний қадриятларимизга бўлган қизиқишини тобора ортириб боради.

Келажак буюк давлатни куришда (Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказишдаги И.А.Каримовнинг сўзлари) улуғ алломаларимиз А.Р. Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Аҳмад Ал Фарғоний, Амир Темур, Нақшбанд, Алишер Навоий, З. М. Бобур ва бошқаларнинг қолдирилган бой мерослари ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзининг самарали таъсирини кўрсатади.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг шакл ва усуллари ранг - барангдир. Барча ўтказилган тадбирлар ҳам ижодий ишдир.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Анъаналар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти?
2. Ўқувчиларни тарбиялашда ўзбек халқининг жанговар ва меҳнат анъаналарининг ўрни?
3. Муқанна кимга қарши ва қачон ўзбек халқининг озодлиги учун жасорат кўрсатган?
4. Жанговар ва меҳнат анъаналари асосида тарбиялашнинг шакл ва услублари?

5. Ёшларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига бўлган муҳаббат ҳиссида тарбиялаш?
6. Жанговар байроққа ва ҳарбий Қасамёдга содиқлик?
7. Жанговар дўстлик ва командирга ҳурмат ва уни жангда ҳимоя қилиш?
8. Ўзбек халқининг озодлиги учун жасорат кўраётган шахслар?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Суверенитет – мустақилликка эга бўлган; Армия – мамлакат қуролли кучлар мажмуаси; Флот – ҳарбий денгиз қуролли кучлар мажмуаси; Дивизия – ҳарбий бўлинмалар мажмуаси; Мемориал – бирор бир хотира учун ўрнатилган мажмуа.

6. Халқ меҳнат ва жанговар шон-шуҳрати жойларига сафарлар ташкил этиш ва ўтказиш.

а. Сафарлар мақсади, уларнинг ўқувчиларни тарбиялашдаги аҳамияти. Сафар ҳақидаги қоидалар.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ёшларда Ватанни ишончли ҳимоя қилиш учун зарур юқори маънавий – сиёсий сифатларни шакллантириш бўйича мақсадга мувофиқ ўзлуксиз жараён бўлиб, дарсдан ташқари вақтда ҳам давом эттирилади. Бундай муҳим масалани ҳам этиш бу жараёнда ўқув юрти педогогик жамоаларидан ташқари "Ватанпарвар" МСЖ ташкилотлари, муҳофаа ишлари бўйича туман ва шаҳар бўлимлари, барча манфаатдор ташкилотлар ҳамда ўқувчилар ота-оналари фаол иштирок этишларини талаб этади. Мамлакатимиз ўқув юртларида Ўзбекистон халқлари меҳнат ва жанговар шон-шуҳрати жойлари, Республика ёшлари сафарларида ривожланиб боради. Бу ёш авлодни тарбиялаш умумий (комплекс) шаклидир.

Хотира навбатчилиги, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати ҳафталиги, ёшларни халқимиз қаҳрамонликлари анъаналарида тарбиялаш бўйича ишларни фаоллаштиришга ёрдам беради ва катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Ўқиш жараёнини ўзига хос давоми бўлиб қолган ўқувчи ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда яхши натижалар берувчи қидирув ишлари, ҳарбий қисм ва бўлимлар тарихий солномасини яратиш, меҳнат ва уруш фахрийларини оталиққа олиш ва бошқа тадбирлар аҳамиятига қайта баҳо бериш қийиндир.

Ўзбекистон халқлари жанговар ва меҳнат шон – шуҳрат жойлари бўйлаб Республика сафар қоидалари 1981 йил 15 йилда қабул қилинган.

Қоидалар шулардан иборатдир: 1. Умумий қоидалар 3 бўлимдан ташкил топган. 1 - бўлим-сафарлар мақсади ва шакллари; 2 - бўлим-сафар

иштирокчиларини аниқлайди, 3 - бўлим-сафарларни ташкил этиш ва бошқариш.

Ўзбекистон халқлари жанговар ва меҳнат шон-шухрати жойлари бўйлаб ёшлар Республика сафари – бу Ўзбекистон халқи, Қуролли Кучлари жанговар ва шон-шухратини чуқур ўрганишга қаратилган ўқувчи – ёшлар, йигит – қизлар оммавий ватанпарварлик ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат ёшларни ғоявий ишонч руҳида, уларнинг ижтимоий ва меҳнат фаоллигини кўтариш, Ватан ҳимоясига тайёр туриш руҳида тарбиялайди.

Республика сафари ёшларни қаҳрамонлик анъаналарига ёшларни (кўшиш) жалб этиш комплекс шакли бўлиб, унга қуйидагилар киради:

Ўзбекистон халқлари тарихий тажрибаларини, халқларнинг Ватан мустақиллиги ва ўз озодлиги учун кўп асрлик кураши, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қаҳрамонлик анъаналарини ўрганиш, Ватан озодлигини ҳимоя қилиш учун зарур сифатлар - мардлик, матонат ёшларда жанговар ишларга тайёр бўлишни тарбиялаш.

Ўзбекистон халқлари шонли меҳнат анъаналарини ўрганиш, йигит – қизларнинг халқ хўжалиги масалаларини ҳал этишда фаол иштироки, мамлакат мудофаа ва иқтисодий имкониятларни мустаҳкамлашга интилиш ва ўз ҳиссасини қўша билиш.

Биринчи бўлимда ўқувчи ёшларни ватанпарварлик тарбияси баъзи шаклларида фойдаланиш бўйича қоида, тавсиялар берилган.

Қоидаларнинг иккинчи бўлимида Республика сафари иштирокчилари аниқланади. Унда иштирок этувчилар: Ўзбекистон халқлари жанговар ва меҳнат анъаналарини, Қуролли Кучлар, мамлакат тарихини ўрганувчи, ўз билими ва меҳнати, ижтимоий ишлари билан бу анъаналарни ҳаётга тадбиқ этаётган йигит -қизлар, ўқувчи ёшлар.

Учинчи бўлимда сафар ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика, вилоят, туман ва маҳаллий штаблар масалалари белгиланади.

Шундай қилиб, жанговар ва меҳнат шон – шухрати жойлари бўйлаб ёшлар Республика сафари – бу қандайдир алоҳида сафар ёки экскурсия эмас, балки ёшлар оммавий ҳаракатидир.

Бу оммавий ҳаракатнинг мақсади халқимиз жанговар анъаналарини ўрганиш, сақлаш ва ўзлаштириш бўлиб, уларни ривожлантириш ва ўқиш, меҳнат ва ҳарбий хизматда давом эттиришдан иборат.

Шу кунларда Республика сафари доирасида ўтказилаётган турли тадбирларда юз минглаб ёшлар иштирок этмоқда, улардан кўп қисми ўқувчи ёшларни ташкил этади.

Ўз устозлари – ўқитувчилар, уруш ва меҳнат фахрийлари раҳбарлиги остида улар қидирув ишларини олиб бориб, номаълум аскар қабрларини ўрганиб, минглаб жангчилар номларини тикляптилар, ногиронлар, фахрийлар, ҳалок бўлган жангчилар оилаларини оталиққа олаяптилар.

"Тарих алоқачилари" ҳаракатлари билан, изқуварларни шундай атайдилар, минглаб шон – шухрат музей, хона ва бурчаклари ташкил этилган,

юзлаб ёдгорликлар, хотира тошлари барпо қилинган.

Собиқ Иттифоқи тарқалиб кетишдан сўнг баъзи ёшлар орасида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси шакли ва услублари эскиб қолмадимикан, Ўзбекистон ҳудудида уруш ҳаракатлари олиб борилмаган бўлса, бу сафар, экскурсиялар керакми деган фикр пайдо бўлди, йўқ эскириб қолмаган, улар ҳозир ҳам албатта керак. Биз Турон, Моварауннахр, Туркистон, Ўзбекистон тарихини яхши билмаймиз.

Кўпгина шаҳар ва қишлоқлар кўп асрлик тарих давомида нафақат ўз номларини, балки манзилларини ҳам ўзгартириб юборганлар.

Буюк ипак йўлини ўрганиш, давлатимиз тарихий ва маданий ёдгорликларини ўрганиш – булар қидирув ишлари ва сафарлар вазифасига кирмайдими?.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари 1992 йил 14 январда ташкил топди. Бу шу билан унинг тарихи чекланиб қолади, бу давр ичида ҳарбий жанговар анъаналар шаклланмаган, уларни ўрганиш лозим эмас дегани деб тушуниш нотўғри.

Шу ерда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси очилишида И.А.Каримов айтган сўзларни эслаш лозимдир: "Ўтган асрлар ютуқларини эътибориз қолдириш мумкин эмас, биз кўп асрлар давомида Шарқ ва Ғарб давлатлари учун намуна бўлган бизнинг аجدодимиз Амир Темур лашкарбошчилик ва ҳарбий маҳорати қобилиятини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак". Иккинчи жаҳон урушида фишизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқи қўшган ҳиссаси бебаҳодир. 1 432 220 киши, яъни Ўзбекистон аҳолисининг 22% фоизи қатнашда, (ўша даврда Ўзбекистон аҳолиси 6.5 миллион кишини ташкил этган) 2 630 05 киши ҳалок бўлган, 132670 киши бедарак йўқолган, 60452 киши ногирон бўлиб қолди. (И.А.Каримовнинг Олий Мажлис II сессиясида қилган маърузасидан 03.05.95й).

Уруш frontiда кўрсатган жасорат ва қаҳрамонлиги учун Ўзбекистонлик 170 минг жангчилар орден ва медаллар билан мукофотланди, 53 шон – шуҳрат ордени тўла кавалери, 228 та Ўзбекистонликлар эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олдилар (улардан 69 таси ўзбек).

Урушнинг биринчи ойларидаёқ Республикада 14 та дивизия ва 12 та ўқчи бригадалар ташкил этилиб, фронтга юборилди, улар орасида қаҳрамонликлар кўрсатган қисмлар бор.

- 395 - ўқчи дивизия, кейинчалик 37 - гвардия номини олган бўлиб, унга генерал Собир Рахимов қўмондонлик қилган.

- 316 - Панфилов дивизияси, Тошкент пиёда аскарлар билим юртининг 180 курсанти унинг асосини ташкил этган. Москва остонаси, Волга учун ва Шимолий Кавказ штабларида 44 - кавалерия дивизияси, 90 - ва 94 - алоҳида ўзбек ўқчи бригадаси жасорат кўрсатдилар. 94 - бригада Самарқандда тўзилган.

Ғалабага фронт орти меҳнаткашлари катта ҳисса қўшдилар. Уруш

йилларида Ўзбекистон фронтга 2090 та самолёт, 17 минг авиамотор, 2 миллион 300 мингта авиабомба, 4.8 миллион тонна пахта толаси, 1 миллион 28 минг тонна буғдой етказиб берди.

Аҳоли томонидан йиғиб берилган маблағларга "Ўзбекистон колхозчилари", "Совет Ўзбекистонига 20 йил" танк колонналари, санитар-авиация полки ва бошқалар куриб берилди.

1 миллиондан ортиқ қочоқлар, шу жумладан 22 минг бола Ўзбекистонда бошпана топди.

Ўзбекистон халқининг уруш йилларидаги қаҳрамонликлари, уруш иштирокчилари хотираларини ёзиб олиб биздан кейинги авлодлар учун хотира қилиб қолдириш, уруш йиллари эсдалик ёдгорликларини топиб музей ва давлат архивларига топшириш, халок бўлган жангчиларнинг оила аъзоларига ёрдам кўрсатиш 1981 йили сентябрида бошланган Республика ёшлар қидирув экспедициясининг асосий вазифасидир.

Экспедиция Ўзбекистон халқлари инқилиб, жанговар ва меҳнат шон-шухрати жойлари бўйича ёшлар Республика сафари доирасида ўтказилади.

1965 йилдан бошлаб Республика сафари иштирокчилари ташаббусига кўра фронт ва фронт орти қаҳрамонлари хотиралари, барча ёдгорликлари ёзиб олинardi ва шу асосда жанговар шон – шухрат музей ва бурчаклари ташкил қилинади.

Ҳозирда аскардан тортиб фронт орти заҳматкаши, маршалдан тортиб улуғ курашга ўз ўғилларини юборган онагача бўлган ҳар бир уруш қатнашчисининг Ғалабага қўшган бебаҳо ҳиссасини ҳар бир ёш ўз юраги билан ҳис этиши учун "Йилнома"лар олиб боришни бутун халқ ишига айлантириш вазифаси турибди. Уруш қийинчиликлари, ғалабалар қувончи ва жудолик доғини бошидан кечирганларни вақт шавқат қилмаяпти, шунинг учун халқ жасорати изқуварлари ветеранлар хотираларини ёзиб олишга уринишлари керак, "Улуғ Ватан уруши йилномаси учун маълумотлар йиғиш ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи, ҳаётини эҳтиёжи бўлиб қолмоқда".

Уруш фахрийлари, "Ватанпарвар"МСЖ ходимлари, ёшлар ташаббусига кўра Республикада урушда халок бўлган, дом-дараксиз йўқолган Ўзбекистонликлар ёзилган 32 томдан иборат хотира китоби нашр этилган.

"Муқаддас мажбуриятимиз, муқаддас бурчимиз – кураш майдонларида халок бўлган қаҳрамонлар ҳақида доимо хотира сақлаш, орамизда яшаётган ветеранларни ҳурмат қилиш ва ғамхўрлик қилишдадир" – деб таъкидлади И.А.Каримов II жаҳон уруши Ғалабасининг 50 йиллигига бағишланган нутқида.

Яна "Иккинчи жаҳон урушини қайси нуқтан назардан қарамайлик, қайси мафкура билан олиб бормайлик, биз ҳар доим озодлик учун курашган, ўз Ватани порлоқ келажаги учун жанг майдонларида жонларини қурбон қилганларни хотирамиздада сақлашимиз керак" (И.А.Каримовнинг 05.05.95й Олий Мажлис II сессиясидаги нутқидан).

б. Сафарларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби. Сафарда хавфсизлик чоралари.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг кўпгина ўрта таълим билим юртларида фақатгина қидирув ишлари олиб бориляпти. Уларни ташкил этишга уруш ва меҳнат фахрийлари, ўқитувчилар, ҳарбий хизматдан қайтган ҳарбийлар жалб қилинмоқда.

Ишлар сафар кенгашида ишлаб чиқилган ва унинг иштирокчилари умумий йиғилишида тасдиқланган режа бўйича ташкил этилади.

Одатда қидирув бирлашмалари фаолияти режаси турли иш шаклларида ташкил топади: сафарлар ўтказиш, она-диёр тарихини ўрганиш, музей ташкил этиш, номаълум қаҳрамонлар номларини тиклаш ва бошқалар.

Қидирув материаллари ёшлар ўртасида Ўзбекистон халқи ва Қуролли Кучлари жанговар ва меҳнат жасоратлари ва қаҳрамонликларини ташвиқот қилишда хизмат қилади.

Шу билан бирга жойлардаги бу ишлар билан танишиш қидирув гуруҳ, отряд ва бирлашмалари фаолиятига кўп ҳолда ўз ҳолига ташлаб қўйилганини уларга устоз, раҳбарлар ҳар доим ҳам аниқ амалий ёрдам бермаёганини кўрсатади. Бунинг натижасида қидирув ишларини ўтказиш тарқоқ, келишилмаган ҳолда, алоҳида гуруҳларнинг бир – бирларини қайтаришлари, турли ташкилотлар билан керак бўлмаган кўплаб хатлар ёзишлар, ўзоқ сафарларга ҳаддан ташқари берилиб кетиш содир бўлади.

Тажрибалар кўрсатишча сафарлар яхши тарбиявий самара бериши учун уларга изчиллик билан тайёрланиш, унинг иштирокчилари адабиётларни ўрганишлари, ўзларини ижтимоий ва маънавий тайёрлашлари керак. Тадбирнинг самарали ўтиши сафар мақсадини аниклаш ва раҳбар танлашга боғлиқ бўлади. Сафар раҳбари этиб одатда ўқитувчилар, «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчилари тайинланади.

Ҳар доим ҳам раҳбар ва унинг ёрдамчиси ўқув юрти директори томонидан тайинланиши керак. Педагогик кенгашда сафар раҳбари ахборот беради: директор сафар режаси, маршрут ва (смета) харажатларини тасдиқлайди, иштирокчилар тайёргарлигини текширади ва уларга йўриқномалар беради.

Сафар қатнашчилари жипслашуви ва интизомлилиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак. Сафарда интизом - хавфсизликнинг энг биринчи шартидир. Барча қатнашчилар йўллар, кўчалар, аҳоли турар жойлари бўйлаб ҳаракат қоидаларини яхши билиши ва уларни қатъий бажариши керак.

Сафарлар қандай боришидан қатъий назар: пиёдами, автомобилда, темир йўл, параход, велосипед ёки мотоциклда бўлсин, раҳбар ва ҳамма иштирокчилар доим жавобгарликни, маъсулиятни ҳис этишлари, хавфсизликни таъминлаш учун қоидаларга риоя қилишлари шарт. Улар ҳамжихат бир жамоа бўлиб, интизомни сақлашлари керак.

Дам олиш учун тўхташ жойларида олов билан муомалада бўлиш қоидаларини сақлаш, фақатгина рухсат этилган жойларда гулхан ёқиш керак. Айниқса, ҳаво ёмон бўлган кунларда совуқ олдириб қўймасликка катта эътиборни қаратиш зарур.

Сафар қатнашчилари Улуғ Ватан уруши жанглари жойларида қолиб кетган турли қурол – аслаҳалар йиғилиб қолишига асло йўл қўймасликлари керак. Бу қоидага риоя қилмаслик портлашлар, одамларнинг оғир жароҳат олиши ва ҳалок бўлишига олиб келади.

Сафар даврида иштирокчилар ҳужжатлар, қўлёзмалар, фронт газеталари, варақалар, плакат, кўкрак нишонлари, фахрийларнинг шахсий буюмларини йиғадилар, суҳбатлар ўтказиб, кундаликларига ёзиб борадилар.

Йиғилган материаллар ўқув юрти жамоаси ютуғи бўлиб қолиши, улар ҳақида деворий газета саҳифаларида гапирилиши жуда муҳим. Бу мақсадда сафар қатнашчилари ўқувчилар умумий йиғилиши, мавзувий кечаларда бажарилган иш ҳақида ҳисобот берадилар, стенд, кўргазмалар тайёрлайдилар; энг эътиборга лойиқ материаллар ўқув муассаса музейидан ўрин олади.

Ўрта Осиёда "Буюк ипак йўли" бўйлаб сафар ташкил этсак бўлмайдиими. Эрамиздан аввалги II-I асрлар даврида Шарқий Хитойдан Ўрта Осиё ва Ғарбий Осиё бўйлаб "Буюк ипак йули" номи билан аталган дунё микёсидаги савдо йўли ўтган.

Буюк ипак йўлининг юз йилликлар давомида Ўрта Осиёда иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожланиб келишида катта рол ўйнагинлиги ҳақида 600 дан ортиқ тарихий ёдгорликлар далолат беради.

Олимлар фикрича, эрамиздан аввалги IV аср даврига 1000 дан кам бўлмаган қалъа ва шаҳарлар қолдиқларига эга тепалик - чўққилар киради.

Ҳозирги кунга келиб фақатгина 30 га яқин ёдгорликлар ўрганилган, олинган ҳужжатларнинг эса бир қисмигина эълон қилинган.

Фарғона водийсидаги Буюк Ипак йўли 2 шубҳага бўлинади: биринчиси- шимолий – Охсия орқали Ўзгандан ўтади, қамчиқ довонидан (фақат ёзги вақтда) Илоқ ва Тошкентга; иккинчиси- жанубий – Кува, Марғилон, Қоқон орқали. Ўзган ва Ош шаҳридан ўтади, сўнг Хожанд, Самарканд ва Бухорога йўналган.

Буюк Ипак Йўли яна бошқа номларга эга: Олтин йўл ва кумуш йўл.

Қурама ва Олой тоғлари, ҳамда Зарафшон дарёларининг битмас бойликлари "олтин йўл" деб номланишга сабаб бўлган.

Тарихчилар яна бир муҳим воқеани исбот қилган; "Шонга" кони ва машҳур Кўхи-сим (кумуш тоғ) айнан Курама тизмасида жойлашган экан. Бу ердаги кумуш Самоний давлати тангаларини зарб қилиш учун ишлатилган. Россия, Германия, Болтиқ денгизида топилган кумуш дирҳамларга кўра кумуш тангалар фақат пул ўрнида эмас, балки мол сифатида ҳам четга чиқарилган.

Шундай қилиб яна "Кумуш йўл", яъни шу металл етишмайдиган Киев Руси ва Европа мамлакатларига Хоҳар, Булғор Каганатлардан ўтадиган

Ўрта Осиё кумуш йўли бор эди. Бу йўл қисман Буюк Ипак Йўлининг шимолий тармоғи бўлиб, бизнинг эртамизгача VI асрдан бошлаб IX-X асрларгача айниқса фаол ишлаган. Ҳеч бўлмаганда битта тепаликни топиш, Буюк Ипак Йўли йўналиши жойларидан юриш, қалъа, аҳоли турар жойлари тарихини ўрганиб чиқиш – "Ватаним - Ўзбекистон" сафарининг мақсадимасми.

Экспедицияларнинг бошқа қидирув йўналишлари: шаҳар тарихи, донгдор меҳнакашлар таржимаи ҳолини ўрганиш.

Тажриба кўрсатадики, изкуварлар иши маҳаллий тарих билан бирга яшаётган инсонлар манфаатлари, тақдирига асосланганида кўп тарафлама ва тўла бўлади.

Шуниндек "Она шон-шухрати" сафари ҳам жуда қизиқарли. Сафар мақсади – II жаҳон урушида Ватанини ҳимоя қилган, Афғонистонда ўз байналминал бурчини бажарган инсонларни тарбиялаган, уруш қатнашчилари ва фронт орти меҳнаткашлари бўлмиш ота – оналарни қидириш ва жасоратини абадийлаштириш. Бу ишни ўз оиласига 14 та турли миллатдаги болани қабул қилган ва тарбиялаган Баҳри Шомахмудова тақдир билан боғланган қидирув ишидан бошлаш мумкин.

Қидирув гуруҳи аъзолари қандай моддий таъминотга эга бўлиши керак? Бу сафар мақсади, вазифалари, вақти ва усулига боғлиқ. Лекин барча ҳолларда ҳам тегишли кийим, юк халталари, кўшимча килим - кечаклар, шахсий аптечка, озиқ-овқат захираси, сув, блокнот, ручка, фотоаппарат бўлиши керак.

в. Ўзбекистон шаҳарларнинг тарихий ва маданий ёдгорликлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясида (23.02.95й) Президентимиз И.А.Каримов сўзга чиқиб, шундай деган эди: "Ўзбек халқи билан яратилган ва миллий бойлик ҳисобланган бебаҳо тарихий ёдгорликларни асраш ва қайта тиклаш маънавий дастуримиз муҳим қисмини ташкил қилади. Бу миллий бойлигимиз аجدодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган. Демак, биз уни кўз қорачиғимиздек асраб, келгуси авлодларга беришимиз керак".

ТОШКЕНТ

Тошкент – Ўзбекистон пойтахти, Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва маданий маркази, энг қадимги шаҳарлардан биридир. Тошкентда 2.5 млн дан ортиқ одам яшайди. Бу ердан темир ва ҳаво йўллари кесишиб ўтади. Тошкент гўзал Чирчиқ водийсида жойлашган.

Тошкентда катта корхоналар жойлашган. Бу ерда 30 дан ортиқ илмий ташкилотларни бирлаштирувчи Республика Академияси жойлашган, шаҳарда 20 дан ортиқ олий ўқув юртлари, ўнлаб маҳсус касб – ҳунар коллежлари, юзлаб мактаб, лицей, театр, музей, концерт заллари бор.

Тошкентнинг гўзаллигига чирой қўшган янги замонавий бинолар,

меҳмонхоналар, спорт саройлари барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси бинолари, турли меҳмонхоналар, консерватория ва шунга ухшаш ноёб бино ва иншоотлар пойтахтнинг куркига курк кушиб тошкентликларнинг фахри ҳисобланади.

Шаҳарда боғлар, фавворалар, дам олиш масканлари жуда кўп.

Қадимги Тошкент архитектура ёдгорликлари авайлаб сақланмоқда, таъмирлаш ишларига катта эътибор берилмоқда. Булар Кўкалдош мадрасиси, Ўрта аср меъморчилик ёдгорлиги – Барокхон мадрасаси, Юнусхожи мавзалеи ва бошқалар.

Тошкентни мардлик шаҳри деб атайдилар. 1966 йили 26 апрел эрта тонгида Тошкентда қаттиқ zilзила содир бўлди. Ўшанда 78 минг оила бошпанасиз қолиб, шаҳар 2 млн кв. метрдан ошиқ турар жой майдони йўқотди.

Биродар халқлар Ўзбекистонга ёрдамга келди. Халқлар дўстлиги табиий офтни енгди. Қисқа вақт ичида Чилонзор, Сирғали, Қорақамиш, Юнусобод каби турар жой мавзелари қад кўтарди.

1977 йили метрополитеннинг биринчи навбати қурилди, сўнг иккинчиси, ҳозирда учинчиси ҳам қурилиб битирилди. Тошкент йил ўтган сари гўзал ва обод бўлиб келмоқда.

САМАРҚАНД

Ўзбек халқининг қадимги маданияти ва санъати ривожланиши ҳақли равишда Самарқанддан бошланган деб ҳисобланади. Бу қадимги шаҳар 2.5 минг йил олдин ташкил топган.

Вавиллон, Рим ва Афина тенгдоши – Самарқанд кўчаларидан юриб борар экансиз шаҳарнинг бой тарихини варақлаётгандек бўласиз. Самарқанд ўзининг ажойиб меъморчилик ёдгорликлари билан жаҳонга машҳур. Улардан энг қадимги, энг машҳурлари Регистон майдони, шаҳарда жойлашган Бибихоним, Гўриамир мақбараси, Шохи – Зинда обидалари.

Ҳозирги Самарқандда 10 дан ортиқ олий ўқув юртлири бор, замонавий ишлаб чиқариш технологияси ривожланган шаҳар.

БУХОРО

Зарафшон водийсида яна бир музей – шаҳар жойлашган. Бухоро бу шарқдаги қадимги шаҳарлар каби ўзининг қадимги ажойиб меъморчилик ёдгорликлари билан жаҳонга машҳур. Бу шаҳарда Шарқ меъморчилиги дурдонаси – Исмоил Самоний мақбараси сақланиб қолган. У IX- асрда барпо этилган. У сариқ ғишлардан ўзига хос маҳорат билан қурилган. Бу шаҳарда, Минораи Калон, Лабиховўз, Ситораи Мохи Хоса, Мири Араб мадрасаси каби машҳур тарихий ёдгорликлар қад кўтарган, замонавий Бухоро қорақўл, зардўзи буюмлари, мисга ўйма нақшкорлиги билан машҳур.

ХИВА

Ўзбекистоннинг Шимолий Ғарбида Хоразм воҳасида Хива шаҳри жойлашган. Бу тарихий ва қадимий шаҳар бўлиб, унда барпо этилган минора,

мадраса, макбаралар қадимги маданият тараққиётини кўрсатиб туради.

Тарихий ёдгорликлардан энг машҳургари бу Хива қалъаси, Куна-Арк, Таш-Хаули саройи.

Хива ўзининг пахта тозалаш, тикувчилик ва гилам тўқиш корхоналари билан машҳур.

ФАРҒОНА.

Ўзбекистон дурдонаси Фарғона водийсидир. Унинг маркази Фарғона шаҳри. Фарғона водийсида жойлашган кўхна Марғилон шаҳари 2007 йил расмий равишда ўзининг 2000 йиллигини нишонлайди.

Фарғона – боғлар шаҳри. Уни халқ – гуллар шаҳри деб ҳам атайди.

Фарғона водийси мевалари довуғи ўзоқ-ўзоқларга тақалган. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари – пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, боғдорчилик ва чорвачилик ҳисобланади.

Наманган, Андижон, Қўқон

Бу шаҳарлар Фарғона водийсининг мевали боғлари ва яшил хиёбонларига бурканган. Ўз тарихига эга бўлган бу шаҳарлар кейинги йилларда йирик ишлаб чиқариш ва маданият марказларига айланди.

Хотира ҳақида гапирганимизда, аввалам бор, ўтмиш, аجدодларимизни ардоқлашни тушунамиз ва биз, янги авлод улар ишларининг давомчилари сифатида уни қабул қилдик. Давлатимиз йўлбошчиси бу сўзларида халқимиз асосий ютуқларидан бири бўлган – ўз аجدодлари, ўз тарихини асрлар оша хотиралаш ҳақида таъкидлаган.

Халқ жанговар ва меҳнат шон – шухрати жойларига Республика сафари Ўзбекистон халқлари қаҳрамонона тарихини ўрганиш, анъаналарни ўзлаштириш ва уларни меҳнат ва ўқув жамоалари кундалик фаолиятида тадбиқ қилишга ёшларни жалб қилиш вазифасига эга. «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси сафарни ўтказиш шакл ва услубларини ижодий ривожлантириш ва такомиллаштириш, серунум меҳнат ва Ўзбекистон суверенитетини ҳимоя қилишга ёшларни тайёрлаш учун унинг тарбиявий аҳамиятидан фойдаланиш лозим.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Сафарларнинг мақсади?
2. Сафарларнинг ўқувчиларни тарбиялашдаги аҳамияти?
3. Сафарларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби?
4. Сафарларда хавфсизлик чоралари?
5. Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий ва маданий ёдгорликлари?
7. Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг тарихини ўрганиш деганда нимаги тушунасиз?
8. Буюк Ипак Йўли яна қандай номланган?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Эксплуатация – меҳнатдан фойдаланиш; Кавалерия – отлик аскарлар бўлинмаси; Гвардия – жанглarda жонбозлик кўрсатган бўлинмаларга бериладиган унвон; Бригада – ҳарбий бўлинма; авиабомба – самалёт ёки верталётлар ёрдамида отиладиган бомба.

7. Қуролли Кучлар, меҳнат фахрийлари ҳамда захирадаги жангчилар билан мавзули кечаларни ташкил этиш ва ўтказиш.

а. Қуролли Кучлар, меҳнат фахрийлари, ҳамда захирадаги жангчилар билан учрашувлар ва мавзули кечаларни уюштиришда ва ўтказишда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг ўрни.

Ўқувчи ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий шакллари:

- маъруза, суҳбат;
- ижтимоий сиёсий ўқишлар;
- савол жавоб кечалари;
- уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳамда таниқли инсонлар билан турли хил кечалар ўтказиш;
- жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига сафарлар уюштириш;
- мудофаа оммавий ишлари бўйича ҳафталик ҳамда ойликлар ўтказиш;
- хотира вахталари (навбатчи посбонлар);
- "Ватанпарвар" ва "Шунқорлар" ҳарбий спорт ўйинларини уюштириш;
- ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида кинофильм, спектакллар томоша қилиш ва уларни муҳокама қилиш;
- уруш қаҳрамонлари ёдгорликлари, жанговар шуҳрат музейлари, хоналари ва бурчакларини зиёрат қилиш;
- бағишлов кечаларини ўтказиш;
- китобхонлик анжуманлари.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси мавзусидаги машғулот мазмунини ўзлаштириш тингловчиларнинг гуруҳий хусусиятларига боғлиқдир. Уларни ўзлаштирилишида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг методик маҳорати, ёшлар билан ишлашда иш усулини намунавий тарзда танлаши катта аҳамиятга эгадир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида у ёки бу тарбия усулидан фойдаланишини режалаштиришдан аввал тингловчиларнинг ёшига, маълумотига меҳнат фаолияти тури ва бошқаларга асосланган ҳолда ўрганиб чиқишлиши керак. Бу хусусиятларни эътиборга олмай туриб, самарали тарғиботга эришиб бўлмайди.

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси доимий равишда ўз билими ва тарбия маҳорати устида ишлаши зурур. Ҳар бир тадбирнинг ўтказилишига, ҳатто буни кўп бор ўтказган бўлсада пухта тайёрланиши шарт.

Ушбу ва аввалги маърузаларимизда «Чақирувга қадар бошланғич

тайёргарлик” ўқитувчисининг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича тарғибот методларининг турли шакллари кўриб чиқдик. Энди «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” ўқитувчисининг Қуролли Кучлар, меҳнат фахрийлари ва заҳирадаги жангчилар билан кеча ва учрашувлар ташкил этиш ва ўтказишдаги ўрнини кўриб чиқамиз.

Ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси умумий тизимида муҳим ўриниш бағишлов кечалари эгаллайди. Улар бўлажак Ўзбекистон Республикаси ҳимоячиларининг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида, ўқувчиларни дам олиш кечалари қаторида уларга ғоявий - эмоционал ҳамда маънавий таъсир этишнинг маълум имкониятидир. Уларни ўтказиш анчагина мураккаб бўлиб, олдиндан ташкилий методик томондан сценарий ишлаб чиқишни талаб этади.

Унда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини беришда самарали воситалар, ватан ҳимояси учун, дунёда тинчликни асрашда ёшларни ҳимоячи этиб тайёрлаш муаммоларини ўз мазмунига киритиши шарт. Бундай кечаларининг туб заминиди, яъни фаолиятида ўқувчиларнинг шахсий ҳислатларига ҳарбий ватанпарварлик ҳиссини сингдириш ётади. Турли хил шу каби кечаларнинг асосий хусусияти уларнинг хужжатли, бадиийлиги, образлилиги, оммавийлиги, аниқ ифодаланган сюжетларнинг кўплиги, қатъий сценарийга асосланганлиги, ёшларнинг ҳаётий тажрибага таянлиги, уларни ватан ҳимояси, уруш ва тинчлик муаммоларига бўлган муносабатларида ифодаланади. Уларнинг ўтказилишида ёшлар учун қизиқарли бадиий эстетик воситалар, яъни замонавий шоирлар шеърларини ўқиш, шунингдек иккинчи Жаҳон урушидан қайтмаган шоирлар ижоди ёшлар учун оммавий бўлган кўшиқлар, ёшлар ўратсида ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги шеърхонлик, кўшиқ танловларини ўтказиш, кинофильмлардан парчалар намойиш этиш, ҳамда уларни муҳокама қилиш, адабий асарлар, тасвирий санъат ва бошқаларни томоша қилиш ёшлар онгини янада ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бундай кечаларда уруш фахрийларининг, офицерлар ва генераллар, заҳира ва резердаги ҳарбий хизматчиларнинг иштироки ва сўзга чиқишларига ҳам катта аҳамият берилади. Улар билан учрашувлар ёшларга бизнинг тарихий анъаналаримизни ва жанговар қаҳрамонликларни билишга ёрдам беради. Бу бўлажак Ватан ҳимоячиларини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мана шу қудратли қурол орқали халқимиз мустақиллик ва ўз эрки учун курашларда қаҳрамонлик кўрсатган. Шундай кечаларда ўтмиш қаҳрамонларимиз тўғрисида сўз бориши жуда ўринлидир. Уларнинг намунавий қаҳрамонликлари тинч ҳаётимизни таъминлашда тарбиявий аҳамиятга эга. Шунинг учун учрашув ва кечаларга ишлаб чиқариш илғорлари, жанговар ва ижтимоий - сиёсий тайёргарлик аълочилари, ўқув юртлари битирувчилари ва ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаётганларни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Кеча ва учрашувларни машҳур саналарга, Ватанимаз тарихидаги қаҳрамонона воқеаларга, Қуролли Кучлар, Ўзбекистон халқлари анъаналари,

уруш ва меҳнат фахрийларига, ҳамда бутун дунёдаги тинчлик муаммоларига бағишланиши катта аҳамиятга эга. Кеча мавзулари ҳар томонлама ва эркин ифодаланган бўлиши шарт. Масалан, "Иккинчи Жаҳон урушида Ўзбекистонликларнинг қаҳрамонлаклари", "Иккинчи Жаҳон уруши ғалабасига Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси", "Ўзбек халқининг тинч меҳнатига - ишончли ҳимоя", "Ҳозирги замон шароитида ҳарбий хизматнинг хусусиятлари", "Унутма, бир вақтлар йигитлар жангга кетгандилар", "Менинг яхши яшашим учун жангда қурбон бўлганлар ҳақида" ва бошқалар.

Ўқувчиларни Ватан мудофааси учун маънавий ривожланишига катта самарали таъсир кўрсатувчи кечалар одатда бир ўқув йилига мўлжаллаб режалаштирилади.

Бундай кечаларнинг сони, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражалари кўриб чиқиладиган муаммолар ҳажми ва хусусиятига кўра аниқланади. Қоидага асосан ҳар хил кечалар мўлжалланиб ойига бир - икки марта кўп ҳолда битта аудитория учун ўтказилади. Кечаларга тайёргарлик жиддий ва пухта бўлиш шарт, барча ташкилий масалаларни аввалдан ҳал этиш муҳимдир. Кечанинг қаерда ўтказилиши, қатнашчиларнинг таркиби олдиндан белгиланиши шарт. Тайёргарлик режасига асосан «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси кеча ўтказиладиган зал ва саҳнанинг безатилиши, кеча мавзусига асосан таклиф этиладиган меҳмонлар, мавзу бўйича сўзга чиқувчилар, таклифномаларнинг тайёрланиши, кечада оркестр иштирокининг таъминланиши, бадиий, ҳужжатли фильмлардан парчаларнинг тайёрланиши учун тўлиқ масъул шахс ҳисобланади. Шунингдек, кечанинг сценарийсини тўзиш ва унинг таркибидаги чиқишлар орасидаги вақтнинг ҳисобга олиниши кечани олиб боровчининг фаолияти сўзга чиқувчиларининг рўйхатини сценарий асосида тўзишни талаб этилади. «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси кечани тайёрлашда гуруҳларнинг ташаббускорлигига асосланади. Ташаббускор гуруҳ кечани тайёрлаш ва ўтказишга ёрдам беради. Гуруҳ аъзоларидан бири ўртада бошловчи этиб тайинланади. У юқори маданиятли, билимдон, зийрак, уруш ва армия назарияси билимига, Ватан ҳимояси ҳақида барча маълумотларга, ўртада ўткир савол - жавобларни қўллай оладиган; нотиклик санъатига эга истедод соҳиби бўлиши мақсадга мувофиқдир. У тингловчиларнинг қизиқиши ва кайфиятини сақлаб турадиган, кутилмаган жимликни кўтара оладиган, турли хил кўрсатма материалларидан саводхонлик билан фойдалана оладиган, барча ҳаракат ва фаолиятларни мантикий умумлаштира оладиган, кечанинг яхлитлигини таъминлай оладиган, сўзга чиқувчиларни аввалдан кўра билиши, мавзу ифодаси воситаси сифатида кўрсатма ва бадиий воситалардан усталик билан фойдалана билиши зарурдир. Залнинг декоратив, бадиий безатилиши ва кеча эмблемаси ҳам кечага ёрқинлик беради ва ўз таъсир кучини кўрсатади. Бадиий ҳаваскорлик, адабий мусикий чиқишлар, фоно ёзувлар, диапозитив, диафильм, грампластинка, магнитофон ёзувлари, зарур кинофильм ва бошқаларни аввалдан тайёрлаб қўйиш мақсадга

мувофикдир. Кечани самарали бўлиши ундаги қатнашувчи ва тингловчиларга боғлиқдир. Тингловчиларнинг фаоллигини ошириш қатнашчилар билан муаммоли вазиятларнинг яратилиши, диалоглар тингловчиларнинг эмоционал кайфиятини кўтаради, шунингдек, ҳарбий маросимларнинг, бир дақиқалик сукут ва бошқаларнинг қўлланиши тарбиявий таъсир қилади.

б. Қуролли Кучлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан кеча ва учрашувлар тайёрлаш ҳамда ўтказиш методикаси.

Бу масалани биз ўқув муассасалардан бири фаолиятида кўриб чиқамиз.

а) "Ватанни ҳимоя этишни қаҳрамонлардан ўрганаман" мавзусида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси, ўқитувчига сценарийни тўзишда зарур материлларни танлаш, ўқувчиларнинг чиқишини тайёрлашда ёрдам берилди.

Кеча мусика билан очилди. Бошловчи ўз кириш сўзида жангчи қаҳрамонларнинг сўзлари, Ватан ҳимоясини тарғибот қилиш ва ташкил этишда давлатимиз талаблари, Ватан учун хизмат қилишни ўз бурчи деб биладиган қаҳрамонларнинг номи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркибига мурожаат, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан табрик ва шу каби ўзининг самимий дил изҳорларини айтиб даврани очик деб эълон қилади. Масалан: "Қадимдан ҳар бир эркак бизнинг давлатимизда ёш ёки кексалигидан қатъий назар Ватан, унинг мудофааси учун ўз куч қувватини аямаган. Ҳозирги кунларгача давлатимизда ана шу қутлуғ анъана кенг нишонланиб, давом этиб келмоқда. Ҳозирда унинг мазмуни янги маъно касб этиб, маънавий бойитилган ҳолда ёшларимиз томонидан давом эттирилмоқда". Бошловчи фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонилишида ўзбек халқининг жуда катта, улкан ҳиссаси борлигини айтиб ўтади ва баъзи бир рақамларни кўрсатиб ўтади. Масалан, Иккинчи Жаҳон уруши фронтларида ўз халқини, юртини ҳимоя қилиш учун кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасоратлари учун 170 мингдан ортиқ Ўзбекистонликлар орден ва медаллар билан мукофотланганлар, 53 киши шухрат орденининг тулик совриндори, 338 ўзбекистонлик собиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига (улардан 69 таси ўзбек) сазовор булган. Ўз танаси билан душман ўқини тўсиб, ўз бўлинмасидагиларни олға ҳаракат қилишга йўл очган Т.Рустамов ва Д.Қорақуловлар А.Матросов қаҳрамонлигини такрорладилар.

Бошловчининг чиқишидан сўнг бир неча ўқувчилар ҳам сўзга чиқадилар. Улар ҳам турли қаҳрамонликлар ҳақида, инсоннинг нималарга қодир эканлиги ҳақида сўзлайдилар. Чиқишлар қизиқарли ва жонли ўтарди, ҳар бир ўқувчи тарих бадиий адабиёт, вақтли матбуот, ўзининг ҳаётий тажрибасидан мисоллар келтирарди.

Мунозаранинг якуний қисмида «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси хулоса чиқариб жасорат – бу қаҳрамонлик, фидокорона меҳнати, юқори мақсад сари оғир шароитларда ҳар бир инсон,

гуруҳ ва бутун халқ билан амалга оширилган аҳамиятига кўра муҳим ҳаракат, ҳарбий, меҳнат ва илмий жасорат турлари ҳам мавжудлигини айтиб ўтади.

Қаҳрамонлик ўз ижтимоий аҳамиятига кўра буюк ҳаракатларнинг содир этилиши, халқ оммаси, илғор синфлар манфаатларига жавоб берадиган ва инсондан шахсий мардлик, қатъийлик; ўзини қурбон қилишга тайёрликни талаб қиладиган тушунчадир.

Мардлик ўзоқ давом этувчи жисмоний юклама, руҳий зўриқиш ва шу билан бирга хавфли вазиятларда юқори жанговар фаолликни, сабр тоқатни ифодаладиган жангчининг маънавий психологик ва жанговар сифатидир.

«Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг чиқишидан сўнг "Мардликни ҳам байроқ каби олиб юрдик " номли адабий мусиқий сахна томошаси кўрситилди, унда шоирларнинг (урушдан қайтмаган) шеърлари ўқиб берилди.

Адабий мусиқий сахнада турли хужжатли (уруш даври) кинофильмлардан ҳам парчалар берилди. Қатнашчилар иккинчи Жаҳон уруши фахрийларининг чиқишлари, афгон урушининг мард ва қаҳрамон жангчилари сўзларини қизиқиб тингладилар. Улардан бири Самаркандлик деҳқон Пўлат Алиевдир. У икки ўғлини урушга жўнатиб, улар кетидан ўзи ҳам бориб, пулеметчилик қилган. Ўзбек халқининг мард жангчиси жанглардан бирида ўн саккиз душманни яксон қилиб, ўз дўстларини хужумга олға бошлади. Ўзи биринчи бўлиб хандакқа бостириб киради.

Кечада "Қайноқ қор" кинофильмидан парчалар кўриб, ҳозирги Ватан ҳимоятлари учун намунавий жанг қилган, жангчи қандай бўлиши ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг бошқа шаклларида бири уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ўтказишдир. Ўзбекистон халқлари анъаналарини қўллаб келаётган жанговар ва меҳнат фахрийлари - тарғиботчилардир. Уларнинг кўпчилиги жароҳат, контўзияга эга, лекин шунга қарамай Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ишлари билан ҳисса қўшаётган, бугунги кунда ҳам ўз шижоатлари билан юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган шахслардир. Фахрийлар ёшларимизга Ватан ва халқимизга садоқат руҳида тарбияланишларида намунадирлар. Улар инсонлар хотирасидан Ватан қаҳрамонлари абадий жой олиши учун ҳар нарсага тайёрдирлар. Улар билан уюштирилган учрашувлар тўла ватанпарварлик мазмунига эга. Фахрийларнинг қаҳрамонликлари, фронт ва фронт ортидаги жасоратлари ҳақидаги ҳикоялари ёшларда ўз Ватани хизматига тайёрлик ва масъулиятлилиқни тарбиялайди. Фахрийлар тажрибаси давлат учун қадрли бўлган тажриба, ҳамда жангдаги, меҳнатдаги ва ўқишдаги ғалаба тажрибаси беқиёсдир. Фахрийлар тарбиявий тадбирларда фаол иштирок этадилар. Улар ёшлар билан ҳамкорликда кечалар, маърузалар, фотокурғазмалар, тарихий саналарга бағишланган мардлик дарслари, уч авлод учрашуви кечалари ва бошқаларни тайёрлашда қатнашадилар. Масалан, "Қаҳрамонлар шуҳрати

боқийдир", "Халқ ва армия бирдамдир" ва бошқалар. Бироқ, фахрийлар билан учрашув баъзи бир муаммолар, ҳал қилинмаган масалаларни ўртага қўяди. Баъзи кечалар ёшлар учун зерикарли, қуруқ маърузалар билан ўтказилиб, ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига таъсир кўрсатмайди. Сабаби, ушбу тадбирнинг яхши тайёрланмаганлигидир. Инсоннинг меҳнат ва жанговар хизматини кўрсатиш учун қаҳрамон эхтирос билан, ёрқин, қизиқиш уйғотувчи воқеалар тавсилотини таъсирчан ифода эга олиши ҳам зарурдир. Шу сабабли, таклиф этиладиган меҳмонлар билан аввалдан суҳбатлашиб аудитория хусусиятларини тушунтириб бериш яхши натижа беради. Учрашувга ўқувчилар ҳам тайёрланиши, фахрийлар ҳақида маълумотга эга бўлишлари катта самара беради. Унинг маънавий дунёси ёшларнинг қизиқишларига, унинг ҳикоялари ўқувчиларнинг ўқув жарёнига, изқуварлик ишларига, ёрдам берувчи бўлиши, ёшларга янги саволларнинг қўйилиши, ҳаёлий дунёларга таъсири, қаҳрамонликка чорлаши, фуқаролик бурчини англаш, ўзида маънавий, Ватан ҳимояси учун тайёрлик ҳислатларини шаклланишида аҳамияти жуда каттадир.

Учрашув ўқувчиларни шахсий фаоллигини рағбатлантириши лозим. Учрашувлардан бирида фахрий иккинчи Жаҳон уруши жанг воқеалари, инсонларнинг оммавий қаҳрамонликлари, аскар ва офицерларнинг жасоратлари ҳақида гапириб берди. Шунингдек жангчиларнинг ўз оналари, яқинларидан олган хатларини ўқигандаги туйғу ва кечинмалари ҳикоя қилинди. "Душман устига борганинда душманни аёвсиз қир", "Асирга тушма сени Ватаннинг муқаддас ва адалат жангида муносиб жангчи бўлишингни дуо қиламан" деб ёзади оналардан бири. Оддий аёлнинг ушбу мактуби барча жангчиларни руҳлатирди. Улар онанинг кўрсатмасига кўра кураша бошладилар. Оддий бир аёлнинг бу мактуби барча жангчилар руҳига кўтаринкилик бериб, уларга Она Ватан учун душманни аёвсиз қиришларида куч қувват бағишлади. Жангчилар Она Ватан топшириғини муқаддас деб билдилар ва шу сабабли мардлик, жасорат ва қаҳрамонликларга бел боғладилар. Кўплаб орден ва медаллар соҳиби бўлган, урушда кўплаб жанговар йўлларни босиб ўтган фахрийлар ўз хотираларидаги воқеалардан исталганча сўзлаб беришлари мумкин. Бироқ, ана шу Она мактуби ҳақидаги ҳикояси ёшлар учун жуда ҳам таъсирли бўлди. Айнан ана шу воқеа билан жангчиларнинг Ватан учун исталган синовдан ўтишга тайёр эканликлари жуда чиройли ва таъсирли тарзда сўзлаб берилиши сабабли, ўқувчи ёшлар қалбида ўзоқ сақланиб қолди.

Бундай кечаларнинг муҳим тарбиявий кучи, фахрийларнинг ўқувчиларга қарата Қуролли Кучларимиз, ҳалқимизнинг қаҳрамон фарзандларининг ана шундай жасоратларини ўз хотираларида сақлаш, уларнинг анъаналарини давом эттиришга ундашлари, чақириғидир.

Фахрийларнинг бундай торшириқларига ўқувчилар "лаббай"- деб жавоб берувчи деворий газеталар чиқаришлари, плакатлар ҳар бир ўқувчи учун варақа ва тарқатма материаллар тайёрлашлари яхши самаралар беради.

Бундай учрашувларнинг фахрийлар фаолиятига боғлиқ жойларда

олиб борилиши, аниқ бир иш устида ёки воқелик билан бир вақтда ўтказиш ҳам ўқувчилар тарбиясида самарли из қолдиради. Учрашув жойи ўқувчилар учун сўз бораётган воқеалар қизиқишларига янада орттирувчи, ўзаро тушунишни, ҳамкорликни амалга оширишга қулай бўлиши лозим.

Кўриниб турибдики, учрашув ва кечалар мавзулари, уларни ташкил этиш, тайёрлаш усуллари турличадир. Уларнинг умумий хусусиятларини алоҳида кўрсатиб ўтиш муҳимдир; биринчидан бағишлов кечалари қаҳрамонларнинг жанговар ва меҳнат фаолиятларини тарғибот қилиш мақсадида ўтказилади, ўқувчиларда юқори даражада ҳарбий ватанпарварлик ҳислатларини шакллантиришга қаратилади. Бу тарбия таъсирчанлигини фаоллаштиришнинг муҳим шаклидир. У тарбияланувчиларга кучли таъсир кўрсатади.

Иккинчидан - кеча ва учрашувлар қаҳрамонлик анъаналарини давом эттирган инсонлар билан ўтказилади, бунда қаҳрамоннинг сўзлари билан ҳикоя қилиб берилган воқеа, бошқа учинчи шахс ҳақида ҳикоя қилгандан кўра, ўзи ҳақида айтган воқеалари янада таъсирчанроқ бўлади. Қаҳрамонлик анъаналарини давом эттиришга ундовчи оғзаки тарғибот – Қуролли Кучлар хизматида қизиқишни уйғотувчи таъсир кўрсатади.

Учинчидан - бадиий қисм ўқувчиларни тадбирга қизиқтирувчи, уларнинг ҳис туйғу ва тафаккурига таъсир кўрсатувчи юксак ғоявий йўналишга эгадир.

Тўртинчидан - бағишлов кеча ва учрашувларини амалга оширишда уларни пухта ва ҳар жиҳатдан мукамал этиб тайёрлаш зурурлиги сабабли ўқувчиларни бу ишларда тарбиявий имкониятлари жиҳатидан ҳам бундай тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

6. Тарғибот ишида техник воситалардан фойдаланиш.

Сўнгги вақтларгача ўқитишнинг техник воситаларига, кўрсатма, қўланмалардан алоҳида қаралар эди. Ҳозирда "Ўқитишнинг техник воситалари" атамаси "замонавий кўрсатма, қўлланма", "ўқув техника" тушунчаси билан умумий деб тушунилмоқда.

Бу нарсаси тасвирий воситалар, замонавий: кино, телевидение, овоз ёзиш ва бошқа воситалар бўлиб, аввалги анъанавий плакат, модел, макетлардан сифат жиҳатидан фарқланади, шу сабабли уларни фақат кўрсатма воситалари (диафильм, кинофильм, видеофильм) сифатида ҳисоблаш хато бўларди.

Бунда биринчи навбатда техник қурилмалар, уларсиз кинофильмни томоша қилиш ва магнитофон ёзуви ва бошқаларни тинглаш имкони бўлмаганлиги учун тайёрланиши зарурдир. Шу сабабли "ўқитишнинг техник воситалари" атамасини тавсия этиш тўғрироқдир. Бу ўқув ахборотларини замонавий ўқув техникаси билан боғлаб олиб бориш демакдир. Улар дарс давомида ўқитувчи ва ўқувчи меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланилади.

Бағишлов кеча ва учрашувларида аудио, кўрсатув воситаларидан ҳам фойдаланиш мумкин:

1. Техник курилмалар проекциялаш, овоз ёзиш, телевизион ва бошқа зарур асбоб анжомлар;

2. Ахборот етказувчилар ўқув кинофильмлари, диафильмлар, диопозитив, магнитофон ва аудио ёзув, радио ўзатиш ва телевизион дастурлар; кечаларни ўтказишда "Украина" кинопроектори, "ЛЭТИ" диапроектори, видеомагнитофонлардан фойдаланиш мумкин.

Биз ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг икки хил шаклини кўриб чиқдик. Булар Қуролли Кучлар, заҳирадаги уруш ва меҳнат фахрийлари билан бағишлов мавзусидаги учрашув ҳамда турли хил кечалардир.

Улар ичида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, яъни Ватан ҳимояси кунининг нишонланиши олдидан ўтказиладиган ҳафталик ва ойликларга бағишланган кечаларни ўтказиш анча мураккаброқ ҳисобланади.

Ҳарбий хизмат ўташ учун кетаётган аскарларга бағишлаб ёшлар ҳамда ҳарбий қисмларнинг бўлинма командирлари иштирокида, ҳарбий ўқув юртлари, ўқув юртининг собиқ ўқувчилари билан учрашувлар, спортнинг ҳарбий техник турлари бўйича турли хил мусобақаларни ўтказиш мумкин. Кечаларни ўтказишда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси пухта ва илгаридан тайёргарлик кўрган бўлишлари шартдир. Кўпинча тадбирларнинг яхши ўтиши асосан шунга боғлиқ бўлади. Кеча ва учрашувларни ўтказишда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг ўқув ва малакалари ўқувчи ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига самарали таъсир этишида жуда муҳим ўрин тутаети (яъни жуда муҳим ўринни эгаллайди).

Фахрийлар тажрибаси давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, уларнинг ғалабага, яъни озодликга қушган ҳиссалари бекиёс, ўқиш ва меҳнатдаги ибратлари биз учун энг олий ва ижобий намунадир.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Меҳнат фахрийлари билан учрашувда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг ўрни?
2. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги асосий шакллар?
3. Қуролли Кучлар ҳамда заҳирадаги жангчилар билан учрашувлар ташкил этиш?
4. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан кеча ва учрашувлар тайёрлаш ҳамда уни ўтказиш методикаси?
5. Байналминал жангчилар билан учрашув кечалари ташкил этиш?
6. Маҳалла оқсоқоллари билан учрашув кечалари ташкил қилиш?
7. Тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда техник воситалардан фойдаланиш?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Вахта – навбатчилик ўтайдиган жой; Анкета – сўровнома; Стенд – кўргазмали расм ёки ёзув тахта; Норма – қатъий ўрнатилган ўлчам ёки миқдор.

8. Ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича назарий конференцияларни тайёрлаш ва ўтказиш.

а. Ўқувчилар билан конференциялар ўтказиш мақсади. Мавзу танлаш.

Экстремистларнинг барча хийла – найранглари, мафкуравий ва қўпоровчиликларига муваффақиятли қарши туришга тайёр бўлиш Ўзбекистон ёшларида Ватанга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш, Давлат герби, байроғи ва мадҳиясига ҳурматда бўлиш, Ўзбекистонликларнинг ўлмас қаҳрамонликларини кўрсатувчи ташвиқот қилиш натижасини кўтаришни талаб қилади.

Ана шу муҳим масалаларни ҳал этишда "Ватанпарвар" МКЖ, шаҳар ва туман Мудофаа ишлари бўлими, меҳнат ва уруш фахрийлари биргаликда ўқув юртларига ўз ҳиссасини қўшишлари керак.

"Биз соғлом авлодни тарбиялашимиз ва ўстиришимиз керак. Соғлом одам ҳақида гапирганимизда нафақат жисмоний соғлиқ, балки айнан энг яхши умуминсоний тушунчалар руҳида тарбияланган маънавий-ахлокий нормаларга эга бўлган одамни кўзда тутамиз", (И.А.Каримов Олий Мажлис 23.11.1995й сессиясидаги нутқидан)

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – бу масалаларни ҳал этишга қаратилган. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси шакл ва усуллари турлича. Улардан баъзиларини биз илгариги мавзуаларимизда ҳам кўриб чиққан эдик,- булар:

- халқимиз меҳнат ва жанговар шон-шухрати жойлари билан танишиш.
- мавзувий кечалар ўтказиш:

- Уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбийлар, билан учрашувлар уюштириш.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича назарий конференциялар ташкил этиш ва ўтказиш каби ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг бир қатор шакллardan иборат.

Ўқувчилар билан конференциялар ўтказиш ўқув муассаса ва ўқув юртининг ўқув тарбиявий ишлари тажрибаси ва ҳаётига мустаҳкам кириб борди. Улар дарс-конференциялар, илмий – амалий, назарий, якуний ва ўқувчилар конференцияси кўринишида олиб борилади. Уларни самарали ўтказиш аввалам бор ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсади, уларнинг умумий ўқув тарбия тизимидаги ўрни, ўқувчилар ёши, тарбиявий даражаси, маданияти ва ҳаётий тажрибаларини ҳисобга ола билишни белгилаб беради. Конференциялар ўқиш даврида бўлгани каби ўқишдан ташқари фаолият даврида ҳам, лекин кўпинча ана шу икки жараён уланиш пайтида улардан фойдалаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича конференциялар ўтказиш

ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича ўқув ва синфдан ташқари машғулотлар бутун тизимига таянувчи катта тайёргарлик ишлари олиб боришни талаб этади. «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг муҳим вазифаларидан бири конференция мавзуси аниқ ва тушунарли қилиб белгилаш, мавзу ўқувчилар томонидан маъқулланиши, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси масалалари ва ўқиувчилар ёши ва индивидуал хусусиятлари билан белгиланиши керак.

Ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш муаммоларига бағишланган конференциялар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Масалан:

"Қуролли жангнинг янги воситалари ва замонавий урушда инсон омилкорлигининг ўсиб бориши", "Тинч меҳнат касби эгаларига машхур ҳарбий қўмондон бўлишлари учун нималар сабаб бўлди?", "Ўзбекистонлик қаҳрамонлар - ким улар?", "И.А.Каримов. Ҳарбий маҳорат эгалаш ҳақида".

Конференциянинг тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, унда муоммо жамоа бўлиб ҳал этилади, ўқувчиларнинг имкониятлари очиб борилади.

Улар нафақат ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилишга ўрганадилар, балки ўзларини қизиқтирувчи саволларга ҳам жавоб оладилар, маънавий ўсадилар.

Бундай конференцияларнинг асосий мақсади ўқувчиларни уруш ва армия ҳақидаги чуқур билимлар Ватанни ҳимоя қилиш таълимоти, дунёдаги Ҳарбий – сиёсий вазиятни таҳлил қила олиш қабилляти билан қуроллантириш, фикрларни эгаллаш, мустақил Ўзбекистоннинг бўлажак ҳимоячиси шахси ривожланиши мазмунида ҳарбий – назарий мазмундаги муоммоларни кўриб чиқишга ўргатишдир.

Ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида китобхонлар конференциялари ҳам ўтказилади. Конференция мавзуси бир қатор ҳолларга кўра танланиши керак, яъни асарнинг бадиий савияси, унинг ҳақиқийлиги, асарда кўрсатилганларнинг ҳақиқатга яқинлиги, тасвирланган ҳодисаларнинг бугунги кун билан боғлиқлиги, унинг тирик иштирокчилари, гувоҳлари билан алоқасидир. Китобхонлар конференциялари турли шаклда бўлиши мумкин. Булар асарнинг бадиий қиммати билан боғлиқ саволларни муҳокама қилиш (образлар келиб чиқиши ва хусусиятлари, ҳақиқатни қаҳрамон ва муаллиф ички дунёсини очиб бериш орқали кўрсатиш) ва ёзувчи билан учрашув, кўрилаётган асар муаллифининг китоб устида ишлаши, материалларни тўплагани, қандай мақсадларга интилгани; унга нима учун жасорат мавзуси муҳимлиги ҳақидаги ҳикоялари. Конференцияга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқувчилар асар воқеаларининг тирик иштирокчиларини топишлари, ҳамда уларни учрашувга таклиф этишлари мумкин.

Конференция мақсадлари ўқувчиларга тушунарли бўлиши, улар бунинг муҳимлигини тушуниб етишлари зарур. Бунга маълум микдорда анкета ёрдам бериши мумкин.

Мисол сифатида Ш.Рашидовнинг "Қудратли тўлқин" асари бўйича конференция ўтказиш учун тайёрланган анкетани кўриб чиқамиз.

1. Қандай ҳислатлар Пўлат Содиковни қаҳрамон бўлишига ва ўз мақсадига эришишга ёрдам беради?

2. Қаҳрамон характерининг шаклланишига нима катта таъсир кўрсатади?

3. Ўз юртдошларингиздан қайси уруш меҳнат қаҳрамонлари биласиз?

4. Қаҳрамон шахсида сизга нималар кўпроқ ёқди?

5. Пўлат Содиков ҳақиқий тарихий шахс, у Баҳмал қишлоғида яшовчи ёш йигит. Сиз романни ўқидингиз. Ёзувчи яраган бу образга сиз ишонасизми?

Ўқувчиларга қуйидагича саволлар бериш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ҳаётимизнинг қайси қирралари қаҳрамонни тарбиялайди?

2. Жамиятимизни хавотирга солувчи муаммоларга баъзи замонавий ёшларнинг бефарқлиги қандай намоён бўлади?

3. "Ватанпарвар" сўзини Сиз қандай тушунасиз? Ватанпарварликнинг белгилари нимадан иборат? Тинчлик шароитида у қандай намоён бўлади?

4. Ватанпарвар фуқаро шахси шаклланишида адабиёт қандай рол ўйнайди?

Китобхонлик конференцияларининг асосий, муҳим белгилари – мунозаралар, фикрлар тўқнашувидир. Улар уруш қатнашчиларининг чиқишлари, ўқувчиларнинг қидирув ишлари бўйича ахборотлари, адабий викториналар, уруш қатнашчилари, шоирлар шеърларини ўқиш, ҳарбий мавзудаги ашулалар ижро этиш билан тўлдирилса яхши бўлади.

Китобхонлар конференциялари ёшларда бадиий адабиётга қизиқиш уйғотиш, қидирув ишларида фаол иштирок этишга интилишни ривожлантириш, Ватанимиз қаҳрамонлик тарихини ўрганишга жалб этиши жуда муҳимдир. Булар ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлашга ёрдам беради.

Конференция охирида юртдошларимизнинг Иккинчи Жаҳон уруши ва Афғон урушида кўрсатган қаҳрамонликларини ҳикоя қилувчи кинофильмлар намойиш этиш тавсия этилади. Конференция ўтказишда видео тасмалардан фойдаланиш айтиш мумкин.

6. Режа ишлаб чиқиш, адабиётлар, кўргазмалар қуроллар ва техник воситаларни танлаш ва улардан фойдаланиш тартиби.

Ўқитувчи конференция ўтказилшидан 1,5 ой аввал ўқувчиларни хабардор этади. Дастур, асосий, мажбурий ва қўшимча адабиётлар, муҳокама қилинадиган саволлар рўйхати чақириққача тайёргарлик хонасида осиб қўйилади.

Бу ўқувчиларга кўрсатилган қўлланмаларни ўрганиш, муаммони ҳар томонлама таҳлил қилишга имкон беради. Энг фаол, сиёсий саводли ўқувчилар маъруза ва ахборотлар тайёрлайдилар. Сурат олиш билан таниш ўқувчилар "Конференция иштирокчилари гапиради" экспресс – маълумотлар стендини

яратади. Бошқа ўқувчилар конференция нишонини яратади, плакатлар, ҳарбий ҳаракатлар хариталарини безатиш билан шуғулланади.

Анча мураккаб топшириқларни 2-5 кишидан иборат ўқувчилар гуруҳига топшириш педагогик маънода мақсадга мувофиқ бўлади. Асосийси ҳар бир ўқувчига ўзи қизиқадиган ишни топиб бериш муҳим.

Турли манбаларни ўрганишда (И.А.Каримов асарлари, кўзга кўринган давлат арбоблари, Ўзбекистон Хукумати ҳужжатлари, ўқув илмий – оммабоп, бадиий, маълумотлар адабиётлари, безакли газета материаллари) ўқувчилар ўқитувчилар раҳбарилигида кутубхонада энциклопедиялар билан ишлайдилар.

Тайёргарлик даврида улар кинофильм, спектакллар кўриб, конференция мавзусига тегишли томонларини ўрганиб чиқиб, музейларга бориб уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашадилар. Ўзбекистон халқи ҳарбий ва меҳнат шон-шухрати жойларига бориб танишадилар. Буларнинг ҳаммаси уларнинг ғоявий-сиёсий савиясини ўстиришга ёрдам беради. Сўзсиз, албатта ўқувчилар изланишларида фанда бор маълумотларни тўплаш услубларидан фойдаланиш мумкин ва лекин шарт эмас, бироқ маълумотлар ҳақиқий бўлиши учун улар иложи борида кўп изланишлари лозим.

Конференцияга тайёрланиш давомида «Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси ўқувчиларга режалар, конспектлар, тестлар тайёрлаш, асосий маълумотларини ажрата билиш, цитаталар танлаш, ҳужжатлар билан ишлаш, ўлка маълумотларини тўплаш ва режалаштириш кўникмаларини сингдиради, уларни мантиқий фикрлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулосалар қилишга ўргатади, бундай иш «Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг ўзидан ҳам катта маҳоратни талаб этади.

Кейинги босқичда ҳар бир иштирокчи томонидан чиқиш режалари тўзилади. «Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси гуруҳ ва индивидиуал тарзда маслаҳатлар беради (шароит талабига қараб). Бу босқич маъруза режасини ёзиш ёки унинг тўла матнини ёзиб чиқиш билан якунланади.

Ўқувчилар бундай ишлар тажрибасига эга эмаслигини эътиборга олиб, раҳбар – маслаҳатчи ҳар бир маъруза, маълумотни диққат билан ишлаб чиқиши, уларга эмоционал, қизиқарли тус бериши, уларга нутқ маданиятини эгаллашларига ёрдам бериши керак.

Конференцияга тайёргарлик фақатгина маъруза ёзиб, уни тайёрлаш билан чекланмайди.

Болаларни жалб эта билиш, уларни ўз фикрларини изҳор қилишга мажбур этиш жуда муҳим. Ўқувчилар орасида сўров ўтказиш, конференция маърузасига яқин бўлган иншо ёзишни таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агарда конференция Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари билан боғлиқ бўлса, иншо мавзуси шундай бўлиши мумкин: "Жасорат-бу бир лаҳза ёки бутун ҳаётми?", "Ватанни асрашни қаҳрамонлардан ўрган", "Ватан ҳимоячиси номи шарафини юқори кўтариш, халқ ишончини оқлаш", "Мардлар ўлмайди", "Тарихнинг боришини ҳеч ким ўзгартира олмайди".

Болаларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилаётган ўқув муассасалари битирувчилари ҳақида маълумотлар тўплашни топиши мумкин. Конференцияга бундай ёндашиш ўқувчиларнинг кўрилатган муаммога шахсий муносабати, қизиқишларини аниқлаш, уларни қизиқтирувчи саволларни, бу мавзу билан шуғулланиш даражаларини аниқлашга ёрдам беради.

в. Раҳбарнинг тайёрланиши, маърузани тайёрлаш. Конференцияга яқун яшаш.

"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари" мавзуси бўйича конференция ўтказиш методикасини кўриб чиқамиз. Бу конференция дастури шундай бўлиши мумкин.

1. Муסיқий кириш қисми: Ҳарбий мавзудаги қўшиқ. Ўқитувчи ёки яхши тайёргарлик кўрган ўқувчилардан бирининг кириш сўзи.

2. Маърузалар:

а) "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қурилиши принциплари"

б) "Қуролланган кураш олиб боришда ҳарбий қўмондонлар, армия, халқ оммасининг тутган ўрни".

в) "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари доимий жанговар тайёрлигининг мазмуни нимада"

г) "Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси"

д) "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш – Ўзбекистон фуқароси бурчи"

е) "Ватан ҳимоясига тайёрланамиз".

3. Якуний сўз. Муסיқали хотима, Ҳарбий қўшиқ.

Кириш сўзида конференция бошловчиси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топиши ва ривожланишининг муҳим принципларини очиқ берувчи аниқ далилларни кўрсатиб бериши керак. Уларнинг халқ, янги давлат ва жамият тизими билан яқин алоқаси; армия ва халқ бирлиги: Ҳар қандай босқинчиликни қайтаришга доим тайёрлиги; кадрлар билан таъминлаш, ҳарбий ва сиёсий раҳбарлик ягоналиги, юқори интизом ҳақида гапириб ўтади.

Кириш сўзида ўқитувчи муҳокама этиладиган асосий дунёқараш ғояларини очиқ бериши, қизиқувчанлик психологик вазиятни юзага келтириши, ўқувчиларни мунозарага муносабатларини билдиришни таклиф этиши керак.

Асосий маърузаларда Қуролли Кучлар ривожланиши принциплари, ҳаётий муҳимлигини кўриб чиқиш лозим.

Кўрилатган масалалар мазмунлари кенглиги, чиқишларнинг ёрқинлиги, конференция ўтаётган муҳитнинг таъсирчанлиги билан мослашиши керак. Бунга И.А.Каримов ишларидан мисол келтирилган плакатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Республикамиз Қуролли Кучлари, ҳарбий бурч, Ватан ҳимояси ҳақида мақолалар, "Ўз ватанимизни курашларда ҳимоя қилдик", "Оталар жасоратини унутма" стендлари, уруш йиллари

ашулалари ва ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги замонавий муаллифлар ижоди билан танишиш, ўқувчилар кайфиятини кўтаришга ёрдам беради.

Буларнинг ҳаммаси конференцияни ёрқин эмоционал тус олишига таъсир кўрсатади. Эмоционал таъсир кучайишига конференциядаги ёзувчи, олимлар, Қуролли Кучлар фахрийлари, байналминал (тинчликпарвар) жангчилар иштироки ёрдам беради.

Конференциянинг самарали ўтиши унинг иштирокчилар онги, ҳиссиёти, иродасига таъсир этиш билангина чекланиб қолмайди. Уни ўтказиш якунларини муҳокама қилиш лозим, бунинг учун ўқувчиларга шундай саволлар билан мурожаат этиш мумкин:

1. Конференция ўтказишда нималар энг фойдали ва қизиқарли деб ҳисоблайсиз?

2. Сизнингча қайси саволлар ноаниқ, тўла очилмай қолди?

3. Бундай конференциялар ўтказишни такомиллаштириш бўйича Сизларнинг таклифларингиз?

Шу каби конференция материалларини сақлаб қолиш ва қайта ишлаб чиқиш, улардан дарсларда назарий ҳолатни кўрсатувчи иллюстрация сифатида, конференция нитажаларига бағишланган стендлар тайёрлашда фойдаланиш зарур.

Ўқувчилар Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг барча шакллари ўзаро боғланган ҳолда бир – бирини тўлдириши ва бойитиши, шунингдек ёшларни халққа чексиз муҳаббати, мустақил Ўзбекистон ҳимоясига тайёрлик руҳида тарбиялашнинг энг кенг тарқалган ва амалдаги воситалари орасидан мавзувий кечалар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, назарий ва китобхонлар конференциялари, ижтимоий – сиёсий ўқишлар жой олиши катта аҳамият касб этади.

Ҳарбий ватанпарварлик ташвиқотининг у ёки бу шакллари режалаштиришдан аввал қатнашчилар ёши, маълумоти, меҳнат фаолияти турига кўра аудитория таркибини ўрганиб чиқиш лозим. Бу хусусиятларни ҳисобга олмасдан самарали тарғибот ва ташвиқотга эришиб бўлмайди.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жараёнида тингловчилар томонидан мазмунни ўзлаштирилиш натижаси «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг услубий маҳоратига боғлиқ. У доимий равишда ўз билими устида ишлаши, услубий маҳоратини такомиллаштириши зарурдир.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ўқувчилар билан конференцияларни ташкиллаштириш ва ўтказишнинг мақсади нималардан иборат?
2. Ўқувчилар билан конференцияларни режалаштириш ва мавзулар танлаш?
3. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси мавзуси бўйича конференцияларни режалаштириш ва ўтказиш?
4. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида китобхонликни ўрни?

5. Режа ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларни, кўргазмали қуролларни ва техник фоситаларни танлаш ва улардан самарали фойдаланиш тартиби?
6. Конференцияларни ташкиллаштириш ва ўтказишда ҳарбий раҳбарнинг ўрни нималардан иборат?
7. Конференцияларни ташкиллаштириш ва ўтказишда гуруҳ фаолларининг ўрни нималардан иборат?
8. Конференция охирида нимага оид кинофильмларни намойиш этиш тавсия этилади?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Сюжет – маълум бир кинофильм ёки бадиий асар лавҳаси; Резерв – захира; Декорация – безамоқ; Янги технология – янги техник жихозлар; Информация – маълумот; Фрагмент – фильм лавҳаси.

9. «Ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича маъруза, реферат, доклад ва режа-конспектлар ишлаб чиқиш услуби».

а. Ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича маъруза, реферат ва докладларга қўйилган талаблар.

Маъруза – оғзаки сўзга чиқишнинг ўзига хос тури бўлиб, ўқувчилар таълим-тарбиясининг шаклларида бири сифатида ёшлар билан мулоқотнинг тажрибада синалган воситаси ҳисобланади.

Маъруза – ўқув-тарбиявий ишларнинг даврий услуби бўлиб, ўқувчилар онгига ўз таъсирини таъминлайди. Маъруза кўпроқ мактаб ва коллежларда қўлланилади. Худди шунингдек, ўқувчиларга мазмун жиҳатидан мураккаб бўлган ахборотни етказишда, кейинчалик уни чуқурлаштиришда турли ўқув фаолиятида, машғулотларда уларни тўлдириб боришда қўлланиши ҳам мумкин. Маъруза – бир манбаани гапириб бериш эмас, балки турли маълумотларни таҳлил килиш демакдир. Маърузачи ўз қарашларини баён этган олимлар, адабиётшунослар ғоясининг ҳамфикрли ифода этувчи сифатида сўзга чиқади.

Маърузада ўрганилаётган мавзуга маърузачининг муносабати ҳамда шахсий мавқеи кўриниб туриши керак.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича маърузанинг ўзига хослиги мавзунинг табиатда, маълумотларни етказиб бериш шаклида, услубий усулларда, унинг тузилиши мантикийлигида, илмий ва ғоявий маълумотларнинг ҳажмида, ўқувчиларда Ватан ҳимоясига тайёргарликни шакллантириш имкониятларида намоён бўлади.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича маъруза талабаларда армия ва Ватан ҳимояси тўғрисида билимлар тизимини, дунёқарашни шакллантиради,

уларни ўз эътиқодини ҳимоя қилиш, тасаввурдаги рақиб билан бахслашиш, асосларни келтириш малакалари билан қуроллантиради.

Маърузани ишлаб чиқиш, мавзунини ифодалаб беришдан бошланади. Маърузаларни ўқиш амалиёти шуни кўрсатадики, «армияда хизмат қилишнинг фазилатлари нимадан иборат?», «Ватан ҳимоячиси қандай бўлиши керак?», «Қаҳрамонлик кўрсатишга тайёرمىсиз?» каби мавзулар ўзининг оммабоплиги билан диққатга сазовордир. Маърузаларни ўқиш ишлаб чиқишда муҳим омил бўлиб, мақсадларни (таълим – тарбиявий, ўстирадиган) тўғри қўшиш ҳисобланади.

Мақсад – бу ўқувчилар онгидаги, билимларидаги маърузачи етказмоқчи бўлган ўзгаришлардир. Бу билан мақсадни амалга ошириш учун мувофиқ келадиган воситаларини танлаш аниқланади.

Маъруза мақсадни аниқлашда фақат маърузанинг хусусиятини эмас, балки тингловчиларнинг табиатини ҳам ҳисобга олиш зарурдир. Маъруза мақсади аниқлангандан сўнггина унинг режасини тўзишга ўтилади. Режа ўқувчиларнинг диққатини мавзунинг асосий саволларида жамлаш, мантиқий бўлиш керак. Режа маърузага тайёрланишда катта аҳамиятга эга бўлган услуб бўлиб, назарий, тахлилий, баҳолаш, ҳақиқий маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш услуби ҳисобланади. Унинг манбаи ҳисобланган мумтоз ёзувчиларнинг асарлари, илмий нашрлар, бадиий асарлар, турли шахсий кўзатувлар ва таасуротлар ҳисобланади. Ушбу кўзатувлар манба бўлиб, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммоси, ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш ҳақида махсус илмий ишлар учун хизмат қилади.

Маърузаларни ишлаб чиқишда, унинг матнини тайёрлашда аҳамиятли маълумотларни таърифлаш, ишонтирувчи далиллар келтириш, мантиқий фикрларни солиштириш, ёрқинроқ, аниқ, равшан баён қилишга сиёсий кескинликка эриши зарур. Таъсирчанликнинг бадиий тўзилиши, услуб ва воситалари бир мақсадга йўналтирилган бўлиши керак.

Баъзи ҳолларда маъруза билимларни кенгайтиришга йўналтирилган, бошқа ҳолларда эса амалий билим-кўникмаларни ишлаб чиқишга, учинчи ҳолларда - шахснинг ҳарбий ватанпарварлик фикри бўлган туйғуларини ҳамда эҳтиросларни ва эътиқодларни очиқ беришга хизмат қилувчи маънавий - умумий кўзғатувчи сабабларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши мумкин. Шунинг учун назарий ва ҳақиқий маълумотларнинг нисбати, асосларни келтириш шакли, шахсга таъсир қилиш ҳолатининг яратиш услуби бу ҳилларда турлича бўлади.

Биринчи ҳолдаги вазиятлар анъанавий хабар берувчи маълумотлар услубига, маълумотларни жиддий «қуруқ» баён қилишга, ҳулосаларни мантиқан тушунишга асосланган.

Иккинчи ҳолдаги вазиятлар мураккаб амалга ошириш услубини талаб қилади ва қуйидаги педагогик талабларни бажарилиш лозимлигини мўлжаллайди:

Ҳарбий ватанпарвалик руҳида тарбиялаш фаолияти тажрибасининг кўринишларини ажратиш;

Программалаш асосида маърузани ишлаб чиқиш.

Учинчи ҳолдаги вазиятлар ўқувчиларнинг уруш ва тинчлик муаммоларига муносабатини, ўзларининг Ватанни ҳимоялаш фуқаролик мажбуриятига муносабатини чуқур ўрганиб чиқишни талаб этади.

б. Ҳарбий кафедрада ўқитиш услуби.

Билим ва малакаларни, кўникмаларни етказиш ва қабул қилиш усулларига талабаларда юксак ахлоқий – жанговар ва технологик сифатларни шакллантиришга, уларнинг ҳарбий маҳоратни эгаллаш қобилиятларини ривожлантиришга ўқитиш услублари дейилади. Улар уйғун равишда ўқитиш, ўрганиш ва билим фаолиятига раҳбарлик қилишни бирлаштиради ва муаллим талабаларнинг вазифаларини аниқ равшан белгилаб беради.

Ўқитиш услубларнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, услубий йўллар ҳисобланади. Ҳар қайси услуб бир неча усуллардан иборат бўлиши мумкин, бир хил усул турли услубларнинг таркибига кириши мумкин. Усуллардан айримлари барча ўқув курсларида қўлланилса, бошқаларидан эса фақат биргина курсни ўқитишда фойдаланилади.

Ҳарбий кафедраларда педагогик амалиётдан турли услубларда фойдаланиш мумкин. Булардан кенг тарқалганлари: маълумотни оғзаки баён қилиш, суҳбат, кўргазмали услуб, машқлар, мустақил иш услубларидир.

Ўқитишда етакчи ўринни оғзаки баён қилиш услуби эгаллайди. Унинг аҳамияти билиш фаолиятида нутқнинг аҳамияти, билимларни тўплаш, сақлаш ва етказишда оғзаки нутқнинг ўрни сабаб бўлади.

Нутқнинг самаралиги унинг эгилувчанлигига сабаб бўлади ва шу билан бирга кўп ҳажмни эгаллаш ҳамда жонлиги ҳам сабаб бўлади. Нутқ тингловчиларнинг таъсирланишига қараб, маълумотни баён қилиш осон ўзгартиришга имкон беради, нашрда чиқмаган янги маълумотлардан хабардор қилишга, баъзи маълумотларга эътиборни кучайтириш ёки камайитиришга, муҳим маълумотларни ажратиб кўрсатишга имконият тўғдиради.

Оғзаки баён қилиш услуби бир неча турларга бўлинади. Улардан асосийлари – ҳикоя ва тушунтириш ўқув маърузаларидир.

Ҳикоя таърифлашда, маълумотларни баён қилишда, образли воқеа – ҳодисаларни баён қилишда қўлланилади. Бу услуб тарихий воқеаларни, ижтимоий ҳодисаларни, жанговар техника ва қуролнинг тўзилишини, уларни ишлатишга сабаб бўлган жисмоний усулларни таърифлашда ишлатилади. Ҳикоя давомида мавзунини сўзлаб бериш, таърифлаш, мунозара каби тарихий усуллар қўлланилади.

Ўқув маърузаси – бу оғзаки баён қилиш услубининг мураккаб туридир. У ўрганилаётган мавзунинг мантиқан ўзаро боғлиқ саволларини оғзаки баён қилишдан иборат бўлиб, унда аввало, саволларнинг назарияси, ғояси баён

қилиниб, қонуний ҳужжатлар ва муаммолар, уларни ечиш йўллари очиб берилади.

Маърузаларда бошқа услублар ҳам кенг қўлланилади – яъни, оғзаки баён қилиш услуби ҳикоя каби тушунишдир.

Маърузанинг энг маъсулиятли қисми, уни умумлаштириш ва хулосаларидир, улар билан, одатда, маъруза якунланади. Ўқув материалининг асослигига муаллимнинг чуқур билими билан, мантиқан тўғри тушунтириб бериш малакаси, асос, маълумот, мисоллардан фойдаланиш билан эришилади.

Сухбат. Бу услуб ўз табиатига кўра, оғзаки баён қилиш услубига яқин. Фарқи шундаки, у ёки муаллим билан талаба диалоги асосида, ёки савол-жавоб шакллари асосида кўрилади. Назорат – текшириш сухбати кенг қўлламда фойдаланилади. Бу услуб навбатдаги машғулотларда ўтилган маърузани эгаллаш даражасини билишга, шунингдек, жорий, оралик ҳамда якуний назорат ўтказишларда қўлланилади.

Кўргазмали услублар. Бу услубнинг формуласи кўргазмали ўқитиш асоси формуласини эслатади. Педагогик амалиётда бир неча кўргазмали услублар қўлланилади. Улардан асосийлари намоиш қилиш ва кўрсатишдир.

Айни пайтда янги информацион технологиялар соҳасини ўқув жараёнига тадбиқ этиш ва қўллаш кенг қулоч ёзмокда. Бундай технологиялар асосида ўқув матинини янада мураккаб ташкил этилган ўқув материали асосида кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда курслар ва анимацион фрагментлардан фойдаланиш йўли билан алмаштириш ғояси ётади. Бунда у ёки бу ҳолатда ажратиб берилган матн фрагментлари орасида ўзаро боғланиш тугунлари қатор топилади.

Инсон интелектининг катта ҳажмидаги ахборотни эсда сақлаш қобилиятини ва мазкур ахборотлар ичидан коммуникация ва тафаккур жарёнларини ассоциациялаш йўли билан қидирув ишларини олиб бориб кўплаб статистик ва динамик ахборотларни информацион фрагментлар ролини матин, график, схема, видеофрагмент, ижрочи программа ва анимация (ҳаракатли жараён)лар муҳим рол ўйнайди.

Фанлар бўйича информацион фрагментларни анимациялаштирилган ҳолда электрон дарсликлар яратишда асосан ёзма манбаалардан, яъни слайдлар кўринишида акс эттириб, мавзуга доир рангли расмлар билан бойитилмокда. Шу жумладан маъруза матнларни ёритишда 5 – 10 дақиқали мавзуга доир фильмлардан фойдаланиш қўл келади ва шу ўринда талабаларнинг эътиборини ҳамда фикрини жамлашга эришилади.

Информацион фрагментларни анимациялаштирилган ҳолда тайёрланган электрон дарсликлар талабалар учун мазкур мавзуларни эслаб қолиш қобилиятини оширади. Айниқса семинар ва амалий машғулотларни олиб боришда 30 – 40 дақиқали ҳужжатли ёки ушбу мавзуга доир бадиий фильмлардан парчалар намоиш этиш орқали слайдларни тайёрлашда кўпроқ ҳар хил эффектлар ва ранглардан фойдаланиш таъсирлироқ бўлади.

Мисол тариқасида ўтмиш тарихимизга доир, халқ, Қуролли Кучлар ананаларини, байрам базмларини, маълум бир мавзуга доир кечалар жараёнини акс этган ҳужжатли фильмларни намоёиш этиш мумкин. Шунингдек, бевосита бўлажак педагогларни ахлоқ – одоб ва касбий этик қоидаларини, маданият муомаласига, одобига доир кўринишларни ўзида акс эттирган инфор­мацион фрагментларни анимациялаштирилган ҳолда тайёрлаш ва бўлажак педагогларга ўргатиш айнан мақсадга мувофиқдир.

Билимларни эгаллаш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилишда асосий услуб бўлиб, талабаларнинг мустақил ишлаши ҳисобланади. Бу ўқитишнинг ўзгармайдиган омилидир. Чуқур ва кучли билимга эга бўлишда талабаларни мустақил ишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мустақил тайёрланиш бир неча турлардан иборат, булар назарий билимларни мустақил эгаллаш ва амалий малака ва кўникмаларни мустақил мустаҳкамлашдир. Назарий билимларни эгаллаш, биринчи манба ҳисобланмиш, бу ўқув адабиётлардир. Ўқув материаллари машғулотларда тўлиқ ҳажмда баён этилмайди. Талаба мустақил ишлаш давомида дарс – машғулотларои даврида олган ва ўрнатилган материални қайтариб чиқади ва бир вақтнинг ўзида янги билимларни эгаллайди.

Аввало мавзу тўла ўқиб чиқилади. Мустақил ишлашнинг такомиллашган тури маълумот, реферат, докладлар тайёрлаш ҳисобланади. Бу ишни қуйидаги тартибда бажариш тавсия этилади: аввало, биринчи манбалар ажратилади, ўқиб чиқиб, реферат режаси ёзилади. Шундан кейин ёзма баёнга ўтилади, бунда ҳар бир мураккаб назарий тушунча изчиллик билан текширилади.

Талабаларнинг ҳарбий тайёргарлигида ўқув услубларининг турли шакллари қўлланилади. Маърузалар, семинарлар, гуруҳ машғулотлари, ҳарбий машқ машғулотлари, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари, маслаҳатлар машғулоти кенг тарқалган шакллари­дир.

в. Адабиётларни танлаш ва ўрганиб чиқиш. Маъруза тайёрлаш давлари. Маъруза ўқиш методикаси (услуби).

Маърузалар. Маъруза, ўқув ишининг шакли сифатида тингловчиларга ўқув материалнинг мураккаб назарий ва амалий саволларини етказиб бериш имконини беради. Маъруза машғулотлари ўз тузилишига кўра, уч қисмдан иборат:

Ташкилий қисм, маърузанинг ўзи, хотима, якун яшаш қисми.

Ташкилий қисм талабаларнинг жойида эканлигини текшириш, уларнинг ўқув ишига тайёргарлигини билиш мақсадга эгадир.

Маъруза осон баён қилинганда, муаллим олдиндан ёзилган матн билан боғлиқ бўлмаганда муваффақиятга эга бўлади. Маъруза матни уни сўзма-сўз ўқиб бериш учун эмас, осон баён қилишда қўллаш учун ёзилади. Матн муаллимни интизомлайди, мавзунини эса мантикий ва тартибли баён қилишга ёрдам беради, ҳужжатлардан кўчирмалар келтиришни, нуфўзли шахслар ҳақида мисоллар келтиришни ҳамда сонларни ўқишнинг имконини беради.

Ҳозирги шароитда маърузачилар техник воситаларни: фильмоскоплар, эпидоскоплар, киноаппаратидан, телевидениядан кенг қўллаб, улардан ўз ўрнида фойдаланишяпти. Техник воситаларни бошқариш маърузачининг қўлида бўлиши зарур. Бу мавзунинг баёнидан кўргазмали намоёишга ўтишнинг ва аксининг табиийлигини таъминлайди.

Семинарлар – талабаларнинг билимини мустаҳкамлаш, чуқурлаштиришнинг фаол шаклларида бири бўлиб, уларнинг мустақил ишининг натижасини назорат қилишнинг самарали воситасидир.

Машғулотнинг ўзи қуйидаги тузилишга эга:

Ташкилий қисм.

Муаллимнинг кириш сўзи, талабаларга дарснинг мақсадини етказиб бериш.

Реферат ёки ахборотни эшитиш ва муҳокама қилиш.

Семинарнинг асосий саволларини муҳокама қилиш.

Якуний қисм.

Семинарнинг якуний қисмида муаллим талабаларнинг тайёргарлик даражасига умумий ҳолга таянган тарзда баҳо беради, яхши ўзлаштирилган саволларни ва ўзлаштирилмаганларини кўрсатиб ўтади, амалий машғулотда қатнашган талабаларга баҳо қўйиб чиқади.

Гуруҳ машғулотлари (машқлар). Бу ҳарбий кафедра машғулотларида кенг тарқалган машғулот шаклларида биридир. У чуқур, тарихий илдизларга эга бўлиб, кенг қўлламада қўлланилади. Одатда, гуруҳ машғулотлари взвод билан ўтказилади (ёки ярим взвод билан), бунда ҳикоя ва намоёиш услубларидан фойдаланилади.

Гуруҳ машғулотлари тузилишига кўра, қуйидаги қисмлардан иборат:

Ташкилий қисм.

Мустақил тайёргарлик вазифасининг бажарилишини текшириш.

Янги ўқув мавзусини баён қилиш.

Янги мавзунини мустаҳкамлаш.

Машғулотларга яқун яшаш ва мустақил тайёрланиш учун уйга вазифалар бериш.

Амалий гуруҳ машғулотлари – ташкилий қисмдан сўнг, мавзу эълон қилиниб, мақсади, машғулотнинг асосий саволлари берилгандан кейин муаллим ҳикоя услуби билан ишнинг ҳажмини, ҳаракат ва усулларни таърифлайди, уларнинг ҳарбий касбни эгаллашда муҳимлигини баҳолашни талабаларга етказиб беради. Бунга 10 минут вақт ажратилади. Шундан сўнг муаллим эгалланиши керак бўлган биринчи ҳаракатни техникада ёки қуролда кўрсатиб беради, талабаларга иш услубини етказиб беради. Кейин талабалар машқлар услуби билан бу ҳаракатни ўзлаштириб оладилар. Машғулот охирида яқун яшашга, талабаларни баҳолашга, хатоларни таҳлил қилишга ва мустақил вазифа беришга 10 минут қолдириш зарур.

Курс ишлари – эгалланган билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишга

хизмат қиладиган мустақил ишлаш шакллари­нинг энг самаралисидир. Бир вақтнинг ўзида талабаларни изланишга чорлайди, ижодий тафаккурнинг ривожланишига хизмат қилади. Курс ишининг якуний ташкилий ҳужжати бўлиб, унинг тематикаси бўлиб ҳисобланади, у йўналишга қараб ишлаб чиқи­лади, кафедра услубий йиғилишида муҳокама қилинади ва раҳбар томонидан ушбу ишлар тасдиқлаш керак. Мавзулар бир ўқув фани асосида ёки бир неча фанлар асосида шаклланади. Талабаларга мавзу танлашда эркинлик берилади. Уларга ёрдам бериш мақсадида кафедра муаллимлари ҳисобидан маслахатчилар белгиланади. Маслахат шахсий тартибда олиб борилади. Бу муаллим «курс ишининг раҳбари» деб ҳисобланади. Курс иши асосан мустақил тайёргарлик соатларида ва талабанинг шахсий вақти ҳисобига бажарилади. Айрим ҳолларда унга машғулотлар жадвали бўйича соатлар ажратилади.

Мустақил иш –ўқув ишининг асосий шакллари­дан биридир. ўқувчиларнинг фаоллигини оширади ва билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришларида асос бўлиб хизмат қилади.

Талабаларнинг мустақил иши ҳарбий кафедранинг махсус ажратилган соатларида мустақил тайёрланиш ва уйга бериладиган вазифаларни тайёрлашдан келиб чиқади. Мустақил тайёрланиш соатларида ҳужжатлар билан бирга техника ҳам ўрганилади.

Уйда талабалар манбалари мавжуд бўлган барча мавзуларини ўқи­б ўрганиб чиқади­лар.

Маслахатлар – мураккаб мавзулар бўйича ёки имтиҳонлардан аввал муаллимлар томонидан ўтказилади. Улар шахсий ёки гуруҳли бўлиши мумкин. Маслахатлар давомида муаллим талабаларнинг билимидаги заиф жойларини аниқлашга интилади, сўнг суҳбатлар ёрдамида ушбу камчиликлар ўзи тўлдирилади.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида маърузанинг ўрни?
2. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясидаги маъруза мавзуларига мисоллар келтиринг?
3. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида суҳбатнинг ўрни?
4. Маъруза жараёнида неча дақиқали ҳужжатли фильмларни намойиш этиш ўринли?
5. Семинар ёки амалий машғулот жараёнида неча дақиқали ҳужжатли фильмларни намойиш этиш ўринли?
6. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида семинарнинг ўрни?
7. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида амалий машғулотларнинг ўрни?
8. Амалий машғулотлар якунида талабалар билимини баҳолашга ва хатоларни таҳлил қилишга неча дақиқа қолдириш ўринли?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Проза – насрий шоирона асар; Драма – фожиали асар; Архитектура – меъморчилик.

10. Ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида бадий адабиёт, кино, театр ва тасвирий санъатнинг роли.

а. Ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида бадий адабиёт, кино, театр ва тасвирий санъатнинг роли.

Олдинги машғулотларимизда биз ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш баъзи шакллари кўриб чиқдик. Булар: Маъруза, мавзувий кечалар, назарий конференциялар, меҳнат ва уруш фахрийлари билан учрашувлар, халқимиз меҳнат ва жанговар шон-шухрати жойларига саёҳатлар уюштириш. Қай бир ҳарбий ватанпарварлик тарбияси шаклини танламайлик, улар ҳаммаси битта мақсадни кўзлаб амалга оширилади, яъни ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш, армияга муҳаббат, Ватан ҳимоясига доим тайёр туришга тайёрлаш мақсадига аниқ йўл кўрсатишдан иборатдир.

Ушбу маърузада биз ёшларнинг Қуролли Кучлар сафидаги хизматида, армияга муҳаббат, Ватанни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган хислатларни тарбиялашда бадий адабиёт, кино, театр ва тасвирий санъатнинг аҳамияти тўғрисида гапириб ўтмоқчимиз.

"Буюк давлат пойдеворини қуришда, дунё миқёсида тегишли ўринни эгаллашимизда аجدодларимиз бўлган Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Нақшбандий, Алишер Навоий, Бобурларнинг бебеҳо мерослари бизга бошимизни баланд кўтариб юришга мажбур этади". (И.А.Каримов Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигига бағишланган байрам тантаналаридаги нутқи 15.10. 1994йил)

Бу одамлар кимлар, нима учун биз уларни буюк деб атаймиз, Ватанимиз учун улар нималар қилганлар буларни биз бадий, тарихий адабиётларни ўргансак, кино, театрларга бориб, тасвирий санъат – рассомчилик, графика, тарихий ва хотира жойлари музейларига борсак билиб олишимиз мумкин.

б. Ёшларда Қуролли Кучларга хизмат қилиш, армияга муҳаббат, Ватан ҳимоясига доим тайёр бўлиш учун муҳим бўлган сифатларни тарбиялашда бадий адабиёт, кино, театр ва тасвирий санъатнинг роли.

Маърузамизда учрайдиган асосий терминлар мазмунини тушунтириб ўтамиз;

Адабиёт – ёзма асарлар умумий йиғиндиси;

Бадий адабиёт – ҳақиқий ходисаларни образлар ёрдамида тасвирлаш (шерият, проза, драма);

Санъат – ҳақиқатни бадий образларда тасвирлаб бериш, ижодий акс эттириш;

Тасвирий санъат – бадий образларни текислик ва фазода ифода этувчи санъатнинг умумий номи (рассомлик, графика, ҳайкалтарошлик, архитектура);

Ҳайкалтарошлик (скульптура) – кесиб, ўйиб, куйма йўли билан ҳажмли бадий асарлар яратиш санъати;

Театр – драматик асарларни сахнада ижро этиш санъати;

Спектакль – театрлаштирилган томоша.

Шундай қилиб умуман адабиётнинг ва хусусан бадий адабиётнинг ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда роли қандай?

Адабиётлар ўқувчиларни Ватанни ҳимоя қилишнинг минг йиллик анъаналари ҳақида ўйлашга мажбур этади, Ватаннинг мустақиллиги учун тарихий жанглар қаҳрамонлари билан фахрланиш ҳиссини уйғотади. Халқнинг буюклигини кўрсатади, Ватанни ҳимоя қилишга чорлайди, душманга нафрат уйғотади. Адабиёт ўқувчиларга Ватан учун кураш аҳамиятини очиб беради, ёшларга бутун юраги билан бу кураш чиройи ва олийжаноблигини очиб беради. Малика Тўмарис, чўпон Широқ, Спитамен, Муқанна, А.Темур, Улуғбек, Бобур, С.Рахимов, Л.Алиева, К.Суюнова образлари ўқувчи ёшлар учун маънавий намуна ҳисобланади. Халқнинг ўз мустақиллиги учун курашига бағишланган адабий асарлар ўқувчиларга урушларнинг юзага келиши сабабларини тушуниш, Ўзбекистон халқларининг ўз мустақиллиги учун қаҳрамонона жасоратлари маънавий сабабларининг чуқур асосларини тушунишга ёрдам беради. Уруш ҳақидаги бизнинг асарларимиз қаҳрамонлар маънавий дунёсини оғир синовларда очиб беради, ўқувчилар онгида Ватан ва бутун дунёда тинчлик ҳимоячилари намунасини яратиш ва ўргатиш қилишига интилади. (Тақлид этиш учун мисоллар келтиринг).

"Менда мужассам ҳамма яхши нарсалар учун, деб ёзган А.М.Горький - мен китоблар олдида қарздорман".

Бадий адабиёт икки вазифани бажаради десак бўлади.

Биринчидан ўрганиш билишни. Китобни ўқиб ёшлар дунёни ўрганадилар, билимларини оширадилар, улар табиат сирларини билиб оладилар, халқлар тарихи улуғлигидан хабардор бўладилар.

Бадий адабиёт ўқувчини минг йиллик ўтмишга ва келажакка олиб ўтиши мумкин. Унинг улуғ қадр қиммати ана шундадир.

Иккинчидан тарбиявий. У ўз севимли қаҳрамонлари билан қўшилиб бирлашиб кетади, худди уларнинг ҳаёти, фикри, жасорати ҳаракатлари билан яшай бошлаётгандек бўлади. Китоб қаҳрамонлари ўқувчилар қалбида чуқур из қолдиради. Ўқувчи, айниқса, ёшлар ўз қаҳрамонига ўхшашни хоҳлайди, ундан ибрат олиш, унинг қаҳрамонликларини қайтаришни орзу қиладилар, Албатта шу билан мақсадга мувофиқ ва анча фойдали тарбиявий беради. Бунда гап ватанпарварлик руҳида ёзилган, Ватанга муҳаббат ҳақидаги фикр ифодаланган, уни ҳимоя қилиш, ўз халқи қаҳрамонона тарихи, унинг маданияти, турмуши, одатлари ва аجدодлари буюк жасоратлари ҳақида ёзилган китоблар назарда тутилади.

Бадий адабиёт, кино, театр ва тасвирий санъат фашизмга қарши курашда ўзининг қимматли ролини ўйнайди. Улар халқнинг маънавий руҳини кўтарди, айниқса урушнинг бошланиши даврида.

Ватан ҳимоясига қаратилган плакатларга ҳаяжонланмасдан қараб бўлайди. Радио орқали сўзларни эшитишлари билан одамлар кўзидан кўз ёши қалқиб чиқар эди. Буюк ёзувчилар шундай асарлар яратдиларки, яъни "Тириклар ва ўликлар", "Улар Ватан учун жанг қилганлар", "Душман орқасидаги уруш" кабилар шулар жумласидандир.

Киноматография жуда кескин равишда илдамлаб кетди. Экранларда ўлмас нодир асарлар яратилди: "Улар Ватанни ҳимоя қиладилар", "Соат ярим кечада тўхтади", "Фарходнинг жасорати", "26 чиси отилмасин" ва бошқалар. Ҳарбий ёзувчиларнинг кўпгина асарлари экранлаштирилди. Театр сахналарида ҳарбий мавзу устун турди. Бошқача қилиб айтганда бутун ижодий зиёлилар фашизмга қарши умумхалқ курашига қўшилдилар. Шунини айтиш керакки, улар ўз бурчларини шараф билан бажардилар ва душман устидан ғалаба учун ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу буюк қаҳрамонлик нимадан иборат эди?

Биринчидан, асосийси, улар ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамладилар. Ватан учун энг қийин дамларда руҳан тушмасликка, охириги томчи қони қолгунча ернинг ҳар бир қаричини ҳимоя қилишга чақирадилар, уларнинг китоблари, шеър, кинофильмлари, плакатлари, асарлари ер юзида ҳаёт учун жангга чорлайди, шавқатсиз, қонли лекин зарур бўлган жангга чорлайди. Улар халққа энг қийин онларда ёрдамга келдилар. Кўпгина ёзувчилар ўз асарларини бевосита фронт чизигида яратдилар. Қалам ва қоғоз билан улар жангчилар билан бир сафда ҳужумларда иштиок этдилар.

Бугунги кунда одамлар улар ёрдамида уруш қандай дахшатли бўлганини, у ва бу томондан қанчалар ҳаётларни олиб кетганини, Европа халқларига беҳисоб офатлар олиб келганини билиб оладилар, Бугунги кунда ҳужжатли кадрлар ўта дахшатли кунларни одамлар ёдига солиб "Одамлар хушёр бўлинглар" деб хитоб қилади.

Кўпгина концерт бригадалари доим фронт чизигида бўлдилар. Кўпинча тўғри келган жойда, одатда автомашина кузови сахна сифатида хизмат қилиб концерт қўйиларди. Бу жангчиларни руҳлантирар, ғалабага ишончини оширар эди. Бу дамларда ҳар бир жангчи ўз ҳаёлларига берилар эди: оиласи, болалари, она ери, дўстлари, энди ҳеч қачон ёнида бўлмайдиган сафдошлари ҳақида ўйлар эдилар. Ана шундай дамларда ҳамманинг орзуси битта эди: тезроқ душманни енгиб ўз уйига қайтиш.

Иккинчидан, ижодкор зиёлилар халққа бу шавқатсиз кураш ҳақида ҳақиқатни етказар эдилар. Ҳақиқат шундан иборат эдики, фашист Германияси ўз олдида бутун – бутун халқларни йўқ қилиб ташлашни, босқинчиликни мақсад мақсад қилиб олган эди. Ҳақиқат шундан иборат эдики, халқ билар ва муқаддас жангда ёш ва қари иштирок этарди. Ва ниҳоят улар эртами, кечми ғалаба қилишларига ишонар эдилар.

Учинчидан, ижодкор зиёлилар уруш захматкашлари – жангчиларнинг қаҳрамонликларини ёрқин кўрсатиб берар эдилар. Ғарб мамалакатлари ўзлари гувоҳи бўлиб улуғ жангнинг асосий оғирлиги халқ ва унинг армияси елкасида эканига ишондилар. Ижодкор зиёлилар буларни бутун жаҳонга кўрсатиб бера олдилар.

Ва ниҳоят тўртинчидан ижодкор зиёлилар жангчиларда Ватанга муҳаббат, босқинчиликка нафрат, ботирлик, мардлик, жасорат, ўз қасамёдига, байроғи, қуролдош дўстларига содиқлик каби сифатларни тарбиялаш, ғалаба учун ўз жонини аямасликни тарбиялайди.

Жангчиларнинг бу сифатлари романлар, кинофильмларда, пьесаларда асосий мавзу қилиб кўрсатилди. Шу тариқа ижодкор зиёлилар иккинчи Жаҳон уруши даврида фашизм устидан ғалаба қилишда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ёзувчилар, рассомлар, кино усталари, журналистлар, артистлар, хонандалар - ҳаммалари бир бўлиб Ватан ҳимоясига шайландилар, ўз ижодлари билан улар халқни Ватан ҳимояси учун курашга, ғалабага чақирдилар. Ҳозирги даврга келиб бадиий адабиёт, кино, театр, тасвирий санъатнинг роли анча ўсди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши уларнинг аҳамияти ўсишига сабаб бўлди. Бу шароитда тарбиявий жараённинг бир қатор масалаларини қайта кўриб чиқиш шарти юзага келди.

Ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида бадиий асарлар, кино, театр, тасвирий санъат роли ва вазифаси ўзгармай қолди.

Гап бу жараён шакли ва услубларини қайта кўриб чиқиш (ташқил этиш) ҳақида боради. Хусусан ҳозирги давр босқичида ўзбек классикасига эътиборни қаратиш зарур. Албатта бу тарбиявий жараёндан жаҳон, рус классикасини чиқариб ташлаш керак дегани эмас. Республикамиз мустақилликка эришгунга қадар ўзбек классикаси иккинчи ўринда туриб, рус классикаси устунлик қилар эди. Шу тартибда бутун авлодлар тарбияланди, таълим олишда, номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланди. Ҳозирга келиб ўқувчиларни кўпроқ ўзбек ёзувчилари асарлари билан таништириш зарур, тарбиявий жараён учун бунда жуда кўп имкониятлар бор. Беруний, Навоий, Бобур, Ғофур Ғулом, Ойбек, Ш.Рашидов ва бошқалар.

Бунда асосий ролни «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси, ўқув муассаса кутубхонаси ходимлари, ўқитувчилар, айниқса адабиёт ўқитувчилари бажаришлари зарур, ўқув дастури бўйича ўрганиладиган асарлардан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш зарур.

Ўқув муассаса кутубхоналарида ватанпарварлик йўналишидаги бадиий адабиётлар махсус кўرғазмаси бўлиши керак. Тарбия шакли турлича бўлиши мумкин: Бу энг аввал ўқувчиларнинг ўзлари бадиий адабиёт ўқишларидир. Бу энг асосийси. Лекин шу билан тарбия жараёни тўхтаб қолиши керак эмас.

Китобни жамоа ўртасида мулоҳаза қилиш, китоб муаллифи билан учрашув ташқил этиш, унинг қаҳрамони билан суҳбатлар ташқил этиш, бир сўз билан айтганда бу ишга ижодий қараш керак. Ҳозирги кунда кўпгина оилалар

айтарли катта кутубхонага эга. Ахоли кўлида жуда катта миқдордаги бидий асарлар бор. «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг бурчи тарбияланувчилар қандай китобларни ўқишлари билан қизиқишдир, маслаҳат бериш, ота-оналари розилиги билан улар китоб алмаштиришларига ёрдам бериш. Кўриб турибсизки, ўсиб келаётган авлод учун фаолият имкониятлари жуда кенг. Ёшлар ҳозирги кунда жуда кўп ғарбнинг кўнгилочар, улар тарбиясини бузувчи китобларни ўқийдилар. Бу улар тарбиясига тузатиб бўлмас зарар етказди. Шунинг учун «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг ва шу қатори бошқа ўқитувчиларнинг вазифаси ўқувчиларга китоб танлашда ёрдам беришдан иборат. Бундан ташқари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбияловчи китоблар кутубхоналарда етарли экани билан қизиқиб туриш зарур. Албатта бунда ўқув муассаса кутубхонаси ходимлари масъулияти катта бўлади. Улар фақатгина техник ходим сифатида эмас ёшларга қайси китобни ўқишни тавсия эта била оладиган билимдон тарбиячи бўлишлари зарур.

Болалар ўқиган ҳар бир китоб улар кўнглида яхши из қолдириши, уни тарбиялаши керак. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида кўпгина халқларнинг, фашизм танқидчиларининг иккинчи Жаҳон уруши ҳақида ёзилган асарлар тўплашлари қимматли аҳамиятга эга.

Улардан кўплари бугунги кунда классик асарлар таркибини ташкил этади.

Албатта, бирор китобни турли ёшдаги ўқувчиларга тавсия этиб бўлмайди. Бу масалага катта эътибор бериш зарур. Айтайлик 4-5 синф ўқувчиларига мураккаб классик асарларни ўқишга тавсия этиш албатта тўғри бўлмайди. Бу асарлар фақат катта синф ўқувчиларига тавсия этилиши мумкин. Шуниси аниқки ўқувчилар фақатгина классикани ўқишлари керак эмас, айниқса 3-5 синф болалари. Шу сабабли китоблар турлари кенг бўлиши керак. Бошқа томондан фақатгина ватанпарварликни тарбияловчи китобларни тавсия қилиш ҳам мумкин эмас, чунки бу жуда зерикарли бўлиши аниқ. Бундай ёндошиш ёшлар тарбиясига тузатиб бўлмас зарар етказиши мумкин. Демак бидий асарлар мавзулари турли туман бўлиши керак. Ўқувчида ватанпарварликни тарбияловчи китоблар билан бир қаторда техник адабиётлар, детектив асарлар, фантастик китоблар бўлиши фойда келтиради. Бундай китобларни шубҳасиз ўқувчиларга тавсия қилиш мумкин. Чунки детектив ва фантастик асарларда ҳам фойдали тарбиявий жиҳатлар кам эмас. Масалан Жуль Верн асарлари ёшларда Ватанга муҳаббат, мардлик, жасоратни тарбияламайдими? Албатта тарбиялайди. Ҳатто ҳажвий китоблар ҳам тарбиявий таъсирга эга. Шу ерда ўлмас Хўжа Насриддин ва унинг Бухородаги сарғўзаштларини эсга олмай бўлмайди.

Бу айтиб ўтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир бидий адабиёт ўз тарбиявий ролини қуйидаги ҳоллардагина тўла бажара олади:

1. Бу жараёни «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси, ўқув муассаса кутубхонаси ходими бошқариб борсалар. Бу жараёни ўз ҳолига

ташлаб қўйиш мумкин эмас, тарбияланувчилар нимани ўқиётганлари билан доимий қизиқиб туриш – ўқитувчининг бурчидир.

2. Тарбиянинг турли шаклларида фойдаланиш зарур (ўқувчилар ўзлари китоб ўқишларидан ташқари) ўқувчилар конференциялари, ўқиб чиқилган китобларни муҳокама қилиш, китоб муаллифлари, ҳужжатли асар қаҳрамонлари билан учрашувлар ўтказиш ва шу кабилар.

3. Ўқувчиларга фақатгина ватанпарварликни тарбиялаш йўналишидаги китобларни тавсия қилиш мумкин эмас. Бу уларни зериктириб қўйиши ва бу мавзуга қизиқишларини йўқотиши мумкин. Китоб ўқиш - дам олишдан мажбурлаш, яъни уларни қийноққа айлантириши мумкин. Бу ҳолда биз тарбиядан кўра тескари натижа олишимиз мумкин. Тавсия этилган мавзулар турли хил бўлиши керак. Ҳар бир китобда тарбиявий томонлари борлигини эсда тутиш керак.

Биринчи навбатда ёшларни ўз халқимиз ёзувчиларининг асарлари билан тарбиялашимиз зарур. Ўзбек классикасидан кенг фойдаланиш керак. Чет эл адабиётини тавсия этишдан қўрқиш керак эмас. Ҳар доим шуниси эсада тутиш керакки, айнан сиз тавсия этаётган адабиётлар маъно ва мазмун жиҳатдан серқиррали бўлиши даркор.

Кино ҳам катта тарбиявий кучга эга. Кинонинг имкониятлари чексиздир: у республикамизнинг ҳамма ерида мавжуд. Унинг ҳар бир ёшдаги инсонлар учун имконияти бор, кўп вақт сарфлашни талаб қилмайди 1,5 – 2 соат (400-500 бетли китобни ўқиш учун ўртача 5-7 кун керак бўлади). Кино ёрдамида тарбиялаш формалари ҳам унчалик мураккаб эмас. Булар жамоа бўлиб кинога бориш (маданий ташриф), томоша қилинган фильмни муҳокама қилиш, шу мавзуда иншо ёзиш, актёрлар, фильм қаҳрамонлари билан учрашувлар ва шу каби. Ва яна ўша илгариги хулоса: ҳеч қандай услубда ҳам маъмуриятчилик, расмийчиликка йўл қўйиб бўлмайди.

Тарбиячилар ҳозирги вақтда ҳар бир оилада телевизор борлигини эътиборга олишлари муҳим. Ҳар куни телевизор орқали фильмлар намоёниш этилади. Тарбиячилар ўқувчилар нималарни кўряптилар, уларга кўпроқ нималар ёқиши, нималарга кўпроқ қизиқишларини билиб боришлари керак. Бу масалаларни эркин формада муҳокамага олиб чиқиш зарур кескин саволлардан қочиш, уларга жавоб бермаслик керак эмас.

Ўқувчиларга тасвирий санъат, рассомчилик, графика, ҳайкалтарошлик, архитектура ҳам катта маънавий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон кўп асрлик тарихида жуда кўплаб такрорланмас, ажойиб тасвирий санъат нодир асарлари яратилган. Улардан ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида фойдаланиш – ҳар бир «Чақирувга қадар бошлангич тайёргарлик» ўқитувчисининг ва тарбиячиларнинг бурчидир, ўзбек халқи яратган ва миллий ифтихоримиз бўлган нодир тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш бизнинг маънавий маданиятимизнинг муҳим қисмини ташкил этади. Лекин биз фақатгина миллий бойлигимизни аниқлабгина қолмай ва балки янги санъат асарларини яратишимиз керак. Бунга

мисол қилиб музейларни кўрсатишимиз мумкин.

Тошкент аэропорт биносидаги А.Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" асари бўйича девордаги нақшларни олайлик. Фарҳод образи бизнинг эркакларимиз меҳнатсеварлиги ва жасоратини ифода этади, Ширин образи эса – аёл садоқати, унинг гўзаллигини намоён этади.

Шу каби асарлар жуда кўп ва улардан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун фойдаланиш зарур.

в. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш даврида фильмлар танлаб олиш ва намоёиш этиш тартиби.

Ўқув муассасаларида фильмлар намоёиш этишда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчилари ва бевосита тарбиячилар уларни танлаб олиш билан шуғулланишлари керак, Кинофильмларни намоёиш этишни режалаштиришда қўлланмалардан фойдаланишлари керак. Ҳар бир фильм яратилган йили, киностудияси, неча қисмдан иборатлиги ёзиб қўйилади, ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмларга улар мавзуси ва мазмуни қисқача айтиб ўтилади. Ҳужжатли, илмий – оммабоп ва ўқув фильмлардан маърузалар, мавзувий суҳбат учрашувлари, кинокечалар ва ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда кенг фойдаланиш тавсия этилади. Ўқув масканларида намоёиш этиладиган бадиий фильмлар мавзулари турлича бўлиши керак. Ҳар бир фильмларини намоёиш этишдан қўрқиш керак эмас Албатта улар ёшлар кўнглига ёруғлик билим олиб келиши керак, яъни улар:

1. Зўравонлик, шавқатсизлик, бир миллатни иккинчи миллатдан устунлигини ташвиқот қилмаслиги керак.

2. Сиёсий масалаларга эришиш воситаси қилиб урушни ташвиқот қилмаслиги керак.

3. Фашизм ва буюк давлат шовинизминини ташвиқот қилмаслиги. Тарбиячи цензурани қўлламай ўқувчиларга қайси фильмларни кўрсатишни, фильмлар улар кўнглида қандай из қолдиришини билиши шарт ва мажбурдир.

4. Жамоа бўлиб театр, кўргазмаларга боришни ташкил этиш, ўқиш учун адабиётларни танлаш бўйича тавсиялар.

Жамоа бўлиб кино, театрларга боришлари бошқа ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш усуллари билан биргаликда олиб борилиши, хизматга чақириладиган ёшлар тарбиясига самарали ёрдам беради.

Бадиий, ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги фильм ва спектаклларни ёшлар билан офицерлар уйида, маданият саройларида, оммавий-мудофаа ишлари ойлиги кунларида жамоа бўлиб томоша қилишни ташкил этиш керак. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги фильм, спектаклларни томоша қилиш асосан синф раҳбарига юклатилади, бу ишларни амалга оширишда синф раҳбари синфдан ташқари ишлар ташкилотчиси, ҳамда ҳарбий раҳбар ёрдамига таянади.

Кинотеатрларга боришда аввал кинофильм танлашга эътибор бериш керак. Фильм мазмуни ўқувчилар ўрганаётган «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» дастури билан боғлиқ бўлиши, ва бошқа умумтаълим дарслари

билан мос келиши зарур. Кинофильмлар ўқувчилар билимини тўлдиради, уларга маълум даражада тарбиявий таъсир кўрсатади.

Фильм мавзуси танлангандан сўнг синф раҳбари «Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси билан биргаликда кино театрға бориш режасини тузадилар. Режада қуйидагиларни ифода этиш мақсадга мувофиқдир:

1. Кинотеатрға боришни ташкил этишга ким жавобгар шахс этиб тайинланади.

2. Кинотеатрға боришни ташкил этишда ўқувчилар ёшига қараб гуруҳлар ташкил этиш.

3. Ташкилотчи томонидан фильмни шахсан кўриб чиқиш.

4. Ташкилотчи томонидан фильм мазмунини таҳлил қилиш.

5. Ўқувчиларға кинотеатрға бориш куни ва фильм номини маълум қилиш.

6. Ўқувчиларни мувзу бўйича бадиий манбалар ва тарихий маълумотлар билан таништириш, ўқувчиларға таниш бўлмаган муаммоларни ўрганиш.

7. Билет сотиб олиш (куни)

8. Ҳаракатланиш транспорти, маршрутини аниқлаш, (кинотеатрға жўнаб кетиш тартиби) эҳтиёткорлик чораларини ишлаб чиқиш ва улар билан ўқувчиларни таништириш.

Кинофильмни томоша қилишдан аввал раҳбар ўқувчиларға керакли билимларни маълум қилади. яъни ҳамма кириш машғулотларини ўтказади, фақат шундан сўнг кинофильм томоша қилинади. Кинофильмни томоша қилгандан кейин, унинг асосий муаммолари, тарбиявий ва ўрганиш мазмунидаги қизиқарли масалаларни муҳокама қилишни ташкил этиш зарур. Кинофильм муҳокамасини ташкил этиш турли йўллариини таклиф этиш мумкин.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан мақсад?

2. Президентимиз таъбири билан айтганда, Буюк давлат пойдеворини қуришда, дунё миқёсида тегишли ўринни эгаллашимизда аجدодларимиздан кимларни биласиз?

3. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида бадиий адабиёт ва тасвирий санъатнинг ўрни?

4. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида кино ва театрнинг ўрни?

5. «Менда мужассам ҳамма яхши нарсалар учун китоблар олдида қарздорман» деб ёзган шахс ким?

6. «Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг кино ва театрға боришда тузадиган режаси нималардан иборат?

7. «Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчиси кинофильмларни танлашда нималарға эътиборини қаратмоғли лозим?

8. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида тавсия этиладиган бадиий адабиётларни мисол келтиринг?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Экспонат – кўргазмага қўйилган асар; Фонд – жамғарма; Экспедиция – қидирув.

11. Ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музейларнинг роли.

а. Музей тарихимиз, маънавий меросимиз кўзгусидир.

Музей қайсидир маънода ҳар бир миллатнинг, мамлакатнинг тарихи, маданий-маънавий меросини акс эттирувчи кўзгудир. Яхши биламиз, миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдизлари буюк мутафаккир меросдан озиқланиди. Дунёга донғи кетган шундайин буюкларимиз борки, улар нафақат юртимиз, балки дунё халқлари маънавияти, тарақиёти, жаҳон илм-фани, маданияти равнақи учун улкан хизмат қилишган. Шунинг учун ҳали-ҳануз буюк аждодларимиз меросларини ўзга юртларда ҳам асраб-авайлаб, ўрганишмоқда. Хатто, бошқа мамлакатлар музейларида улар қолдирган бой меросни кўз-кўз қилишмоқда. Ҳа, буюкларимиз қолдиришган маънавий хазини негизидан ҳали кўп-кўп гавҳарлар теришади.

Музейларнинг маданий-маънавий ҳаётимизда тутган ўрни борасида фикрлашсак, маълумки, музей деганда тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий муассаса тушинилади. Мутахассисларининг гувоҳлик беришича, қадимда музейлар табиат ва ижтимоий ҳаётдан олинган асл буюмларнинг мемориал гувоҳнома ва эстетик қимматли нарса сифатида сақланиши асосида юзага келган. Бунда милоддан аввалги ўн олтинчи асрдаги Критдаги Кнос Сарой хазинаси, милоддан аввалги ўн уч-ун иккинчи асрларга тааллуқли Ванлар саройи ва инк қоҳинлари архивини қўшиш мумкин.

Мамлакатимизда ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида музей ташкил этила бошлаган. Бугунги кунда Ўзбекистон тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон санъат музейи, Ўзбекистон халқлар маданияти ва санъати тарихи музейи ва санъати тарихи музейи мамлакатимиздаги энг йирик анна шундайин муассасалардан саналади.

Музей хақида Президентимиз И.А.Каримовнинг «...Ёшларимиз келишсин, кўришсин, қандай машҳур аждодлари, замондошлари борлигини билишсин, улар билан фахрланишни, ғурурланишни ўргансин. Ўз ўтмишини улуғлайдиган, бугунини эъзозлайдиган миллатнинг эртанги куни ҳамиша порлоқ бўлади». Мана, музейларимизнинг ёш авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни, аҳамияти бекиёсдир.

Шуни эътироф этиш жоизки, юртимизнинг ҳар бир гўшасидаги катаю кичик музей миллатимизнинг, халқимизнинг юксак даҳосидан сўзлайди. Мамлакатимиздаги ҳар бир музейда ўзлигимизга, бой тарихимиз, маънавиятимизга хос бойликларнинг, ноёб экспонатларнинг гувоҳи бўласиз.

Музейлар соҳасидаги сийсатни амалга ошириш, бу борада халқаро

алоқаларни, ўзаро самарали ҳамкорликларни кенгайтириш, Ўзбекистон ва хорижда кенг кўргазмалар ўтказиш йўли билан мамлакатимизнинг бой тарихи, маънавияти, бугунги ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, музейларимизга замонавий техник воситаларни жалб этиш ҳозирги куннинг долзарб вазифалардан биридир.

б. Ўқув муассаса музейлари ҳақида қоидалар. Жанговар ва меҳнат шон-шухрати музей, хона (бурчаклари) ташкил этиш. Музейларни паспортлаштириш.

Ҳарбий хизматга тайёрлаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишга тайёрлаш тизимининг асосий қисми ҳисобланади. Ҳарбий хизматга тайёрлаш жараёнида ёшлар Ўзбекистон Республикаси "Мудофаа ҳақида"ги қонуни, Конституциясини ўрганадилар. Ёш жангчини тайёрлаш ҳажми бўйича керакли ҳарбий билим ва амалий кўникмаларни эгаллайдилар, жисмоний тарбия билан шуғулланадилар ва психологик барқарорлиги тарбияланади.

Ўқув муассасаларда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларда Ватанга садоқатни шакллантириш, Ватан анъаналари тарихини, ўз халқини ҳурмат қилишга катта эътибор берилади, Ватанга, халқига, тили, анъаналари ва маданиятига муҳаббат уйғотишдан иборат бўлса, ҳарбий ватанпарварлик эса айнан аниқ бир мақсад – Ватанни ҳимоя этишга тайёрлашдан иборат бўлади.

Ўқув юртида ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг кўпгина шакл ва услублардан кенг фойдаланилади. Улардан баъзиларини олдинги машғулоларимизда кўриб чиқдик:

1. Ўзбекистон халқи жанговар ва меҳнат шон-шухрати жойлари бўйлаб походлар;
2. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусида назарий конференциялар ўтказиш;
3. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан кечалар ва учрашувлар ўтказиш;
4. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги маъруза, ахборот, суҳбатлар ташкил этиш.

Бундан ташқари ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бадиий адабиёт, кино, театр, тасвирий санъат ролларини кўриб чиқдик. Деярли ҳамма ўқув юртларида жанговар ва меҳнат шон-шухрати музейлари ташкил этилган, бу ерларда уруш фахрийлари, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочилари бўлган жангчилари билан ўқувчилар учрашувлари ўтказилиб турибди.

1999 йили май ойида ўқув муассаса жамоатчилик музейлари фаоллари Республика семинар кенгашида сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўқув муассаса музейлари – бу қўшимча таълим тизимида муҳим қисм, бу бизнинг муқтакил давлатимиз буюк келажagini кўрадиган ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришга ёрдам берадиган илм ўчоғидир деб таъкидлаган. Ўқув муассаса музейлари ўқувчиларда ғоявий –

сиёсий ишонч ва ватанпарварликни юзага келтиришга ёрдам бериши ва қобилиятларини ривожлантириш, ўқувчилар ижтимоий – сиёсий ва ижодий фаоллигида ёрдам бериш, уларга қидирув – изланиш ишларида кўмаклашишда хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тарихда эсдан чиқариб қўйган аجدодларимиз номлари энди қайта тикланипти ва бугун ўқув муассаса музейлари тарихимизни ўрганиш, ўтган воқеаларни ёритишда ва тарбиявий ишларда муҳим роль ўйнайди.

Ўқув муассасаларимиз музейлари ўз йуналишлари буйича тарихий, хотира, ўлкашунослик, санъат, табиий-тарихий бўлиши ва турли йўналишда иш олиб боровчи бўлиши мумкин. Ўзбекистон жанговар ва меҳнат шон-шухрати музейлари кенг тарқалди.

Музейлар қандай қилиб пайдо бўлади? Одатда изқуварлар отряди фаолияти ёки солнома ёзиш бўйича сермахсул яхши ташкил этилган ишлар натижасида юзага келади. Бу ҳолда музей ташкил этиш, классик усулда олиб борилади: қидирувлар мавзуси, қидирув экспонатлар сақлаш ва намойиш этиш учун музей ташкил этиш. Музей ташкилотчилари материалларни сақлаш, жойлаштириш масалаларини ҳал этишлари керак. Ўқув юрти директори билан хона ва жиҳозлар ажратиш ҳақида келишиб олишлари лозим.

Тарбиявий ишларда музейда сақланаётган материаллардан сифатли ва самарали фойдаланишда музейни паспортлаштиришни тўғри ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Бундан асосий мақсад ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ҳужжатли материалларни ва музей материалларини ишончли сақлаш асосида рўйхатлар тўзиш ва тўғри фойдаланишдан иборат.

Тўпланган материаллар музей фондиди ташкил этади ва ўз рақами, аниқ тарихий санаси, унинг тўғрисидаги маълумотлар музей қайд китобига ёзиб қўйилади. Қайд журнали қоида талаблари асосида олиб борилади.

Бундан ташқари музей ҳар бир материали учун унинг рақами қўйилиб паспорт тузилади, унда ҳам керакли маълумотлар қайд этилади.

Шу билан бирга музейнинг умумий паспорти ҳам тузилади. Паспортнинг бир нусхаси музейда сақланади, қолганлари маҳаллий давлат архиви, район, шаҳар маданият бўлимларида ишда фойдаланиш учун юборилади.

Ўқув юрти музей ташкилотчиларининг фаолияти материаллар тўплаб ва сақлашдангина иборат бўлмайди. Кўргазмалар қанчалик бой турли - туман ва қизиқарли бўлишидан ташқари уларни моҳирона ва ёрқин намойиш эта билиш керак. Музей ватанпарварлик, тарбиявий вазифадан ташқари эстетик тарбия бериши керак. Шунинг учун музейни бадиий жиҳатдан безатишга ҳаракат қилиш керак.

Музей очилиши тўғрисидаги буйруқ ўқув юрти директори томонидан тайёрланиб халқ таълими (шаҳар), район бўлими томонидан, район маданият бўлими билан келишилиб тасдиқланади.

в. Жона – жон ўлканинг шонли ва жасоратли ўтмишини, ҳозирги даврни ўрганиш ва қидириш ишлари, маълумот тўплаш ва сақлаш.

Қидирув ишлари муаммоларини анализ қилиш, бу чора - тадбирлар ҳаёт талаби билан юзага келса, ёшлар ташаббуси натижасида ва тарбиячи, устоз ва ўқитувчилар томонидан қўллаб - қувватланиб, моҳирона йўналтирилганда керакли самарали натижа беради деган хулосага олиб келади.

Бизнинг Республикамиз турли вилоятларида қидирув, экспедиция тўғарақлари аниқ амалий ишлар олиб бораётган ишлари гувоҳи бўлишимиз мумкин. Тўпланган материаллар, яъни музей фонди асосий (ҳақиқий ёдгорликлар) ва ёрдамчи материалларга (схема, макет, фотосурат, нусхалар) бўлинади.

Ҳақиқий ёдгорликлар Ўзбекистон Республикаси музейлари фондига киритилиб, маҳаллий музей инвентар китобида рўйхатга олинади. Ўқув муассаса музейлари ҳар йили давлат музейини келиб тушган ҳужжатлар, ёдгорликлар ҳақида хабардор этиб бориши шарт.

Тарихий қимматга эга бўлган материаллар давлат музейларига сақлаш учун юборилиши мумкин, давлат музейи бу материал қимматини қайд этилганлиги тўғрисида ҳужжат топшириб, ўқув муассасага ҳақиқийси ўрнига нусха тайёрлаб беради.

Бундай ҳужжатларни топшириш музей ишига ўзига хос баҳо бериш ҳисобланади. Музейлар сони кўпайиб бораёпти. Бу масаланинг бошқа томони ҳам бор, музейларни ишчи ҳолатини доим сақлаб туриш керак, айниқса тарихий музейларни. Уларда керакли шароитни сақлаб туриш, жиҳозлар билан таъминлаш лозим, булар моддий маблағ талаб этади. Бундай муаммолар деярли ҳамма музейларда мавжуд.

Иккинчи муаммо. Музей материаллари анчагина йиғилиб қолган ва бир хонага сиғдириб бўлмайди. Баъзи музей раҳбарлари ўқитувчиларга музей материалларини фойдаланиш учун ўқув кабинетларида жойлаштиришни таклиф этадилар. Шунда машғулотлар амалий ва тушунарли ўтишида ўқитувчиларга ёрдам бўлади. Умуман материаллар архивда туриб қолиши керак эмас - улардан амалий фойдаланиш зарур.

г. Экскурсовод роли. Экскурсия ўтказиш методикаси. Музей ишини ташкил этишда ҳарбий раҳбарнинг ва педагогик жамоанинг роли.

Ишнинг муваффақияти асосан музей раҳбарига боғлиқ бўлади. ў қидирув ишларига қизиқувчи ҳурматли, тажрибали инсон бўлиши керак. Ана шундай инсон бўлса – музей ишлайди, агарда у йўқ бўлса музей қоғоздагина мавжуд бўлади. Музей раҳбарига унинг фаоллари катта ёрдам кўрсатади:

- улар мавзу бўйича адабиётларни ўрганиб ва бошқа манбаларни қидириб, улар асосида керакли материалларни тўплаш билан шуғулланадилар;

- тўпланган материалларни ўрганиб уларни қайд этиш ва сақлашни

таъминлайдилар;

- ўқувчилар, ота-оналар, оталиқ корхона ишчилари учун экскурсиялар ташкил этадилар;

- ўқитувчиларга музей материалларидан, ўқув жараёнида фойдаланишда ёрдам берадилар;

- жамоат ташкилотлари, давлат музейлари, мудофаа ишлари бўйича бўлимларнинг топшириқларини бажаришда фаол иштирок этадилар.

Фаоллар ишнинг яхшироқ ташкил этиш мақсадида, музейда секциялар (бўлим, гуруҳлар) ташкил этилиши мумкин. Уларнинг сони ва вазифалари музей Кенгашининг умумий йиғилишида тасдиқланади.

Музей Кенгаши – музей раҳбарига ёрдамчи жамоатчилик ташкилоти. Бу ишларни ўқувчилар умумий йиғилишида сайланадиган 3-5 кишидан иборат музей Кенгаши яхши олиб бориши мумкин. Музей Кенгаши иш режаларини тузади, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб – чиқариш илғорлари, жамоат арбоблари, фан арбоблари ва ёзувчилар билан ўқувчилар учрашувларини ташкил этади. Музейга педагогик ишлар бўйича раҳбарлик синфдан ва ўқув муассасадан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси ва алоҳида педагоглар томонидан олиб борилади.

Ўқув муассаса музейига ёрдам учун рдам кенгашлари тўзилиши мумкин. Уларга ўқитувчилар, давлат музейлари вакиллари, ота-оналарни киритиш мумкин. Ёрдам кенгаши ўқув муассаса музейига илмий ташкилотлар, давлат музейлари шаҳар, районнинг бошқа ўқув муассаса музейлари билан алоқа ўрнатишга ёрдам беради.

Музейнинг иш самараси кўп жиҳатдан унда маърузалар ўтказиш ишлари қандай ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Музей ходимлари семинар кенгашида сўзга чиқиб халқ таълими Министри шундай дейди: "Бизнинг ўқув муассасаларимизда кўпгина турли музейлар борлиги жуда яхши. Уларнинг сони 800 тадан кўпроқ. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам таълим – тарбия жараёнига хизмат қиляптими? Бу ҳар доим ҳам шундай эмас. Ўқувчилар музейнинг қидирув фаолиятларига фаол жалб этиляптими? Афсуски ҳар доим ҳам эмас. Музейларда дарслар ўтказиляптими? Қаердадир ўтказилса, қаердадир ўтказилмаяпти. Баъзан умуман ўқув муассаса музейига кириб бўлмайди, у ҳар доим топ тоза, тартибга солинган ва ҳар доим қулфланган – музей худди ўқувчилар учун эмас, фақатгина меҳмонлар ёки комиссия учундек, бизда музей бор деб мақтаниш учун ташкил этилган. "Музейда болаларнинг жаранглаган овози эшитилмаса – бу музей эмас, бу жонсиз экспонат, унинг раҳбари – тарбиячи эмас, балки қотиб қолган хайкал".

Музейларда лекторлар, экскурсиячилар, тўғараклари ишлаши мумкин ва шарт, унинг кўргазмаларидан эса ўқув машғулотлари ва турли ҳарбий ватанпарварлик чора-тадбирларини ўтказишда фойдаланиш керак.

Айниқса лектор экскурсиялари фаолияти жуда муҳимдир. Мамлакатимиз тарихи бўйича тўпланган материалларни ўрганиш, давлат архивлари,

кутубхоналари мутахассислари билан маслаҳатлар, булар ҳаммаси уларга музей бўйича қизиқарли ва мазмунли экскурсиялар ташкил этиш ва ўтказиш учун ёрдам беради.

Мисол тариқасида, Самарканд шаҳридаги 1-мактабдаги музейида лектор – экскурсиячилар гуруҳида 20дан ортиқ мутахассис тайёрланган, яъни X-XI синфларнинг фаол ўқувчилардан ташкил топган. Музейнинг жамоатчи раҳбари бошчилигида болалардан ҳар бири кўргазма бўлимларидан бири бўйича иш олиб бориб, бўлим фонди ва материалларини ўрганиб чиқиб, экскурсоводлик бўйича ёзма текст, ҳикоя, экскурсия ўтказиш методикасини тузган. Шу тайёргарликларни кўрган раҳбарият томонидан уларга мустақил фаолият юритишларига рухсат берилган ва уларга экскурсовод гувоҳномаси ва кўкрак нишони топширилган.

Бундай жиддий тайёргарлик ишлари музей экскурсиялари жонли ва қизиқарли ўтишига ёрдам беради. Фақатгина музейнинг биринчи йил ишлаши давомида 3 минг киши келиб, улардан ҳеч бири музей кўргазмаларига бефарқ қолмагани, ижобий ишларнинг натижасидан далолат беради.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ёшлар тарбиясида маънавий мероснинг аҳамияти?
2. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида тарихий музейларнинг аҳамияти?
3. Мамлакатимиздаги музейлар хилларини айтиб беринг?
4. Музейларни паспортлаштириш нималардан иборат?
5. Кимларни изқуварлар деб аташади?
6. Музей фонди нималардан иборат?
7. Музейлар фаолиятида экскурсоводнинг роли?
8. Музей фаолиятини ташкил этишда педагогик жамоани ўрни?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Реклама – овоза қилиш ёки маълум бир нарсани макташ; Экскурсовод – маълум бир нарсаларни тушунтириб берувчи; Беджик – кўкрак нишони.

12. Ҳарбий-спорт ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш.

а. Ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлашда ҳарбий-амалий спорт турларининг ўрни ва аҳамияти. «Шунқорлар» Республика ўйинларининг Низоми.

Ўқув юртларида ҳарбий ва ҳарбий Ватанпарварлик ишлари услублари самарали бўлиши учун ҳарбий ишлар асослари ва ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича тўғараклар ташкил этиш, ҳамда турли ҳил ва мазмундаги ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиш муҳим роль ўйнайди.

Ҳарбий-спорт ўйинлари ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича ўқув-тарбия жараёнини сифат ва самарасини ошириш йўналишидаги, ёшларни соғломлаштириш масалаларини ҳал этиш ва давлат дастурларини амалга ошириш асосий воситаси сифатида асосий йўналиш деб қаралади.

Ҳозирги кунларда Мудофаа вазирлиги томонидан Халқ таълими, «Камолот», «Нуроний» жамғармалари, манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар, ҳокимиятларнинг фаол иштирокида ўтказиладиган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари ўқувчилар ўртасида оммавий ҳисобланади.

Сўнгги йилларда бу ҳарбий-спорт ўйинларида ўқув юртларидан юз мингдан ортиқ ўқувчилар иштирок этишди.

Республика ҳарбий лицейлари ўқувчилари ўртасида «Амир Темур авлодлари» ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказиш ҳар йилги одатга айланган.

Ана шу ҳарбий-спорт ўйинлари қаторида Республика ўқув юртларида ҳарбий-спорт байрамлари, ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар спартакиадалари, ўқув юртлари ўртасидаги ўртоқлик учрашувлари каби мусобақа турлари ҳам кенг тарқалмоқда.

Ушбу маърузамизда биз «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни кўриб чиқамиз.

Спорт билан шуғулланиб ёшлар ўзларида жасорат, довюраклик, ирода, дадиллик каби Ватан ҳимоячиси учун жуда зарур сифатларни шакллантирадилар. Ёшларни жисмоний ва ҳарбий-Ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳарбий-спорт ўйинлари ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш муҳим ўрин тутди. Бундан мақсад ўқувчи-ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизматга тайёрлашни такомиллаштириш, уларда Ватанпарварлик ҳисси, ўз халқи, миллий тарихий анъаналарини ҳурмат қилишни тарбиялаш ва Ватанни ҳимоя қилишга доим тайёр бўлишларини таъминлаш. Мусобақалар қондаси бўйича босқичлари, муддати, ташкилотчилари, командалар таркиби ва шу қабилар белгиланади.

«Шунқорлар» ҳарбий – спорт Мусобақалари Низоми

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ижроия Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги коллегияси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

коллегияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хунар таълими маркази коллегияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт Қўмитаси коллегияси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантирши жамғармаси бошқаруви. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги коллегияси. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташиклоти Марказий Кенгаши раёсати, Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати, Ўзбекистон Давлат Телерадиокомпанияси коллегияси, Ўзбекистон Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бошқарувининг умумий ўрта таълим мактаблари юқори синф ўқувчилари ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги талабаларни ҳарбий ватанпарвалик руҳида тарбиялаш, ўсмирларни Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматга ва ҳарбий билим юртларига ўқишга киришларига тайёрлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги

ҚЎШМА ҚАРОРИ

Республикамыз ўқувчи-ёшларини Қуролли Кучлар сафларида ҳарбий хизматга ва олий ҳарбий билим юртларига киришга тайёрлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўзаро маданий-спорт алоқаларни йўлга қўйиш, ёшларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб қилиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Касаба Уюшмалари Федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Телерадиокомпанияси

ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

1. Республика умумий ўрта таълим мактаблари юқори синф ўқувчилари ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги талабалар ўртасида мунтазам равишда ҳар йили «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилсин.

2. Мусобақаларнинг барча босқичлари ўтказилиши мобайнида спорт мусобақалари билан бир қаторда ўқувчи ва талабаларнинг бадиий ҳаваскорлик жамоалари, республиканинг таникли санъаткорлари иштирокида маданий дастурлар уюштирилиши белгилаб қўйилсин.

Мусобақаларнинг қуйи босқичлари Низомда белгиланган муддатларда Республиканинг барча умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунар таълими тизими юқори синф ўқувчи-талабалари ўртасида ҳар йили ўтказилиши, Республика финал босқичи эса навбат билан бир йил Халқ таълими вазирлиги тизими мактаб ўқувчилари, иккинчи йил ўрта махсус касб-хунар таълими тизими талабалари ўртасида ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

Қўшма қарорни имзоловчи вазирлик (ташкilot)ларнинг тегишли бошқарма ва

бўлинмалари зиммасига мусобақалар ўтказилишида белгиланган вазифаларни (1-илова) амалга ошириш вазифалари топширилсин.

Турнирнинг Низоми 2-иловага асосан тасдиқлансин.

Мусобақани ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси аъзоларининг таркиби тасдиқлансин, Ташкилий қўмитага вазирлик ва ташкилотлардан аъзо бўлиб кирган ходимлар ўз тизимларида мусобақаларни ўтказиш бўйича масъул эканлиги эслатиб ўтилсин. Ҳар бир вилоятда ташкилий қўмита тузилиб, улар ҳар бир босқичнинг ўтиши тўғрисида Республика ташкилий қўмитасига ахборот бериб борсинлар.

Вилоят ташкилий қўмитаси томонидан мусобақаларнинг якуний финал босқичига келадиган вилоят жамоасининг келиб-кейтиш ҳаражатларини қоплаш ҳокимликлардан сўралсин.

Мусобақанинг якуний финал босқичини ўтказиш сарф-ҳаражатлари хиссадорлик асосида қоплансин. Сарф-ҳаражатлар сметаси, мусобақани ўтказиш юзасидан ташкилий ва молиявий вазифаларнинг тақсимланиш жадвали тасдиқлансин. Хиссадорлик улушлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳисоб раками (N220212000900431392001. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки бош операция бўлими, МФО 00407) га ҳар йил март ойигача бўлган муддатда ўтказиб берилсин.

Ўзбекистон Давлат Телерадиокомпаниясидан турнирнинг Республика якуний босқичига 1ой қолган муддатда тегишли реклама роликларини тайёрлаб, бериб бориш сўралсин ҳамда қарорни имзоловчи барча вазирлик ва ташкилотларга ўз каналлари, нашрлари орқали мусобақаларни кенг ёритиб бориш вазифасн топширилсин.

10. Қарорнинг бажарилишини ва жойлардаги тузилмаларга етказилишини таъминлаш мазкур вазирлик ва ташкилотларнинг тегишли бўлимлари зиммасига юклатилсин.

1-илова.

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича масъул вазирлик, ташкилотлар орасида вазифаларнинг

ТАҚСИМЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

Мусобақанинг барча босқичларини ташкил қилиш ва ўтказишда ташкилий ва ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боради.

Мусобақалар давомида иштирокчилар, мураббийлар ва ҳакамлар учун совғалар ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Мусобақа давомида ўтказиладиган мусобақалар иштирокчиларини ўқ-дори ва бошқа ҳарбий анжомлар, ётоқ жойи билан таъминлайди.

Мусобақа давомида ўтказиладиган Мусобақаларда иштирокчилар, мураббийлар

ва ҳакамлар учун совғалар ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ аълими вазирлиги

Вазирлик барча тизимлари ўқувчиларини мусобақаларга оммавий равишда жалб этади.

Мусобақалар давомида иштирокчиларни спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминлайди.

Мусобақалар давомида иштирокчилар ва мураббийлар учун совғалар ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

- Мусобақалар давомида тиббиёт ходимлари, тез тиббий ёрдам машиналари ва дори-дармонлар билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги,

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази

Талабаларни мусобақаларга оммавий равишда жалб этади.

Мусобақалар давомида иштирокчиларни спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминлайди.

Мусобақалар давомида иштирокчилар ва мураббийлар учун совғалар ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси

- Мусобақалар давомида иштирокчилар, мураббийлар ва ҳакамлар учун совғалар ажратади.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси

- Мусобақалар давомида иштирокчилар ва мураббийлар учун совғалар ажратади.

Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти

Мусобақа давомида ўтказиладиган ёзги биатлон мусобақалари бўйича иштирокчиларини спорт анжомлари билан таъминлайди.

Мусобақалар давомида иштирокчилар ва мураббийлар учун совғалар ажратади.

Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси

- Мусобақалар давомида иштирокчилар ва мураббийлар учун совғалар ажратади.

Ўзбекистон Давлат Телерадиокомпанияси

- Мусобақанинг барча босқич мусобақаларини, Республика финал босқичини ёритиб боради.

- Республика финал босқичи очилишига бир ой муддат қолганда турнир ҳақида реклама роликлари тайёрлаб, бериб боради.

«Нуроний» жамғармаси

- Мусобақа давомида ўтказиладиган мусобақаларда иштирокчилар, мураббийлар ва ҳакамлар учун совғалар ажратади.

2- илова

"Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаси тўғрисида

НИЗОМ

Ўзбекистон ёшларининг Республика **"Шунқорлар"** ҳарбий-спорт мусобақаси чақирув мавсумигача бўлган асосий ва зарур оммавий-мудофаа ишлари қаторига кириб, умумий таълим ўрта мактаблари, лицей, гимназия, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўқувчи-талабаларининг жисмоний тайёргарликларини яхшилашга ва уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

1. "Шунқорлар" мусобақасининг мақсадлари.

Мусобақанинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ёшларда ватанпарварликни тарбиялаш, ўсмирларни Республика Қуролли Кучлари сафидаги хизматга ва ҳарбий билим юртларига ўқишга киришига тайёрлаш;

- ўқувчилар томонидан Ўзбекистон халқларининг ва Қуролли Кучларининг шакли, тарихини ўрганиш, аجدодларнинг бой анъаналари руҳида тарбиялаш:

- ёшларда мардликни, қатъиятлилиқни, куч-ғайратни, интизомни, жамоатчилиқка таянишни тарбиялаш;

- соғлом авлодни тарбиялаш;

2. "Шунқорлар" мусобақасини ташкил қилиш.

Ҳар ўқув йилининг бошида ҳар бир синфда ва бўлимда ўқувчиларнинг "Шунқорлар" мусобақасида иштирок қилиши учун бўлинмалар ташкил қилиниб, уларнинг орасидан бошқарувчилар таркиби сайланади:

Бўлинмадаги бошқарувчилар таркиби армия ёшигача булган ўқувчи-талабаларнинг ҳарбий тайёргарликларга бўлган билимини мустаҳкамлаб борадилар ва даврий ҳарбий варақа чиқаришни йўлга қўядилар.

Ҳар бир мактабда, билим юртида "Шунқорлар" мусобақаларида иштирок этиш учун бўлинмалар ташкил қилинади. Бўлинма умумий йиғилишида командирлар ҳамда шахсий таркиб билан ишлаш бўйича командир ўринбосарлари, штаб бошлиғи ва штаб аъзолари сайланадилар. Бўлинма бошлиқлари таркиби ҳар ойда бир маротаба ҳарбий варақа муҳаррирларининг ўқишини ташкил қилиб турадилар ҳамда "Шунқорлар" Мусобақаларининг ўтишини таъминлайдилар ва ҳар ойда деворий газеталар чиқарилишини йўлга қўядилар.

Ҳар бир бўлинмада ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиш куни ўқув юртларида белгилаб қўйилади, Шу куни Мусобақалашувчи бўлинмалар ҳарбий тарихни ўрганиш машғулотлари, танловлар, викториналар, мусобақалар, эстафеталар, олимпиадалар, ҳар хил ўйинлар ўтказадилар.

"Шунқорлар" мусобақалари доимо ўқишдан ташқари вақтларда ўтказилади. Дам олиш кунлари бўлинмаларда, тактик ўйинлар ҳамда жойларда ҳарбий-спорт иншооларни тартибга солиш ишлари олиб борилади.

3. «Шунқорлар» Мусобақасининг қатнашчилари.

"Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларида умумтаълим ўрта мактаб, лицей, гимназия, касб-ҳунар таълими тизими ўқув юртларининг 18 ёшдан ошмаган чақириқкача ёшларни тайёрлаш фанини ўтган ўқувчи-талабалари

иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Мусобақа катнашчилари ёш армиячи деб номланади. Уларга Мусобақа кунлари ҳарбий хизматга чақирилувчи мақомини бериб, уларга ҳарбий хизматга чақириқ қоғози берилади. Улар ҳарбий хизматга чақирилувчилар ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Мусобақа катнашчилари 12 нафар ёш армиячидан ташкил топган бўлинмадан иборат бўлиб, улар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим бўлади:

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

Ўрта мактаб ёки билим юрти ўқувчи (талаба)си эканлигини тасдиқловчи маълумотнома (сурати билан, муҳрланган).

Соғлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома (туман мудофаа ишлари бўлими қошидаги комиссия тиббий кўригидан ўтганлигини тасдиқловчи).

Шахсини тасдиқловчи кўкрак гувоҳномаси (бейджик).

Ҳар бир ёш армиячи учун ўт очиш қуролидан отиш нормативларини бажарганлиги тўғрисидаги мудофаа ишлари бўлими ёки ҳарбий қисм томонидан берилган маълумотнома.

4. "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақалари устидан раҳбарлик.

"Шунқорлар" ҳарбий-спорт Мусобақаларининг бош ташкилотчилари:

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази.

Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши.

Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши.

10. «Нуруний» жамғармаси бошқаруви.

Мусобақанинг бош ташкилотчилари ушбу мусобақаларни юқори савияда ўтказиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар:

- "Шунқорлар" ҳарбий-спорт Мусобақаларининг устидан амалий раҳбарлик қилиш учун бош штаб тузилади ва юқоридаги вазирлик, кўмита, жамғармалар ва ташкилотлар томонидан тасдиқланади. Жойларда Мусобақалар устидан раҳбарлик қилиш учун штаб ва унинг раҳбарлари тасдиқланади. Штаб Мусобақалар устидан раҳбарлик қилиб, ҳарбий-спорт ўйинлари юқори савияда тартиб интизомли, кўтаринки руҳда ўтишини таъминлайди. Мусобақалар натижалари тўғрисида штаблар ўзидан юқори штабга ахборот берадилар. Ахборотлар Мусобақалар ўтгандан кейин бир ҳафта муддат ичида берилади;

- штаб таркибида қуйидаги ташкилотлар: «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, иштирокчи вазирлик ва ташкилотларнинг жойлардаги бўлимлари вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари, байналминалчи жангчилар, ҳарбий таълим ўқитувчилари киритилади.

Билим юртлари ва мусобақалар ўтказиладиган ҳарбий кимс раҳбарлари ҳарбий-спорт мусобақалари устидан ҳарбий раҳбарликни ташкил этади, ҳамда синф раҳбарларини, ишлаб чиқариш усталарини, бутун ўқитувчилар жамламасини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга умумий сафарбарликни ташкил этади.

5. Ёш армиячиларнинг бўлинмада ва гуруҳдаги тайёргарликлари.

Ёшларни "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларига тайёргарлик ҳар ҳафталик тадбирларини ўз ичига олади. Ҳарбий-спорт машғулотлари, мусобақалар, эстафеталар, танловлар, викториналар, тактик ўйинлар, фавкулудда ҳаракатлар, қисқа масофага тез югуришлар, юришлар шулар жумласидандир.

Умумий сиёсий тайёргарлик.

Ёш армиячиларга қуйидагилар зарур:

Ўзбекистон Конституцияси бобларини, Ўзбекистон Қуролли Кучлари Низомини, Фуқаролик кодекси тегишли бўлимларини билишлари;

Ўзбекистон Давлат тузилиши, байроғи, герби ва мадҳияси ҳақида билишлари;

бугунги кунда Қуролли Кучлар олдида турган вазифаларни билиши;

ўзида ватанпарварлик, байналминал, Ватанга муҳаббат, Қуролли Кучлар сафида ҳарбий бурчини бажаришга сўзсиз тайёр туриш, юқори тартиб интизом, ўз Ватани олдидаги бурчини ҳис қилиш тўғрисида тарбиялаши;

- Ўзбекистон Қуролли кучлари Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик гарови ҳақида тушунча ҳосил қилишлари;

- ўзида мардлик, ўртоқларга меҳр-окибатли бўлиш, доим ёрдамга тайёр бўлиш, берилган топшириқни бажаришга доим тайёр туриши каби хислатларини тарбиялаши керак.

7. Ҳарбий-амалий турлар.

- Ёзги биатлон бўйича ва пневматик қуролдан ўқ отиш, кросс нормативларини бажарадилар.

8. Ўт очиш тайёргарлиги.

Калашников автоматининг, осколкали қўл гранатаси қисмларининг сирасорларини чуқур билиши, автоматдан ўқ отиш йўл-йўриқларини, қўл гранатасини қўзланган нуктага иргитишни ўрганиши;

кичик калибри, пневматик ўқ отув қуролларидан амалда қандай фойдаланиш тўғрисида тушунча ҳосил қилган бўлиши;

ўқ отиш қуролларини сақлаш қоидалари билан танишиб бориши; ҳарбий қуроллардан фойдаланганда ўзига ишонган ҳолда муомала қилиши зарур.

9. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий Низомлари.

Аскарларнинг ҳарбий интизом тўғрисидаги мажбуриятлари, қоровул хизмати тўғрисидаги билимларини чуқурлаштириши;

бошлиқлар томонидан берилган топшириқларни ҳарбий бурч деб билиш,

ҳарбий муомалага эътибор бериши;

- ўзида Ватаннинг Қуролли Кучларига муҳаббат, командирлар буйруқларини сўзсиз бажариши, юқори интизомли бўлиши ҳақида билимга эга бўлишлари лозим.

10. Саф тайёргарлиги.

Аскарларнинг сафга туриш олдидан ва сафдаги қоидаларини ўрганиши; Қурол Билан ва қуролсиз сафда туриш қоидаларини ўрганиши; сафда айтиладиган аскар қўшиқларини ўрганиши лозим.

11. Ҳарбий топография ва ҳарбий техника.

Ҳарита ва компас билан ишлашни ўрганиш;

горизонтга қараб ўзи жойлашган жойни аниқлаш каби тажрибаларга эга бўлиши, ҳамда ўзи қаерда жойлашганлигини маҳаллий буюмларига асосланиб аниқлаб, улар ҳақида ахборот бериш қобилиятига эга бўлиш; радиостанцияда ишлаш ва ундан фойдаланиб ахборот бериш усуллари билан танишиб бориш лозим.

12. Фуқаро ҳимояси бўйича тайёргарлик.

Оддий нафас олиш органларини ҳимоя қилиш асбобларини тузилишини ҳамда улардан қандай вазиятларда фойдаланиш усуллари билан доимо танишиб бориши;

фуқаро ҳимояси бўйича ҳарбий билим юртларида, ўқув муассасаларида ҳар хил табиий офатлардан аҳолини қутқаришга доир чора-тадбирлар қўллаш усуллариини ўрганиб бориши;

фавкулотда вазиятлар туғилган пайтларда ўзида руҳий тайёргарлик сифатларини тарбиялаш, фуқаро мудофааси тадбирларини натижа беришига ишонч хислатларини ўзида тарбиялаши зарур.

13. Тиббий-санитар тайёргарлик.

Оммавий қирғин қуролларидан заҳарланган касалларга ёрдам бериш учун фуқаро ҳимояси тиббий хизмати билимини чуқурлаштириш ва асосий вазифаларини ўрганиб бориши;

юкумли касалликларнинг олдини олиш ва беморларга ёрдам бериш борасидаги чора-тадбирларни бажаришда, заҳарланганда, бахтсиз ҳодисалар юз берганда, куйганда, жароҳатланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий кўникмаларни мустаҳкамлаши;

заҳарланган ва жабрланганда ёрдам бериш юзасидан ўзининг олийжаноблик бурчини бажариш, беморларга мурувватли муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялаш керак.

14. Жисмоний тайёргарлик.

Ҳарбий хизматга жисмонан тайёр бўлиш учун ўзида мардликни, ўз кучига ишониш иродасини мустаҳкамлаш, эпчилликни руҳий-маънавий баркамолликни тарбиялаш, жисмоний кийинчиликларни енгишга тайёр бўлиши керак.

15. "Шунқорлар" ҳарбий-спорт Мусобақаларини

Ўтказиш муддатлари:

Биринчи босқич - мактаблар, ўрта махсус ўқув юртларида - декабр-январ ойларида;

иккинчи (туман, шаҳар) босқич - феврал ойида;

учинчи (вилоят) босқич - март ойида;

тўртинчи (республика финал) босқич - май ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади. Ўтказиш санасини штаблар белгилайди.

16. Мусобақаларни ўтказиш жойи:

Штабнинг тавсиясига биноан Мудофаа вазирлиги ва унинг жойлардаги тузилмалари буйруғига асосан белгиланади;

мусобақаларнинг тантанали (очирилиши, ёпирилиши) қисмлари штаб қарорига асосан оммавий жойларда (стадионлар ва хоказо) ўтказиш мумкин;

Ҳарбий - тактик беллашувлар махсус белгиланган жойларда ўтказилади.

17. Мусобақаларга ҳакамлик қилиш:

Мусобақаларга ҳакамлик қилиш ҳакамлар ҳайъатига топширилади ва умуммусобақа қоидалари асосида амалга оширилади. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва бош ҳакам штаб томонидан тасдиқланади.

18. Ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш:

Мусобақаларни муайян босқичи мусобақаларда фақат биринчи ўринни эгаллаган жамоа кейинги юқори босқич мусобақаларидан қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритади;

жамоаларга ўринларни бериш тўғрисидаги ҳакамлар ва тегишли штабнинг қарори қайта кўриб чиқилмайди;

тартиб - интизомни бузган жамоалар жарима баллари билан жазоланади.

19. Жамоаларнинг мусобақаларда қатнашиш тартиби:

Жамоаларнинг мусобақаларда қатнашиш тўғрисидаги талабномалари штаблар белгиланган муддатларда қабул қилинади. Белгиланган муддатлардан кечиккан жамоалар талабномалари қабул қилинмайди;

жамоаларнинг мусобақалар Республика финал босқичига қатнашиш учун талабномалари 1 майгача қабул қилинади;

талабномаларга жамоа аъзолари ва уларга ҳамроҳлик қилувчи кишиларнинг тўлиқ рўйхати илова қилинади.

20. Жамоалар тайёрлаб келалиган атрибутлар ва уларга қўйиладиган талаблар.

1. Бўлинма аъзосининг кийими ва ташқи кўриниши.

- Жамоанинг кийими махсус тиктирилган бўлиши лозим. Қуролли Кучлар ҳарбий кийимлари ва бошқа ташкилотларнинг махсус кийимларини кийиб келиш таъқиқланади;

бош кийим бўлинма учун бир турда бўлиши шарт;

шахсини тасдиқловчи кўкрак гувоҳномаси (бейджик) чап кўкракка тикилади.

2. Шахсини тасдиқловчи. кўкрак гувоҳномаси (бейджик):

10 x 6 см ҳажмли намликдан ҳимоялаш жилдида бўлиши:

Мусобақа қатнашчисининг исм - шарифи ёзилган 4 х 6 см ҳажмли фотосурати ёпиштирилган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

3. Жамоалар ҳарбий-спорт беллашувида қатнашувини акс эттирувчи альбомни тайёрлаб келадилар.

21. Мусобақа беллашувлари ва танловлари:

Жамоаларнинг ўзаро саломлашишлари.

Умумий сиёсий тайёргарлик бўйича беллашув.

Мерганлик бўйича мусобақалар.

Ҳарбий варақалар танлови.

Фуқаро ҳимояси ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича беллашувлар.

Командирлар беллашувлари.

7. Жисмоний тайёргарлиги бўйича мусобақалар.

8. Ёзги биатлон мусобақаси.

6. «Шунқорлар» ҳарбий – спорт ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси

Ўрта махсус таълими ўқув масканлари ва ўрта мактабларда ҳар ўқув йили бошланишидан олдин ёшларнинг чақириққача бошланғич тайёргарлиги ва ватанпарварлик тарбияси режалаштирилишида «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинларини ташкил қилиш ва ўтказиш режаси тузилади. Бу режага биноан мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун ўқув юрти чақириққача таълим ўқитувчиси масъул этиб тайинланади.

Ўқув юрти бўйича «Шунқорлар» ҳарбий- спорт ўйинлари мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий ва ишчи гуруҳлар тайинланади, мусобақаларни ўтказиш босқичлари белгиланади

Биринчи босқич – мактаблар, ўрта-махсус таълим ўқув юртлари мусобақалари. 1-15 сентябрь давомида 10-11- синфларда ёки сўнгги икки ўқув йили ўқувчилари орасида «Ёшларнинг чақириққача бошланғич тайёргарлиги» (ЁЧБТ) дастури бўйича нормативларни бажариш мусобақалари ўтказилади. 1-5 ўринни эгаллаган ўқувчилардан синф ёки гуруҳ командаси тузилади.

Иккинчи босқич - ўқув юрти ғолиблиги учун мусобақалар.

Бу мусобақа март, апрель ойларида ЁЧБТ дастури яқунланишига бағишланган ҳарбий-спорт ўйинлари байрами доирасида ўтказилади.

Учинчи босқич – туман ва шаҳар мусобақалари.

Унда ўқув юртлардаги битирувчи синфларнинг ғолиб командалари иштирок этади.

Тўртинчи босқич – вилоят мусобақалари.

Бу босқич «Ватанпарвар» ҳарбий-спорт мусобақалари комплексини яқунлайди ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланади.

Мусобақаларнинг ҳамма босқичларида ушбу турларни киритиш мумкин:

Саф кўриги ва саф тайёргарлиги;

АКМ ва пневматик милтиқдан отиш;

Ф – 1 осколкали қўл гранатасини қўлда қурол билан узоқ масофага улоқтириш;
Турникда тортилиш;
Тўсиқлар чизиғи;
Фуқаро химояси ва тиббий тайёргарлик бўйича ҳарбий –спорт эстафетаси;
1000 м га кросс;
Ёзги биатлон («Ватанпарвар» МКТ режасига мувофиқ);
ЎзР Қуролли Кучлари Низомлари;
Умумий сиёсий тайёргарлик;
Ҳарбий топография;
Альбомлар кўриғи;
«Жанговар варақалар» кўриғи;
«Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари вимпеллари кўриғи.

12,13,14 бўлим мусобақалари алоҳида мусобақа деб ҳисобланади ва алоҳида тақдирланади.

Изоҳ: Мусобақаларда иштирокчилар заҳирадагиларсиз бутун бўлим билан иштирок этадилар. Бош хакам розилиғи билан қатнашчиларнинг касаллиғи сабабли мусобақаларда ўнта қатнашчи ҳисобида қатнашаш мумкин. Мусобақалар ЁЧБТ дастурига асосан, ЎР ҚК Низомлари ва йўриқномаларига асосан ўтказилади.

Барча мусобақалар турлари беш баллик системада баҳоланади. Бир қатнашчи иккинчиси билан алмаштириш (ўрнига қўйиш) командани автоматик равишда охириги ўринга туширади. Команда баллар ҳисобига қараб ўйиндан четлаштирилмайди.

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларида 10-11-синф, ўрта махсус таълим ўқув юр்தларининг сўнгги икки босқич ўқувчилари иштирок этишлари мумкин. Ҳар ўқув йили бошида ҳар бир синф ёки гуруҳ умумий мажлисида «Шунқорлар» ўйинида иштирок этиш масаласи муҳокама қилинади. Гуруҳлар (15-20 киши), секциялар ташкил этилиб, уларнинг командирлари сайланадилар. Гуруҳлардан синфлар сонига қараб батальон ёки взвод ташкил этилади:

8 тагача гуруҳ бўлса - взвод, ундан кўп бўлса - батальон дейилади. ўйин штаби тузилади.

Ҳарбий-спорт ўйинларини ташкил этиш шакли ва усуллари.

Ўйинлар штаби иштирокчиларни қуйидаги бўлимлар бўйича йил давомида тайёргарлигини ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилиши ҳақидаги ҳужжатлар. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни» ўрганилади. Ҳарбий Қасамёд машғулотлари, Қуролли Кучлар турлари ва Қўшинлар ҳақидаги билим машғулотлари ўтказилади.

Ўзбекистонлик жангчилар жасоратлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, ҳарбий-Ватанпарварлик мавзуси бўйича кинофильмлар намойиш этиш, жанговар шон-шуҳрат музейлари ва ҳарбий қисмларда бўлиш.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Низомлари ўрганилади. Ҳарбий интизом асослари, ҳарбий хизматчилар вазифалари ва улар ўртасидаги муносабатлар бўйича билимларини мустаҳкамлаш мақсадида машғулотлар, суҳбатлар, умумий ҳарбий Низом бўйича олимпиадалар ўтказилади.

Тактик тайёргарлик жангчининг жангдаги ҳаракатларига хос бошланғич билим ва маҳоратларини мустаҳкамлаш, ҳарбий қисм ҳарбий техникаси ва қуроллари билан таништириш бўйича машғулотлар ташкил этилади. Турли машқлардан ташкил топган эстафета давомида азимут бўйича жадал ҳаракат қилиш, жойни аниқлаш, ерга яшириниб олиш, сафланмок, ўрмалаб ҳаракат қилиш, тўсиқ ва ғовлардан ўтишни машқ қилишади.

Ўқ отар қуролларининг тузилиши, ўқ отиш қоида ва услублари ўрганилади. ўқ отиш тўғараклари ишлари ташкил этилади. Бўлимнинг энг яхши ўқчиси АК (мавжуд бўлса)ни қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича мусобақалар ўтказилади.

Фуқаролар мудофааси бўйича ўйин иштирокчилари билим ва амалий кўникмаларини мукаммаллаштирадилар:

- ФМ (фуқаролар мудофаси) сигнали бўйича ҳаракатларини;
- радиация ва химиявий разведка асбобларини ишлата билиш;
- шахсий ва умумий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни билиш;
- викторина ва эстафеталар ўтказилади.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича машқлар ташкил этилади.

Ҳарбий техник тайёргарлик.

Факултатив мусобақа, конкурс, тўғараклар ташкил этилади. Кўча ҳаракати хавфизлиги қоидаларини ўргатиш бўйича машғулот ўтказилади.

Жисмоний тайёргарлик.

Спорт секциялари «Саломатлик» нормалари бўйича тайёргарлик ва топшириш машғулотлари, конкурси бўйича тўсиқлардан ўтиш мусобақалари, спорт байрамлари ташкил этилади.

«Шунқорлар» ўйини ҳар бир батальондан ўйин иштирокчилари тайёргарлиги ягона кучи - ўқув юртида оммавий мудофаа ва спорт ишлари куни ҳисобланган «Ёш жангчи куни» таъсис этилади. Бу куни ёш жангчи тайёргарлик бўлимлари бўйича машғулотлар ўтказилади. Бу кун ўқув юрти директори томонидан тасдиқланади. «Шунқорлар» ўйини бўйича ҳамма чора-тадбирлар ўқув вақтидан ташқари ўтказилади. Ёш жангчи взвод ва батальонларида йил давомида ўтказиш учун тавсия этилган чора тадбирлар:

Сентябрь – ёш жангчи взвод, батальонларини ташкил этиш, бошқарув таркибини сайлаш;

Сентябрь–август – ҳарбий хизматга тайёрлаш ўқув базасига ёш жангчилар ғамхўрлиги кўрик-конкурси;

Октябрь – уч кураш бўйича мусобақалар (югуриш, граната улоқтириш, ўқ отиш);

Ноябрь-декабрь - «Хамжихатлилар ва кучлилар» конкурси (турникда тортилиш, арқон тортиш, отжимание);

Декабрь – оммавий мудофаа ойлиги ишларида иштирок этиш;

Январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Қаҳрамонлар изидан» перацияси;

Февраль - «Мудофаа» операцияси (фуқаролар мудофааси бўйича викторина, машқлар ва мусобақалар ўтказиш);

Март - «Мерган» операцияси (ўқ отиш турлари, ўқ отиш жойлари, мусобақа ўтказиш жойларини қуриш ва жиҳозлаш);

Май - «Аъло ўқиш, тайёргарлик ва Ватанни ҳимоя қилиш билан оталаримиз жасоратини давом эттирамиз» - жасорат дарси, Хотира кунига бағишланган вахтада иштирок этиш, 9-май-ўқув юртининг район парадида иштирок этиши; «Дельфин» операцияси; Ўқув юрти «Шунқорлар» ўйини финали.(ўқув йили якунига бағишланган ҳарбий спорт ўйинлари билан биргаликда ўтказиш мумкин).

«Шунқорлар» финал ўйинлари ҳар йили ўқув йили якунида ҳамма взводлар иштирокида ўтказилади, район, шаҳар, область ва республика ўйинлари эса шу штаблар ихтиёрига кўра, лекин уч йилда бир мартадан ўтказилади.1999 йили республикамизда «Шунқорлар» финал ўйинлари қандай ўтказилганини кўриб чиқамиз. Финал ўйинларига ўқув юрти (район, область)дан бир бўлим (12киши) иштирок этди. Финал иштирокчиларини район, шаҳар, область ўйинлари натижасига қараб бош штаб аниқлади.

Финал ўйинлари дастурида қуйидаги тадбирлар бажарилди:

Сафда юриш тайёргарлиги.

(Байрам кийимида)

Ҳарбий хизматчининг сафга туриши, сафдаги вазифалари, билимларини мустаҳкамлайдилар. Сафдаги машқларни бажаришни ўрганадилар:

- сафдаги ҳаракат;
- саф қўшиғи;
- жойда бурилишлар;
- қайта саф тортиш;
- командир ҳаракатлари;
- саф интизоми;
- кийим формаси;
- бўлинма эмблемаси;
- ташқи кўриниш.

Калашников автоматидан ўқ отиш

- 100 метр масофадан;
 - патронлар сони – 3 та;
- нишон № 4 айланмалар билан.

Ўртача балл АК дан ўқ отиш бўйича 12 иштирокчининг тўплаган балларнинг йиғиндисидан келиб чиқиб белгиланади.

Йўриқнома: ЁЧБТ дастури ва отиш курсига асосан.

Калашников автоматини қисмларга ажратиш ва йиғиш

(спорт формасида)

Мусобақада бўлинманинг 12 иштирокчиси қатнашади. Столда 12 та Калашников автомати бўлади. Мусобақа бошланишидан олдин 2 дақиқа ичида автоматни кўриб чиқишга вақт берилади. Икки қатнашчи натижалари қўшилади ва иккига бўлинади ва ўртача балл команданинг ўртача сарфлаган вақти келиб чиқади.

Йўриқнома: ЁЧБТ дастури.

Ф – 1 осколкали гранатани қўлда автомат билан

узоқ масофага улоқтириш

Мусобақанинг ҳар бир иштирокчиси қўлига 3 тадан граната олади, 10 м масофага улоқтиради. Гранатани белгиланган жойдан белгиланган чиқиб кетиши ҳисобга олинмайди. ўртача балл иштирокчилар йиғган натижаларнинг йиғиндисидан келиб чиқади.

Йўриқнома: ЁЧБТ дастури, жисмоний тарбия йўриқномаси.

Турникда тортилиш

Турникда елка ва қўлларни ҳаракатлантирган ҳолда амалга оширилади. 3 секунддан ортиқ турникда осилиб туриш рухсат этилмайди. Даҳанни турникдан ошириб кўтариш керак.

Оёқларни бўш қўйиш ва тиззаларни озгина букишга рухсат этилади. Силтаб кўтарилиш ман этилади.

Йўриқнома: ЁЧБТ дастури ва ҚҚ жисмоний тарбия йўриқномаси.

1000 метрга кросс

(спорт формасида)

1000 метрга кроссни мусобақаларнинг барча қатнашчилари бажарадилар. Натижалар секундомер Билан биринчи ва охириги иштирокчининг натижаларига қараб белгиланади. Йиғинди иккига бўлинади, ўртача натижа команданинг асосий баллари ҳисобланади.

Йўриқнома: ЁЧБТ дастури, ҚҚ жисмони тарбия йўриқномаси.

Тўсиқлар чизигини бартараф этиш

Масофа 200 м қуролсиз бажарилади, бошланғич ҳолат тўсиқлар чизиги олдида ётган ҳолда.

«Олға» буйруғига биноан:

- ётган ҳолда 20 м га граната улоқтириш (№ 1 нишон, нишонга тегса ҳисобга олинади), сакраб ғов ёнигача югуриб бориш;

- 2,5 м кенгликдаги ғовдан сакраб ўтиш;

- лабиринтнинг ўнта йўналишидан ўтиш;

-«куч билан» ёки «осилиб» девордан ошиб ўтиш;

- тик турган нарвондан бузилган кўприкнинг қайрилган томонига ўтиш, ходалар бўйича югуриш, узилишлар жойидан сакраб ўтиш, охиридан тик тик турган ҳолатда пастга сакраб тушиш;

- бузилган нарвоннинг биринчи, иккинчи, учинчи босқичларини оёқларни ерга теккизган ҳолда босиб ўтиш, тўртинчи босқичидан деворга югуриб чиқиш;

- ўтиш мумкин бўлган ёриқлардан фойдаланиб девордан ўтиш;

- хандаккача югуриб бориш, унга сакраб тушиб ер ости йўли билан қудуккача югуриб бориш;

- иккита граната олиб ердан уни девордаги ёриқдан ёки девор ортидаги 2,6 x 3 метрли майдонга қудукда турган ҳолда отиш;

- қудукдан сакраб чиқиш, девордан сакраб ўтиш;

- бузилган нарвон бўйича пастга югуриш;

- вертикал нарвон билан бузилган кўприк ходасига чиқиш, унинг узилган жойларидан сакраб ўтиш ва доска олдиғача югуриб бориш;

- 2 м узунликдаги ғовни уддалаш, 20 м югуриб финиш чизиғини кесиб ўтиш.

Изоҳ: Старт бошланишида команда биттадан қтор туради, биринчи иштирокчи машқларни бажариб бўлиб иккинчи иштирокчига қўлини теккизади, сўнг иккинчи иштирокчи машқларни бажаришга киришади. ўртача балл биринчи ва охирги иштирокчилар натижасига қараб белгиланади.

Агар иштирокчи йиқилиб тушса унга жарима 30 секунд берилади. Бу вақт команда вақтига қўшиб ҳисобланади.

Фуқаро ҳимояси бўйича эстафета

(спорт кийимида)

Фуқаро ҳимояси эстафетаси қуйидагиларга бўлинади:

- медицина ёрдами кўрсатиш – ярадорни қўлда кўтариб бориш;

- противогаз кийиш – 200 метрга югуриш;

- ОЗК кийиш – 100 метрга югуриш.

Фуқаро ҳимояси ва тиббий санитария тайёргарлиги бўйича эстафета қуйидаги тартибда ўтказилади:

- старт бошида икки иштирокчи судянинг буйруғи билан комбинезонда противогаз кийиб жабрланган одам томон 100 метр югуради, жабрланганнынг оёқ тўпиғи зараланган. Унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, уни кўтариб 100 метр масофада финиш томон югурадилар;

- эстафетада 3 иштирокчи қатнашади, эстафета 3 босқичга бўлинади: босқич – противогаз кийиб 200 метрга иккинчи иштирокчи томон югуриш, унга қўл билан тегиш;

босқич – иккинчи иштирокчи комбинезон шаклида ОЗК кияди ва 100 метр учинчи иштирокчи томонюгуради, унга қўли билан тегиши шарт;

босқич – иштирокчи противогаз кияди ва 200 метр финиш томон югуради.

Эстафета вақти стартдан финишгача ҳисобланади.

Ёзги биатлон.

(Спорт формаси)

3 киши иштирок этади. масофа 2000 метр. 2 чегарага ажратилади.

1. 1000 метрга югуриб, ётган ҳолда ўқ узиш.

2. 1000 метрга югуриб, турган ҳолда ўқ узиш.

Биринчи босқичга 10 та ўқ, иккинчи босқичга 5 та ўқ берилади. Вақт
стартдан бошлаб масофа охирида ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Низомлари (байрам кийимида)

Бу босқичга бутун команда келади, ҳакам столида саволлар 10 та конверт бўлади. Команда капитани улардан биринчи олади, команда учун тайёрланишга 1 минут берилади. Конвертда 10 та савол бўлиб, улардан 5 тасига команда аъзолари жавоб беради. Саволлар ЁЧБТ дастурига асосан тузилган.

Жавоблар 5 балли система асосида баҳоланади.

ЎР ҚК Низомларидан қуйидагича саволлар берилиши мумкин:

Ҳарбий хизматчиларнинг умуми мажбуриятларини гапириб беринг.

ЎР ҚК мавжуд бўлган ҳарбий унвонларни айтиб беринг.

Ҳарбий интизом, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиринг.

ЎР ҚК Низомларини тушунтириб беринг.

Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига бериладиган имтиёзлар.

Оддий аскарларга қўлланиладиган интизомий таъзир чоралари.

Взвод бўйича посбоннинг вазифалари.

Взвод бўйича посбоннинг хизмат ўташ жойининг жиҳозланиши.

Ҳарбий хизматчиларнинг сафга туриш олдида ва сафдаги мажбуриятлари.

Ҳарбий Қасамёднинг ҳарбий хизматчилар ҳаётидаги ўрни.

Ижтимоий – сиёсий тайёргарлик (байрам кийимида)

Бутун команда иштирок этади, ҳакам столида 10 та саволли конверт мавжуд. Команда командири улардан бирини олади, тайёргарлик учун 1 минут берилади. Конвертда 10 та савол бўлиб, улардан 5 тасига бутун команда бўлиб жавоб берилади. Саволлар ЁЧБТ дастурига асосан.

Жавоблар 5 балли система асосида баҳоланади.

Мусобақанинг бу кўринишида қатнашчилар қуйидагиларни билишлари лозим:

Ўзбекистон Конституцияси бобларини, ўзбекистон Қуролли Кучлари Низомини, Фуқаролик кодекси тегишли бўлимларини билишлари;

- Ўзбекистон Давлат тузилиши, байроғи, герби ва мадҳияси ҳақида билишлари;

бугунги кунда Қуролли Кучлар олдида турган вазифаларни билиши;

ўзида ватанпарварлик, байналминал, Ватанга муҳаббат, Қуролли Кучлар сафида ҳарбий бурчини бажаришга сўзсиз тайёр туриш, юқори тартиб интизом, ўз Ватани олдидаги бурчини ҳис қилиш туйғуларини тарбиялаши;

- Ўзбекистон Куролли Кучлари Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик гарови ҳақида тушунча ҳосил қилишлари;

- ўзида мардлик, ўртокларга меҳр-окибатли бўлиш, доим ёрдамга тайёр бўлиш, берилган топшириқни бажаришга доим тайёр туриши каби хислатларини тарбиялаши керак.

Ҳарбий топография ва ҳарбий техника.

Харита ва компас билан ишлашни ўрганиш;

горизонтга қараб ўзи жойлашган жойни аниқлаш каби тажрибаларга эга бўлиши ҳамда ўзи қаерда жойлашганлигини маҳаллий буюмларига асосланиб аниқлаб, улар ҳақида ахборот бериш қобилиятига эга бўлиш;

радиостанцияда ишлаш ва ундан фойдаланиб ахборот бериш усуллари билан танишиб бориш лозим.

Жанговар варақалар конкурси

Конкусга 5 та жанговар варақа қўилади. Ҳайъат улардан иккитасини танлаб олади, колганлари ҳам баҳоланади.

Жанговар варақалар қуйидагича баҳоланади:

- бадий безатиш;
- мазмунинг замонага мослиги;
- ватанпарварлик йўналиши.

Альбомлар конкурси

Альбомларда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

- «Шунқорлар» ўйинида амалга оширилган тадбирлар;
- ўқув юртининг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича олиб борган ишлари;
- бадий эстетик безатилиши.

Изоҳ: Альбомлар ва варақалар конкурси алоҳида баҳоланиб, тақдирланади.

в. Ҳарбий –спорт ўйинлари штаби мансабдар шахслари. Ўйинлар ўтказишнинг асосий мақсади ва жойи. Ҳарбий спорт ўйинларини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ҳарбий раҳбарнинг вазифалари. Таҳлил қилиш ва ўйинларга яқун яшаш.

Илгари айтганимиздек ўқув юртларида взводлар ёки батальонлар ташкил этилади, взводлар сони 8 та бўлиши мумкин. Агарда ўндан ортса, унда батальон тузилади.

Умумий йиғилишда батальон командири, штаб бошлиғи ва аъзолари, ҳамда жанговар (ҳарбий) варақа редактори тайинланади.

Батальон штаби «Шунқорлар» ўйини район штаби раҳбарлигида иш олиб боради. ўқув юрти раҳбари ҳарбий - спорт ўйинлари ташкилий –педагогик раҳбарликни олиб боради, синф раҳбарлари, педагогик жамоа ўқувчиларни ҳарбий-спорт ўйинларида фаол иштирок этишларига сафарбар қилинади, тўғри ва педагогик қарорларга келишга ёрдам беради. Консультантлар кенгаши

батальон штабига ўйинни ташкилий ва моддий таъминлашда амалий ёрдам курсатади.

Ўйинга методик ва педагогик раҳбарлик қилиш учун ўқув юртида ўқитувчилар, армия фахрийлари, заҳирадаги жангчилар, ота-оналар, ҳарбий қисм вакиллари, ОСО «Ватанпарвар» ходимларидан консультантлар Кенгаши ташкил этилади. Кенгаш Раиси этиб одатда директорнинг таълим-тарбия масалалари бўйича ёрдамчиси тайинланади, унинг ҳрин босари ҳарбий раҳбар бўлади.

Ҳарбий раҳбар - ҳарбий-спорт ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича бош консультант, унинг вазифаси директор, штаб ва консультантлар кенгаши билан биргаликда ўйинлар ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва унга тайёргарликни ташкил этиш.

У ҳарбий хизматчилар ва заҳирадаги ҳарбийлардан взвод мураббийлари тайинлайди, командирлар, штаб бошлиқлари аъзоларини ва бошқа фаоллар билан иш олиб боради, педагогик жамоани ўйинларда фаол иштирок этишга сафарбар этади. У ўйинлар бориши даврида ёш жангчилар ўз-ўзини бошқаришлари, фаоллиги, ташаббускорлиги ва ўқувчиларнинг ижодкорлиги ривожланиб боришига алоҳида эътибор қаратади.

Ҳарбий-спорт ўйинларини ташкил этишда уларни ўтказиш пайтида хавфсизликни сақлашни ҳам ишлаб чиқиш керак.

Ўқув юрти директори, синфдан ва ўқишдан ташқари тарбия ишлари ташкилотчиси, ҳарбий раҳбар, тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар болалар ҳаёти ва соғлиги, улар хавфсизлик чораларига риоя қилишларига жавобгарликларини эсда сақлашлари керак.

Ўйин давомида интизомни сақлаш, ҳамжихатлик, қоидаларга қатъий риоя қилиш, иштирокчиларнинг сўзсиз раҳбарга итоат этишлари—уларга риоя қилишнинг асосий шартидир.

Май ойида ўқув юртларида «Шунқорлар» ўйини якунлари кўриб чиқилади.

Асосий мақсадга қанчалик эришилгани аниқланади - хизматга чақирилувчи ёшларнинг ёш жангчи тайёргарлиги ҳажмида олган ва мустаҳкамланган билим ва амалий маҳоратларига баҳо берилади.

Взводлар ишлари таҳлил қилиниб қуйидаги кўрсаткичлар бўйича энг яхши ёш жангчилар аниқланади: туристик поход ва қидурув ишлари иштирокчиси; спорт секциясида шугулланувчи, ҳарбий-техник тўғарак иштирокчиси

Взвод батальон биринчилиги мусобақаларида кўрсатган натижалари, «Саломатлик» нормативини топшириши, ёш жангчини тайёрлаш бўлимларини ўрганишда фаоллигига қараб хизматга тайёрлаш бўйича ўзлаштиришлари натижаси баҳоланади.

Ёш жангчиларнинг ўйинларда иштироки взводларда муҳокама этилади. Взвод командири ҳар бир иштирокчига баҳо беради, ҳарбий консультант бўлишнинг оммавий-мудофаа ишларига умумий баҳо беради.

Бу кўрсаткич баҳолар батальон штабига етказилади, якуний ахборот ва батальоннинг «Шунқорлар» финал ўйинларида иштирокчига ариза юборилади.

Батальон штаби аризаларни ва взвод якуний ахборотини кўриб чиқади ва уларнинг йил давомида оммавий-мудофаа ва спорт ишлари натижаларини ҳисобга олиб, бўлимни финал ўйинларида иштирок этишлари ҳақида қарор қабул қилади.

Финал иштирокчилари аниқлангандан сўнг батальон командири финал ўйинларини ўтказиш ҳақида якуний буйруқ чиқаради.

Батальон штаби консультантлар кенгаши ёрдамида финал ўйинларини ўтказиш дастури ва батафсил режасини ишлаб чиқади. Бу ишга иштирокчилар кенг жамоатчини жалб этилади.

Финал ўйинлари ўқув «Умум қўшин жанги» хужуми, разведка, десант ва рақибнинг орқа томонига рейдлардан иборат бўлади. Агарда ёш жангчилар ёнида оталиқ ҳарбий қисмидан офицерлар, сержант ва солдатлар бўлиб уларга маслаҳат ва йўл кўрсатиб уларни дадил ҳаракатларга руҳлантирсалар яхши натижа беради.

Бунга тайёргарлик кўришда бошқа қўшни мактаб билан кучларини бирлаштириб ўқув жангини ўтказишни ташкил этиш мумкин.

Финал ўйинлари давомида, шунингдек Иккинчи Жаҳон уруши иштирокчилари ва байнанминал жангчилар билан учрашувлар, жанговар(ҳарбий) варақалар конкурслари ўтказиш, хотира жойларида бўлиш, Ватан учун жангларда қурбонларни хотирлашни ташкил этилади. Бир сўз билан айтганда, бу ўйинлар фақатгина ёшларни ҳарбий-спорт тайёргарликларини текшириш эмас, балки уларда Ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш воситаси ҳам бўлиши керак.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ёшларни ватанпарварлик тарбиясида ҳарбий-спорт ўйинларининг ўрни ва аҳамияти?
2. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобоқалар қайси вазирликлар ва ташкилотлар томонидан мувофиқлаштирилган?
3. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобоқалар ўтказишда Мудофаа вазирлигининг вазифалари нималардан иборат?
4. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобоқаларнинг раиси ким томонидан тайинланади?
5. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобоқаларга неча ёшгача бўлган ёшлар жалб этилиши мумкин?
6. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобоқалари спортнинг қайси турлардан иборат?
7. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобоқаларининг ўтказиш муддатлари?

8. Ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказишда «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик» ўқитувчисининг вазифалари?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Имитация қилиш – маълум бир нарсага ўхшаб тахдид қилинган машқ; Жанговар машиналар парки – жанговар техникалар турар жойи.

13. Ҳарбий қисмларда бўлиш ва ҳарбий хизматчилар ҳаёти билан танишишни ташкил этиш ва ўтказиш.

а. Ҳарбий қисмда бўлиш мақсади, вазифалари, мазмуни.

Ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси узлуксиз жараён бўлиб, оила, мактаб, маҳаллаларда, Қуролли Кучлар сафида хизмат давомида амалга оширилади.

Ўқувчи ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, нафақат ўқув юрти ҳарбий раҳбари, ўқитувчилари, балки кенг жамоатчиликнинг, ота - оналарнинг ҳам мажбурияти. Бу иш учун туман, шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари, «Ватанпарварлик» МКБ, оталиқ ҳарбий қисмлар ва ҳарбий билим юртлари ҳам масъул. Ушбу маърузада биз ўқувчи ёшларнинг ҳарбий қисмларда бўлишининг, уларда Қуролли Кучлар сафида хизмат учун зарур сифатларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритамиз.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Халқ таълим вазирлигининг 1994 йил 10 январдаги буйруғи билан кучга кирган. «Ўзбекистон Республикаси ўсмирларни чақириқча тайёрлаш ҳақидаги» низомда қуйидаги фикрлар ва сўзлар ёзилади:

12- модда: Гарнизон бошлиқлари буйруқ билан ўқув муассасаларини ҳарбий қисмлар, ҳарбий билим юртлари, олий ўқув юртлари ҳарбий кафедраларига ёшларни чақириқча тайёрлаш ва ҳарбий ватанпарварлик ишини олиб боришни мустаҳкамлайди.

13- модда: ҳарбий қисм командирлари, ҳарбий билим юртлари бошлиқлари, олий ўқув юрти ҳарбий кафедра бошлиқлари:

- жанговар тайёргарлик аълочиларининг ёшлар билан учрашувларини ташкил этади;

- ёшларни шахсий таркиб билан жойлаштирилиши ва ҳаёти, қурол- яроғ ва ҳарбий техника билан таништиради;

- ҳарбий отиш жойлари, ўқув майдонлари, спорт шаҳарчаларини машғулотлар ўтказиш учун тақдим этади;

- оталиқ ёрдами тартибида офицер ва сержантларни автоматдан жанговар патронлар билан отиш учун ажратади, қурол, ўқ-дори ва имитация воситаларини тақдим этади;

- мудофаа ишлари бўлимлари ва халқ таълим бошқармаси ҳарбий раҳбарлари билан методик ишларни ўтказиш, чақириқча тайёрлаш, ҳарбий ватанпарварлик ва жисмоний тарбия моддий - ўқув базасини такомиллаштиришда ёрдам кўрсатади.

Ҳарбий шаҳарча элементлари: штаб, казарма, плац, жанговар машиналар парки, клуб, ошхона.

Ҳарбий қисмда бўлиш ҳарбий раҳбар томонидан ўқув йили бошида режалаштирилади ва ҳарбий қисм билан мувофиқлаш-тирилади. Мазкур режа

ҳарбий қисм ва ўқув юрти раҳбари томонидан тасдиқланиб, унда жумладан, қисмда бўлиш вақти белгиланади.

Ҳарбий қисм ва ўқув юрти ҳамкорлигидаги ишларининг режаси ҳамда намунасини кўриб чиқамиз.

«Тасдиқлайман»

00000-ҳарбий қисм командири

майор _____ А.Каримов

«» август 2007й

«Тасдиқлайман»

Ўқув юрти директори

_____ Э.Мансуров

«» август 2007й

00000-ҳарбий қисм ва 00-сонли ўқув юрти

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси юзасидан ҳамкорликдаги

РЕЖАСИ.

т/р	Тадбир	Сана	Ўтказиш жойи	Масъул шахс
1.	Ҳарбий хизматчилар турмуши, курул - яроқ ва техника билан таништириш.	Октябрь	Ҳарбий қисм	Ҳарбий раҳбар
2.	Қисм ташкил этилган санага бағишлаб бадий ҳаваскорлик катнашчиларининг жангчилар олдида чиқиши.	ноябрь	Ҳарбий қисм.	директор муовини
3.	Ўқувчиларга ЎҚТ ўқув моддий базасини яратиш ва такомиллаштиришда ёрдам кўрсатиш.	доимий	ўқув юрти	1-МУБ командири
4.	Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлар ташкил этилган санага бағишланган тантанали кеча.	январь	ўқув юрти	Тарбиявий ишлар бўйича бўйича командир ўринбосари ва директор муовини
5.	Ҳарбий қасамёд кунини жангчиларни қутлаш, бадий ҳаваскорлар чиқиши	июнь	Ҳарбий қисм	Ҳарбий раҳбар
6.	Ўқувчиларнинг ҳарбий шахарчани ободонлаштиришда иштироки.	март	Ҳарбий қисм	1-МУБ командири билан ва директор муовини
7.	ЁЧҚБТ курси тугалланишига бағишланган ҳарбий - спорт байрамида ҳакам сифатида иштирок этиш.	апрель	Ўқув юрти	Ҳарбий раҳбар
8.	Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб офицерларнинг ўқувчилар билан суҳбати.	май	Ўқув юрти	Тарбиявий ишлар бўйича бўйича командир ўринбосари ва директор

				муовини
--	--	--	--	---------

Ҳамкорликдаги режани ҳ.қ. командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ва ўқув юрти ҳарбий раҳбари тузади ва имзолайди.

Режадан кўриниб турибдики, ҳамкорликдаги тадбирлар мақсади-ўқувчиларни ҳарбий қисм тарихи, жанговар техника ва қурол- яроқ билан таништириш, тантанали йиғилишларни Ўзбекистон республикаси ва Қуролли Кучлар байрамларига бағишлаб ўтказиш, биргаликдаги спорт мусобақаларини ташкил этиш. Уқувчилар жангчилар олдида концертлар билан чиқадилар, ҳарбий шаҳарчани ободонлаштиришда иштирок этадилар.

Бу каби ҳамкорлик ўқувчи ёшларни, жангчиларни ҳарбий Ватанпарварлик, байналминаллик, халқ анъана ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, огоҳлик, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги қуролли ҳимоясига тайёргарлик руҳида тарбиялашда кўмаклашади.

Ҳарбий қисмда бўлишни ташкил этиш методикаси билан батафсил танишамиз. Ҳарбий қисмда бўлиш ўқувчиларни ҳарбийлар ҳаёти, жанговар техника ва қурол- яроғ, жанговар ва ижтимоий - сиёсий тайёргарлик, қоровул хизмати ташкил этилиши билан таништириш мақсадида ўтказилади.

Ҳарбий қисмда бўлишдан аввал ҳарбий раҳбар ўқувчиларни ички хизмат низомининг жангчиларни жойлаштириш, ҳарбий шаҳарча элементлари билан таништиради, саёҳат давомида қисм штаби, казармалар, плац, жанговар ва махсус машиналар парки, клуб, ошхона, қоровул ва отиш шаҳарчалари, спорт шаҳарчаси, синфларда бўлинади.

6. Ҳарбий қисм штаби.

Штаб биносида қуйидагилар жойлаштирилади:

1. Коридорда (кираверишда) Ҳарбий Қисм жанговар байроғини сақлаш жойи. Жанговар байроқ доимо қоровул томонидан кўриқланади.

Бу 1-рақамли пост бўлиб, унга фақат жанговар ва ижтимоий- сиёсий тайёргарлик илғорлари тайинланади. Жанговар байроқ постда орденлар ва орден ленталари билан ўралган ҳолда ва ғилофда, гербли печать билан муҳрланган ҳолда сақланади. У тик турган ҳолатда жойлаштирилиши керак.

Жанговар байроқли постда Мудофаа вазирлигининг жанговар жасорат ва мардлик учун вимпел ва пул қутиси сақланиши мумкин.

2. Ҳарбий Қисм бўйича навбатчи хонаси.

Ҳарбий қисм бўйича навбатчиликка офицерлар, яъни камида взвод командирлари тайинланади.

Навбатчи хонасида қисм штаби офицерлари қуроллари сақланадиган шкаф жойлаштирилади. Навбатчи хонасида навбатчи ёки унинг ёрдамчиси доимий бўлиши шарт. Алоҳида топшириқлар учун штаб бўйича навбатчи ва чопар тайинланади.

3. Қисм кўмондонлиги хоналари: командир, унинг ўринбосарлари, хизмат бошлиқлари, махфий қисм, ХФУ (хизмат учун фойдаланиш) кутубхонаси.

Казарма.

Одатда батальон бир казармада жойлашади. Тегишли бино мавжуд бўлмаса, батальон бир неча бинода взводлаб жойлашиши мумкин.

Ҳар бир взвод жойлаштирилиши учун қуйидаги хоналар кўзда тутилади.:

- сийсий-оммавий ва маъданий-маърифий ишларни ўтказиш хонаси;
- взвод канцелярияси (яъни девонхонаси):
- қурол-яроғ сақлаш хонаси:
- взвод мулки ва ҳарбий хизматчилар шахсий буюмлари сақланадиган

хона:

- ювиниш хонаси:
- қурол тозалаш хонаси:
- пойавзал тозалаш ва чекиш хонаси:
- маиший хизмат хонаси:
- кийим ва пойавзал қуриштириш хонаси:
- шахсий бўлим учун махсус хона.

в. Ётоқхона.

Шахсий таркибни ётоқхонага жойлаш учун ҳар бир ҳарбий хизматчи учун 2,5 – 4м² майдон ажратилади. Бунда ҳаво ҳажми бир одамга 9-12м³ дан кам бўлмаслиги керак.

Ётоқхонада кроватлар шундай жойлаштириладики, ҳар бири ёки ҳар икки ёнма-ён кроват олдида тумбочкалар учун жой қолсин, кроватлар қатори орасида шахсий таркиб сафланиши учун зарур бўш жой бўлиши керак. Кроватлар ташқи деворларга 50 см яқинлашмай, бир текис жойланади.

Кроватлар бир ёки икки ярусда жойлаштирилиши мумкин. Хизмат кўрсатган МВ буйруғи билан взвод рўйхатига киритилган ҳарбий хизматчилар учун ёки фахрий солдатлар учун ётоқхонанинг кўринарли ерида кроват ўрнатилиб, доимий равишда намунали ҳолатда сақланади. Кроват ёнига Қаҳрамон портрети, жасорати баёни битилган тахтача осиб қўйилади.

Кроват олди тумбочкаси шахсий фойдаланиш учун буюмлар, ромолчалар, ёқа ва бошқа ювиниш воситалари учун мўлжалланган. Дафтар ва китоблар ҳам сақланиши мумкин.

Ҳарбий хизматчиларни ўрин-кўрпаси, адежал, чойшаб, жилтли ёстиқ ва матрасдан иборат. Ўрин- кўрпа бир ҳилда йиғилиши шарт. Ўринга кийим ва пойафзал билан ётиши мумкин эмас. Тегишли буюмлар сақланадиган сеткалар, темир шлемлар ва шахсий ёроғлар, противагазлардан ташқари, ётоқхонада шкафда ёки стелажларда сақланади (кроват тўри остига осиб қўйилиши мумкин). Шахсий таркиб қуроли қурол-яроғ сақлаш хонасида сақланади. Хона эшиги электртовушли сигнализация билан жиҳозланади, кўриш дарчаси мавжуд

бўлиб ва ичкарига очилади. Деразаларда темир панжаралар бўлади. Умивальниклар (ювиниш муолажаси) 5-7 кишига 1 та жўмрак ва взводга камида 2 та оёқ ювиш ваннаси ҳисобидан ўрнатилади.

Маиший ҳизмат хонаси кийим дазмоллаш столлари билан жиҳозланган ва зарур миқдорда дазмол, шунингдек, соч олиш, кийим, пойафзаллар майда таъмири учун зарур асбоб ва ускуналар қайчилар билан таъминланди.

Ҳарбий хизматчиларнинг барча буюмларига уларнинг ҳарбий билети рақами қўйилади. Взвод биноси ҳеч вақт қўриқсиз қолдирилмайди. Шу мақсадда взвод бўйича наряд, взвод бўйича навбатчи ва 3 та посбон таркибида тайинланади. Суткали нарядга взвод қурол-яроғи ва мулки, шахсий таркибни тунги вақтда қуриқлаш, шунингдек взвод биноси ва тегишли ҳудудда тартибни сақлаш юкланади.

Плац.

Бу Ҳарбий қисм саф тортиши, турли тадбирлар, ҳарбий маросимлар, саф тайёргарлиги машғулоти ўтказиш учун жойдир. Плац қуйидаги элементлар билан жиҳозланади: минбар, плац атрофида асосий саф усуллари: қурол билан ва қуролсиз сафда ҳаракатланиш, жойда ва ҳаракатда бурилиши: шунингдек, кийим кийиш, орден ва медалларни парад кийимида жойлаштириш ва ш.к. намуналари акс этган тахталар ўрнатилган.

Умумҳарбий низомларга асосан Плацда якка саф тайёргарлиги учун чизмалар қилинади.

Жанговар ва махсус машиналар парки.

Парк деб танк, автомобил, артиллерия ва бошқа техникани сақлаш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун жиҳозланган ҳудудга айтилади.

Машиналар, бошқа техника каби ёпиқ хоналарда ёки навес остида сақланади. Паркда парк бўйича навбатчи хонаси, назорат техник пункт, ҳаракат ҳавфсизлиги ва ҳайдовчиларга йўриқлар кўрсатиш, машина катталари инструкция хоналари, ювиш ва тозалаш пунктлари, техник қўрик ва таъмирлаш пункти, техникага хизмат кўрсатиш ва бино ташқарисидаги жорий ишлар учун зарур бошқа хона (жой) лар жиҳозланади.

Машиналар паркдан аввалда тасдиқланган наряд бўйича чиқарилади. Ҳар бир машинага офицер, прапоршик, сержантлардан катта (масъул) тайинланади. Парк қоровул ҳимоясида бўлади ва тартибни сақлаш учун навбатчи ва соқчилар тайинланади. Шахсий таркиб паркка иш ва машғулоти учун қатъий тарзда офицер, прапоршик ёки сержантлар бошчилигида қўйилади.

Машина экипаж (ҳайдовчи) лари паркка машинани олиб кириш учун йўл варақаси тақдим этилгач қўйилади.

Ошхона.

Солдат ва сержантлар ошхонага тоза кийим ва пойафзалд, взвод старшинаси ёки взвод командири ўринбосарларидан бирининг қатъий бошчилигида келиши шарт. Ҳар бир взвод учун жой ажратилган. Стол 4-10

кишига тузатилади. Ошхонада овқат чоғида тартиб сақланиши шарт. Овқатни бош киймда, шинель ва ишчи кийимларда ўтириб ейиш ман этилади.

Овқат тарқатишдан аввал врач (фельдшер), ҳарбий қисм бўйича навбатчи билан унинг сифати шунингдек, ошхона, идиш-товоқ ва анжомлар санитар ҳолатини текшириши шарт. Бундан ташқари овқат ҳар куни ҳарбий қисм командири ёки ўринбосарларидан бири томонидан текширилади.

Муддатли ҳарбий хизматчилар умум қўшин пайки.

Маҳсулот номи	Бир кишига гр. миқдорида.
қора нон	350
оқ нон	400
буғдой уни	10
турли дуккаклилар	80
гуруч	40
макарон маҳсулотлари	40
гўшт	175
балиқ	100
ўсимлик ёғи	40
сут	100
мол ёғи	30
тухум (хафтасига дона)	4
шакар	70
ош содаси	30
чай	1,2
картошка	600
карам	130
лавлаги	30
сабзи	50
пиёз	50
бодиринг, помидор	40
мева ва сабзавот шарбати	
кисел	50
мева- сабзавот экстракти	30

2. Жанговар таёргарликни ташкил этиш, отиш шаҳарчаси, ўқув синфлари.

Ўқув машғулотлари ва машқларда ҳарбий қисм бутун шахсий таркиб билан бўлиши шарт. Машғулотлардан фақат нарядда бўлган, ҳарбий қисм бўйича буйриқда кўзда тутилган шахслар озод қилинади. Ташқаридаги машғулотлардан соғлиғига кўра озод этилган солдат ва сержантлар билан взвод командири ёки бошлиқлар буйруғи билан синфда машғулот ташкил қилинади. Машғулотлар кун тартибида кўзда тутилган вақтларда сигнал бўйича бошланади ва

тугатилади. Машғулотга чиқиш олдидан бўлинма командирлари ва взвод командири ўринбосарлари қўл остидагиларни кўздан кечиради.: кийим қоида бўйича кийилганми, аслаҳа тўғри мустаҳкамланганми, қурол ўқланмаганми?

Машғулотлар, отиш ва машқлар тугагач бўлинма командирлари барча қурол, жанговар ва бошқа машиналар мавжудлиги ва комплектлигини, отиш қуроллари, ўқ - дори ва ўқув приборлари мавжудлигини шахсан текшириши шарт.

Қурол ва магазин сумкалари бўлинма командирлари томонидан текширилади.

Машғулот, отиш ва машқлар тугагач қурол ва танк аслаҳаси тозаланади, машиналарга техник хизмат кўрсатилади.

Ҳарбий қисм бўйича буйруқ билан белгиланган кунларда бўлинмаларнинг машғулотга чиқиши ва қайтиши офицер билан бирга олиб борилади.

Ҳар ҳафтада қисмда парк хўжалик куни ўтказилишидан мақсад қурол, жанговар ва бошқа техникага хизмат кўрсатилади, парклар, ўқув моддий база объектлари жиҳозланади ва ободонлаштирилади, ҳарбий шаҳарча тартибга келтирилади ва бошқа ишлар амалга оширилади. Жанговар тайёргарлик бўйича барча машғулотлар махсус ажратилган жойларда ўтказилади: синфлар, отиш шаҳарчаси, спорт шаҳарчаси, стадион, отиш жойи, тактик майдон, ўқув хонаси, саф плаци.

Отиш шаҳарчаси турли ҳолатдан пайдо бўлувчи ҳаракатдаги нишонга отишни аниқ қилиш, тўғри отишга ўргатиш, қўл гранаталари ва танкка қарши гранаталарни узоққа ва аниқ отиш, ўқ отар қуролни текшириш ва уни нормал ҳолатга келтириш учун жойлар билан жиҳозланади. Синфларда дарс ўтилади. Тренажерларда отиш усул ва қоидалари, ички ва ташқи балистика асослари, ҳаво шароитида ўқнинг ҳавода парвозига таъсири, машқ бажариш шартлари ва бошқалар ўрганилади.

Режада белгиланган кунда батальон ҳарбий отиш жойига барча ўқ отар қурол ва гранатометдан амалий отишлари ўтказиш учун келади. Тактик тайёргарлик машғулотлари взвод ва взвод таркибида махсус ажратилган жой, учустка, тактик майдонда ўтказилади. Машғулотлар техника қўллаб ёки пиёда тартибда ўтказилиши мумкин. Взвод шахсий таркиб, шунингдек жанговар отишли взвод машқлари батальон, бригада ва бошқа машқларда юқори бошлиқлар режасига мувофиқ иштирок этади.

БМП (ПЗМ) ва БТР ҳайдовчилари взвод техника бошчилигида треножёр ўқув машиналарида шуғулланадилар. Ҳайдов малакаларини автодромларда оширадилар.

Жанговар ва ижтимоий – сиёсий тайёргарлик режасида қатор бошқа предметлар: оммавий қирЎн қуроллари ва ундан ҳимояланиш, саф ва жисмоний тайёргарлик, ҳарбий мухандислик ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, ЎҚН ва бошқа ўрганишлар кўзда тутилган.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машқларида қуйидаги вазифалар ҳал этилади: шахсий таркибни Ўзбекистон Республикасига, ўз халқига ва ҳарбий қасамёдга

содиклик, ҳарбий бурчга садоқат, юксак жанговар ва ахлоқий психологик сифатлар, шунингдек Ватан тарихи ва санъатларига ҳурматни шакллантириш, ҳарбий хизматчиларни Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонларини, Олий Мажлис ва ҳукумат қарорларини, командирлар буйруқларини сўзсиз бажариш руҳида тарбиялаш;

- юксак ҳарбий интизомни сақлаш, уни мустаҳкамлаш бўйича амалий чораларни ишлаб чиқиш ва реализациялаш. Шахсий таркиб орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; ҳарбий хизмат ҳавфсизлигига зарур шароитларни таъминлаш, ўлим ва жароҳатларнинг олдини олиш.

- шахсий таркибни Ватанпарварлик, огоҳлик ва поклик, хизмат вазифаларини бажаришда собитлик руҳида тарбиялаш.

Спорт шаҳарчаси.

Шахсий таркибнинг жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлари учун мўлжалланган. У қуйидагилардан иборат:

(баланд ва паст) турниклар; граната улоқтириш жойлари; баландлик ва узоққа сакраш жойлари, ягона тўсиқли йўлка, волейбол, қўл тўпи, баскетбол ва ш.к. майдонлари.

Қоровул хизматини ташкил этиш, қоровул хизмати ўташга тайёргарлик жойи, суткалик наряд, уни тарқатиш.

Қоровул хизматини ўташ жанговар топшириқни бажариш бўлиб, шахсий таркибдан Гарнизон ва Қоровуллик хизмати Низоми қоидаларига аниқ риоя этишни талаб қилади. Хизматни бузишда айбдорлар интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Қоровул – жанговар байроқ, ҳарбий ва давлат объектлари, шунингдек, гауптвахта ва жазолаш батальонида сақланаётган шахсларни қўриқлаш бўйича жанговар топшириқни бажариш учун қуролланган ҳарбий бўлинма.

Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган ёш жангчи тайёргарлиги дастурини ўзлаштирмаган, суруштирув олиб борилаётган ҳаракатлар содир этган, бетоб ҳарбий хизматчиларни, шунингдек интизомий чора сифатида тайинлаш ман этилади.

Қоровуллар горнизон ва ички қоровулларга бўлинади. Ички қоровул ҳарбий объектларини қўриқлаш ва мудофаа учун тузилади.

Қоровул таркиби, қоровул бошлиғи, пост ва сменалар сонига кўра соқчилар, тарқатувчилар, зарур бўлганда қоровул бошлиғи ёрдамчиси ва транспорт воситалари ҳайдовчилари.

Объектлар бевосита мудофаа ва ҳимояси учун қоровул таркибидан часавой қўйилади. Часавой – унга ишониб топширилган постни қўриқлаш бўйича жанговар топшириқ бажараётган қуролланган соқчи.

Пост – часавойга қўриқлаш учун топширилган барча нарса, шунингдек у ўз вазифасини бажараётган жойи тушунилади. Объектлар патруллаш усулида қўриқланади. Айрим объектлар (жанговар байроқ) ҳаракатсиз соқчи томонидан қўриқланиши мумкин.

Часавойларга ёрдам учун дам олаётган смена ҳисобидан захира гуруҳи тузилиб, улар жанговар тривога сигналига кўра қоровул бошлиғи ёки тарқатувчи бошчилигида пост бузилган жойга келади ва вазиятга кўра иш тутати. Қоровул шахсий таркиби тегишли кийинган, соз бўлган қурол билан қуролланган бўлиши керак.

Ҳар бир автомат ва пистолет икки ўқланган магазин ҳисобида жанговар патронлар берилади. Бундан ташқари қоровул хонасида патронлар захираси ҳар часавойга 2 тадан граната бўлади.

Шахсий таркиб тайёргарлиги взвод командири томонидан олиб борилади. Машғулот ҳар бир объект ҳисобга олиб махсус жиҳозланган жой - қоровул шаҳарчасида ўтказилади. Қоровул шаҳарчаси кўриқланадиган объект макети билан жиҳозланади. Инструктаж беришда командир у ёки бу пост хусусиятлари, ёнғиндан сақлаш воситаларининг жойлашиши, телефон аппаратлари, қоровул бошлиғини чақириш, туман ўрнига эътиборни қаратади.

Инструктаждан сўнг взвод командири амалий машғулот ўтказади. Бунинг учун шаҳарчада кичик бинолар, ақоплар, пана жойлар, сим тўсиқлар, ёнғиндан сақлаш анжомлари, қурол ўқлаш каби жойлари мавжуд.

Машғулотдан сўнг қоровул қуролланади ва хизматга жўнайди.

Тарқатишда, шунингдек суткалик наряд ҳам бўлади. Суткалик наряд вазифаси: ички тартибни тутиб туриш, қурол, техника ва ўқ-дори, қисм (бўлинма) ва бино мулкани қуриқлаш ва бошқлар.

суткалик наряднинг одатий таркиби;

ҳарбий қисм бўйича навбатчи;

ҳарбий қисм бўйича навбатчи ёрдамчиси;

навбатчи бўлинма;

парк бўйича навбатчи ва соқчилар, навбатчи ҳайдовчи;

навбатчи фелдшер ёки саниструктор, медпункт бўйича соқчилар;

Назорат ўтиш жойи бўйича навбатчи ва унинг ёрдамчиси;

ошхона бўйича навбатчи ва ишчилар;

штаб бўйича навбатчи;

навбатчи сигналчи;

чопарлар.

Взвод суткалик нарядига: взвод бўйича навбатчи ва соқчилар киради. Офицер томонидан тайинланган навбатчилар тўппонча ва 2 та ўқланган магазин билан қуролланади. Қолганлар (қоровулдан ташқари) қинидаги ханжар билан қуролланади.

Суткалик нарядни тарқатиш янги тайинланган қисм бўйича навбатчи томонидан бажарилади.

Суткалик наряд сутка давомида (24 соат) хизмат ўтайди. Бунда уйқу учун кўпи билан 4 соат ажратилади. Суткалик наряддаги шахс дам олиш пайитида кийим ва пойафзалини ечишига рухсат берилмайди.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ёшларни ватанпарварлик тарбиясида ҳарбий қисмлар билан таништиришнинг аҳамияти?
2. Ҳарбий қисм ва ўқув юртларнинг ҳамкорликликдаги режаси қачон тузилади?
3. Ҳарбий қисм ва ўқув юртларнинг ҳамкорликликдаги режаси қимлар томонидан тузилиб, имзоланади ва тасдиқланади?
4. Ҳарбий қисмларда ўқувчи ёшларни нималар билан таништирилади?
5. Ҳарбий қисм ва ўқув юртларнинг ҳамкорликликдаги режаси нималардан иборат?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Система – одат тусига кирмоқ; Квалификация – маҳорат, босқич, даража; Двигатель – ҳаракатга солувчи механик жиҳоз, мотор.

14. «Ҳарбий ўқув юртлари».

а. Таълимий ва тарбиявий мақсад.

Ўзининг Қуролли Кучларини яратиш жараёнида ҳар бир аскарнинг хизматида яхши натижаларга эришиш учун хизматгача бўлган ёшлар билан ишлаш, ҳарбий билим юртларига номзодларни танлаб олиш сифати билан боғлиқдир. Бундан кўриниб турибдики Ўзбекистон Қуролли Кучлари олдида катта ва долзарб ечилиши керак булган саволлар, яъни ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига қарашли ҳарбий билим юртларига кириш учун ҳарбий йўналиш бўйича тайёрлаш керак бўлади. Бугунги кунда бу масаланинг муҳимлиги қуйидаги тамойиллар орқали белгиланади;

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, Қуролли Кучлар ўз армияси учун ҳарбий мутахассислар тайёрлашга мажбур бўладилар, бу эса ўз навбатида қийинчиликлар билан боғлиқ. (ўқув – материал база, муаллимлар таркиби ва бошқалар)

Икинчидан, Қуроллар системаси ва ҳарбий техниканинг мураккаблашиб бориши.

Учинчидан, хизмат вақти чекланганлиги учун, ҳар бир ҳарбий тайёргаликни бошидан бошлаш учун имконияти йўқ.

Тўртинчидан, ҳарбий хизмат ҳақида мактаб ўқувчилари жуда ҳам кам маълумотга эгалар. Шунинг учун айрим ёшлар учун Қуролли Кучларда хизмат қилиш фақатгина орзу бўлиб қолади. Агар мактаб ўқувчиси касб танлашда адашмаса, ҳарбий хизмат унинг ҳаёти мазмунига айланиб қолади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Олий ҳарбий билим юртлари, манзиллари ва уларнинг максадлари.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига офицер кадрларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси «Ҳарбий Доктрина» қонунлари, «Мудофаа ҳақида», «Умумий ҳарбий хизматга мажбурлик ва ҳарбий хизмат ҳақида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг буйруғи асосида ташкил топган, ҳамда ҳозирги кунда ҳам олиб борилмокда. Ушбу қонунлар Қуролли Кучларини қуриш концепцияси билан боғлиқдир. 26 февраль 1997 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 116-сонли қарорига биноан, 1998 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Миллий кадрлар тайёрлаш бўйича дастур»ларни ишлаб чиқиш кераклиги ҳақида айтиб ўтилди ва ушбу буйруққа қўл қўйилди. Бу буйруқда миллий мутахассисларни тайёрлаш даврнинг муҳим масалалари қаторига қўйилган ва Олий Кенгаш ҳарбий билим юртларини зиммасига қуйидаги вазифаларни қўйган:

ўқув тарбиявий жараёнлар сифатини жаҳон андозаларига мос равишда юқорига кўтариш;

янги ўқув усулларини замонавий педагогик ва ахборот олиш технологияларини қўллаш;

ёшларни миллий ғоя, умуминсоний қадриятларни билиш, Ватанга муҳаббат, Мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида ўқитиш ва тарбиялаш, ўқувчилар билан мунтазам равишда иш олиб бориш;

қобилиятли ва истеъдодли йигитларни аниқлаш ҳамда уларга чет элларда ўқиш учун шароит яратиш бериш;

чет эл мутахассисларига рақобат қила олиш учун ОХБЮ ларининг мутахассислик имкониятларини тарбиялаш ва ошириш;

моддий техник базани янги адабиётлар, замонавий жиҳозлар ва компьютер техникалари билан таъминлаш, ўқитувчилар ҳурматини ошириш учун шароит яратиш;

Республикадаги олий билим юртларининг ҳарбий факультет ва кафедраларида захира ва резервдаги офицер кадрлар тайёрланади. 1993 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 3 та олий ҳарбий билим юртлари жойлашган эди ва 3 мутахассислик бўйича офицерлар тайёрлашар эди. Ҳозирги кунда 17та олий таълим билим юртлари жойлашган ҳарбий факультет ва кафедраларида захира ва резервдаги офицер кадрлар тайёрланади.

1993 йилдан бошлаб барча ҳарбий билим юртлари офицер-кадрларини куп йўналиш бўйича тайёрлаш системасига утилди. Ушбу билим юртларда тайёрланаётган офицерлар мутахассислиги сони 1993 йил 3та булса, 1997 йилга келиб 43 тага етди. 1999 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг олий ҳарбий билим юртларида таълим олаётганлар сони 3500 минтагача етди. Улардан 200 мингтаси маҳаллий аҳоли ёшларидандир. Йилига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг сафи олий ҳарбий билим юртларида тайёрланган 900 офицерлар билан тулиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Қучлар Академияси 1994 йил Президентимиз И.А.Каримов бошчилигида ташкил этилган булиб, тезкор техник йўналиши бўйича олий квалификациядаги мутахассисларни тайёрлаш, тажрибалар утказиш ва илимий-педагогик илмий даражага эга булган мутахассисларни тайёрлайди. Укиш муддати 2 йилдан иборт.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти 1918 йилнинг 12 июлида ташкил топган. 1993 йил 1 июлдан билим юрти ҳозирги вақтда билим қуйидаги мутахассисликлар бўйича офицер кадрларни тайёрлайди:

- мотоўқчилар бўлинмаларини жанговар қўллаш;
- қўшин разведкаси бўлинмаларини жанговар қўллаш;
- тарбиявий ишлар бўйича офицерлар.

Чирчик олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти 1918 йилнинг 16 ноябрида ташкил топган булиб, у қуйидаги мутахассисликлар бўйича офицерларни тайёрлайди:

- танк бўлинмалари, қисмлари ва қўшилмаларини жанговар қўллаш;
- жанговар техникаларни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш муҳандислари;
- ҳаво десанти бўлинмалари, қисмлари ва қўшилмаларини жанговар қўллаш;
- ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг бўлинма, қисм ва қўшилмаларини жанговар қўллаш.

Самақандаги олий ҳарбий автомобил қўмондон – муҳандислик билим юрти 1969 йилнинг 20 ноябрида ташкил этилагн бўлиб, у қуйидаги мутахассисликлар бўйича офицер кадрлар тайёрлайди:

- автомобил бўлинмалари, қисмлари ва қўшилмаларини жанговар қўллаш;
- автомобил техникаларини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш муҳандислари;
- артиллерия бўлинмалари, қисмлари ва қўшилмаларини жанговар қўллаш;
- сапёр-муҳандис бўлинмалари, қисмлари ва қўшилмаларини жанговар қўллаш;
- таъминот хизмати мутахассислиги офицерлари.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти (ЖОХАБЮ) 1994 йилнинг сентябрида ташкил топган ва қуйидаги мутахассислик бўйича офицерлар тайёрлайди:

- верталёт учувчи-муҳандиси;
- самолёт ва вертолёт двигателлари бўйича муҳандис;
- авиация жихозлари бўйича техник;
- радиоэлектрон жихозлар бўйича техник;
- авиация қуrolлари бўйича техник.

Тошкент ахборот технологиялар университети (ТАТУ)даги махсус факультет 1993 йил 13 майда ташкил этилагн булиб, куйидаги мутахассисликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

- ўрта кувватли радиостанция ва коинот алоқа станциялари бўлинмаларини қўллаш;
- кўп каналли тропосфера ва узоқ масофали алоқа бўлинмаларини қўллаш;
- криптограммали ҳимоя хизмати ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- радиотехник разведка ва радиоэлектрон кураш;
- ҳаво ҳужумидан мудофаа радиотехника ва зенит-ракетали қўшинларини жанговар қўллаш.

в. Билим юртларига кириш учун - фуқаро ёшларга ҳарбий-профессионал йўналишни утказиш тартиби.

Профессионал зарурлик тушунчаси ва муаммони тушуниш инсонлар олдида куп вақтлардан бери туради. Профессионал саралаб олиш-бу тадбирлар системаси булиб, муайян мутахассисликлар бўйича психологик хусусиятлар билан ҳаммадан купрок тугри киладиган инсонларни танлаш имкониятини беради. Профессионал зарурлик тушунчаси асосан XX асрнинг бошида пайдо булди. Мактабда ҳарбий-профессионал йўналишнинг асосий мақсади-бу офицерлар касбини тавсия этиш, муайян ҳарбий мутахассислик ва ҳарбий билим юртини танлаш, 10-11- синф йигиларини ҳарбий билим юртларига кириш учун ҳар томонлама тайёрлаш.

Билим юртларда ўқувчиларни ҳарбий-профессионал йўналтириш масалалари куйидагилар:

Ўқувчиларга Ватанни ҳимоя қилиш лозимлигини тушунтириш ва уларнинг онгида шакллантириш;

Ҳарбий хизматни таклиф қилаган ҳар бир мутахассислик моҳиятини, талабларини, хусусиятларини тушунтириш;

Ҳарбий мутахассисликка қизиқишни шакллантириш;

Йигитларни ўзига хос хусусиятларини ҳарбий-профессионал имкониятларини ўрганиш ва ҳарбий мутахассисликни танлашда кўмак бериш;

Барча машгулотларда ва аввало биринчи навбатда чакириккача ҳарбий тайёргарлик (ЧХТ) машгулотларида, бу хусусиятларни шакллантириш.

Ҳарбий-профессионал йўналиш барча муаллим ва директор бошчилигида олиб борилиши лозим. Бу ерда ҳарбий раҳбарнинг хизмати жуда каттадир.

Ҳарбий – профессионал йўналишида иш олиб бориш тартиби ва талаблари.

Ҳарбий профессионал йўналишнинг ҳар тарафламалиги ва аниқлиги;

Йигитларнинг қизиқиш ва интилишларига қараб берилган тавсияларнинг тугри қилиши;

Шахсий ёндошиш ва ҳарбий таълимга булган тавсиялар принципи;

Ҳарбий-профессional йўналишнинг мунтазам булиши ва бир максaдни кўзлаши керак.

1)тайёрлантириш (5-8 синфлар)

2)Умумий тайёргарлик (9-синф)

3) Бевосита тайёргарлик (10-11 синфлар)

Тайёрлантириш даврининг асосий максaди, армияга мухаббат, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг офицерлик хурматини ошириш. Профессионал йўналишдаги ишларни, ўқувчилар билан биргаликда ота-оналар, маҳалла кумиталари, ҳокимият ва муҳофаа ишлари бошкармалари билан биргаликда олиб борилиши керак. Ҳарбий профессионал йўналиш куйидагиларни: алоҳида ва гуруҳий суҳбатлар утказиш, бадий адабиетларни уқиш, ҳарбий Ватанпарварлик руҳидаги кинофильмлар куриш, ҳарбий билим юртидаги курсант, офицерлар билан, захирадаги аскарлар ва интернационал бурчини бажарган жангчилар билан, ҳамда II Жаҳон уруши катнашчилари билан учрашувлар утказишни ўз ичига олади.

Ҳарбий профессионал йўналишнинг даврини куриб чиқамиз:

1 Тайёрлантириш даври 5-8 синф ўқувчиларини Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг яратилиш тарихи билан умумий таништириш, Ватан химоячилари касбига мухаббат уйғотиш, офицер касбига булган хурматни ёшлар орасида ёйиш. Бу иш ўқувчиларнинг ҳарбий Ватанпарварлик тарбиясининг асосий қисми ҳисобланади ва мактабнинг бутун жамоаси томонидан утказилади. Бу даврда ҳарбий хизмат, ҳарбий адабиетлар билан кизикаетган ҳамда офицер булишни орзу қилган ёшларга алоҳида эътибор бериш керак. Болаларда ҳарбий хизматга мойиллик уйғотиш максaдида улар ва уларнинг ота-оналари билан алоҳида суҳбатлар утказилади. Бу даврнинг охириги натижаси, ҳарбий хизматда булиш истагидаги ёшларни саралаб олишдир.

Умумий тайёргарлик даври 9-синфдан ҳарбий булишни истаган ўқувчилар билан ҳарбий профессионаллик йулида иш олиб боришни давом эттириш. Мактабда қўпгина ўқув дарсликлар боланинг дунёқарашини шакллантиришга оз булсада ўз ҳисасини қўшади. Бундай дарсликлар каторида алоҳида уринни тарих, жамиятшунослик, адабиет ва бошқалар эгаллайди. Ҳарбий касбга мустаҳкам кизикишни шу мактабнинг битириб кетган офицерлари билан, ҳарбий қисмларнинг сержантлари билан , II Жаҳон уруши катнашчилари, интернационал жангчилар билан учрашув утказиб туришни ташкил этган ва бунга бошчилиқ қилган ҳарбий раҳбарнинг хизмати каттадир. Ёшларни психологик томондан тайёрлашда ҳарбий раҳбар шахси ҳам катта таъсир қўрсатади, унинг ақлий қобилияти, ёшларни ўз орқасидан торта олиши ва ўзининг тартиб ҳамда тарбияси ёшларга яхши тарафдан таъсир қўрсатади.

3.Бевосита тайёргарлик (10-11 синфлар)

10-11 синфлардаги ўқувчиларни муҳофаа ишлари бошқармаси томонидан ҳарбий ўқув юртларига лойиқлигини аниқлаш учун, бирламчи саралаб олиш учун тиббий куриқдан ҳар бирини алоҳида утказилади.

Саралашнинг асосий мақсади боланинг айнан шу касбни танлашдаги асл моҳиятини билишидир.

Профессиял саралаш куйидаги уч боскични ўз ичига олади:

Мактаб.

Мудофаа ишлари бўйича бошкарма.

Ҳарбий билим юрти.

Мактабдаги профессионал саралаш йигитларнинг имкониятлари ва қобилиятлари, уларнинг дасрликни ўзлаштиришлари ва куйидаги:

Холатий ва Йигит шахсини шакллантирувчи ҳолатларни билишни ўз ичига олади.

Холатий – йигитнинг ота-оналари қаерда ва қим бўлиб ишлайдилар, оиласининг йигитга қандай таъсир қурсатаётгани, ўқувчининг тарбияси ва ота-оналар у билан қандай шугулланаётганликлари, оиланинг маънавий муҳити, йигитнинг ҳарбий билим юртга кириб ўқишига оиласининг муносабати. Мактабда қандай ўқийди, қайси фанларни яхши ўзлаштирган, қайси муаллим унинг учун авторитет бўлиб хизмат қилади, қизиқишлари, дустлари ва буларнинг ҳаммасини йигитга бўладиган таъсири.

Йигит шахсини шакллантирувчи маълум ҳолат-унинг дунёқараши, фикри, сиёсий етуқлиги, Республикада ва чет элларда содир бўлётган воқеаларга унинг қарашлари. Шу касбни нима сабабдан танлаётганлиги, нима учун офицер бўлишни истайди у еки бу билим юртини танлаш сабабини асослаб бериши, бу мутахассисликка йигитни нима жалб этди. Бу даврда унинг ҳарбий мутахассислик ҳақида қай даражада маълумотга эгаллиги қуриниб қолади (тулик, туликсиз, суст). Мудофаа ишлари бўйича бошқарув ва ҳарбий билим юртлари ҳар бир ташкилотларга хос бўлган саралашнинг шакл ва усуллари қуллаб қелмокда.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий билим юртларига кириш учун номзодларни саралаб олиш ҳар бир раҳбарнинг мажбуриятидир.

Билим юртларида ҳарбий раҳбар ўқувчиларнинг орасида ҳарбий – профессионал йўналишда ташкилий ишларни уюштирувчи ҳисобланади. Ҳарбий билим юртига кириш учун уни ҳар томонлама қамол топтириш, офицер бўлиш истагини шакллантири, мутахассислик танлашда, билим юртини танлашда ердан бериши қерак. Ҳар бир урта таълим даргоҳида ҳарбий мавзуда бурчак жихозланади. Унда ҳарбий мутахассисликни танлаш бўйича ҳарбий билим юртига кириш шарт, ўқувчиларнинг сони ҳақида аниқ ахборот орқали еритилади. Ҳарбий раҳбар йигиларни саралаш ва ҳарбий билим юртларига кириш учун тайёрлашда қумак бериши қерак. Синф раҳбарлари билан чақирикча қулган, шунингдек ҳарбий билим юртларига қришни хоҳловчи ва шу боисдан ариза топиширганларни таржимаи ҳолларини тайёрлаш ва имзо чекиш қерак.

Офицер бўлишни хоҳлаган 11-синф ўқувчилари билан алоҳида ва гуруҳий тарзда қушимча иш олиб қорилади. Бунинг учун ҳарбий билим юртига

кириш учун тайёргарлик кўрилади. (қуйидаги фанлар бўйича она тили, физика, математика, тарих).

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий билим юртларида уқиш истагини билдирган йигитлар билан ишлар режасини куриб чиқамиз.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
00-сонли ўрта мактаб
Директор _____А.Шаропов
«__»_____2002 йил

Ҳарбий билим юртларига 11- синф йигитларини саралаш ва кириш учун олиб бориш РЕЖАСИ

т/р	Ташкилий ишларнинг номи	Бажарилиш вақти ва маъсул шахс	Бажарилган ишларни белгилаш
1	Қуролли Кучлар ветеранлари, II Жаҳон уруши катнашчилари, мактаб битирувчилари ҳарбий билим юрти офицер ва курсантлари билан учрашувлар тайёрлаш ва утқизиш	Октябрь, ҳарбий раҳбар, ташкилотчи.	
2	11-синф йигитлари билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигига қарашли ҳарбий билим юртларини тавсия қилиш мақсадида суҳбатлар утқизиш.	Ноябрь, директор, ҳарбий раҳбар, синф раҳбари.	
3	11-синф ўқувчиларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг марказий музейига ва ТВОКУ музейига экскурсиялар ташкил қилиш.	Декабрь, ҳарбий раҳбар.	
4	Аввалги битирганлар ва ҳарбий билим юрти курсантларининг суъратлари билан жихозланган «Офицер-мардлар каби» номли стенд ташкил этиш.	Январь, ҳарбий раҳбар.	
5	Ҳарбий билим юртига киришни истаганларнинг ота-оналари билан суҳбатлар утқизиш	Февраль, директор, ҳарбий раҳбар.	
6	Ҳарбий билим юртига кириш учун ўқувчиларга ёзги жадвал тўзишда ёрдам курсатиш	Апрель, ҳарбий раҳбар.	
7	Ҳарбий билим юртига киришни истовчи 11-синф йигитлари ҳарбий билим юртларининг талаблари билан таништириш	Март ҳарбий раҳбар.	
8	Ҳарбий билим юртига қирувчиларга она тили, математика, физика дарслари бўйича консультациялар ташкил этиш.	Октябрь, апрель, муаллим, ҳарбий раҳбар.	

9	ФОК ва саломатлик нормативларини қабул қилишни таъминлаш.	Март	
10	Ҳарбий билим юрти да уқишни истаганларни билим юртининг кенгашида тинглаш ва билим юртига кириш учун йўлланма бериш.	Март, Директор	

Ҳарбий раҳбар

Унвони, имзо, исми, шарифи.

«_» _____ 2001 йил

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигига қарашли ҳарбий билим юртларига қабул қилиш шартлари. Билим юртига кириш учун ҳужжатлар, номзодлар олдига қўйилган талаблар. Олий ҳарбий билим юртларида ўқиш учун тайёрлантириш ва ўқишга йўналтириш.

Қабул қилиш шarti 20.04.95. йилдаги Маориф Вазирлигининг 69-сонли буйруғи ҳарбий билим юртларига Ўзбекистон Қуролли Кучларида ҳисобда турган офицерлар, муддатли ҳарбий хизматни утувчи аскарлар, ҳарбий курувчилар, - фуқаро ёшлар, муддатли хизматдан захирага бушатишган ҳарбий хизматга мажбурлар, билим юртини ҳарбий – профессионал йўналишида битириб ҳарбий билим юртларида уқишни хоҳлаганлар ва профессионал саралашнинг ҳамма талабларига жавоб берувчилар қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясида олий маълумотли офицерлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматда турувчи, Олий махсус-ҳарбий ёки олий фуқаролик маълумотига эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Олий ҳарбий маълумотли офицер кадрларни тайёрловчи ҳарбий билим юртларига муддатли хизмат ўтовчи ҳарбий хизматчилар, фуқаро ёшлар, ҳарбий хизматга мажбурлар, тўлиқ ўрта маълумотли, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганлар, ҳарбий профессионал йўналишда билим юртини битирганлар қабул қилинади.

Қуролли Кучлар Академиясига офицер вазифасида 5 йилдан кам хизмат қилмаган, қўйидаги қўмондонлик штаб вазифаларда ишлаганларни: батальон, дивизион ва уларга тенг 38 ёшдан катта бўлмаган командирларни; бригада (полклар) ва уларга тенг ҳамда ёши 42 ёшдан катта бўлмаган командир ўринбосарларини; ҳарбий матахассисликлари ва хизмат вақтидан қатъий назар муддатли хизматни ўтовчи ҳарбий хизматчилар, муддатли хизматдан захирага бушатишган 23 ёшдан катта бўлмаган ҳарбий-профессионал йўналишда билим юртларида таҳсил олганларни;

фуқаро ёшлар сафидан, 17 дан 21 ёшгача булган ҳарбий профессионал йўналишда тахсил олганларни қабул қилади.

фуқаро тиббиёт институти ҳарбий-тиббиёт қўллиятининг 4 - курсини тугатиб, даволаш бўйича педиатрия ва санитар-гигиеник факультетларида ўқиган талабалар, фармацевтика ва стоматология қўллиятларининг 3 - курсини тамомлаган ва 24 ёшдан ошмаган талабалар қабул қилинади.

Курсатилган куллиятларга тингловчиларни қабул қилиш имтиҳони профессионал саралашдан сўнг қабул содир бўлади.

Б) номзодларни профессионал саралаш.

ОБЮларининг ҳарбий раҳбарлари ҳарбий билим юртининг ҳаётини, Олий ҳарбий билим юртларига қабул қилиш шартларини, Қуролли Кучларда офицер таркибининг хизмат хусусияти ва шароитларини акс эттирувчи аниқ кўргазмалар билан аскарларни ва мудофаа ишларини ҳамда бошқарув ишларини таъминлайдилар.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизмига қарашли ҳарбий билим юртлар нима мақсадда ўз фаолиятини юритади?

2. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти қайси мутахассис кадрларни тайёрлайди?

3. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қайси мутахассис кадрларни тайёрлайди?

4. Самарканд олий ҳарбий автомобил қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қайси мутахассис кадрларни тайёрлайди?

5. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти қайси мутахассис кадрларни тайёрлайди?

6. Тошкент ахборот технологиялари университетидаги махсус факультетида қайси мутахассис кадрларни тайёрлайди?

7. Олий ҳарбий билим юртларига кимлар қабул қилинади?

8. Бўлажак ҳарбий кадрларга қўйиладиган талаблар?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Президиум – мажлисни олиб боровчилар ўтирадиган жой;
Федерация – бирлашувлардан ташкил топган уюшмалар; Судья – ҳакам.

15. Ҳарбий Ватанпарварлик тарбиясининг асослари.

а. «Саломатлик» мажмуаси ва унинг ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари хизматига тайёрлашдаги аҳамияти.

Ҳарбий Ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларидан бири – жисмоний тарбиядир. Жисмоний тарбиянинг бош вазифаси жангчиларда кундалик ҳарбий хизматда, шунингдек жанговар вазиятларда жисмоний матонатлилик, катта жисмоний юкламаларни бажариш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

Жисмоний чиниқиш - фақатгина тетиклик манбаигина бўлиб қолмай, Ватан ҳимояси ва меҳнатга тайёр бўлиб, бўш вақтни самарали ташкил этиш шакли ҳамдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги қонунида, жисмоний тарбия ва спорт шахсни баркамол бўлиб шаклланишида келажак авлод тарбиясидаги ўрнини белгилаган. Қонунда давлат ўз олдида шахсни баркамол ривожланишида фуқароларни ижоди кучли бўлиб, ривожланишлари учун барча имкониятларни кенгайтириш мақсадини асосий вазифа қилиб қўйди. Қонуннинг 1 - моддасида жисмоний тарбия Ўзбекистон Республикаси халқлари маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, унинг вазифаси ёшларни жисмоний ва ахлоқий тарбиялаш, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий истиқболи учун халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришишида жисмоний тарбиянинг ижтимоий мазмуни мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини жаҳонга кўрсатишдир. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари хизматида ёшларни тайёрлаш ишида «Саломатлик» мажмуасининг аҳамияти каттадир.

1. «Саломатлик» мажмуасининг мақсади ва аҳамияти ҳарбий амалий спорт турларини ривожлантириш ва тарғибот қилиш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси «Саломатлик» жисмоний мажмуаси.

1) Умумий қоидалар.

Ўзбекистон Республикаси «Саломатлик» мажмуаси ўқувчи, талаба ёшларни меҳнат ва мудофаага тайёргалик босқичини белгиловчи асосий меъёрий талаблардир. Ёшларни бу мажмуа меъёрларини талаб ва вазифаларини бажаришга тайёрлашда жисмоний тарбия дастурлари бўйича ўқув юртлари, чақириққача тайёргарлик марказлари, спорт секциялари, ҳамда жисмоний тайёргарлик ва мустақил тайёрланиш гуруҳларидаги тизими машғулотларни таъминлайди.

2. «Саломатлик» мажмуасининг тузулмаси. Республика жисмоний тарбия мажмуаси қуйидагилардан иборат:

а) «Ёш куч» 1-3- синф ўқувчилари учун.

«Спорт раҳбари ўринбосарлари» 5-9- синф ўқувчилари учун. «Куч ва ботирлик» 10-11- синф ва 18 ёшгача бўлган болалар учун. «Жисмоний баркамоллик» талаба ва 18-27 ёшдаги ўспиринлар учун.

б) Кўп тармоқли мажмуа 10-60 ёшгача бўлган ўқувчи талаба ва меҳнаткашлар учун.

3. Синов турлари ва меъёрлари:

мажмуа бўлимлари меъёрадаги инсоннинг асосий жисмоний хусусиятларининг ривожланиш босқичини белгилайди.

«Ёш куч»

Синов турлари	Меъёрлар	
	ўғил болалар	қиз болалар
	Топширди	Топширди
Югуриш 60м (секунд)	10,2	10,4
Югуриш 500м (секунд)	2,20	3,00
Баланд якка чўпга осилиш	5	-
Паст якка чўпга	-	10
Теннис тўпчасини отиш	24	16
Сузиш 28м	-	-

«Спорт раҳбари ўринбосарлари»

Синов турлари	Меъёрлар	
	ўғил болалар	қиз болалар
	Топширди	Топширди
Югуриш 60м (секунд)	9,4	10,2
Югуриш 1000м (дақиқа)	4,0	4,30
Баланд якка чўпга осилиш (марта)	7	-
Паст якка чўпга	-	12
Теннис тўпчасини отиш	32	22
Сузиш 25м	б/в	б\в

«Куч ва ботирлик»

Синов турлари	Меъёрлар	
	ўғил болалар	қиз болалар
	Топширди	Топширди
Югуриш 1000м (секунд)	14,5	16,7
Югуриш 2000м (дақиқа)	-	12,0
Югуриш 3000м (дақиқа) Баланд	15,0	-
якка чўпга осилиш	10	-
Ётган ҳолда, қўлга таянган ҳолатда	-	
қўлларни букиш.		10

700 г. граната отиш (м)	32	-
500 г. оғирликдаги гранатани отиш (м)	-	19
Сузиш 50 м	б/в	б/в

Бундан кўриниб турибдики меъёрлар болаларни жисмоний ривожланишини тезлатувчи ёш гуруҳларига кўра ишлаб чиқилган. Барча ёш гуруҳлари учун туристик саёҳатларда қатнашиш, тарихий, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига бориш, уларда мажбурий иштирок этиш эътиборга олинган. Бунда болалар барча маршрутларни ҳарита ва компас ёрдамида мўлжаллаб, чодирлар ўрнатиш, гулҳан ёқиш, овқат тайёрлаш, сунъий тўсиқларни енгиб ўтиш усуллари ишлаб чиқиш, жароҳат ёки бахтсиз ҳодисаларда тиббий ёрдам кўрсатиш кабиларни амалга оширишлари зарур.

Ўсмирлар учун бу машғулот ва малакалар армиядаги хизмат даврида жуда ҳам ас қотади. Бу мажмуа «Ватанпарвар» ни ўтиш босқичлари ҳисобланиб, жисмоний тарбия асосларини ташкил этади. У ёшларни доимий жисмоний хусусиятларини такомиллаштириш, уларда психологик қатъийликни, ўз кучига ишончни, чиниқиш ва бардошлиликни, ўз кучини бошқаришни, бўлажак Ватан ҳимоячиларини ҳарбий амалий малакаларини ўзлаштиришга ёрдам беради. Ёшларни жисмоний тарбиялашда ҳарбий амалий йўналганликни ўстириш бўйича ҳарбий раҳбар жисмоний тарбия ўқитувчиси билан ҳамкорликда ишни ташкил этади ва олиб боради. Улар болаларга «Саломатлик» мажмуасини аҳамиятини тушунтирадilar. Жисмонан такомиллашиш учун ҳарбий амалий спорт турлари ва ўсмирларни ҳарбий тайёргарлигини ташкил этишда бу масала бўйича мактабларда тарғибот ишларини, яъни болаларни ҳарбий амалий спорт турларига қизиқтирувчи тадбирларни ташкил этадилар. Ҳарбий раҳбар жисмоний тарбия ўқитувчиси билан ҳамкорликда турли спорт тўғараклари ва секциялари, айниқса ҳарбий амалий ва ҳарбий техник спорт турларини ташкил этади. бунда улар секция раҳбарларини ва тўғарак бошлиқларини ўз ишида фаол, билимдон, қобилиятли ўқувчиларни интилишига кўра машғулотларни қизиқарли ўткази оладиган, ўз ҳарбий спорт маҳоратларини такомиллаштиришга интилувчи инсонларни тайёрлайдилар. Тўғарак ва секция раҳбарлари билан қоидага мувофиқ «Ватанпарварлик» нинг вакиллари заҳирадаги зобитлар, маҳаллий гарнизон жангчилари, ҳарбий раҳбарлар машғулоти йўриқчиси сифатида тўғарак ишини методик иш билан таъминлайдилар, ҳамда секциялар ишига ёрдам берадилар.

Ҳарбий қисм ва ҳарбий ўқув юртлари билан бевосита алоқа ўрнатадилар. Жамият йўриқчиларини тайёрлашда жисмоний тарбия ўқувчилари ва ҳарбий раҳбарларнинг ўрни бекиёсдир.

«Йўриқчи» унвони спортнинг ҳарбий техник турлари бўйича туман, шаҳар «Ватанпарварлик» ЖСБ қумитасининг президиуми қарорига кўра жамоатчиларга берилади. Жамоат йўриқчиси бошланғич спорт ўқувчиларни

секция бошланғич ташкилотлар гуруҳларида ва «Ватанпарвар» клубларида ташкил этади. Жамоатчи мураббий спортчилар орасида секция ва гуруҳлар «Ватанпарвар» ташкилотининг ишларини олиб боради. Жамоатчилик, йўриқчилик, мураббийлик унвони куйидаги талабларга кўра берилади: йўриқчи спорт турлари бўйича 3 - разряддан кам бўлмаган спорт бўйича жамоатчи, йўриқномачилик тажрибасига эга бўлиши керак. 2 спорт разрядидан кам бўлмаган спорт турлари бўйича тайёргарликдан ўтиши шарт. Жамоатчи, йўриқчи ва жамоатчи мураббий унвони ўқув курсини ўтаб бўлгандан кейин берилади. Жамоатчилик мажбуриятларини бажариш ўз ихтиёрига кўра ёки «Ватанпарвар» ташкилотининг махсус топшириқларига кўра бажарилади. Йўриқчи ва мураббийлар назарий ва амалий тайёргарликни ўқув режасига асосан курс ва семинарларда оладилар. Малака ошириш ҳарбий техник спорт турлари бўйича йўриқчиларни тайёрлаш «Ватанпарвар» ўқув марказларида ёки улар топшириғи бўйича спорт федерацияларида олиб борилади. Жамоатчи йўриқчилар ва мураббийлар тайёрлаш асосий иш ва ўқишдан ажралмаган ҳолда олиб борилади. Жамоатчи йўриқчи ва мураббийлар ўзларининг куйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадирлар:

а) ўз соҳаси бўйича мустақил машғулот олиб бориш;

б) шахсий спорт такомиллаштириш ишлари учун «Ватанпарвар» ташкилот бошланғич идораларидан бепул спорт анжомлари, қурилмаларидан фойдаланиш;

в) спортнинг пуллик тадбирларига гувоҳнома тавсия қилиш бўйича эркин фойдаланиш ҳуқуқи. Жамоатчи йўриқчилари ва мураббийлари яна бир қатор ҳуқуқларга эгалар.

Улар куйидагилардан иборатдир:

А) тизимли ва режага асосан ташкилий ва амалий ишларни ҳарбий техник спорт турлари ва секциялари, «Ватанпарвар» бошланғич ташкилотларни ривожлантириш бўйича ишларни олиб бориш;

Б) доимий равишда ўз спорт, педагогик маҳоратини ошириш;

В) спорт билан шуғулланувчиларни ҳарбий Ватанпарварлик бўйича тизимли равишда ғоявий, сиёсий ишларни олиб бориш;

Г) ўз ижтимоий мажбуриятларини бажаришда спорт жамоалари учун намуна бўлиш, қатъий, талабчан, интизомли ва тартибли бўлиши;

Д) спортчиларни тайёрлаш бўйича тўғаракларда йўриқчи ёки спорт судьяси унвонини бериш.

Бу унвонга номзод ўқувчиларни назарий билимлари, ҳарбий техника асослари, мусобақалар тартиби, шунингдек мураббий кўрсатмасига кўра назарий машғулотлар ўтказишни маълум даражада билишни талаб этилади.

3. Ҳарбий амалий спорт турлари бўйича мусобақалар қоидалари.

б. «Саломатлик» мажмуасини бажаришда хавфсизлик чораларини эътибор қаратиш.

Ёшларни ҳарбий амалий тарбиясида оммавий техник ва ҳарбий амалий спорт турлари бўйича мусобақалар муҳим аҳамиятга эга.

Уларга граната отиш, кичик калибрли винтовкадан , пневматик қуроллардан отиш, меъёрлар топшириш бўйича машғулотни ташкил этадилар ва олиб борадилар. «Саломатлик» мажмуаси ҳарбий амалий кўпкураш, спортакиада, спорт байрамлари, ҳарбий спорт ўйинлари киради. Мусобақлар тасдиқланган намунавий қоидаларга асосан асосий ҳужжатларга кўра олиб борилади. Мусобақларнинг дастури мусобақа дастури, мақсади ҳамда вазифалари, вақти, гуруҳлар таркиби ва ғолибларни аниқлаш тартиби, уларни мукофатлаш тартиби, мусобақага қатнашувчилар рўйхати мусобақадан икки ой олдин тайёрланади. Мусобақа ўтказиладиган жойни ва унинг моддий асосини, ҳамда спорт майдонларини аниқ белгилаш зарур. Мусобақа иштирокчиларининг ёшлари қатъий ўрнатилган қоидаларга, яъни меъёрий юкламаларга кўра белгиланади. Мусобақага тиббий кўрикдан ўтказиб, бахтсиз ходиса содир бўлганда тез тиббий ёрдам кўрсатувчи малакали тиббиёт ходимлари қатнашиши шарт. Мусобақа якунига кўра ўқув юрти раҳбари алоҳида эътиборга молик қатнашчиларни, мусобақа ҳаками ва ташкилотчиларни рағбатлантириш бўйича буйруқ беради.

Мусобақларнинг муваффақияти кўпинча ташкилотчилик ва ҳакамлик ишларига боғлиқдир. Ўқув юртларида, яъни «Ватанпарвар» бошланғич ташкилотларида доимий амал қилувчи ҳакамлар қоидага мувофиқ ташкил этилади. Улар бош ҳакам, унинг ўринбосарлари ва котиби, спорт турлари бўйича катта судьялардан иборат бўлади. Бош ҳакамлар ҳайъати ўқув юртидаги мусобақалар бўйича ўқувчилар орасидан ҳакамлик тоифаларига эга бўлган ўқувчи ҳакамларни танлайди. Уларнинг тайёргарлигини назорат қилади ва малакаларини оширади. Ҳакамлар гуруҳини эгаллашда, яъни жойлашда ҳакамлар ҳайъати танловини ўтказиш зарур.

Масалан: 2 - разряд бериш учун 2 тоифадаги ҳакамлар ҳайъатида бўлиши керак. Ҳакамларни тайёрлашда аниқ мусобақалар учун улар билан амалий йўриқномалар ишлаб чиқади. Мусобақларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича техник, ҳарбий амалий спорт турларидан бахтсиз ходисаларни олдини олувчи ҳавфсизлик чораларини кўришга эътибор бериш шарт. Мусобақларни тайёрлаш ва ўтказиш жароаёни, унинг барча иштирокчилари ва ташкилотчилари шунга мувофиқ йўриқномага қатъий амал қилишлари шарт. «Саломатлик» мажмуаси меъёрларини бажариш ишини усталик билан ташкил этишда Қуролли Кучлар хизматларига ўсмирларни тайёрлаш ишлари бебаҳо ёрдам кўрсатади.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. «Саломатлик» мажмуаси ва унинг ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари хизматида тайёрлашдаги аҳамияти?

2. «Ёш куч» жимоний тарбия мажмуаси нечанчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган ва унинг меъёрлари?
3. «Спорт раҳбар ўринбосарлари» жимоний тарбия мажмуаси нечанчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган ва унинг меъёрлари?
4. «Куч ва ботирлик» жимоний тарбия мажмуаси нечанчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган ва унинг меъёрлари?
5. «Саломатлик» мажмуасини бажаришдаги хавфсизлик чоралари?
6. «Йўриқчи» унвони кимларга берилади?
7. «Йўриқчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
8. Мусобақаларни ўтказишда кимлар йўриқномага қатъий амал этишлари шарт?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Курс – босқич; Этап – олдинма-кетин келадиган босқич.

16. «Ҳарбий-спорт байрамини ташкил қилиш ва ўтказиш».

а. Ўқув юртларида ҳарбий-спорт байрамларини ўтказиш мақсади, вазифаси ва мазмуни.

Ўзбекистон Республикасининг Қуrolли Кучлар хизматига ёшларни тайёрлашда жисмоний тарбия, Ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий йўлланмаси ҳисобланади.

Бу ёшда мактабларда ташкилотчи сифатида жисмоний тарбия ўқитувчиси ва ҳарбий таълим ўқитувчиси қатнашадилар.

Ўқувчиларни жисмонан тайёрлашда ҳарбий таълим раҳбари ва жисмоний тарбия ўқитувчиси ўзининг ишида Халқ таълим вазирлиги, Мудофаа вазирилигининг буйруқ ва қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда иш олиб боришади.

«Ёшларни чакирувга қадар бошланғич тайёрлаш» 1999 й. нашри йўлланма ва кўрсатмалари ва Халқ таълим вазирлиги 72-сонли буйруғи 17.03.93 й. «Ҳарбий – спорт мусобақалари ҳақида», «Ватанпарвар», булар энг асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

Унда қуйидаги сўзлар айтилади:

Ўқувчи ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлар хизматига тайёрлаш мақсадида уларда Ватанпарварлик туйғуларини, ўз халқининг миллий ва тарихий қадриятларини ҳурмат қилиш ва она юртини ҳимоя қилишга тайёр туриш руҳида тарбиялаш.

1. Ҳар бир ўқув масканида қаерда чакирикқача ҳарбий тайёргарлик («Ёшларни чакирувга қадар бошланғич тайёрлаш») ўтказилса, 1.09.93 й. бошлаб

«Ватанпарвар» номли ҳарбий-спорт мусобақалари комплекси ўқувчи ёшларни Куролли Кучлар хизматига тайёрлашда сифатли равишда хизмат кўрсатади.

Мусобақаларда «Ёшларни чакирувга қадар бошланғич тайёрлаш» курсини ўтовчи йигитлар қатнашади.

Мусобақаларнинг тайёргарлиги ва ўтказилиши даражаси ёшларда Ватанпарварлик рухиятини, халқнинг буюк анъаналарига, тарихига содиқлик, Ватан химоясига доимо тайёр туришлик каби фазилатларини тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ бўлиш керак.

Мусобақаларга тайёргарлик жараёнида ёшлар ўқув-моддий базасини яратишади ва мустаҳкамлашади ва ҳарбий бўлинмаларга, ҳарбий ўқув юртларига боришади.

Ҳар қайси ўқув юртларида «Ёшларни чакирувга қадар бошланғич тайёрлаш» курси ўтказилса, ўша ерда «Ватанпарвар» ҳарбий спорт мусобақаларининг мажмуаси асосий ҳисобланади.

Мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишда вилоят ва туманлардаги химоялаш ишлари бўйича бошқарув ва бўлинмалар фаол иштирок этадилар.

Ҳарбий Ватанпарварлик ишларини мактаб (колледж, лицей)ларда яхшилаш ҳарбий-спорт байрамига тайёргарлик ва ўтказиш учун асосий туртки ҳисобланади. Унинг якуни бўлиб ҳар йили ўтказиладиган чакириқ олди тайёргарлик курслари ҳисобланади. Бу байрам «Ватанпарварлик» мусобақаларининг II-этап чегарасида ўтказилади. Унинг мақсади тантанали, байрамона кайфиятда чакирув олди тайёргарликни яқунлаш, қилинган ишларнинг яхши тажрибаларини умумийлаштириш, ёшларни ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик вақтидаги камчиликларини очиб ташлаш ва уларни йўқотишнинг йўллари аниқлаш. Байрам давомида ҳарбий таълимни ўрганишда юқори натижаларга эришган ўқувчиларни алоҳида айтиб ўтиш, ёшларни ҳарбий-техник билимларини эгаллаш ва янада ривожлантиришга чакириш.

Мусобақада 4 хил тур киритилади, улардан ҳар бирида команданинг ҳамма аъзолари иштирок этадилар. Мусобақа асосини лойиҳада кўрсатилган нормативлар ташкил этади.

Мусобақа албатта спорт формаси кийимида ўтказилади. 2 команда иштирокчиларини мусобақага тайёрлаш.

Ҳарбий-спорт байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш маълум режа тузиш асосида бошланади. Режа тузишда ўқитувчилар, ўқувчилар қатнашадилар (колледж, лицей).

Командаларни тайёрлаш методикаси қўйидагича:

«Ёшларни чакирувга қадар бошланғич тайёрлаш» нинг лойиҳада кўриб чиқилган нормативларини аъло даражада бажаришда ҳар йили синфда сентябрь, март ойларида йигитлар ўртасида мусобақа ўтказилади.

Март ойида синфлар бўйича юқори натижаларга эришган ўқувчиларда 5 кишилиқ командалар тузилади. Бу вақтга қадар ташкилий кўмита ҳарбий-спорт байрамининг ўтказилиш вақти ва турини аниқлаб, эълон қилади.

1 сентябрдан 15 сентябргача 10- ва 11- синфларда йиғилиш ўтказилади, бунда ўқувчилардан олдин ташкилий ҳужжатлар, мусобақа аҳволи ҳақида айтиб ўтилади.

Бунда 1-этап мусобақаларида ҳамма ўқувчиларнинг иштирок этиши алоҳида таъкидланади. Бу вақт ичида ҳарбий-спорт байрамини ўтказиш ва раҳбарлик қилиш учун ўқув юрти директори томонидан ташкилий кўмита тузилади.

Кўмита иштирокчилари сафига мактаб директори, унинг ўринбосари, жисмоний тарбия ўқитувчиси, ҳарбий таълим раҳбари, ўқитувчилар, мактабнинг совринли мусобақачилари ва фаол ўқувчилар киритилади.

Ташкилий кўмитанинг биринчи йиғилишида иш режаси кўриб чиқилади ва вазифалари тақсимланади. Ташкилий кўмита вақти-вақти билан (2 ойда 1 марта) синфларда ўтказиладиган мусобақанинг бориши ҳақида текшириб туриш режасини тузади.

Нормативларни бажаришда синфларда ўғил болалар ўзаро мусобақалашади. Уларни ташкил этиб, олиб боришда ҳарбий таълим ўқитувчиси бошчилик қилади.

Ҳарбий-спорт байрамини ўтказишдан 1 ой олдин, ҳарбий таълим раҳбари «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш»ни ўрганаётган ҳар бир синфдан 5 кишидан иборат команда тузиб, ташкилий кўмитага беради. Команда таркибига синфда 1 дан 5 ўринни эгаллаган ўғил болалар киради.

Ташкилий кўмита номзодларни кўриб чиқиб, керак бўлса, медицина ходимлари билан маслаҳатлашиб, у ёки бу номзодларнинг саломатлиги ҳақида текширув қабул нормативларини ўтказади ва командаларнинг мусобақада қатнашишига рухсат беради.

Таркибий қисм тасдиқлангандан сўнг, команда ўзига команда бошлигини сайлайди ва байрамга тайёргарлик кўради.

Ҳарбий-спорт байрамидан 1 ой олдин ташкилий кўмита мусобақанинг лойиҳасини эълон қилади.

Ҳарбий-спорт байрамининг ўтказилиши умумий қабул қилинган талабларга, шу жумладан медицина томондан ҳам жавоб бериши керак.

Техника ҳавфсизлиги қоидаларини сақлаш ҳар бир ўқувчининг натижаларини объектив баҳолаш, ҳар бир ўқувчига хулоса чиқариш, голибларни ва ташкилотчиларни мукофотлаш.

Ҳарбий-спорт байрами тантанали вазиятда ўтказилиши керак, бунинг учун бадий-жалб этувчи лойиҳани ўйлаб топиш, спорт майдончасини безатиш, очиқ чиқишларга спортчиларни таклиф қилиш, мусобақанинг мусиқали безагини ўйлаб топиш.

Ҳарбий-спорт байрамида мусобақа икки билим юрти ўртасида ўтказилиши мумкин, улар ёнма-ён жойлашган бўлса.

Бундай тадбирлар албатта чиройли ўтади. Ўқув юртининг директори «Ҳарбий-спорт байрамини ўтказиш ва тайёргарлик ҳақида, «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш» курсини тугашига бағишланган» буйругини ўрганиб чиқади.

Вариант

Буйруқ № -

«Ҳарбий-спорт байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш чақириқ олди курси ўқувчиларининг тугатишига бағишланган».

Ёшларнинг чақириқ олди тайёргарлиги ҳақида ва Халқ таълим вазирилигининг 72-сонли буйруғи ҳақидаги шартларга асосан:

БУЮРАМАН:

1. Ҳарбий-спорт чақириқ олди байрамини тайёргарлик курсларининг битиришига бағишланган ўқув юртининг майдонида ўтказиш режа асосида. Байрамни бошлаш _____

вақти.

2. Чақириккача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия курслари ўқувчиларининг ҳарбий-спорт тайёргарлик талаблари ҳажмидаги элементларини мусобақага киритиш.

Мусобақада қатнашиш учун 10-11- синфлардан тузилган командалар, ҳар бири 5 кишидан иборат бўлган командаларни иштирок этиши.

Курсларда ўқитиш нормаларига асосан баҳо қўйилади.

3. Мусобақага тайёргарлик учун, байрамни ўтказиш учун ташкилий қўмита белгилансин, таркибида раис – директор; аъзолар: ҳарбий таълим раҳбари, жисмоний тарбия бош ўқитувчиси, синфдан ташқари ишлар бўйича ташкилотчи, директор ўринбосари хўжаликлар бўйича ўринбосари, мусиқа ўқитувчиси, радиомарказ бошлиғи.

4. Ҳарбий раҳбар ва синфдан ташқари ишлар бўйича ташкилотчига байрам лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга, лойиҳа ва мусобақа шартлари юқорида айтиб ўтилган бўлимлар бўйича бўлиши шарт.

Маълум муддатгача зарур хизматларни тайёрлаш, тадбирларни ўтказиш жойи ва моддий таъминлаш.

5. Синф раҳбарларига командаларни тайёрлаш ва мусобақадан 1 кун олдин иштирокчиларга форма ва бошқаларни олиб келишни айтиш.

6. Ҳарбий таълим раҳбарига катта ўқитувчи ва жисмоний тарбия ўқитувчисига, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарига, мусобақа голибларига, ҳамда байрамн меҳмонларига фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар тайёрлаб қўйилсин.

7. Директор ўринбосари синфдан ташқари ишлар бўйича профсоюз секретари билан биргаликда жойни тематик кўргазмалар, керакли

8. Хўжалик ишлари бўйича иш олиб бориш учун тайёрланган кишини, мактаб директори моддий таъминлаши ва буфет ташкил этиши керак.

Байрамни ўтказиш методикаси.
курснинг тугатилишига бағишланган ҳарбий-спорт байрамининг
ўтказилиш лойихаси.

147

б. Мудофаа спорт соғломлаштириш лагерида ҳарбий-спорт байрамини ташкил қилишнинг асосий белгилари.

Мудофаа спорт соғломлаштириш лагерида ҳарбий-спорт байрами ўқув-дала йигинларининг охирида ўтказилади. Ҳарбий-спорт байрамининг умумий раҳбарлигини, химоя-спорт соғломлаштириш лагерининг бошлиғи олиб боради. Жисмоний тарбия кўмиталари томонидан таклиф этилганлар, ОСО «Ватанпарвар» химоя ишлари бўйича таклиф этилганлар билан биргаликда олиб борилади.

Байрамга туман фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, оталиқ ташкилотларнинг ҳарбий қисмлари ва ҳарбий ўқув юртининг ҳарбийлари, оналар ва ёшлар таклиф қилинади.

Байрамга тайёргарлик ва уни ўтказиш ишида мактаб ҳарбий таълим раҳбари фаол иштирок этиши зарурдир.

У мудофаа спорт соғломлаштириш лагери бошлиғи билан биргаликда байрамларни ўтказиш режасини тузади, спортнинг ҳарбий-техник тури бўйича иштирок этувчиларни танлаб, уларни тайёрлайди, безатиш ишлари бўйича ёрдам беради. Моддий ва медицина таъминоти бўйича саволларни ҳал этади, хайъат аъзоларини тайёрлаш ва бошқалар.

Ҳарбий таълим раҳбарининг асосий ишиқ - бу ишга иштирокчи ёшларни жалб этиш.

Мудофаа спорт соғломлаштириш лагерининг Қарши шаҳрида ўтказилган байрамидан намуна:

Байрамни лагер бошлиғи очди. Кейин Ўзбекистон Республикасининг гимни ижро этилди ва байроқ кўтарилди. Чақириқ олди тайёргарликнинг якуний ҳулосаси, ҳарбий билимларни эгаллашда янги ютуқларни лагер бошлиғи ўқиб эшиттирди.

Ўзининг қисқа тилаклари билан қатнашчи ёшларни туман Хоками табриклади.

Улуг Ватан уруши фахрийси, қатнашчи йигитнинг онаси, ҳарбий бўлинмадан келган меҳмонлар сўзга чиқишди. Жавоб нутқи билан «Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш» курсини юқори кўрсаткичлар билан тугаллаган ўқувчи қатнашди.

Йиғин сўнгида ўзларининг аъло даражадаги ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик ўқув машғулотлари пайтида намойиш этган ўқувчиларга мақтов ёрлиқлари топширилди.

Марш садолари остида ўқувчилар тантанали қадам босиб ўтадилар, ундан кейин байрамнинг ҳарбий-спорт бўлими бошланди. Жанговар техника ва қурулларнинг намойиши ўтказилади. Йигитлар спортнинг ҳарбий йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини кўрсатадилар. Бу ютуқлар келгусида жангчига керак

бўладиган сифат ва фазилатлар (ҳарбий спорт кураши, мотоциклни фигурали бошқариш, марш-бросок, югуриш, кийим ва қурол билан сузиш)дир.

Байрам ғолибларини мукофотлаш, бадий-хаваскорлик ансамбли концерти билан мусобақага якун ясаиб, тугалланади.

Ушбу мавзунини ўрганиш билан биз «ҳарбий-Ватанпарварлик тарбия асослари» курсини якунлаймиз.

Давлат имтихонларига яхши тайёрланиш, сизга ҳарбий таълим раҳбари вазифасида ўқув юртида ишлашингизда сизга албатта ёрдам беради деб ўйлаймиз.

ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:

1. Ўқув юртларида ҳарбий - спорт байрамирларини ўтказишдан мақсад?
2. Ўқув юртларида ҳарбий - спорт ўйинлари кимлар орасида ўтказилади?
3. Қўмита иштирокчилари сафига кимлар киритилади?
4. Ҳарбий - спорт ўйинларида ҳар бир команда неча кишидан иборат бўлади?
5. Мусобақалар лойиҳаси қачон эълон қилинади?
6. Ҳарбий - спорт ўйинларини ўтказишда хавфсизлик чоралари?
7. Ҳарбий - спорт ўйинларини нима асосида ўтказилади?
8. Ўқув юртларида ҳарбий - спорт ўйинларига ким бошчилик қилади?

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Резерв – захира; Декорация – безамок; Янги технология – янги техник жихозлар; Информация – маълумот.

Хулоса.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида: **«Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган барча хатарлардан, юртимизга қарши тузилаётган турли фитналардан ўз вақтида огоҳ бўлишимиз, уларни бартараф этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солишимиз зарур»** -деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат террорчи кучлар бирлашиб бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу борада ҳамкорликни кучайтиришни, бир

ёқадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик курашларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало ёшларимизнинг қалби ва онгига, соғлом тафаккурни сингдириш учун курашни тақозо этмоқда. Албатта ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳар бир инсонда ватанпарварлик хис - туйғуларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Чунки, Ватанпарварлик бу-юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, ўз куч имкониятимизга, ота-оналаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналарига суяниш, қадриятларни тиклаш, бир-биримизга елкадош бўлиш эҳтиёжини ҳар томонлама тушуниб етиш демакдир.

Ватанпарварлик, бу-Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни тузиш, табора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтариш, одамларнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунига бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишга ҳаракат қилаётган ғанимларга қарши кураш демакдир.

Жамият ривожлангани сари катта аҳамият касб этадиган маънавий қадриятлардан бири - ватанпарварлик туйғусидир. Ватанпарварлик она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилат. Ватанга, халқга бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишиларнинг қалбидан чуқур ўрин олади, фаолиятига таъсир этади.

Юртбошимиз уқтириб ўтганларидек, «Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуг бўлмоғи керак. Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шарафини қандай ҳимоя этишни, ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамини тайёр турмоғимиз даркор.

Улуг аجدодларимиздан муқаддас мерос бўлиб, келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин».

«Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси» фани ўқув материаллари асосида талабаларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш асосидаги билимлар билан бирга қуйидагиларга аҳамият бериш лозим. Ўтмишнинг илғор вакиллари фаолиятида халқчиллик, маърифатпарварлик, фидойилик, байналмилалчилик, инсонпарварлик билан бир қаторда, ватанпарварлик хис - туйғуларини шакллантириш ҳиссининг чуқур томир отганини кўриш.

Буюк аجدодларимиз фаолиятида, барча халқлар каби, ўзбек халқининг ватанпарварлик туйғулари сингиб ўз ифодасини топганлиги уқтириш зарур. Шундан кейин ўқитувчи талабаларга «Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси» фани

материалларини ўрганишда «Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси» асослари фани «Ҳарбий раҳбар фаолиятида ватанпарварлик ҳис туйғуларини шакллантиришнинг ўрни» мавзусида тестларда офицерлар таркиби, уларнинг психологик-педагогик тайёргарлигига Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари шахсий таркиби билан ишлаш бошқармасининг талабларини тушунтириб ўтиш ўринлидир.

Кекса Шайх Нажмиддин Кубро ўзи бош бўлиб, қасоскор халқдан лашкар тузиб, Урганч фукаросини душманга қарши жангга сафарбар қилади. икки томон ўртасида қаттиқ, беомон жанг бўлади. Шунда Шайх байроқни ушлаган ҳолда то сўнгги нафасига қадар уни қўлда маҳкам ушлаб боради. байроқни олиш учун Шайхнинг бармоқларини бир-бир кесиб олишга мажбур бўлган эканлар.

Дарҳақиқат, она Ватан озодлиги ва ҳурлигини ҳар нарсадан аъло билган марду майдон кишилар ҳар қандай мушкул ҳолатларга, мураккаб, жиддий вазиятларга дуч келмасинлар, бироқ улар охириги томчи қонлари қолгунча ўз аҳду паймонларига, эътиқодларига содиқ қола биладилар.

Бўлажак ҳарбий раҳбар «Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси» фан эканлиги, инсон яшаши ва унинг бевосита фаолияти тўғрисида тушунча. шахсий таркиб билан ишлаш жараёнида Ватанга бўлган муҳаббати, садоқат туйғусини уйғотиш, ўзини англаш каби билимларнинг ўрни. «Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси» фани методлари. «Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси» фанининг вужудга келиши ва ривожланиши, ҳозирги замонда тутган ўрни. «Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси»нинг методологик ва илмий назарий асослари. «Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси»нинг бошқа предметлар билан алоқаси ҳақидаги билимларга эга бўлишлари даркор.

Мисол тариқасида, Республикамиздаги 1999 йилги 16 февралдаги, ҳамда Андижондаги воқеалари чиндан ҳам қўпоровчиликдан ўзга нарса эмаслиги, қуролланган террорчиларнинг тинч аҳолини гаровга олиб, ҳокимият биносини ишғол қилиши, ён-теварақда уруш оловини ёқиб, биноларга ўт қўйиши, эгалланган майдондаги қон халқоблари ва бегунох кишиларни тўплаб, террорчи тўдалар айтганларини қилмаганларни эса ваҳшийларча қийнашлари, отиб ўлдиришлари бу даҳшат, қонхўрликдан ўзга нарса эмаслиги, бундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш нақадар зарур эканини барчамиз англаб олмоғимиз керак.

Зеро, Президентимизнинг таъбири билан айтганда: «Ҳозир энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз азоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр – садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий во ўмумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир».

Аудиториядан ташқари ишларда талабаларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда уларнинг олган билимларини амалий ҳаётга

тадбиқ қилишлари учун аниқ мақсад асосида мунозаралар ўтказиш жуда аҳамиятлидир.

Дарс-машғулоти вақтида талаба шу мавзу бўйича ўз билганларини эркин ҳолда гапириб бериши, мунозара талабага мураккаб масалаларни тушуниб олишга, ўз тушунчасини ўртоқлари олдида намойиш қилишга ва билим доирасининг кенгайишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари. Тошкент. “Ўзбекистон” 1996.
4. Насриддинов Ч.Р. Ҳарбий психология. Тошкент. «Фан» нашриёти 2004.
5. Саъдулла Отамуродов, Сарвар Отамуродов. Ўзбекистонда маънавий – руҳий тикланиш. Тошкент. «Янги аср авлоди» нашриёти 2003.
6. Ҳарбий - Ватанпарварлик тарбияси асослари. «Маърифат» нашриёти 1988.
7. Э.Умаров, М.Абдуллаев. Маънавият асослари. “Шарқ” нашриёти 2005й.
8. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг Д-7, Д-16, Д-17 кўрсатмалари. 2003й.
9. Иноятов И.Ю., Абилов М.Х. «Ватан ҳимояси муқаддас бурч» Тошкент. “Ўзбекистон”. 2001й.
10. Республика маънавият ва маърифат маркази «Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайдиган». Тошкент. “Ўзбекистон”. 2006й.

МУНДАРАЖА:

Сўз боши..... 3

I-боб

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мазмун моҳияти.....	5
Олий ва ўрта махсус таълим масканларида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил қилиш ва ўтказиш.....	14
Ўрта ўқув юртларида ва мудофаа спорт соғломлаштириш лагерларида оммавий мудофаа ишларини ташкил этиш ва олиб бориш.....	30
Ўрта таълим муассасларида ва мудофаа – спорт соғломлаштириш лагерларида ҳарбий – ватанпарварлик ва мудофаа - оммавий ишларни режалаштириш.....	35
Ўқувчиларни халқ меҳнати ва жанговар анъаналарига таяниб, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.....	43
Халқ меҳнат ва жанговар шон-шухрати жойларига сафарлар ташкил этиш ва ўтказиш.....	51

II-боб

Қуролли Кучлар, меҳнат фахрийлари ҳамда захирадаги жангчилар билан мавзули кечаларни ташкил этиш ва ўтказиш.....	60
Ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича назарий конференцияларни тайёрлаш ва ўтказиш.....	67
Ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича маъруза, реферат, доклад ва режа-конспектлар ишлаб чиқиш услуби.....	73
Ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида бадиий адабиёт, кино, театр ва тасвирий санъатнинг роли.....	79
Ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музейларнинг роли.....	87

III-боб


Ҳарбий-спорт ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш.....	92
Ҳарбий қисмларда бўлиш ва ҳарбий хизматчилар ҳаёти билан танишишни ташкил этиш ва ўтказиш.....	111
Ҳарбий ўқув юртлари.....	120
Ҳарбий Ватанпарварлик тарбиясининг асослари.....	128
Ҳарбий-спорт байрамини ташкил қилиш ва ўтказиш.....	133
Хулоса.....	139

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ва ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**подполковник СОТИБ-АЛДИЕВ Абдукодир Абдушокирович
подполковник МАМУРОВ Улуғбек Ибрагимович**

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ



ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2007 й

